

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИНГ СОДИР ЭТИЛИШ САБАЛари
ва имкон берган шарт-шароитлари. мазкур
жиноятнинг олдини олишда ва қарши курашишда
ички ишлар органларининг фаолияти**

Республика илмий-амалий конференция тўплами

ТОШКЕНТ-2022

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака оширии институти
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

*Масъул мұхаррір
техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов
Таҳрір ҳайъати:*

О-40 Одам савдоси жиноятининг содир этилиш сабаблари ва имкон берган шарт-шароитлари. мазкур жиноятнинг олдини олишда ва қарши курашишда ички ишлар органларининг фаолияти: Республика илмий-амалий конференция түплами / Масъул мұхаррір техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022. – 259 б.

Мазкур түпламда 2022 йил 2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида ўтказилган “Одам савдоси жиноятининг содир этилиш сабаблари ва имкон берган шарт-шароитлари. мазкур жиноятнинг олдини олишда ва қарши курашишда ички ишлар органларининг фаолияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясининг материаллари ўрин олган бўлиб, унда Одам савдоси жиноятларининг содир этилиш сабаблари ва имкон берган шарт-шароитлари мазкур жиноятнинг олдини олишда ва қарши курашишда ички ишлар органларининг фаолиятига бағищланган мақолалар берилган.

Тўплам профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, амалиёт ходимлари, тингловчилар ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

*Мақолалар мазмуни ва фактларнинг тўғрилиги учун муаллифлар
масъулдирлар.*

УДК: 343.43 (035.3) (575.1)

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022.

КИРИШ СЎЗИ

Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмонлар ва конференция иштирокчилари!

Ушбу тадбир доирасида Сизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман. Барчангизга ўзимнинг чексиз ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, Сиз азизларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Республика илмий-амалий конференциянинг долзарблиги “**Одам савдоси жиноятининг содир этилиш сабаблари ва имкон берган шартшароитлари. Мазкур жиноятнинг олдини олишда ҳамда унга қарши курашишда ички ишлар органларининг фаолияти**” деб номланишидан ҳам яққол кўриниб турибди.

Бугунги кунда глобал муаммога айланган одам савдосига қарши кураш нафақат маҳаллий, балки халқаро даражадаги инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлашдаги асосий масалалардан биридир. Ачинарлиси, ушбу иллатни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари олиб борилишига қарамай, миллионлаб инсонлар одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Мазкур жиноятнинг ривожланишига сабаб, дунёда бўлаётган омиллардан бири фуқароларнинг хорижга бориш ва меҳнат қилишнинг тартиб-қоидалари хусусида етарлича ҳуқуқий маълумотларга эга бўлмаслиги айни кунда фирибгарлар тузоғига илиниб қолишига замин яратмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳам одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди ҳамда 2008 йилнинг 17 апрелида “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, 2020 йил 17 август куни мазкур қонуннинг янги таҳрири жорий этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 60-сонли ва 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 240-сонли қарорлари асосида жабрланганларга тиббий, психологик, ижтимоий ва хукуқий ёрдамлар кўрсатилиши бўйича миллий тизим белгиланди.

Одам савдосига фақатгина Ўзбекистон Республикасининг муаммоси сифатида қарашимиз нотўғри бўлади, чунки ҳозирги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб бутун дунё ҳамжамиятини ҳавотирга солмоқда.

Энг ачинарлиси, одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг кенг қулоч ёзишига: аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтоҷ қатламлари - ишсиз юрган фуқаролар, шахсий ҳаётида кўп қийинчиликларга учраган аёллар ва ота – онасининг эътибори ва қарамоғидан четда қолган вояга етмаган шахсларнинг гўёки уларнинг муоммоларини ҳал қилган каби кўриниб, ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланаётган ҳолатларни мисоллар тариқасида айтиб ўтишимиз мумкин.

Мисол учун, ҳалқаро ташкилотларнинг 2021 йилнинг якунига кўра берган ҳисботларидан келиб чиқиб дунёнинг 175 мамлакатида одам савдоси жиноятларидан 164 миллат вакиллари жабрланган бўлиб, шундан, **108,613 нафари** маънавий ва жисмоний тарзда зарар кўрганлиги тўғрисида маълумотлар қайд этилган бўлиб, ушбу кўрсатгичнинг **50 фоизини** 26 ёшгача фуқаролар ташкил этса, хар **10 нафар** жабрланган шахсларнинг **5 нафари** аёлларга тўғри келаётганлиги, энг ачинарлиси ўша 5 нафар аёлларнинг **2 нафари** қиз болаларга тўғри келмоқда.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси **“Одам савдоси бўйича 2021 йилги”** ҳисботига кўра мамлакатимизда одам савдосига қарши қурашиш ва унинг профилактикасини амалга ошириш борасида ижобий ишлар амалга оширилганлигини такидланган. Хусусан, Республикамиз томонидан бугунги кунгача ўтказилган **«Мехр-1, 2, 3, 4, 5»** операциялари доирасида Суря, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволга тушиб қолган **531 нафар аёллар ва болалар** Ўзбекистонга олиб келинди.

Бундан ташқари, расмий жабрдийда мақомига эга бўлган эркаклар, аёллар ва болаларга мўлжалланган одам савдоси жабрдийдалари маркази

фаолиятини таъминлаш учун давлат томонидан **1,2 миллиард сўм (\$114 590)** ажратилди.

Шунингдек, чет эллардаги меҳнат мигрантлари, жумладан, мажбурий меҳнат жабрдийдаларига кўмак бериш мақсадида **8,5 миллиард сўмлик (\$811 690)** маблағ ажратилди.

Хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сайъи ҳаракати билан Республика миқёсида 2021 йилнинг якунига кўра **150 нафар** одам савдоси жабрдийдаси аниқланди, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан **63,3 фоизга** ошган. Аниқланган жабрдийдаларнинг 138 нафари аёллар ва 12 нафари эркаклар ҳисобланади.

Мазкур шахсларнинг жабрланиш сабабига кўра тақсимланганда, уларнинг орасида 89 нафари жинсий эксплуатация билан шугулланишга, 12 нафари мажбурий меҳнатга жалб қилиниб ўз хоҳишига қарши эксплуатация қилинган, қолган 49 нафар бошқа сабабларга кўра жабрланган.

Айтиш лозимки, бугунги кунга келиб одам савдосининг авж олишига, яъни инсонни қандайдир бир буюм сифатида, таъбир жоиз бўлса инсонни олди-сотдининг обьекти сифатида фойдаланилиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига нималар сабаб бўлмоқда?

—одам савдоси каби ноқонуний фаолият тури бир ёки бир неча аъзолардан иборат гурухларнинг сердаромад манбасига айланиб бораётгани, яъни уларнинг ҳеч қандай оғир ва машаққатли меҳнатларсиз мўмай даромад олишга уринаётганлиги;

— одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг соддалиги, ўзининг, яқинларининг тақдирига ва келажагига бефарқлиги, лоқайдлигида. Яъни энг олий неъмат ҳисобланмиш эркин ҳаёт тушунчасига нисбатан енгил ва бепарволик билан қарашлари оқибатида ушбу одам савдосини амалга оширувчи жиноятчиларнинг ўлжасига, аниқроғи уларнинг осон даромад манбаига айланиб қолмоқдалар;

— одам савдосини амалга оширувчи жиноятчи шахслар ўзларининг танишлари, яқин қариндошларига нисбатан, яъни уларнинг ишончига кириб олиб, уларнинг одам савдосини қурбонига айланиб қолишига сабабчи бўлаётганлигида;

— одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг ор-номус қилиб, кўрган хўрликлари, уларга нисбатан ишлатилган турли хилдаги жисмоний ёки рухий тазииклар ҳақида ёхуд ўзининг ноқонуний равишда чегарани бузиб чиқиб, чет давлатда ҳеч қандай рўйхатдан ўтмасдан,

ноқонуний меҳнат фаолиятини амалга оширганлигидан қўрқиб булар ҳақида хукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги.

Бугунги кунда, одамфурушлар ўзининг ватандошларини Яқин Шарқ, жумладан, Бахрайн, Эрон ва Бирлашган Араб Амирикларида; Европа, жумладан, Эстония, Грузия, Латвия, Молдова, Россия ва Туркияда ҳамда Марказий, Шарқий ва Шарқий Осиё, жумладан, Қозогистон, Шри-Ланка ва Таиландда мос равишда жинсий алоқа ва мажбурий меҳнат борасида эксплуатация қилмоқда.

Ўзбекистон фуқаролари ушбу давлатларда қурилиш, транспорт, нефт ва газ, қишлоқ хўжалиги, чакана савдо ва озиқ-овқат соҳаларида мажбурий меҳнатга дучор бўлиб, оғир шароитларда яшаш ва ишлашга мажбурланиб, уларга ваъда қилинган маошлари берилмаслик ҳолатларига дучор бўлишмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган маълумотлардаги муаммаларга асосланиб одам савдоси жиноятларига қарши курашиш, уни барвакт профилактикасини амалга ошириш борасида мавжуд тўсиқ, муаммо ва камчиликларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидек муҳим вазифалар давлат органлари ва мансабдор шахслар олдида турибди.

Ўйлайманки, бугунги ўтказилаётган конференция одам савдоси жиноятларига қарши курашиш, профилактикасини амалга оширишга доир ички ишлар органлари ва бошқа давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳамда уларга юклатилган вазифаларни ижросини самарали таъминлашга ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларни мантиқий изчилликда давом эттириш учун энг мақбул йўллар ва чораларни белгилаб олишга хизмат қиласи.

O.T.Ахмедов

Ўзбекистон ИИВ Малака ошириш институти
бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент

Сатторов Алишер Ярашевич
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий суди судяси.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбланган шахсларни реабилитация қилишда жиноят процессида юзага келиши мумкин бўлган айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умумисоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланниши белгилаб қўйилган. Конституциянинг 26-моддасига кўра эса, ҳеч ким қийноқقا солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийикка дучор этилиши мумкин эмас. Бу тамойил БМТнинг 1948 йил 10 декабрдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 5-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунинг учун ҳам бошқа шахслар томонидан инсоннинг юқорида баён қилинган дахлсиз ҳуқуқларини чеклаб ёки уларни поймол этиб, шахсларни эркига қарши мажбуран фойдаланган ҳолда бирон-бир моддий манфаат кўришлари қонунчилик билан тақиқланган.

Одам савдоси – бу инсоният учун янги тушунча эмас, балки тарихий асрлар давомида шаклланиб келган фаолият тури ҳисобланади. Тарихдан маълумки, барча давлатлар ҳудудида қуллар савдоси мавжуд бўлган ва бизнинг жамиятимизда унутилган ўтмиш сифатида қаралиб келинган. Лекин ҳозирги кунга келиб, қулликнинг «замонавий» шакллари учрай бошлади. Одам савдоси ҳам қулликнинг замонавий усули бўлиб, қул савdosининг янги туридир.

Аксарият ҳолларда аёллар ва болалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлами одам савdosининг қурбонига айланишади. Айрим давлатлар иқтисодий тараққиётида катта тафовутнинг мавжудлиги, шу билан бирга, одамларни меҳнатга мажбуrlаш ва арzon ишчи кучини жалб этиш орқали харажатларни камайтириш ҳамда фойдани кўпайтиришга интилиш, гендер тенгсизлик муаммоси кабилар ушбу жиноятнинг авж олишига сабаб бўлмоқда.

Жиноий фаолиятнинг мазкур тури кўп ҳолларда трансмиллий характер, глобал миқёсига эга. Глобал муаммога глобал миқёсда кураш олиб бориш

керак. Бунинг учун эса давлатлар бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириши, ўзаро тажриба алмашиши мухим аҳамиятга эга. Чунки мазкур жиноят асосан уюшган гурӯхлар томонидан содир этилиб, гурӯхларнинг айримлари бир давлатда жабрланувчиларни топиш билан шуғуланишса, айримлари бошқа давлатда жабрланувчилардан фойдаланишади.

Одам савдоси ҳар қандай жамиятда ва ҳар қандай шароитда илдиз отиб кетиши мумкин бўлган, ижтимоий хавфлилик даражаси ниҳоятда юқори ҳисобланувчи, уюшганлик хусусияти билан тавсифланувчи ҳамда бошқа оғир ва ўта оғир жиноятлар билан биргаликда содир этилувчи жиноий қилмиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида одам савдосини квалификация қилувчи белгилар 135-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган. Агар жиноят: а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали; б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан; в) ожиз ахволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан; г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан; д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; е) бир гурӯх шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда; з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда; и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек, жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда; к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, айбдорларнинг ҳаракатлари 135-модданинг иккинчи қисми билан квалификация қилинади. Агар жиноят: а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса; б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса; в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса; г) уюшган гурӯх томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, айбдорларнинг ҳаракатлари юқоридаги модданинг учинчи қисми билан квалификация қилинади.

Амалиётда айрим ҳолатларда мазкур тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ва судда кўрилишида мазкур жиноятни содир этган шахслар томонидан далилларни қалбакилаштириш, жиноят иши бўйича шахси аниқланмай қолган жиноятчиларнинг тазиёки остида жабрланувчиларнинг кўрсатувларини ўзgartирилишига эришгани натижасида айбсиз жиноят

қурбонлари ёки гувоҳларининг ҳам жавобгарликка тортилганлик ҳолатлари ҳам учраб туради.

Маълумки жиноят процессуал кодексининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатлиги кўрсатилган. Аммо мазкур вазифаларга киритилмаган ноҳақ айбланган шахснинг ҳукуқларининг тикланиши, яъни реабилитация қилиниши ҳам алоҳида бобда кўрсатилиб, ҳукукий оқибати жихатидан мазкур кодекснинг вазифаси сифатида қаралишига тўқсинглик қилмайди.

Амалиётда кўп ҳолатларда ишни судга қадар юритиш босқичи ёки суд муҳокамаси давридаги муддатларнинг чекланганлиги, трансмиллий характердаги одам савдоси жиноятини содир этишга алоқадор бўлган шахсларни доирасини аниқ ва тўлиқ аниқлаш имконини чеклайди ҳамда бунинг оқибатида далилларнинг етрали эмаслиги ёки олинган далилларнинг текширилиши учун кўп вақт талаб қилиниши натижасида, ишдаги мавжуд далиллардан келиб чиқсан ҳолда (бошқа давлатлардаги ҳолатларга баҳо берилмасдан) жиноий ҳодиса иштирокчиларнинг ҳаракатларига баҳо берилади ва бунинг оқибатида шахсларнинг айблилик даражасини исботлашда айрим хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Шу сабабли, бу тоифадаги жиноятларни содир этганликда ноқонуний айбланган шахсларнинг бузилган қонуний ҳукуқ ва манфаатларини тиклаш ҳам жиноят процессида долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб, уни амалга оширишда юзага келадиган муаммоларни қонуний ечимини топиш учун мазкур масалани чукур ўрганиш лозим бўлади.

Шахснинг айбсизлиги ҳақида процессуал қарорни ва реабилитация қилинишига бўлган ҳукуки қайси босқичда эътироф этиши, шахснинг ҳукуқларини тиклаш масаласи қайси мансабдор шахс томонидан ҳал этилишидан қатъий назар мазкур ҳукукий муносабатларда жавобгар субъект ҳар доим давлат бўлади.

Ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади. Шахснинг айбсизлиги ҳақида жиноят процессининг барча босқичларида шу жумладан ишни судга қадар юритиш босқичида тегишли қарор қабул қилиниши мумкин. Масалан ЖПКнинг 83-моддасида кўрсатилган асослар жиноят иши

қўзғатишни рад қилинганида шахс терговга қадар текширув босқичида унга нисбатан қўлланган процессуал мажбурлов чоралари масалан ноқонуний ушлаб туриш натижасида етказилган зарарни ундириш хуқуқига эга бўлади. ЖПКнинг 22-моддасига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айборлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Яъни ишни судга қадар юритиш босқичида асосий мақсад объектив ҳакиқатни аниқлашга қаратилган бўлиб, ЖПКнинг 83-моддаси 3-бандига асосан жиноят иши тугатилганида амалда объектив ҳакиқат аниқланмасдан қолади, бироқ айбизлиқ презумпцияси талабларидан келиб чиқиб жиноят ишининг бир қисми тугатилади. Бироқ жиноят процессининг мақсадларига тўлиқ эришилмаганлиги, яъни жиноят фош этилмаганлиги сабабли, суриштирув ёки тергов умумий тартибда давом этади. Ишни судга қадар юритиш босқичида реабилитациянинг қуидаги хусусиятларини ажратиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан жиноят ишини тугатиш ҳакида қарор расмий характерга эга бўлиб, шахс ва давлат ўртасида жиноят-процессуал муносабатларнинг якунланганлигини расман эълон қиласди;

иккинчидан шахснинг айбизлигини расман эътироф этиш мажбурияти ва унинг аниқ шакли қонун билан белгиланган;

учинчидан жиноят ишини тугатиш ҳакида қарор суднинг оқлов хукмига тенглаштирилган ягона процессуал хужжат ҳисобланади ва давлатнинг шахсга нисбатан даъвоси йўқлигини расман эътироф этади.

Илмий адабиётларда жиноят ишини тугатишнинг моддий хуқуқий ва процессуал асослари ажратилади. ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандлари иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги, шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги моддий-хуқуқий асос ҳисобланади, яъни ушбу масала жиноят қонуни асосида ҳал этилади. Бироқ, ЖПКнинг 83-моддасида кўрсатилган асос, яъни шахснинг содир этилган жиноятга дахли йўқлиги аксарият ҳолларда процессуал асос, яъни шахснинг айблилигини тасдиқловчи етарли далиллар мавжуд эмаслиги ва айбизлиқ презумпцияси билан боғлиқ бўлади.

Реабилитация хуқуқини берувчи процессуал хужжатларни шартли равища икки гурухга ажратиш мумкин:

а) Суд қарорлари; б) Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг жиноят ишини тугатиш ёки қўзғатишни рад қилиш ҳакида қарорлари.

Бироқ мазкур процессуал ҳужжатларнинг ҳуқуқий табиати ва шахс учун ҳуқуқий оқибатларида жиддий фарқ мавжуд. Сиртдан қараганда ҳар иккала процессуал қарорларнинг ҳуқуқий оқибати бир хил-шахснинг реабилитацияга бўлган ҳуқуқини эътироф этишдан иборат. Бироқ уларнинг кучга кирадиган вақтида фарқ бор.

Суд ажримлари қонуний кучга киргандан сўнг унинг қонунийлигини кўриб чиқишининг алоҳида тартиби мавжуд.

Бироқ суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори қабул қилинган вақтдан кучга киради бироқ, исталган вақтда назорат қилувчи прокурор томонидан бекор қилиниши мумкин. Мисол учун, одам савдоси жиноятини содир этганликда гумон қилинаётган шахснинг ҳақиқатдан ҳам мазкур жиноятни содир этишга алоқадорлигини исботлаш учун жабрланувчи эксплуатация қилинаётган чет давлатдаги далилларни тўплаш лозим бўлса-да, бироқ бу учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга қонунчиликда белгиланган муддат етмаслиги терговчи томонидан бу шахсга нисбатан жиноят ишини қисмини ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатишга сабаб бўлади. Лекин тергов органини назорат қилувчи прокурор томонидан мазкур қарор, мавжуд далилларга асосланган ҳолда бекор қилиниши мумкин. Бу ўз-ўзидан реабилитация ҳуқуқини бекор бўлишини англатади. Яъни, ушбу ҳолатнинг реабилитация қилинган шахсларнинг teng ҳуқуқли эканлигига таъсир қиласди.

Судга қадар иш юритиш жараёнида чиқарилган жиноят ишини тугатиш ҳақида қарорнинг судга оид эмас, айнан квазисуд табиати тегишли қарорни бекор қилишнинг худди ҳукм ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида суднинг қарорини бекор қилиш каби суд-инстанцион тартиби (апелляция, кассация) кўзда тутилмаслигидан намоён бўлади. Бунда прокурор ёки тергов органи раҳбари ушбу қарорни жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари доирасида нафақат манфаатдор шахсларнинг шикояти асосида балки ўз ташаббуси билан бекор қилишга ваколатли бўлиб, суд-инстанция мантиғига кўра судлар учун буни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Суд томонидан реабилитация қилинган шахслар, ҳукм (ажрим) қонуний кучга кириши билан ўзининг ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин. Терговчи ва прокурорнинг қарорига асосан оқланган ўз ҳуқуқларини амалга оширишда реабилитация қилиш ҳақида қарор бекор қилинишидан ҳадиксираб туради, шу сабабли кўп ҳолларда ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечади.

Баъзида, бир неча йиллардан сўнг қонунда белгиланган асослар бўйича қабул қилинган жиноят ишини тугатиш ҳақида қарорлар яна ўша қонунда белгиланган асослар бўйича бекор қилиниб, шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Бироқ суд муҳокамаси босқичида оқлов хукмини ёки ишни тугатиш ҳақидаги суд ажримини жазонинг енгиллиги ёки оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги муносабати билан янги ҳолатлар ва кассация тартибида қайта қўришга бир йилдан кечиктирилмаган ҳолда йўл қўйилади.

Шу сабабли, ЖПКда ишни судга қадар юритиш босқичида қабул қилинган жиноят иши қўзғатиши рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақида қарорни бекор қилишга фақат бир йилдан кечиктирилмаган ҳолда, ЖКда белгиланган жиноий жавобгарликка тартиш муддатлари доирасида йўл қўйилишини аниқ белгилаш зарур. Бу ўзларига нисбатан жиноят иши тугатилган шахснинг муаллақ ҳолда йиллар давомида сарсон бўлишининг олдини олади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан жиноят ишини реабилитация қилувчи асосларсиз тугатилишини Конституциянинг 26-моддаси, ЖПКнинг 23-моддасида белгиланган жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айборд ҳисобланмаслиги ҳақидаги қоидага мувофиқ эмаслигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ишни судга қадар юритиш вақтида жиноят ишини тугатиш жараёнида суд муҳокамасидаги процессуал кафолатларнинг мавжуд эмаслиги, мазкур қарорларнинг қонунийлигини шубҳа остига олишга асос бўлади.

Дастлабки тергов ва судда аниқланган ҳақиқат ўртасида фарқ унинг характеристи, исботланганлик даражасида эмас, балки у келтириб чиқарадиган ҳуқуқий оқибатлардadir.

ЖПКда баъзи асослар бўйича жиноят ишини тугатиш масаласи суриштирувчи ва терговчининг ихтиёрида қолдирилиб, бошқа асослар бўйича судга берилган.

Мазкур масала юзасидан мунозаранинг асл маъноси, жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор шахсни айборд деб топиш ҳисобланадими, деган саволга бориб тақалади.

Амалда жиноят ишини тугатиш ҳақида қарорда, терговчининг шахснинг муайян жиноятни содир этганлиги ҳақида хулосаси албатта мавжуд бўлади, сабаби жиноят ишини тугатиш асослари кўпинча шахсга нисбатан қўлланади (масалан шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб

эътироф этилганлиги, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган заарни бартараф қилганлиги) ва муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради.

Шунга қарамасдан, мазкур нуқтаи назар ва ишни судга қадар юритувчи органлар томонидан жиноят ишини реабилитация қилувчи асосларсиз тугатилиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасига, яъни ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгалиги тўғрисида қоида ва Конституциянинг 26-моддасида белгиланган жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айборд ҳисобланмаслиги ҳақида қоидага мувофиқ эмас. Сабаби, ишни судга қадар юритиш жараёнида шахснинг ўзига нисбатан иши мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи ЖПКда мустаҳкамланмаганлиги сабабли гумон қилинувчи ва айбланувчиларга тушунтирилмайди, бу эса шахсни ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имконини аниқроғи жиноят ишини тугатишга розилик берган вақтидаги процессуал эркинлигини чеклайди.

Амалиётда шахснинг реабилитацияга бўлган ҳуқуқини бузиш ҳолатлари аксарият ҳолларда жиноят иши ЖПКнинг 83-моддасида белгиланган асослар бўйича тугатилиши зарур бўлган ҳолларда, ЖПКнинг 84-моддасига асосан тугатилиши билан боғлиқ. Яъни баъзан суриштирувчи ва терговчилар жиноят иши ноқонуний қўзғатилганлиги, процессуал мажбурлов чораларини ноқонуний қўлланганлигини яшириш мақсадида, шахснинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги ёки ҳимоячиси йўқлигидан фойдаланиб, ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандида кўрсатилган (ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиши пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса) асос билан жиноят иши тугатиш ҳолатлари мавжуд.

Бундан ташқари аксарият ҳолларда тергов органлари раҳбарлари томонидан, ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни реабилитация қилиниши ижобий ҳолат сифатида эмас, балки иш юритишдаги салбий ҳолат сифатида баҳоланади.

Албатта шахсга айблов қилингандан сўнг жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатилишининг сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш келгусида айбсиз шахсни жавобгарликка тортилмаслигини аниқлашга қаратилган бўлиб, терговчи ёки суриштирувчининг профессионал тайёргарлиги натижаси пастлиги ҳам бунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Бироқ баъзида жиноят ишини реабилитация қилувчи асосларга кўра тугатиш, ишнинг фактик ҳолатларидан келиб чиқади, объектив асосларга эга ва суриштирувчи, терговчининг ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Бундай ҳолларда аслидаadolatli бўлган қарор ижобий натижага сифатида баҳоланмайди, бу эса суриштирувчи ва терговчиларнинг онгига салбий таъсир қилиши, келгусида айнан шундай вазиятдиadolatli ва асосли қарор қабул қилишига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг жиноят ишини тугатишнинг ЖПКнинг 83 ва 84-моддаларида кўрсатилган асосларнинг моҳияти билан уларни қўлланиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар ўртасидаги фарқни ажратадолатli олмасликлари ушбу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири эканлиги ҳақида фикрга қўшилган ҳолда аксарият ҳолларда ушбу масалада суриштирувчи ва терговчининг позицияси ҳал қилувчи ўрин тутишини таъкидлаш зарур. Сабаби бундай салбий ҳолатлар жиноят ишини тугатишнинг ҳуқуқий оқибатларини атайлаб тушинтирмаслик, айблилик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатишга розилик бериши учун гумон қилинувчи ва айбланувчига босим ўтказиш, агар иш судда кўрилса уни оғирроқ жазо кутиши билан қўрқитиши натижаси бўлади.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 83-моддаси билан тугатилган жиноят ишларидан қанчаси бўйича шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чоралари қўлланганлиги, ҳуқуқлари тикланган-тикланмаганлиги юзасидан аниқ статистик маълумотлар юритилмайди. Албатта бундай ҳолатлар суриштирув ва терговнинг сифатига бевосита баҳо бериш учун асос бўлувчи маълумотлар бўлганлиги сабабли доимий равишда таҳлил қилиб борилиши талаб этилади.

Ходжабаева Наргиза Исаковна
ИИВ ҳузуридаги Тергов
департаменти ўта муҳим ишлар
бўйича терговчиси, подполковник

Одам савдоси жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Бугунги кунга келиб халқаро терроризм, наркотрафик ва одам савдоси сингари трансмиллий жиноятларнинг инсон хавфсизлигига хуруж қилаётгани боис, улардан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда.

Хозирги кунда мазкур ҳужжатлар одам савдосига қарши курашиш соҳасида энг мукаммал халқаро ҳужжатлар деб эътироф этилади. Конвенцияни 147 давлат ратификация қилган, унинг Протоколини эса 124 та давлат (2008 йил декабргача бўлган маълумот), шу жумладан Ўзбекистон ратификация қилган.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, ўз хусусиятига кўра, латент характерга эга. Чунки одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазиик ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар. Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутилиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади.

Таҳлилларга кўра, Республика худудида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар **2018** йилда **197** та (чақолоқ савдоси 47 та, шахвоний мақсадларда 114 та, мажбурий меҳнат кўринишида 36 та), **2019** йилда **187** та (чақолоқ савдоси 39 та, шахвоний мақсадларда 94 та, мажбурий меҳнат кўринишида 54 та), **2020** йилда **138** та (чақолоқ савдоси 39 та, шахвоний мақсадларда 88 та, мажбурий меҳнат кўринишида 11 та), **2021** йилнинг 2 ойида **24** та (чақолоқ савдоси 11 та, шахвоний мақсадларда 11 та, мажбурий меҳнат кўринишида 2 та) жиноятлар содир этилганлиги аниқланган.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноят иши юзасидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар:

Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларида қуйидагилар исботланган бўлиши керак:

- 1) жиноят обьекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;
- 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек, Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- 3) жиноятни ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;
- 4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;
- 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Суд-тергов амалиёти натижаларининг таҳлил этилиши одам савдоси жиноятларининг уюшган гурух аъзолари томонидан бир неча босқичларда содир этилишини кўрсатади.

1-этап – жабрланувчиларни ёллаш, хужжатларни расмийлаштириш;

2-этап – чегарадан (қонуний ёки ноқонуний) ўтказиш;

3-этап – чет мамлакатда жабрланувчиларни кутиб олиниши, хужжатларини олиб қўйилиши, сотилиши;

4-этап – сотиб олиниши ва эксплуатация қилиниши.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар аксарият ҳолларда уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилишини ҳисобга олган ҳолда уюшган жиноий гуруҳларнинг асосий белгилари сифатида қуидагиларни ажратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гурух таркибининг барқарорлиги;

- гуруҳнинг аъзолари орасида қалин устувор алоқаларнинг мавжудлиги;

- жиноий гурух аъзолари ўртасида уларнинг феъл-атвори ва кўникларидан келиб чиқсан ҳолда вазифаларнинг тақсимланганлиги;

- барча жиноий ҳаракатларни, уларнинг айрим қисмларини режалаштириш мавжудлиги;

- аниқ жиноий мақсадга эришиш йўлида жиноий гурух барча аъзоларининг мақсадга мувофиқ тарзда келишилган ҳолда фаолият юритиши.

Одам савдоси жиноятларини содир этишга ихтисослашган жиноий гуруҳнинг мустаҳкамлиги тўғрисида унинг анча вақтдан буён фаолият юритиши ва бу турдаги жиноятларни бир неча маротаба содир этганлигини кўрсатади.

Гурух аъзоларининг ҳаракатларини келишилганлиги нафақат одам савдоси жиноятларини режалаштиришда, вазифаларнинг тақсимланганлигига, тайёргарлик ҳаракатларининг биргаликда бажарилишида ва жиноятни одам савдосини содир этишга мақсадга йўналтирилган ҳолда ҳаракатлар содир этилишида, балки жиноий гуруҳнинг аъзолари уни ташкил этиш пайтидаёқ гуруҳнинг ташкиллаштирилиши мақсадлари, содир этиладиган жиноят турларини аниқ белгилаб олишида ҳам намоён бўлади.

Гуруҳнинг барқарорлиги деганда ушбу уюшган жиноий гурух фаолиятининг, яъни одам савдосининг бир ёки бир нечта каналлар орқали амалга оширилиши тушунилади.

Юқорида күрсатилған вазифаларни жиной ғурухнинг қуидаги иштирокчилари амалга оширади:

- а) ёлловчи
- б) жабрланувчини чегарадан ўтказиш ёки чиқиб кетишини таъминлайдиган шахс
- в) жабрланувчиларни белгиланган давлатда кутиб олувчи ва сотувчи шахс
- г) жабрланувчини сотиб олувчи ва эксплуатация қилувчи шахс.

Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиши лозим. Шу боис, иш ҳолатидан келиб чиқан ҳолда жиноят иши бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тергов-тезкор тадбирлари режаси тузилади.

Шахс озодлиги, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати одам савдоси жиноятининг обьекта ҳисобланиши туфайли мазкур тоифадаги жиноятлар юзасидан жабрланувчи деб эътироф этилган шахсни батафсил сўроқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жабрланувчини сўроқ қилишдан олдин унга “Одам савдосига қарши курашиб тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган имтиёзларни тушунтириш лозим.

Жабрланувчини сўроқ қилиш жараёнида иш ҳолатидан келиб чиқкан ҳолда қуидаги ҳолатларга ойдинлик киритиш талаб этилади ва қуидаги савол жавоблар ўтказилиши лозим:

- жабрланувчи қандай ҳолатларда, республика ёки чет давлат худудида одам савдоси қурбонига айланганлиги;
- жабрланувчи ва одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар орасида муқаддам алоқа бўлганлиги, дастлаб қаерда ва қандай тарзда алоқа ўрнатилганлиги (реклама, бевосита айбланувчи ёки учинчи шахс орқали);
- жабрланувчи ўзини фоҳишалик ёки бошқа тарзда эксплуатация этилишини олдиндан билганлиги;
- жабрланувчи белгиланган мақсадга нисбатан алданганлиги, агар алданган бўлса, у ҳолда иш ёки бошқа фаолият таклиф этилганлиги, унинг қонуний бўлганлиги;
- таклиф этилган иш ҳақи миқдори ва фаолият тури, айбланувчи муайян пул миқдорини олдиндан тўлаганлиги;
- тўловни қандай тарзда амалга оширилиши кераклиги (бевосита одам ёлловчилар ёки банк орқали, ёхуд валютани олиб чиқиш мамлакатига ёки учинчи мамлакатга ўтказиш йўли билан);

- жабрланувчига қанча вақт мобайнида ишлаши, иш ва яшаш шароитлари, қандай тартиб ва қоидаларга риоя қилиши кераклиги тушунтирилганлиги;
- жабрланувчининг оила аъзолари ёки бошқа яқинлари унинг келишуви ҳақида билганлиги;
- шахс иш ёки эксплуатация этилган жойида ушлаб турилганлиги, иш жойини ташлаб кета олганлиги, унга зўрлик ишлатилганлиги, яъни жисмоний ёки руҳий тазиик ўтказилганлиги;
- шахсни қариндошлари ёки танишлари билан сўзлашиши чекланганлиги, ўзида шахсини тасдиқовчи ҳужжати бўлганлиги ёки олиб қўйилганлиги;
- жамоат жойларига бошқа шахслар кузатуви остида чиққанлиги, атрофдаги одамлар билан мулоқотга киришганлиги, қўрқув, ўзини йўқотиб қўйиш (стресс) ҳолатида бўлганлиги;
- иш берувчи ёки бошқалар томонидан унинг даромади назорат қилинганлиги, шахснинг ёнида пули бўлганлиги ва ўзида сақланганлиги, жабрланувчининг ўртacha қунлик иш ҳақи ва эксплуатациянинг бутун даври мобайнида олинган умумий маблағи, унинг иш ҳақи қандай тақсимланганлиги;
- ўзи эксплуатация қилинган жойдан қочишга ҳаракат қилганлиги, ўз ҳужжатларини қўлга киритганлиги ва яшаш жойига қайтганлиги, бунда унга ким ёрдам берганлиги;
- ўзи эксплуатация этилган жойда яна кимларни билиши, улар ҳақида маълумотлар;
- уларни ёллаган ёки бу жиноий фаолият билан мунтазам шуғулланаётган шахслар ҳақида яна кимларни билиши, улар ҳақида тўлиқ маълумотлар.

Агар, шахс чет давлат ҳудудида одам савдоси жабрланувчисига айланган бўлса, қўшимча равиида қўидаги саволлар ҳам берилиши лозим:

- жабрланувчининг нима мақсадда чет элга борганлиги, муқаддам чет элга савдо-сотик қилиш, ишлаш, ўқиши, сайёхлик ва дам олиш ёки бошқа мақсадларда чиққанлиги;
- жабрланувчини олиб чиқиб кетишга қандай тайёргарлик кўрилганлиги ва жабрланувчи бу тайёргарликнинг аҳамиятини тушунганлиги;
- жабрланувчига чет давлатда қаерда ва ким билан яшashi таклиф этилганлиги, жабрланувчи ҳақиқатда қандай шароитда ва ким билан сақланганлиги;

- жабрланувчини Ўзбекистондан олиб чиқиб кетишида қандай хужжатлар ва транспорт воситаларидан фойдаланилганлиги, чиқиб кетишида хужжатлар қайси ташкилотларда расмийлаштирилганлиги;

- чет элга чиқиши бўйича хужжатларни расмийлаштириш, транспорт (самолёт, поезд) учун чипта сотиб олиш билан ким шуғулланганлиги;

Ўзбекистон Республикасидаги жиноятчиларнинг чет эл билан алоқаси (халқаро телефон алоқаси, уяли телефон ёки телеграмма ёхуд Интернет орқали) қай тарзда амалга оширилганлиги;

- савдо ва бошқа мақсадда доимий равишида республикадан чет мамлакатга қатнаётган шахслар уни чет элга чиқишига қизиқтирганлиги, ёллаганлиги ёки бевосита олиб чиқиб кетганлиги;

- жабрланувчи ёлланганидан кейин мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши давомида жинсий, жисмоний ва психологик зўравонликка йўлиққанлиги ёки ноқонуний тарзда озодликдан маҳрум қилинганлиги, бундай ҳаракатларни ким содир этганлиги;

- жабрланувчи чегарадан қандай ва ким билан ўтганлиги (мустақил равишида, кузатувчи ёки бошқа шахслар қўмагида), чегарани кесиб ўтиш жойларида текширилганлиги ёки текширилмасдан ўтқазиб юборилганлиги, божхона декларацияси ёки бошқа хужжатлар тўлдирилганлиги;

- чет элга жўнаб кетиши ва етиб бориш вақти (аниқ йўналишни кўрсатган ҳолда), жойи, қандай транспорт воситасидан фойдаланилганлиги, кириш қонуний ёки ноқонуний равишида амалга оширилганлиги, ноқонуний равишида кирилган бўлса, қандай йўллар билан кирилганлиги;

- жабрланувчи чет давлат ҳудудида дастлаб қаерда, қайси шаҳарда, қайси меҳмонхонага жойлаштирилганлиги.

Агар, жабрланувчи ўзи олиб борилаётган давлат ҳудудига етказилишида бошқа учинчи (транзит) давлат ҳудудидан ўтказилган бўлса, қўшимча равишида қуидаги саволлар ҳам берилиши лозим:

- транзит давлат ҳудудига кирган сана, жойи ва вақти, кириш қонуний ёки ноқонуний бўлганлиги;

- агар транзит давлат ҳудудига ноқонуний кирилган бўлса, унда қандай йўллар билан олиб кирилганлиги ва қандай хужжатлардан фойдаланилганлиги;

- жабрланувчи транзит давлат ҳудудида ким билан бирга бўлганлиги, у транзит давлат ҳудуди чегара пунктида текширилганлиги;

- жабрланувчи транзит давлат ҳудудида қандай хужжатларни тўлдирганлиги ва йўл хужжатларидан фойдаланганлиги;

- жабрланувчи транзит мамлакатида қанча вақт давомида бўлганлиги ва у сақланган шароитлар;
- жабрланувчи транзит давлат ҳудудида жинсий ёки руҳий зўравонликка йўлиққанлиги, тиббий ёрдам олишга ҳаракат қилганлиги;
- жабрланувчи бу вақт давомида ноқонуний озодликдан маҳрум қилинганлиги, маҳрум қилинган бўлса, бунинг тулиқ тафсилотлари;
- транзит мамлакатида жабрланувчидан фоҳишалик билан шуғулланишни талаб қилинганлиги, талаб қилган бўлса, фоҳишаликнинг тури, жойи, молиявий келишувнинг тафсилотлари;
- транзит давлат ҳудудида жабрланувчи хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки бошқа идораларга маълум қилганлиги ёки улар томонидан ушланганлиги, давлатдан моддий ва хуқукий ёрдам сўраганлиги, чет эл хуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг бунга муносабати ва қандай чоралар кўрилганлиги;
- транзит мамлакатидан кетилган сана, жой, жўнаш пункти ва транспорт воситаси.

Жабрланувчи эксплуатация қилинган давлат ҳудудига этиб бориши ва унга тазиик ўтказилган ҳолатларга ойдинлик киритиши учун қўшимча равишда қуидаги саволлар берилиши лозим:

- жабрланувчи қандай ва қанча вақт мобайнида эксплуатация қилинганлиги;
- эксплуатация қилинган жой тавсифи, уни манзили ва шароит қандай бўлганлиги (яширин хонадон ёки фоҳишалик уйи ва ҳ.к.) эксплуатация қайси вақтда бошланганлиги, жабрланувчи ундан фойдаланмоқчи эканликларини билганлиги;
- агар жабрланувчи фоҳишаликка жалб этилган бўлса, у бунга қандай жалб қилинганлиги (кўча фоҳишаси, жихозли хоналарда ёхуд фоҳишалик уйларида, сауна, тунги бар ва бошқаларда);
- жабрланувчи бошқа шахслар билан бирга ишлаганлиги, ишлаган бўлса, уларнинг кимлиги;
- жабрланувчига ўз тилида сўзлашиш имконияти берилганлиги, агар унинг ўз тилида сўзлаш имконияти чекланган бўлса, мижозлар билан қандай мулоқот қилганлиги;
- жабрланувчидан мамлакатда бўлиш учун қўшимча харажатларни тўлаш талаб қилинганлиги (хонанинг кунлик ижараси, реклама ва ҳ.к.) бу ҳақда унга чет давлатга чиқиб кетгунга қадар маълум қилинганлиги;

- жабрланувчининг қочиб кетиш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этиш имконияти бўлганлиги, агар бундай имконият бўлган бўлса, у буни амалга оширишга ҳаракат қилганлиги, мурожаат этганлиги, улар томонидан қандай чоралар кўрилганлиги;

- жабрланувчини қутқарилганлиги ёки унинг ўзи қочганлиги, қандай йўллар билан республика худудига қайтиб келганлиги, бунда унга кимлар ёрдам берганлиги;

- чет давлат худудидан қайтиш, транзит давлат худудидан ўтиш жараёни ва транспорт воситалари;

- жабрланувчининг кўрсатмаларини тасдиқловчи гувоҳларнинг мавжудлиги, одам савдосига алоқадор барча шахслар бўйича маълумотлар, уларнинг ташқи қиёфалари, яшаш ва иш жойлари ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарар миқдори ҳақидаги маълумотлар.

Кейинчалик жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилгач, жиноят ишини судга юбориш ёки тугатиш масаласи кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, қўлланмада нодавлат нотижорат ташкилотлари билан, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ишлаш ва хоказо ҳаракатлари акс эттирилган.

Абдилхамедов Аббос Абилатибович
Тошкент вилояти Ички ишлар Бош бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати Пробация бошқармаси мухим топшириқлар бўйича инспектори

Одам савдосига қарши кураш ва уни олдини олиш.

Бугунги кунда дунё миқёсида жамият тараққиётiga тўсқинлик қилиб келаётган ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар жуда қўп. Улардан энг хавфлиси, инсоннинг шахсий даҳлсизлиги ва қадр-қимматини топташни мақсад қилиб қўювчи иллатлардан бири бу одам савдосидир.

“Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади”- деб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 4-моддасида келтирилиши одам савдосининг ҳар қандай кўринишлари халқаро миқёсда тақиқланганлигини кўрсатади¹.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 4-моддаси.

“Хеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийкә дучор этилиши мумкин эмас”-деб Ўзбекистон Республикаси Конситуциясининг 26-моддасида ҳам белгилаб ўтилган².

Сўнгти йилларда инсон хуқуqlарини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-хуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон хуқуqlари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон хуқуqlарини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон хуқуqlари бўйича **80 дан** ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **6 та** асосий шартномаси ва **4 та** факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон хуқуqlари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон хуқуqlари соҳасидаги халқаро-хуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чоратадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, инсон хуқуqlари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон хуқуqlари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қиласи.

Инсон хуқуqlари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчиликка ва хуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ҳамда босқичма-босқич имплементация қилинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган **80 дан** ортиқ инсон хуқуqlари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар нормалари миллий қонунчиликда ўз аксини топмоқда.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартиromoқда. Жамиятда “Янги Ўзбекистонни биргалиқда барпо этамиз”-деган улуғвор мақсад шаклланди ва “Жамият—ислоҳотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга фаол кириб бормоқда

² Ўзбекистон Республикаси Конситуцияси, 08.12.1992 й, 26-модда, 2-бет.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, шунингдек, Баш вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиши бўйича қабулхоналари алоҳида ўрин эгалламоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, Конституция устуворлиги, қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида тортишув тамойилларини татбиқ этиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, “Хабеас корпус” институтини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, низоларни судгача ҳал қилишда ва тарафларни яраштиришда адвокатларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда.

Судларда ишларни қўриб чиқишида адолатни, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш учун “Электрон одил судлов” тизими жорий этилди. Аҳолига бепул юридик ёрдам қўрсатиш тизими, шунингдек, Advice.uz ҳуқуқий маълумотлар тизимининг имкониятларини кенгайтириш ҳамда фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар хизматини қўрсатувчи “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилотини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди³.

Давлатимиз раҳбарининг ПФ-5618-сон фармонида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равиша ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усусларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни заарали ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, бу борада жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмuni ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгидаги **“Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш-демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!”** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равиша олиб борилишига

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнь кунидаги ПФ-6012-сон фармони, 1-бет.

алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни чукур сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** кенг тарғиб қилиш⁴; -деб белгилаб берилган.

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуqlари олий қадрият хисобланади⁵.

Бугунги кунда аҳоли миграцияси, шу жумладан, мамлакат ташқарисида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадидаги миграция жаҳон кўламидаги воқелик бўлиб, ўзининг кўпгина ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Одам савдоси жиноятигининг қурбони бўлишларини олдини олиш, аҳолини хуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш борасида Тошкент вилояти Ички ишлар Бош бошқармаси Пробация бошқармаси ва шаҳар-туман ИИБ Пробация гурухи ходимлари томонидан 2022 йилнинг ўтган 5 ойи давомида жиноят ишлари бўйича судлар, прокуратура, Ёшлар агенлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш бўлими, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш бўлими, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази масъул ходимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жами **147 маротаба** “Сайёр суд” жараёнлари ташкил этилди ва сайёр судда **5916 нафар** назорат остидаги шахслар ва фуқароларнинг иштироки таъминланди.

Ўтказилган сайёр судда қонунга итоаткорлик ва хурмат рухини сингдириш, фуқароларни ва назорат остидаги шахсларни ҳар бир содир этган ножўя қилмишлари учун жазо муқаррарлиги борасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Биргина 2022 йилнинг ўтган 5 ойини таҳлил қилсақ, Тошкент вилояти Ички ишлар Бош бошқармаси Пробация бошқармасининг 2022 йил 5 ой якуни ҳолатига тақдим этган таҳлилий маълумотига кўра, **139 нафар** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган шахслар хисобда туриб, жазо ўтаб келмоқда.

Хисобда туриб, жиноят содир этган шахсларнинг жазо турлари бўйича таҳлил этилганда **27 нафари** ахлоқ тузатиши ишлари, **95 нафари** озодликни

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январь кунидаги ПФ-5618-сон фармони, 1-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 08.12.1992 й, 13-модда, 1-бет.

чеклаш, **2 нафари** шартли хукм этилган ва **15 нафари** жазодан шартли озод этилган шахсларни ташкил этади.

Тошкент вилояти Ички ишлар Бош бошқармаси Ҳуқуқий статистика ва тезкор маълумотлар бошқармасининг маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 5 ойи давомида Тошкент вилоятида жами одам савдоси билан боғлиқ жами **5 та** жиноят ишлари қўзғатилган ва **8 нафар** шахслар иштирок этганлиги қайд этилган.

2022 йилнинг мос даврига Тошкент вилоятида жами одам савдоси билан боғлиқ жами **3 та** жиноят ишлари қўзғатилган ва **3 нафар** шахслар иштирок этганлиги қайд этилган⁶.

Бу салбий ҳодиса глобал жараён сифатида бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Афсуски, фуқароларимиз ҳам одам савдоси қурбонларига айланмоқда. Буларнинг барчаси давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ушбу иллатга қарши қатъий чоралар кўришни, одам савдосига жалб этилган ва ундан жабр кўрган ҳамюртларимизни муҳофаза этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 17 август куни “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакида” янги таҳрирдаги 633-сонли қонун имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2008 йил 29 августда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни маъқулланиб, амалдаги Жиноят кодекси 135-моддасининг янги таҳрири қабул қилинди ва ушбу модда мазмун ва моҳият жиҳатдан тубдан такомиллаштирилди. Ушбу модданинг аввалги номи “Одамлардан фойланиш учун уларни ёллаш”-деган таҳрирда белгиланган эди. Жиноят кодекси 135-моддасининг аввалги таҳририда фақатгина одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, халқаро ҳуқуқий хужжатларда белгиланган одам савдоси билан боғлиқ жиноий қилмишларнинг барчасини комплекс тарзда қамраб олмас эди. Шу сабабли, у шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини тўлиқ муҳофаза қилишга имкон бермас эди.

Ўзбекистон инсонпарвар демократик давлат сифатида умумэътироф этилган халқаро норма ва қоидаларни ўз миллий ҳуқуқ тизимиға кенг жорий қилиш йўлинни тутмоқда. Хусусан, халқаро нормалар асосида “Одам

⁶ Тошкент вилояти Ички ишлар Бош бошқармаси Жамоат ҳафсизлиги хизмати Пробация бошқармасининг 2022 йил 5 ойлик маълумотлар тўплами, 06.06.2022 йил, 25/5-984 .

савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакида” янги таҳрирдаги 633-сонли қонун ҳамда унинг асосидаги қарорлар қабул қилинди.

Президентимиз томонидан 2020 йил 17 август куни имзоланган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакида” янги таҳрирдаги 633-сонли қонун билан одам савдосига оид ноқонуний ҳаракатларга қарши тадбирлар, давлат ва жамоа органлари томонидан бажариладиган энг муҳим вазифалар белгилаб берилди⁷.

Бизнинг асосий вазифамиз аҳолининг одам савдоси борасидаги хабардорлигини ошириш, қўллаб-куватлаш, маслаҳат беришdir. Ҳаёт йўлида қийин вазиятга тушиб қолганларни ўз кучи ва матонатига ишонишга, умидларини сўндиրмасликка ундан, янги ҳаёт бошлишларида кўмаклашамиз. Фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири бу, одам савдосидан жабрланганларни қўллаб-куватлашга қаратилган. Зеро, бугунги кунда жиноятчилар алданган инсонлардан уларни шаҳвоний хизматлар эксплуатациясига жалб этиш, қул меҳнати ва хизматидан фойдаланиш, трансплантация учун тана аъзо ва тўқималарини ажратиб олишда фойдаланишади ифодаланади.

Одам савдоси-куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбуrlаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англаради.

Мазкур қонунга кўра, фуқароларимиз ҳаёти ва саломатлиги, шаъни, қадр-қимматини жиноятчиларнинг тажовузларидан ҳимоялаб, инсон ва унинг ҳукуқлари, манфаатлари энг олий қадрият, деган улуғ ғояни рўёбга чиқаришга қаратилгани билан диққатта сазовордир. Одам савдоси қурбонларига айланган шахсларни ҳуқуқий ҳимоялаш, уларни ижтимоий,

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 август қунидаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакида ЎРҚ-633-сон қонуни

иқтисодий ва тиббий-рухий жиҳатдан реабилитация қилиш давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Амалга оширилаётган кенг қўламли қонунчилик ислоҳатларининг узвий давоми сифатида 2021 йил 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 60-сон қарори қабул қилинди⁸.

Мазкур қарорнинг 2-бобида, Идентификация ва қайта йўналтиришни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг вазифалари белгилаб ўтилди.

Қайд этиш лозимки Республикаизда фуқароларнинг хорижда меҳнат қилишини ташкил этишга доир ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улардаги асосий талаблардан бири – бу хорижга юборилиши қўзда тутилаётган фуқароларнинг муайян давлат ҳудудида ижтимоий ҳимоясининг таъминланиши, барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий суғуртанинг мавжудлигидир.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, одам савдосидан жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг одам савдосига қайта жалб этилиши хавфининг олдини олиш мақсадида идентификация қилинади.

Шу билан бирга, одам савдосидан жабрланганлар тўғрисидаги ҳамда уларга нисбатан содир этилган ҳолатлар ҳақидаги ахборот, шунингдек кўрилган хавфсизлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмаслиги белгиланди.

Хуноса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган барча ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳукуқларини олий қадрият сифатида эъзозлашдир.

Шундай экан, трансмиллий хусусият касб этган, яъни ҳудуд ва чегара танламас жирканч иллат – одам савдосига қарши кескин кураш олиб бориш барчамизнинг муҳим вазифамиздир

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда мазкур жиноятга қарши курашишнинг қонуний асослари яратилган, бунга қарши курашда ҳукуқни

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 8 февраль кунидаги “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 60-сон қарори

муҳофаза қилувчи органлар билан нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш жиноятчиликнинг камайишига хизмат қилмоқда.

Кулмуродов Улуғбек Исломович,
Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармаси бош мутахассиси

Муассасалар фуқаролик-хуқуқий муносабатлар субекти сифатида (Ички ишлар органлари мисолида)

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосан муассасалар нотижорат юридик шахсларнинг бир тури ҳисобланади ва улар фуқаролик қонун хужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчиларидир. Ҳар қандай муассаса юридик шахс эмас, балки Фуқаролик кодексининг 39-моддасида белгиланган шартларга жавоб берадиган ташкилотлар юридик шахс мақомига эга бўлади. Фуқаролик хуқуқида юридик шахслар фаолиятининг мақсадига кўра тижорат ва нотижорат ташкилотларига бўлинади.

Фуқаролик хуқуқида юридик шахсларнинг ташкилий-хуқуқий шаклини аниқлаштириш алоҳида аҳамиятга эга, чунки бунда ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Фуқаролик хуқуқида ташкилий-хуқуқий шакл - бу ташкилотнинг ўз фаолиятини қайси доирада амалга ошироқчи эканлигини акс эттирувчи шаклдир. Фуқаролик хуқуқида давлат ҳокимияти ва бошқарувини, шунингдек ижтимоий-маданий вазифаларни ҳамда тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга оширишувчи ташкилотларнинг ташкилий-хуқуқий шаклига муассаса мақоми берилган. Муассасаларга тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг бир тури сифатида қаралади. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 76-моддасида “Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади”⁹ дея белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу модда (ФКнинг 76-м.) муассасалар тушунчасини, шунингдек уларнинг асосан бошқарув ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга оширувчи ташкилотлар сифатида вужудга келишини умумий тартибда белгилаб берган. Аммо, муассасалар тўғрисидаги бундай

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111189>

талқин эътиrozли бўлмаса-да, амалдаги қонун ҳужжатларида бунга қарама-қарши бўлган нормалар мавжудлигини таъкидлаш лозимdir. Масалан, Ўзбекистон Республикаси "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуннинг¹⁰ 13-моддасида муассаса қуидагича ифодаланади: "Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади". Мазкур моддада муассаса нотижорат ташкилот эканлиги тўғри таъкидланган бўлса-да, унга нодавлат ташкилоти деб баҳо берилганлиги Фуқаролик кодекси 76-моддасининг муассасалар тўғрисидаги нормалари билан қарама-қарши эканлигини англатади.

Цивилист олим академик Ҳ.Раҳмонқулов, "муассаса тушунчаси, унинг мулкнинг қайси шаклига асосан ташкил этилган бўлишидан қатъий назар бир хил маънода ифодаланади ва қонунчиликда, агар муассаса хусусий мулкка асосланган бўлса, у факат "муассаса" атамаси билан, давлат мулкига асосланган бўлса "давлат муассасаси" атамаси билан ифодаланади"¹¹, деб таъкидлайди. Зеро, муассасаларни бундай таснифлаш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо, турли вазифаларни амалга ошириш мақсадларида ташкил топган муассасаларнинг фуқаролик-хуқуқий мақомини Фуқаролик кодексининг бир моддада ифодалаш унчалик ҳам тўғри эмас. Фикримизча, давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасаларни маҳсус хуқуқ лаёқатини ижтимоий-маданий вазифаларни амалга оширувчи муассасалардан фарқлаган ҳолда янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексига алоҳида модда сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, ижтимоий-маданий вазифаларни амалга оширувчи муассасалар ҳам оммавий-хуқуқий субъектларнинг, ҳам хусусий шахсларнинг ҳоҳиши иродаси бўйича вужудга келса, давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасалар фақат оммавий-хуқуқий ҳужжатга мувофиқ ташкил топади. Шундай экан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви вазифаларини амалга оширувчи барча муассасалар оммавий хуқуққа асосланган муассасалар ҳисобланади. Хусусан, улар фақат оммавий-хуқуқий ҳужжатлар (қонун ёки давлат органининг фармойиши)га таянган ҳолда ташкил топади.

Маълумки давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини маҳсус норматив-хуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлашни талаб этади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил 14 апрель. №5, 115-модда; 2004 йил, №5, 90-модда.

¹¹ Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўкув кўлланма. – Т. 2008. – Б. 150.

Прокуратура, Ўзбекистон Республикасининг Судлар ёки Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунларда уларнинг хукуқий мақоми ифодаланиши керак. Демак муассасаларни ташкил топиши ва уларнинг махсус хукуқ лаёқати борасида ҳам бир томонлама жавоб бериб бўлмайди. Чунки улар хусусий хукуққа асосланган юридик шахслар қаторига ҳам, оммавий хукуққа асосланган юридик шахслар қаторига ҳам кириши мумкин.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 44-моддасида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг умумий қоидалари белгиланган. Аммо, давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасаларни (булар қаторига ИИОлари ҳам киради) юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказишнинг аниқ қоидалари белгилаб қўйилмаган. Н.А.Кулдашевнинг фикрига кўра “Фуқаролик хукуқига бағишлиланган адабиётларда ИИОнинг хукуқий мақомига “муассаса” сифатида қаралса-да, уларнинг деликт муносабатларда тараф сифатида иштироки, деликт лаёқати ва жавобгарлиги масалалари анча мунозаралидир”¹². Дарҳақиқат ички ишлар органлари “муассаса” мақомида асосан шартномавий муносабатларда иштирок этади, деликт муносабатларда эса давлат органи мақомида иштирок этади (масалан, ФКнинг 15 ва 990-моддаларида “давлат муассасаси” эмас, “давлат органи” деб ифодаланган).

Бу ҳолат давлат органлари билан бошқа субъектлар ўртасида фуқаровий-хукуқий шартномалар тузишда, шунингдек улар иштирокидаги низоли ишларни судлар томонидан кўриб чиқилишида бир қатор қийинчиликлар туғдириши мумкин. Масалан, ички ишлар органлари тизимидағи юридик шахс мақомига эга бўлмаган, масалан туман ИИБ билан тузилган шартнома бўйича жавобгарлик ким томонидан тўлайди ? Вилоят ИИБми ёки ИИВми?, чунки туман ички ишлар бўлимлари юридик шахс эмас ва фуқаролик хукуқининг субъекти ҳисобланмайдилар. Бу каби саволлар эса суд амалиётида турли муаммоларни юзага келтириши мумкин..

Давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасаларнинг ташкил топишида уларни юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилмаслиги (ИИОни ҳам) Фуқаролик кодексининг талабларига, яъни “юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади” (ФК 44-м. 4-қ.) деган норма қоидаларига зид бўлган ҳолатга олиб келади. Албатта оммавий хукуққа асосланган муассасаларни юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказишга асосланмаган мавжуд анъанани

¹² Кулдашев Н.А. Ички ишлар органлари деликт муносабатлар субъекти сифатида: Монография, –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИв Академияси, 2021. –Б. 36.

давом эттириш ҳам мумкин. Бироқ фикримизча, “давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари”ни фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъекти сифатида тан олиш ҳамда уларнинг маҳсус ҳуқуқ лаёқатини ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда амалдаги Фуқаролик кодексига алоҳида модда сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда муассасаларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масаласида ҳам ноаниқликлар мавжуд эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Чунончи, Фуқаролик кодексининг 76-моддаси З-қисмида “муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради” дейилган. Бунда, муассасалар қандай мажбуриятлари учун мустақил фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар бўлишлари мумкинлиги, шунингдек аксарият муассасаларнинг ҳисобидаги пул маблағлари аниқ мақсадли эканлиги ва улардан ундириб бўлмаслик каби қатор масалар тўлиқ ечимини топмаган. Бу эса амалиётда, айниқса суд амалиётида бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Умумий қоидага кўра муассасалар нотижорат юридик шахслар ҳисобланади. Айни вақтда Фуқаролик кодексида ҳал этилмаган муассасалар билан боғлиқ бўлган масалалардан яна бири, муассасалар томонидан ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида фаолият юритувчи тижоратчиликка асосланган корхоналар ташкил қилиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоидаларнинг эътибордан четда қолганлигидир. Амалиётда эса бу каби ҳолатлар ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, ИИВ тизимида бир қатор унитар корхоналар мавжуд ва булар юридик шахс ҳисобланади ҳамда мулкий ва номулкий муносабатларни амалга оширади. Аммо, вазирликнинг ўзи нотижорат юридик шахс ҳисобланса-да ўзининг таркибида тижоратчи юридик шахс ташкил қилганлиги каби ҳолатлар Фуқаролик қонунчилигига ўз ечимини топмаган.

Умумий қоидага кўра, давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасалар давлат томонидан ташкил этиладиган, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошқарув функцияларини амалга оширадиган, давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган ташкилотлар тушунилади. Бу турдаги муассасаларнинг (буларни давлат органлари деб ҳам номлаш мумкин) ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари тегишли қонун хужжатлари билан белгиланади. Қоидага кўра, бу тоифадаги муассасалар хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда кўшма корхоналар ташкил этиш ваколатига эга эмас ва фикримизча бу ҳолат ҳам қонунчилиқда ўз аксини топиши лозим. Чунки, бу масалада ҳам амалиётда тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин.

Масалан, “Зобит” қўшма корхонаси Малайзия давлати инвестори билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхона ҳисобланади ва бир вактнинг ўзида ушбу корхона ходимларининг штат бирликлари, ИИВ томонидан Вазирлик моддий техника таъминоти бошқармасига бевосита бўйсунувчи “Маиший ишлаб чиқариш” комбинатига киритилган эди.

Хулоса қилиб айтганда, муассасалар тўғрисидаги юридик адабиётлардаги, қолаверса қонун нормаларидағи қарама-қарши талқинлар, аввало муассаса атамасини қайси ташкилотлар учун қўлланилиши кераклиги масаласи қонунчиликда аниқ ифодаланиши лозимлигини тақазо этади. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасаларни ҳамда ижтимоий-маданий вазифаларни амалга оширувчи муассасаларнинг ҳуқуқий мақомининг хусусиятларини белгилаб олиш ва уларни алоҳида тартибда белгилаш фуқаролик ҳуқуқида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан биридир.

Матчанов Алимжан Атабаевич
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси ташкилий-штаб
фаолияти кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар доктори,
профессор, полковник

Одам савдосига қарши курашнинг ҳалқаро-ҳуқуқий асослари

Мамлакатимизда кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Таракқиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттига устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди. Таракқиёт стратегияси иккинчи устувор йўналиши “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш”, қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгиланди¹³.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бутун дунёда инсонларни камситиш, уларнинг ҳуқуқларини тан олмаслик, одам савдоси каби жиноятлар борлиги барчамизни ташвишга солмоқда. Бу борада одам савдоси билан боғлиқ

¹³ Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

жиноятларга қарши курашиш ва жабрланувчиларни хуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларининг ўрни жуда катта.

Одам савдосини таъқиқлашга оид қуйидаги бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинди: Инсон хуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга биринчи факультатив протокол.

Одам савдоси билан боғлиқ трансмиллий жиноятларга қарши кураш бўйича дастлаб 1899 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда «Хотин-қизлардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида»ги резолюция, 1904 йил 18 майда Франциянинг Версал шаҳрида «Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида»ги ҳамда 1910 йил 4 майда «Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида»ги протоколлар, 1921 йил 30 сентябрда «Хотин-қизлар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисида»ги ва 1933 йил 11 октябрда эса Миллатлар Лигаси томонидан «Балоғатга етган хотин-қизлар савдосига қарши кураш тўғрисида»ги халқаро конвенциялар қабул қилинган.

Шундан сўнг, БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 4-моддасида «Ҳеч ким қулликда ёки эркисиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас, қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари таъқиқланади»¹⁴ деб белгилаб қўйилганлиги ва ушбу қоида одам савдосига қарши курашишда миллий қонунчилигимизда амалга киритилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Одам савдоси XXI асрда терроризм, наркотрафик каби глобал муоммага айланиб, бутун дунё буйлаб кенг таркалган жиноятлардан бирига айланиб бормоқда. Шу сабабли бу миллий қонунчилик доирасидан аллакачон четга чикиб халқаро хукукнинг долзарб масалалари ичидан ўрин олмоқда¹⁵

Одам савдоси – инсон, унинг шаъни, қадр-киммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид solaётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва хотин-қизларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда¹⁶. Мазкур жиноий фаолиятнинг мотив ва мақсади ғараз, яъни моддий фойда ёки даромад кўришни кўзда тутади. Чунки

¹⁴ Қаранг: Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги миллий ва халқаро хуқук нормалари / Тузувчилар Л. Исҳоқова, К. Ҳамроева. – Т.: «Yurist-media markazi» нашриёти, 2010 – С.12.

¹⁵ Хабриева Т. Я., Автономов А. С. и др. Национальное и международно-правовое регулирование противодействия торговле людьми и рабству в их современных формах: Монография. – М.: Издательство: ИНФРА-М, 2019 – 392 с.

¹⁶ Қодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо, «Ҳуқук ва бурч», № 10, 2008, 3-б

одам савдосидан кўзда туилган асосий мақсад жиноятчининг ўзи ёки бошқа шахслар орқали пул ёки бошқа моддий бойликларга эга бўлиш ҳисобланади.

И.Ю. Фозилов трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг хавфли тури сифатида одам савдоси белгилаб ушбу жиноятга қарши курашнинг жиноят-хукуқий ва криминологик жиҳатларини ўзининг илмий изланишга таҳлил қилди¹⁷.

Одам савдоси қулликнинг замонавий усули, қул савдосининг янги кўринишидир. Жиноятчилар, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва болаларни мажбурий меҳнат ва жинсий қуллик қопқонига алдаб тушир-моқдалар. Одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар куч ишлатиш, фирибгарлик, мажбурлаш ва бошқа жиноий воситалардан фойдаланган ҳолда, ҳимояга муҳтож, заиф ва тушкинликка тушган инсонларни дунёнинг бошқа давлатларига олиб кетадилар¹⁸.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон хукуqlари умумжаҳон Декларациясида¹⁹, шунингдек, бошқа бир қатор халқаро хукуқий ҳужжатларда ҳамда мамлакатимиз миллий қонунчилик нормаларида ҳамма инсонлар ўз қадр-қиммати ва хукуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар, деб мустаҳкамланган.

Одам савдоси юқорида айтиб ўтилган халқаро нормалар (инсоннинг эркинлиги, тенглиги, шахсий дахлсизлиги)га зарар етказади. Одам савдоси қуидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин: мажбурий меҳнат (мамлакатимиз фуқаролари мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун асосан Қозогистон ва Россияга олиб чиқиб кетилмоқда²⁰; қуллик (1956 йилги Қулчиликни, қулларни сотиш ва қулчиликка ўхшаш одатлар ва институтларни тугатиш тўғрисидаги қўшимча конвенцияда баён этилишича, қул савдоси бошқа бир шахсни қулга айлантириш, унга суиқасд уюштириш ва бундай хатти-ҳаракатларни содир этишда шерик бўлиш, эрксиз ҳолдаги шахсларни майиб-мажруҳ этиш ва уларга тамға босишни ўз ичига олади²¹; фоҳишабозлик (Ўзбекистон фуқаролари фоҳишалик учун асосан БАА, Таиланд, Туркия, Хиндистон, Исройл, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика олиб чиқиб кетилмоқда)²² ва ҳ.к.

¹⁷Фозилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-хукуқий ва криминологик жиҳатлари: Юрид. фан. док. дисс. автореф. – Т., 2016. – 105 б.

¹⁸ Абдуҳалимов Ш. Одам савдоси – глобал хавф. «Хукуқ ва бурч», № 8-9, 2008, Б. 21.

¹⁹ Инсон хукуqlари умумжаҳон декларацияси. Ўзбекистон Республикаси ва инсон хукуqlари бўйича халқаро шартномалар/Т., Адолат, 2002, 48-б

²⁰ Қодиров Р.Ҳ. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо, «Хукуқ ва бурч», № 10, 2008, Б.3.

²¹ Лукашук И.И., Сайдов А.Х. Ҳозирги замон халқаро хукуқи назарияси асослари(дарслик)., Адолат, 2006, 290-б

²² Жўраев Э. Инсон хукуqlари – давлат ҳимоясида. «Хукуқ ва бурч», № 8-9, 2008, 19-б

Одам савdosига қарши курашиш масаласи бугун пайдо бўлгани йўқ. Агар тарихга назар солсак, унга қарши кураш ҳақидаги дастлабки халқаро ҳукуқий ҳужжат 1899 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган «Хотин-қизларлардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида»ги резолюция ҳисобланади. Шундан сўнг 1904, 1910 йилларда мазкур масала юзасидан халқаро битимлар, 1921 ва 1933 йилларда одам савdosи муаммолари бўйича халқаро конвенциялар қабул қилинган²³.

Шунингдек, одам савdosига қарши кураш борасида қабул қилинган қўйидаги халқаро ҳужжатларни санаб ўтиш мумкин: БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йил 21 марта қабул қилинган «Одам савdosи ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга 2003 йил 12 декабря қўшилган); БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияга қўшимча одам савdosи, айниқса, хотин-қизлар ва болалар савdosи ҳақида огоҳлантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённома (2001 йил 28 июня Ўзбекистон ратификация қилган).

Одам савdosига қарши кураш бўйича миллий қонунчилигимиздаги қўйидаги ҳукуқий ҳужжатларни кўрсатиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг моддалари (135-модда «Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш», 137-модда «Одам ўғирлаш», 138-модда «Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равища озодликдан маҳрум қилиш»);

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савdosига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2020 йил 17 августдаги ЎРҚ-633-сонли Қонунига мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинган.

Мазкур норматив-ҳукуқий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилганидек, одам савdosига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари, жумладан, ИИВ, Миллий Гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консульлик муассасалари, Соғлиқни сақлаш

²³Ражабова М. Одам савdosига қарши кураш. «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси», № 2, 2008, 3-б.

вазирлигининг шу йўналишдаги фаолиятлари республика ва худудлардаги Идораларо комиссиялар томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (шу жумладан, одам савдоси)нинг хавфли кўринишларига қарши кураш ҳақида кўплам шартнома ва келишувлар имзоланган²⁴.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, ўз хусусиятига кўра, латент характерга эга. Чунки одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазиик ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, хукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар. Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутилиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади²⁵.

Дунёда қулчиликнинг замонавий кўриниши ҳисобланган одам савдоси жамиятни ташвишга солаётган долзарб муаммолардан биридир. Одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноий гурухлар жонли товардан миллиардлаб моддий фойда кўрадилар. Ҳозирги кунда статистик маълумотларга кўра, бир йилда дунё бўйича тахминан 4,5 миллионга яқин инсонлар одам савдосидан жабрланади. Энг ачинарлиси шундаки, уларнинг 72 фоизини ёшлар, аёллар ва болалар ташкил этади²⁶. Одам савдоси – трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бир тури сифатида дунёда хавфлилик даражаси ва ноқонуний бозорда фойда кўриш бўйича наркотик ва ноқонуний курол савдосидан кейин учинчи ўринда туради. Одам савдоси шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши қаратилган энг оғир инсонни таҳқирловчи, қолаверса жабрланган шахс фуқароси бўлган давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини туширувчи жиноятлардан бири ҳисобланади.

Республикамизда қонун устуворлигини таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш, хукуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ушбу жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш, одам саводсига қарши курашиш фаолиятини тартибга солувчи миллий ва халқаро нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ хукуқни қўллаш амалиётини чукур ва танқидий ўрганилиши,

²⁴Қодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо, «Хукуқ ва бурч», № 10, 2008, 4-б

²⁵Абдулҳақов Я.А. Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш: Монография. – Т., 2015. – 133 б.

²⁶ <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/E/CN.15/2019/10,https://uz.sputniknews.ru/society/20190730/12122757/OON-72-protsenta -zhertv-torgovli-lyudmi-zhenschiny-i-devochki.html> (Мурожаат қилинган сана 30.05.2022)

одам савдосига қарши курашишда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларни олдини олиш глобал аҳамият касб этмоқда. Барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақазо этмоқда. Бу борада одам савдосига қарши курашнинг халқаро нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Джураев Нурмурод Абдуюсович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Махсус операцияларни
мувофиқлаш-тириш бошқармаси
Махсус тайёргарлик ўқув маркази
Цикл бошлиғи, подполковник

Террорчилик ҳаракатларига одам савдоси орқали иштирокчиларни жалб қилишда кўлланиладиган замонавий ёллаш усуллари

Хозирги вақтда замонавий террорчилик ҳаракатларининг ва фаолият кўлами ning кенгайиши натижасида юзага келаётган реал таҳдид ва хавфлар даражасининг ўсиб бораётганлиги бир қатор мамлакатларнинг ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятини издан чиқариб, инсониятга фожиали заарлар келтириш хавфи сақланиб турибди. Ҳақиқатдан ҳам замонавий терроризм барча минтақаларда намоён бўлиб, глобал жараёнларга таъсир этган ҳолда халқаро, худудий ва миллий хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солмоқда. Шунинг учун замонавий терроризмни олдини олишда террорчилик гуруҳларига кишиларни сўнгги босқичда жалб этилиш механизмини ўрганмасдан туриб, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарасини ошириб бўлмайди.

Террорчи шахсларни террорчилик гуруҳларига жалб этишда қисман ўзгаришлар бўлган бўлсада, лекин уларни ғоявий, психологик тайёргарлиқдан ўтказиш методикаси катта ўзгаришларга юз тутмаган. Бугунги кунда Сурия, Покистон, Афғонистон ва Фаластиндаги террорчилик ҳаракатларига номзодлар

асосан камбағал ва саводсиз бўлган мусулмон оиласардан жалб этилиши кузатилмоқда. Хусусан, диний экстремистик ва террорчилик гурӯҳи аъзолари ўзларига янги номзодларни жалб этишда ислом ақидаларини тарғибот қилиб, камбағалларга моддий ёрдам бериб амалга оширадилар.

Эътибор қаратиш керакки, террорчи ташкилотлар ўз сафларига янги аъзоларни асосан билим савияси паст шахслардан жалб этади. Мутахассислар томонидан аниқланган муҳим белги – қўпорувчилик фаолиятига жалб этилган кишиларнинг мустаҳкам ижтимоий алоқаларга эга эмаслиги ва ташки таъсирга берилувчанликдир. Мазкур омил бевосита терактни амалга ошириш олдидан худкушни ташки ижтимоий алоқалардан бутунлай узиб қўйиш эвазига янада кучайтирилади²⁷.

Агар илгари типик худкуш эркак киши бўлган бўлса, 90-йилларнинг ўрталарига келиб уларнинг 40%ни аёллар ташкил этишди²⁸.

Қозоғистонлик мутахассис У.Оторбоевнинг маълум қилишича, худкуш - террорчи қуидаги тартибда террорчилик гурӯҳларига жалб этилади²⁹:

Дастлаб, исломий ўқув юртлари, мадрасаларда ёки масжидда Аллоҳ йўлида ҳалок бўлиш ҳақидаги мавзу талабалар гурӯҳи орасида муҳокама этилади. Ва аъзо ўқувчи эса бир вақтнинг ўзида мавзуга нисбатан талабаларнинг муносабатини кузатиб, уларга қизиқиш билдираётган талабаларни ўзида қайд қилиб боради. Аллоҳ йўлида қурбон бўлиш ҳақидаги маъruzага юқори даражада қизиқиш билдирганлар эса талабалар ёки масжидга келиб кетувчилар орасидан ажратиб олинади.

Шундан сўнг талабалар ёки бошқа шахслар орасидан ажратиб олинган номзод террорчилик ҳаракатини содир этиш жараёнида экстремал вазиятлар билан тўқнаш келганда ўзини тутиши ва характеристери панд бериб қўймаслиги учун пухта тайёргарликдан ўтказилади. Бу босқичда ўзининг қатъий ишончи ва совукқонлигини намойиш эта олган номзодларгина кейинги босқичда тайёргарлик олиб боришига рухсат берилади.

Кейинги босқичга ўтган номзод ўз оиласидан узоқлашади, яқинлари билан алоқаларини узади. Шундан кейин, худкуш содир этилиши лозим бўлган қўпорувчилик ҳаракатини барча жиҳатларини ўрганиши учун узоқ вақт талаб этилувчи таълим босқичи бошланади.

Сўнгги босқичга келиб террорчилик ҳаракатини содир этишга тайёрланган шахсга портловчи модда ҳақида дастлабки тушунчалар берилади ва ундан фойдаланишининг техник қоидалари ўргатилади. Бу ҳаракатлар энг

²⁷ Харитонова Н. Рынок смертников в Центральной Азии. Обозреватель. 2014. №1 – С. 43.

²⁸ Ўша жойда.

²⁹ Отрабоев У. Террористы – смертники. Кто они? <http://journal-neo.com/?q=ru/node/8707>.

сўнгти бочқичда ўргатилишининг асосий сабаби, агарда ушбу ҳаракатлар олдиндан ўргатиладиган бўлса, номзод ўз мақсадидан қайтиши ёки танлаган йўли нотўғрилиги ҳақида ўйлаб қолиши мумкин. Шу билан бирга, мазкур босқичда номзоднинг жисмоний ва психологияк камчиликларини бартараф этиш юзасидан ишлар олиб борилади. Айрим ҳолларда бунга эришиш учун номзодни қабристонга олиб бориш ҳолатлари аниқланган ҳамда номзод у ерда бир неча соат қабрда ётган.

Хорижлик тадқиқотчилар томонидан террорчи шахс психологиясининг ўзига хослигини ўрганиш бўйича бир қатор ёндашув ва моделлар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда.

Тадқиқот ишларида террорчилик кайфиятининг шаклланиш сабаблари ва турлари ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни очиб беришга ҳаракат қилган Россиялик тадқиқотчи олим С.Рощин террорчи шахснинг учта психологик моделини таклиф этган³⁰.

Биринчи модель – психотмутаассиб модели. Бу “ўзининг эътиқодлари (диний, мафқуравий, сиёсий)га асосланадиган ва ўз ҳаракатлари натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, жамият учун фойдали эканига самимий ишонадиган шахс. Сиёсий тилда у мутаассиб, психологик тилда эса психопатдир. Психопат, агар интилиш ва қарашлари жамият эҳтиёжларига мос келса, буюк ва эзгу ишларни бажара олади; аммо ҳаракатларининг мотивлари объектив ғайриижтимоий хусусиятга эга бўлса, улкан ёвузлик содир этиш ҳам қўлидан келади. Ҳар қандай психопат-мутаассиб террорчига айланиши мумкин”. Бу тўғри гап, аммо бу муаммонинг бир қисмини изоҳлайди, холос.

Иккинчи модель – фрустрациялашган модель бўлиб, бихевиоризмнинг фрустрация тажовузкорлик назариясига асосланади. “У ёки бу талабларга кўра инсоннинг ўзи учун ҳаётий муҳим мақсадларга етиша олмаслиги туфайли юзага келган фрустрация (ноиложлик) ҳисси муқаррар равишда унда тажовузкор ҳаракатларга мойилликни юзага келтиради. Бу ҳам қисман тўғри.

Учинчи модель – носоғлом оиладан чиқсан шахс. “Ота-онанинг бола билан шафқатсиз муомалада бўлиши, унинг жамиятдан ажralиб қолиши, яхши муносабатларнинг камлиги ғайриижтимоий майлларга эга ғазабнок шахс шаклланишига олиб келиши мумкин. Муайян шароитларда бундай

³⁰ Рощин С.К. Психологические аспекты личности террориста. Вестник Московского университета. - 2004. - №5 Б. 62-72.

психологик тарздаги одамлар террорчилик ташкилотларининг воситаларига осонгина айланишлари мумкин”, деган. Маълум даражада бу ҳам тўғри.

Шу нуқтаи назардан ҳозирги қунда террорчи шахси ва террорчилик хатти-ҳаракатларини юзага келтирувчи психологик механизмлар тўлиқ ўрганилмаган. Юқорида келтирилган фикрларни террорчи шахсларнинг умумлашган психологик профили деб бўлмайди. Шу боис терроризмга қарши курашиш ва унинг олдини олишда психологик томонлари етарлича таҳлил қилинмаган, чунки мутахассислар бу борада ҳар хил фикрлашлари намоён бўлмоқда. Кўпчилик террорчиларда юқори гоя таъсирида бўлиш “касаллиги” мавжуд, шу боис террорчилик ҳаракатларини содир этишга онгли равишда қўл уради ва унинг оқибатини жуда яхши англаган бўладилар.³¹.

Олимлар ҳамда ушбу соҳа мутахассисларининг таъкидлашича террорчиларнинг ёш хусусиятларига кўра, 16–35 атрофидаги ёшлардан иборат бўлади. Уларнинг террорчилик йўлига кириши учун ундовчи мотивларга айланадиган бир қатор шахсий мойиллilikларга ажратадилар³²:

- ўз «мен»ини доимий равишда ҳужумкорлик – ҳимояга тайёргарлик орқали мудофаа қилишга тайёр туриш;
- етарли бўлмаган шахсий мослик, ўз-ўзини қўйи баҳолаш;
- гуруҳнинг манманликка бўлган кучли эҳтиёжи;
- ўзининг омадсизликларига жамиятни айбдор билиб, ижтимоийadolatcizlikniboshdankechiresh;
- ижтимоий яккаланиш ва бегоналашув, жамиятнинг бир чеккасида бўлиш ҳисси, ҳаётга ва келажакка қизиқишининг сўниши.

Террорчилик жиноятларини содир этувчи шахсларни қўйидагича таснифлаш мумкин:

Ташкилотчилар. Ушбу тоифага тегишли бўлганлар ёшлик давридан террорчилик фаолияти билан шуғулланишга мойил бўлган шахслардир. Ҳозирги замон тиббиёти нуқтаи назаридан олиб қарасак, генетик террорчилар мия структурасининг туғма ёки ёшлигидаги оғишлари натижасида ҳокимиятни қўлга олиш, бошқариш каби иллатларга мубтало бўладилар.

Таъминловчилар тоифасига турли қўринишдаги ноқонуний ёки жиноий йўллар ёрдамида моддий маблағ йиғиши билан шуғулланувчи шахслар кирадилар. Булар ёлловчи, терактларни тайёрловчи, ўргатувчи ва технологияларига бўлинади.

³¹ Рощин С. Психология террориста. – СПб., 2004. – С.90

³² Психология о терроризме (Материалы «круглого стола») // Психологический журнал. – 2005. – № 4. – С. 15–17.

Ижрочилар тоифасидаги шахслар террорчилик ташкилотининг энг қуий поғоналарида турадилар ва уларнинг асосий вазифаси бевосита терактларни амалга ошириш ҳисобланади. Булар портловчи мосламани портлаш жойига олиб борувчи, портловчи мосламани масофадан ҳаракатга келтирувчи ва ўзини “курбонлик” ёки “шахидлик” келтирувчи аёл ва эркак аъзолардир.

Мазкур жиноят кейинги пайтларда турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Агар илгари муайян мақсадларга эришиш йўлида унинг одамларни гаровга олиш, аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш, у ёки бу давлат обьектларини портлатиш, давлат арбобига сунқасд қилиш ва ҳоказо кўринишлари кузатилган бўлса, бугун ўз ғаразли мақсади йўлида тўғридан-тўғри инсон ресурсларидан фойдаланиш ҳоллари ҳам оммалашиб бормоқда. Террорчиликнинг бу кўриниши “курбонлик” ёки “шахидлик” террорчилиги деб аталади. “Курбонлик” ёки “шахидлик” террорчилиги халқаро терроризмнинг бир кўриниши сифатида турли ижтимоий-сиёсий шароитларда муайян сабаблар ва омиллар таъсирида намоён бўлади. Одатда, “шахидлик”ка қарор қилган шахслар ўз жонини қурбон қилишни таклиф қилмайдилар. Уларни “маънавий мураббий”и ёки сардори танлаб олади. Шундан сўнг узоқ муддатга режалаштирилган комплекс ва психологияк тайёргарлик жараёнлари бошланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, террорчилар ҳақиқий инсоний туйгулардан узоқлашган, жамиятда қарор топган қонунлар ва тартибларни ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида ўзгартиришга ҳаракат қилувчи шахслардир. Хавфли жиҳати улар ўз бузғунчи ғояларини ёшлар орасида тарқатиш орқали бу каби иллатларнинг янада кенг тарқалишига ҳисса қўшадилар, халқ фарзандларининг маънавиятини бузишга уринадилар. Ҳозирги замонавий террорчилик ташкилотлари ўзининг ташкилий тузилиши, чегара билмаслиги ва ўзаро алоқаларининг кенглиги билан ажралиб туради. Шунингдек, террорчи ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу ўз сафларига асосан ёшларни жалб қилиб, уларни руҳий ва жанговар тайёргарликдан ўтказган ҳолда манқуртга айлантиришдир.

Жўрабоев Ҳабибуллоҳ домла,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
хузуридаги Фатфо маркази етакчи
мутахассиси.

Одам савдоси – таназзулга элтувчи иллат

Аллоҳ таоло ўзининг сўнгги дини Исломни юзага чиқарганда қулдорлик тузуми мавжуд бир воқеълик эди. Ислом дини инсонни ҳур яратилганлигини таъкидлаб, уни тугатиш чораларини кўрди. Қул озод қилишни савоб даражасига кўтарди, бунинг устига тез-тез такрорланувчи турли хил хато ва гуноҳ ишларнинг каффоратига қул озод қилишни буюрди. Масалан, қасамни бузиш, фарз рўзасини билиб туриб бузиш кабилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Ким бир мўмин қулни озод қилса, Аллоҳ таоло унинг ҳар бир аъзоси учун бунинг аъзоларини дўзахдан озод қиласи”, деб марҳамат қилдилар. Бу ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) қул озод қилишнинг фазилатини баён қилдилар чунки бу амал билан дўзахдан қутилиш ва жаннатга кириш мумкин экан.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қудсий ҳадисларида:

“Аллоҳ таоло: “Уч киши борки, мен уларга қиёмат куни хусуматчиман. Менинг номимдан (ахд) берадиган ва кейин хиёнат қиласидиган киши. Ҳур кишини сотиб пулини ейдиган киши. Мардикор ёллаб, уни ишлатиб ва ҳаққини бермаган киши”, деди” (Имом Бухорий ривояти).

Бу ҳадисда Аллоҳ таоло қиёмат куни уч кишига раҳмат назари билан қарамаслиги ва улар билан хусумат қилиши баён қилинмоқда. Аллоҳ таоло ким билан хусумат қилса, албатта, уни енгади. Улар ичидаги ҳур кишини сотиб, уни ҳурлиқдан маҳрум қилиб, қулликка солган киши ҳам бор. Бу жуда катта гуноҳдир. Чунки бу ҳолатда инсон, одатда қилиши мумкин бўлган ишлардан ман этилиб, хорлик ҳолатига туширилади ва кўпинча фақат қорин тўйдириш учун ишлашга маҳкум қилинади. Ўткинчи мол-дунё учун ватандошларини, қишлоқдошларини ва ҳатто қариндошларини сотишдан қайтмаётган кишилар, юқоридаги ҳадислардаги маъноларни бир зум тафаккур қилсалар кифоя. Зеро, ҳалол касб қилиб, бойлик орттираётган, элга хизмат қилиб, дуо олаётган мардлар ҳам сон-саноқсиз. Яна бир ҳадиси шарифда “Аллоҳ таоло қиёмат кунида уч кишига қарамайди. Ҳурни сотган киши, ўзини ўзи сотган киши ва мардикорнинг тери қотгандан кейин унинг ҳаққини бекор қилган кишини”, дейилади.

Бу ҳадис ҳам юқоридаги ҳадисни тўлдириб келади. Қиёмат куни аҳволи оғир бўладиган кишилардан яна бири ўзини сотган киши экан. Инсон била туриб, ўзини қулликка солиши улуғ гуноҳлардан ҳисобланади

Хозирги кунда одам савдоси жаҳон миқёсидаги дол-зарб муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Оқибатда кўплаб инсонлар жабр чекмоқда. Шу боис жойларда ана шу таҳликали иллатга қарши курашиш фуқароларимизнинг ҳақ-хуқуқларини муҳофаза этиш мақсадида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Одам савдоси, аввало, инсон эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига жиддий путур етказади, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Бу жиной фаолият ортида аслида мажбурий меҳнат, қуллик ва фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих иллатлар туради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 2 миллион 700 мингга яқин киши одам савдосининг қурбони бўлмоқда.

Одам савдоси билан шуғулланувчилар жиной ҳа-ракатларини сир тутиб, қурбонларининг номини имкон қадар эътибордан четда сақлашга уринади. Шу мақсадда улар одамларни хорижга ноқонуний йўллар, катта маошни ваъда қилиш, алдов ва ишонтириш йўли билан олиб чиқади, ҳатто шахси билан боғлиқ ҳужжатларни қалбакилаштиришга ҳам уринади.

Муқаддас динимиз барча инсонларга ирқи, насаби, миллати, бойлиги, мансаби ва жамиятдаги тутган ўрнидан қатъи назар, ҳамманинг ҳурлигини қадрлашга, хурмат-эътибор қўрсатишга буюради. Мусаффо динимиз илк даврлариданоқ қулчиликни, одам савдосини қаттиқ қоралади. Қул озод қилишни жамият ҳаётидаги етук фазилат сифатида майдонга олиб чиқди, уни ҳатто ибодат даражасига кўтарди.

Ислом таълимоти инсонларни тўла-тўқис озод, ҳур бўлишга, фақат Аллоҳ таолога бандалик қилишга, ҳар томонлама етукликка, яхшилик ва тақво йўлида ўзаро ҳамкор бўлишга чорлайди: «Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар: (одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намоз(лар)ни баркамол адо этадилар, закотни берадилар ҳамда Аллоҳ ва (Унинг) Расулига итоат этадилар. Айнан ўшаларга Аллоҳ марҳамат кўрсатур. Албаттга, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир» (Тавба, 71).

Инсон дунёга ҳур ва озод ҳолда келади. Шу ўринда ҳазрат Умарнинг (розияллоҳу анҳу) машхур сўзи диққатга сазовордир: “Оналари озод ҳолда дунёга келтирган инсонларни қачондан буён қул қилиб олдиларинг?”

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилган ҳадиси құдсийда айтилади: “Мен қиёмат куни уч тоифа кишининг даъвогари бўлурман: Менинг номим билан аҳд бериб, уни бузган, озод инсонни қул деб сотиб пулинин еган ва мардикорни ишлатиб ҳақини бермаган одамларнинг” (Имом Бухорий ривояти).

Бор-ган жойларида меҳнат қилиб ҳақини ололмаётганлар, касал бўлиб, даволанишга пул ахтараётганлар, ҳатто уйга қайтай деса, йўлкирасини тополмаётганлар қанча?!

Аллоҳ таоло инсонни азизу мукаррам қилиб яратган, унинг ризқини канда қилмай бериб туради. Аллоҳ бандаларига енгилликни истайди Куръони

каримда бундай марҳамат қилинади: «...Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди...» (Бақара, 185).

Аллоҳ бировга қўпроқ, бошқасига озроқ, ҳамманинг ризқини аниқ белгилаб қўйган. Биронинг ризқи адашиб бошқаникига бориб қолмайди. Бирор киши риз-қи-ни тўла олмагунича бу дунё билан видолашмайди ҳам. Аллоҳ таоло марҳамат қиласиди: «Аллоҳнинг хоҳлаган кишилар ризқини фаровон қилиши ва (бошқалар ризқини) тант қилишини кўрмадиларми?! Албатта, бунда имон келтирувчи қавм учун аломатлар бордир» (Рум, 37).

Унда нега одамлар ато этиб қўйилган ризққа қаноат қилмай, ўзларини ҳар тарафга уришади? Берилган ризққа рози бўлмай, оиласини ташлаб, ўзга ўртларга ризқ ахтариб кетишади. Агар очлик, муҳтожлик уларни иссиқ ўринларидан ҳайдаб чиқарганида, ҳолатларини тушунса бўларди. Асосан орзу-ҳавас, ҳавойи нафс, “катта тўйлар қилиш, бойлик гаштини суриш” васвасаларига учиб, ўзга ўртларда хор бўлиб юришибди.

Инсонларни турли йўллар билан алдаш, уларни ношаръий ишларга мажбурлаш, улар ҳақига хиёнат қилиб, пулини бермаслик, фоҳишлиқ қилишга жалб этиш, одамларни бошқаларга сотиб юбориш, уларнинг ички аъзолари ва тўқималарини зўрлик билан ажратиб олиш каби ишлар қаттиқ гуноҳ саналади. Зоро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким бизни алдаса, у биздан эмас. Макру ҳийла ва алдов соҳиби дў-захийдир”, деганлар. Бу иллатлар инсон хуррияти ва ҳак-хуқуқларига хавф солгани ёки буларни чегаралагани учун инсонийликка ҳам, ахлоқ-одобимизга ҳам, амалдаги қонунчилик ва шариат аҳкомларига ҳам тамоман зиддир.

Абу Масъуд Ансорийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фоҳишлиқ ва коҳинлик қилиб кун қўришдан қайтарганлар.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чўриларнинг танасини пуллаб тирикчилик қилишни ман этганлар”.

Ислом дини одам савдоси масаласига ана шундай жиддий муносабатда бўлади.

Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

“Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик” (Исро сураси, 70-оят).

Демак, инсон ва унинг аъзолари мукаррам, ҳатто вафот этган кишининг хукми ҳам шундайлигича қолади, яъни вафот этган кишининг жасадини хўрлаш ёки бирор аъзосини кесиб олиш катта гуноҳ саналади.

Инсон аъзоларини сотиш жоиз эмас, чунки у савдо моли ҳисобланмайди. Инсон аъзолари мулк эмас, уни сотишга шаръян рухсат берилмайди, эваз ҳам олинмайди, чунки бу мулкида бўлмаган нарсани сотищдир. Худди шундай, инсоннинг аъзолари ворисларига ҳам мулк эмас, улар ҳам маййитнинг аъзоларини сота олмайдилар.

Одам аъзоларини сотиш унинг хурматига, мукаррамлигига зид келади.

Шариатимиздаги яна бир асл қоида: мусулмон киши хоҳ тирик, хоҳ ўлик бўлсин унга жароҳат ёки кесиши билан озор бериш ҳаром ҳисобланади. Ана шу қоидадан бошқасига ўтиш ёки истисно қилишга мажбур қиласидиган далил бўлмаса, асл қоида ўз ҳолида қолади.

Уламолар инсон аъзоларини трансплантация қилиш (кўчириш) амалиётининг жоизлигига “инсонга манфаат бериш ва ундан зарарни даф қилиш” шаръий қоидасини асос қилиб олганлар. Ушбу қоидага биноан амалиёт жараёнида бошқа бир инсонни ҳалокатга дучор қиласлик шарт бўлади.

Бу амалиётни бажаришда бошқанинг ҳаёти учун жуда катта манфаат борлиги сабаб ўз аъзоларини олиб, муҳтожга қўйишга рухсат берилиши инсоннинг аъзолари муккаррам эканини сақлаш тушунчасига зид эмас. Икки тараф мувофиқ келган тақдирда қуйидаги шартлар асосида аъзони кўчириш амалиёти мумкин бўлади:

1. Бирор аъзосини ҳадя қилувчи одамнинг аъзоси олинганда унинг ҳаёти хавф остида қолмаслиги.

2. Ўз аъзосини ҳадя қилувчи одам ихтиёрий равища бўлиши, ҳеч ким томонидан мажбур қилинмаслиги.

3. Аъзонинг кўчирилишига сабаб ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган беморнинг қасаллиги тиббиёт жиҳатидан фақат шу йўл билангина тузалиши мумкин деган хulosага келинган бўлиши.

4. Аъзоси олинаётган ва янги аъзо қўйилаётган икки тараф учун ҳам жарроҳлик амалиёти муваффақиятли тарзда ўтиши ва кутилган натижага эришилиши тажрибаларда кузатилган ва унга ишонч ҳосил қилинган бўлиши зарур.

Кўчириш мумкин бўлмаган аъзолар:

- бир инсоннинг насли бошқасига ўтишига сабаб бўладиган ирсий аъзолар (эркак ва аёлнинг жинсий аъзолари), шу сифатларни ташувчи ва ҳомилага сабаб бўлувчи аъзолар;

- инсоннинг яшашига бевосита боғлиқ бўлган юрак каби аъзолар;
- инсоннинг тўкис яшашига билвосита боғлиқ бўлган кўз қорачиги каби аъзо;

Ууман, инсон шаъни, обрўси ва ҳаётига салбий таъсир кўрсатадиган тиббий амалиётларнинг барчаси шаръян таъкиқланади.

Юқорида зикр қилинган, аъзоларни зарурат бўлганда кўчиришга бир нечта шартлар қўйилмоқда. Энг муҳим нуқта – аъзо кўчирилганда ҳам сотилмайди, балки табарруъ (эҳсон) қилинади.

Энди баъзида қулоққа чалиниб қоладиган болаларни ўғирлаш ва уларнинг тана аъзоларни сотиш ҳолатларида бир нечта катта гуноҳлар жам бўлади. Бу ерда одамнинг жонига қасд қилиш бор. Қуръони каримда бир одамни ноҳақ ўлдириш барча одамларни ўлдиришга баробарлиги айтилган. Бунинг устига шариатимизда мол (товар) деб ҳисобланмаган нарса (одам аъзолари)ни сотиш – ҳаром пул топишдир. Бундай жирканч гуноҳга қўл урадиган кимсаларни агар тавба қиласалар, дунёда хорлик ва охиратда аламли азоб кутади.

Тиббиёт соҳаси тараққий этиши натижасида бугунги кунда тана аъзолари, ички органларни ўзгаларга кўчириб ўтказиш амалиёти дунёнинг кўплаб давлатларида ривожланган. Айрим мамлакатларда эса ўз тана аъзоларини хусусий касалхоналарга сотиш ҳолатлари одатий кўриниш касб этган. Масалан, Ҳиндистонда тез кунда еб битириладиган арзимас пуллар учун камбағал халқ ўз буйракларидан бирини ёки кўз мугуз пардасини, жигарининг бир қисмини сотиш учун узундан-узун навбат кутади.

Тана аъзоларини сотиш ва бу иш билан шуғулланиш замонавий қонунларда таъкиқланган ишлар сирасига киради. Агар масалага ислом фиқҳи нуқтай назаридан ёндашадиган бўлсак, мутақаддим уламоларимиз инсон тана аъзоларини сотиш ёки айирбошлиш шаръян ножоиз ва ҳаром эканлиги борасида яқдиллирлар. Зеро, инсон ўз жисми ва аъзоларига эгалик қилмайди. Унинг эгаси Аллоҳdir. Жисмимиз ва тана аъзоларимиз биз учун то ажал келгунча омонат қилиб берилган неъматлардир. Шундай экан инсон қандайдир моддий эваз муқобилида ўз тана аъзоларининг баъзиларидан воз кечиб, бирорга бериши асло жоиз эмас.

Зеро, шариатда инсон ўзиники бўлмаган нарса борасида сотиш ёки эҳсон қилиш орқали ўзбошимчалик билан тасарруф юритиши таъкиқланади. Амр ибн Шуйб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «كُدْنَعْ سَيْلَ امْ عَبْتَ الْوَ» яъни

«ўзингники бўлмаган нарсани сотма!» (имом Аҳмад ва Абу Довуд ривоятлари).

Шу боис уламолар жумхури тана аъзоларини сотиш ёки бирорга тортиқ қилишни ман қилганлар. Бунинг бир қанча жиҳатдан сабаблари бор. Биринчидан, юқорида айтилганидек, инсон танаси Аллоҳнинг мулки бўлиб, у ўз аъзоларини истаганидек, тасарруф қилиш хуқуқига молик эмас. Иккинчидан, Аллоҳ таоло Куръони каримда «لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي أَحْسَنِ تَقْوِيمٍ» яъни: «дарҳақиқат, инсон зотини энг гўзал суратда яратдик» (Тийн сураси:4-оят), дея марҳамат қилган. Ушбу ояти карима мазмунига кўра, инсоннинг тана аъзоларидан бирортасини қирқиб олиш унинг Аллоҳ томонидан яратилган чиройли шаклига путур етказади. Учинчидан, инсон ўзига зарар етказишдан қайтарилган. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «وَأَنْفَعُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُلْفُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى» «يُجْبُ الْمُحْسِنِينَ التَّهْلِكَةُ وَأَحْسَنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ» яъни: «Аллоҳ йўлида инфоқ қилингиз ва ўзингизни таҳликага ташламангиз. Яхшилик қилингиз. Зеро, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади» (Бақара сураси: 195оят). Ушбу ояти кариманинг мазмунига кўра инсон ўз ҳаётини хавфга солиши мумкин бўлган, жонига зарар берадиган, жисмига талафот етказадиган ҳар қандай ишлардан сақланмоғи лозим. Тўртинчидан, фиқҳда «مُلْثِمٌ بِلَازِي إِلَى رِضْلَةٍ» яъни «бир зарар бошқа бир зарар билан кетказилмайди» деган қоида бор. Ушбу қоидага кўра масалан, бир инсоннинг бир буйраги ишламайди. У инсон бошқа инсоннинг бир буйрагини олиб ўша бошқанинг бир буйракли бўлиб қолиши эвазига иккита буйракли бўлиб олиши мумкин эмас. Ёки, бир одам дўконлардан бирига эгалик қилади ва у ерда маълум турдаги товарларни сотади. Ёнидаги дўконлар соҳиблари ўша товарлардан келтириб арzonроқ нархларда сотаётганликлари учун у зарар кўра бошлади. Шунда у ён-атрофидаги унга зарар келтираётган дўконларни ёптириб қўйиш ёки кўчириб юбориш эвазига ўзидаги зарарни кетказиши жоиз эмас. Бешинчидан, тана аъзоларни кўчириб ўтказиш учун уни бемалол сотиш ёки тортиқ қилишга рухсат берилса, бу ҳолатлар инсоннинг каромати ва ҳурмати оёқ ости бўлишига олиб келади. Айрим мафия ва жиноят синдикатлари томонидан одамларни ўғирлаб кетиб, уларнинг тана аъзоларини суғуриб олиб, мўмай пулга сотиш ҳолатлари яна-да ривожланиб кетишига ҳам йўл очилади. Шунинг учун ҳам фиқҳда «саддуз зароиъ» яъни «ҳаромга олиб борувчи йўлларни тўсиш» тушунчаси мавжуд. Шунга кўра, ҳаромга олиб борувчи нарсалар ҳам ҳаром бўлади. Ундан ташқари, инсон тириклигига қандай ҳурматли бўлса, ўлгандан кейин ҳам шундай ҳурматлидир. Айрим давлатларда бемор ўлиб қолса, моргда унинг танасини ёриб, ички

органларини олиб қолиш ҳолатлари кузатилади. Бу сирф моддиюнчилик нүктаи назаридан қаралганда гўёки яхши ишдек туюлади. Бу ишни қиласиганлар, «бу аъзоларнинг энди унга кераги йўқ. Бироқ, уларни олиб биртирик одамнинг умрини узайтиришимиз мумкин» деган мантиқа асосланадилар. Ваҳоланки, бу иш инсон кароматини оёқ ости қилиш ва қайсиdir маънода динда қайтарилиган мусла (ўлган инсоннинг жасадига ҳурматсизлик қилиш) билан баробардир. Аллоҳ таоло «وَلَقَدْ كَرِمًا بَنَى آدَم» яъни: «дарҳақиқат, Одам болаларини мукаррам қилдик» (Исро сураси: 70-оят). Тана аъзоларини худди товарлар каби айирбошлиш Аллоҳ томонидан инсонга ато этилган каромат ва ҳурматнинг оёқ ости қилиниши демакдир.

Хулласи калом, аввалги авлод фуқаҳоларимиз ва бугуннинг жумхур уламоларига кўра ўз тана аъзоларини сотиш шаръян ҳаромдир. Фақат замондош уламолардан айримлари зарурат ҳолатида бир қанча шартлар билангина бу ишга рухсат берганлар.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, мутақаддим олимларимизнинг барчаси ва замонамиз аҳли илмларининг аксари инсон тана аъзоларини сотиш ёки текинга тортиқ қилиш мутлақо ҳаромлигига иттифоқ қилганлар.

Тана аъзоларини сотишга рухсат берган айрим замондош уламолар эса «تاروظحمل ا حیبت تارورضل» (зарурат ҳолатлари ҳаром қилинган ишларни мубоҳга айлантиради) қоидасидан келиб чиқиб, агар бу ишда рожиҳ манфаат мавжуд бўлса, яъни бир инсон бошқа инсонга тана аъзоларидан бирини сотиши ёки тортиқ қилиши туфайли чиндан ҳам бошқа бир тирик инсоннинг ҳаёти сақлаб қолиниши аникроқ бўлса ва бунда ўз тана аъзоларидан айримларини сотувчи ёки тортиқ қилувчининг саломатлигига зарар етмаса, бу ишнинг жоизлигига фатво берганлар.

Хатамов Фарход Фахритдинович
Фалсафа доктори (PhD),
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети мустақил
изланувчиси

Инсон ҳуқуқлари – янги ўзбекистоннинг асосий маънавий таъянчи

Агарда тарихда жамият ва шахс, давлат ва шахс муносабатлари асосан колективизм ва этатизм анъаналари асосан Шарқда шаклланган бўлса, Ғарбда “полис демократия” шаклида маълум бир эркинлик майдонининг пайдо бўлиши инсоннинг teng сиёсий ҳуқуқларининг шаклланиши учун

шароит яратди³³. Масалан, антик даврда **Аристотель** судда ва халқ ийғилишида қатнашадиганларни фуқаро деб атаган. Фуқаролик давлат ишларини ҳал қилиш хуқуқи, одил судловда иштирок этиш хуқуқи, шунингдек, сиёсий хуқуқларни амалга оширишнинг муҳим шарти бўлган мажбурий меҳнатдан озод бўлиш каби хуқуқларни амалга ошириш қобилияти сифатида ҳаракат қилган³⁴.

Инсон ва фуқароларнинг ажралмас хуқуқлари мавжудлигининг замонавий концепцияси инсоннинг ижтимоий-табиий феномен назарияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ҳақидаги барча таълимотларнинг асоси инсоннинг табиий хуқуқларига асосланади. Табиий хуқуқ концепцияси инсоннинг ижтимоий ва ахлоқий “мавжудот” эканлиги, маълум бир ибтидоий ва ажралмас хусусиятларининг ифодаси сифатида айнан антик даврда ривожлана бошлади. Табиий хуқуқ назариясининг бошланиши даставвал Ксенофонт³⁵ ва Гераклит³⁶ қарашларида учрайди. Қадимги Римда эса табиий хуқуқнинг ilk назариётчиларидан бири бўлган **Цицерон** биринчи навбатда сиёсий хуқуқларни шахснинг табиий хуқуқлари қаторига киритган. Хусусий мулк хуқуқининг дастлабки илмий асосларидан бири Цицероннинг рисоласида шундай келтирилган: “*ҳар ким ўзи эришган нарсасига эгалик қилсин; агар кимдир буларнинг бирортасига тажсовуз қилса, у инсоният жамиятининг хуқуқларини бузган ҳисобланади*”³⁷.

Ўрта асрларда ҳар қандай одамнинг эркинлиги маълум даражада чекланган эди, чунки феодализм жамияти – умумий қарамлик жамиятидир. Ҳатто ушбу жамиятнинг қонуний равишда эркин деб ҳисобланган қатламлари ҳам ижтимоий иерархиянинг юқори даражадагиларга боғлиқ эди. Шу билан бирга, католик черкови институтлари томонидан ижтимоий назорат тамойили ҳам амал қилиб, бу феодал уюшмалар томонидан бошқарилишидан кам бўлмаган таъсирга эга бўлган. Шунга қарамай, ўрта асрларда қонунлар расмий тенглиқ принципига асосланмаганлиги сабабли, улар турли синф вакилларини ҳокимият билан муносабатига қараб турли ижтимоий-сиёсий даражага қўйган. Гарчи аниқ қонунлар ва анъаналар билан тартибга солинган бўлсада, турли хил уюшмаларнинг шаклланиши (рицарлик орденлари, савдо

³³ Общая теория прав человека // под ред. Е.А. Лукашевой. –М., 1996. –С.6.

³⁴ Аристотель. Политика. Книга третья // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –М., 1997. Т.1. –С.111

³⁵ Ксенофонт. Воспоминания о Сократе, IV б. // Сократические сочинения (Пер. С.И. Соболевского). -М.; -Л.; 1935.

³⁶ Фрагменты Гераклита // Материалисты Древней Греции. Собрание текстов Гераклита, Демокрита и Эпикура. -М., 1955, -С.46.

³⁷ Цицерон. Об обязанностях, книга I, (VII, 21). М., 1975. С. 63

ва ҳунармандчилик гилдиялари) улар аъзолари ўртасида тенгликни мустаҳкамлашга хисса қўшган. Мазкур уюшмалар аъзолари ҳукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уларни бирлаштирганлар.

Жумладан, Англияда 1215 йилда Эркинликлар буюк хартияси (*Magna Charta Libertatum*) қабул қилиниши билан инсон ҳукуqlари концепцияси ўзининг янги босқичига кирди дейишимиз мумкин. Унда лордларга подшоҳ амалдорларининг ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилишни таъминловчи кафолатлар, шунингдек, эркинликларга нисбатан жазоларни қўллаш фақат тенг ҳукуқли шахсларнинг ҳукми билан ва қонунга мувофиқ амалга оширилиши мумкинлиги, низоли муаммоларни тинч ва муроса йўли билан ҳал қилиш каби тамойиллар ўз аксини топади³⁸.

Инсон, унинг автономлиги, эркин ўзини-ўзи бошқариш, қадр-қиммати ва ташаббускорлигини ривожлантириш омилларига асосланган гуманизм ғоясининг сиёсий жараёнлар ва ижтимоий тафаккур ривожидаги ўрни таҳлил этилганда. Жумладан, бу борада итальян гуманисти **Данте Алигьери** “инсон зоти тўлиқ эркин бўлган тақдирда энг яхши ҳолатда бўлади... бизнинг эркинлигимизнинг биринчи тамойили – бу мустақил қарор қабул қилиш эркинлигидир”³⁹ дея таъкидласа, **Ла Боэси** “инсоннинг эркин бўлиши ва эркинликни хоҳлаши табиийдир, аммо шу билан бирга, унинг табиати турли одат ва тартибларга қўникиб қолишга мойилдир”, деб ҳисоблайди⁴⁰.

Ўйғониш ва Реформация даври мутафаккирлари шахснинг маънавий ва ахлоқий эркинлигини асослашгани ҳолда инсон ҳукуқлари концепциясининг ҳукуқий ва сиёсий томонларини ривожлантиришгани қайд этилади. Бу борада Т.Гоббс, Б.Спиноза, В.Гумбольдт, Дж.Локк, Ш.-Л.Монтескье, А.Смит, И.Кант, Т.Джефферсон, Б.Франклайн, Дж.Мэдисон, Б.Констан, А.Токвиль, И.Бентам, Дж.С.Милл, Т.Х.Грин, Л.Хобхауз каби либерализм мафкураси намоёндаларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари қиёсий ўрганилганда яққол кўринади.

Шунингдек, инсон ҳукуқлари концепцияси ривожида Шарқда, жумладан Марказий Осиё сиёсий фикрлар ривожида ислом дини мухим омил бўлиб хизмат қилганлиги таъкидланиб, сиёсат ва ҳукуқий масалалар шариат (Куръон асосида ишлаб чиқилган диний, жиноий ва фуқаролик қонуният ҳамда қоидалари мажмуи)да ўз аксини топганлиги ургуланди. Марказий

³⁸ Magna Carta - The British Library. <https://www.bl.uk/magna-carta>

³⁹ Данте Алигьери. Монархия. Книга первая // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. – М., 1997. Т.1. –С. 235.

⁴⁰ Ла Боэси. Рассуждение о добровольном рабстве//Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. -М., 1997. Т.1. –С.295.

Осиё худудида сиёсий-ҳуқуқий фикрларнинг ривожланишига IX-XI асрларда яшаган Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларнинг роли катта бўлди. Бу давр олимлари диний ва дунёвий маърифатга интилиш, табиятга қизиқиш, комил инсонни тарбиялаш, универсаллик-қомусийлик, умуман, жамият ва давлат бошқарувига доир барча илмлар билан қизиқиш борасида ўзларини намоён қилдилар.

Инсон ҳуқуқлари – сиёсий маданиятнинг ажралмас феномени сифатида қаралиб, у, аввало, инсоннинг умум билим даражаси, дунёқараши, ахлоқ-одоби билан узвий боғлиқликда шаклланади, дея эътироф этилади.

Жумладан, сиёсий маданият категорияси илмий муоммалага XVIII асрда немис файласуфи **И.Гердер**⁴¹ томонидан таклиф қилинган бўлиб, ҳозирги замон сиёсатшунослигига уни концептуал асосларини америкалик назариётчи олим **Х.Файнер** ўзининг 1956 йилда ёзган “Европанинг буюк давлатлари бошқарув тизими”⁴² номли китобида очиб берган. Кейинчалик **Г.Алмонд** ва **С.Верба** фанга “фуқаролик маданияти”⁴³ тушунчасини таклиф қилишади. Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётини англаш унинг сиёсий маданиятини ҳар тарафлама ўрганиш орқалигина эришилади. Фақат шу омиллар асосида сиёсий тизимнинг манбаи, характеристери ва ўзига хос хусусиятларини, жамиятда ҳукмронлик қилаётган сиёсий тартибот, ижтимоий гурӯҳларнинг хатти-ҳаракати ва сиёсий онги, ҳуқуқий тизими ва ҳаракати ҳакида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари ижтимоий институтларнинг, анъанавий амалиётларнинг, сиёсий қарорларнинг ахлоқий баҳоланиши учун фойдаланиладиган ижтимоий ахлоқнинг марказий категорияларидан бири ҳисобланади. У асосий халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларда (давлатлар конституциялари ва халқаро ташкилотлар низомларида) ўз аксини топиб, халқаро ва миллий даражадаги замонавий сиёсий риториканинг муҳим воситасига айланган, дейиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари ғояси турли халқлар ва маданиятларнинг кўп асрлик ахлоқий тажрибасига асосланганлигига қарамай, бугунги кунда уларни амалга ошириш бир қатор жиддий қийинчиликларга дуч келинмоқда. Уларнинг инсон ҳуқуқлари ғоясини рад этиши ёки турли чеклов принциплари турли даражадаги сиёсий ихтилофларга ҳам олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида инсон ҳуқуқлари концепциясини

⁴¹ Гердер Т. И. Идеи к философии истории человечества. М.: Наука, 1977. С. 101.

⁴² Антология мировой политической мысли: В 5 т. М., 1997. Т. 2. С. 595.

⁴³ Гражданська культура і стабільність демократії // URL: http://www.civisbook.ru/files/File/1992-4-Almond_Verba.pdf

маданиятлараро мулокот контекстда таҳлил қилишни долзарб вазифа сифатида қўймокда.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси объектив, генетик жиҳатдан сиёсий таркибга хосдир. Айтиш мумкинки, шунинг учун инсон ҳуқуқлари фақатгина инсон ҳуқуқлари ҳақида ижтимоий-субъектив ғоялар, қарашлар, назариялар ва уларга асосланган сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва ҳ.к.лар мавжуд деган маънода талқин қилиниши мумкин эмас. Ғоялар ва меъёрлар ҳар-хил ижтимоий қатламларга, гуруҳларга, синфларга, миллатларга ва бошқаларга мансуб бўлган одамларнинг доимий ўзгариб борувчи ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини (кенг маънода инсон ҳуқуқлари муаммосини) қондиришнинг объектив мавжуд муаммоларини ифодалashi лозим. Демак, инсон ҳуқуқлари муаммосини ижтимоий-қадрият, ижтимоий-синфий талқин қилишнинг муқаррарлиги ва уни ҳал қилиш йўллари, айнан мафкуралашган ва сиёсийлаштирилган “инсон ҳуқуқлари” тушунчасини пайдо қиласди.

Инсон ҳуқуқларининг том маънодаги намоёни ҳуқуқий давлатда ўз аксини топади. Шунинг учун, таҳлилларга кўра, ҳуқуқий давлатни яратиш йўлидаги сиёсий курсни амалга ошириш жараёнида энг жиддий хавф, уни фақат расмий шаклини ҳақиқий имконият деб ҳисоблаш бўлади. Шу муносабат билан, ҳуқуқий давлат жавоб бериши керак бўлган энг умумий талаблар сифатида қўйидагиларни таснифлаш мумкин:

- фуқаролар асосий ҳуқуқларининг ҳар томонлама кафолати, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш учун самарали ишлайдиган, содда ва ошкора бўлган юридик механизминг мавжудлиги;
- қонунчиликнинг барча синфлар ва ижтимоий қатламларнинг энг муҳим манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва жамиятдаги ахлоқий-психологик вазиятига мувофиқлиги;
- долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг амалий жараёни контекстида қонунчиликни органик равишда такомиллашуви;
- конституция ва амалдаги қонунчиликнинг қонуности ҳужжатларига нисбатан устуворлиги, ҳуқуқнинг мутлоқ устуворлиги;
- қонун ҳужжатлари барқарорлиги ва динамизмининг диалектик бирикмаси;
- фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши учун амалий демократик процедураларнинг мавжудлиги;
- жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

- давлатнинг қонун ижодкорлиги, ташкилий, мафкуравий ва хукуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бирлиги;
- сиёсий, давлат ва ижтимоий тизимнинг барча даражаларида хукуқ субъектлари ўртасидаги зиддиятли ва низоли вазиятларни ҳал қилишининг мукаммал хуқуқий механизмининг мавжудлиги;
- давлат аппарати ва жамоат ташкилотлари ходимларининг касбий ва маънавий етуклиги, уларнинг касбий вазифаларини сифатли бажаришга интилиши;
- мамлакат фуқароларининг юқори хуқуқий билим ва хуқуқий маданияти.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг мантиқий давоми сифатида Тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти тўлалигича Янги Ўзбекистон истиқболини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзининг бой тарихига таяниб, порлоқ истиқболини қураётган давлат, ҳамжиҳат ҳалқ сифатида дунёга танилди. Шу билан бирга, мамлакатда хуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини бунёд этишга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, ҳалқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, ҳалқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Айни пайтда, эришган марралар ва йўл қўйилган камчилликларни мунтазам таҳлил қилиш, яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган фаолиятни пухта ўйланган режалар асосида олиб бориш талаб этилади. Чунки, ижтимоий-сиёсий ҳаёт доимий ўзгариш ва ривожланишдан иборат. Бу тараққиёт ва истиқбол учун курашдир. Бу ҳаёт фалсафаси, унинг зиддиятларга тўла томонларини диалектик тафаккур юритиш асосида ечиш тақозо этилади.

Ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – инсон ва унинг манфаатлари ифодаси экан, унинг так замирида “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиқлик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушиунчалар ва ҳаётий қўникмалар⁴⁴ ётишини тушиниб етмоғимиз лозим. Мазкур жараёнларнинг мантиқий давоми сифатида ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегияси “миллий ривожланишимизнинг янги

⁴⁴ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda_293336

босқичини бошлаб бериш, бизни бундан буён фаолиятимизни “инсон-жамият-давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этишга”⁴⁵ ундейди.

Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноёб механизмини такомиллаширишга оид аниқ ташаббус ва таклифлар берилди. Шу билан бирга, БМТ шафелигига “Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” глобал форуми, Ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Бутунжаҳон ёшлар анжуманини ҳамда Диний эркинлик масалалари бўйича миңтақавий конференцияларни ўtkазиш белгиланган⁴⁶. Мазкур ташаббуслар, энг аввало, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатига қаратилган, дейишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда нафақат давлат органлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим актори вазифасини бажариши лозим. Айнан улардан демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббус ва ғояларни ишлаб чиқиши ҳамда мазкур жараённинг фаол ижроисига айланиши талаб этилади. Фуқаролик жамияти институтлари ҳар бир шахснинг манфаатларини инобатга олгани ҳолда жамият билан давлат ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўташи, инсонларда фаол фуқаролик позицияси ва дахлдорлик ҳиссини оширишда муҳим роль ўйнаши талаб этилади.

Умаров Закир Равупович

Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси доценти

Одам савдоси жиноятларига қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг муҳим жихатлари

Маълумки 2022 йил мамлакатимизда кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттига устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди. Тараққиёт стратегияси иккинчи устувор

⁴⁵ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини катъий давом эттирамиз // https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qatiy-davom-ettilramiz_318163

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

йўналиши “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш”, қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгиланди⁴⁷

Хозирги даврда ер куррасининг барча мамлакатларини ташвишга солаётган халқаро терроризм, наркотрафик ва одам савдоси сингари трансмиллий жиноятларнинг инсон хавфсизлигига хуруж қилаётгани боис, ушбу жиноятлар оқибатидан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда. Минтақа ва чегара билмайдиган бу жиноятлар дунё тараққиёти ва мамлакатлар ривожига жиддий хавф солмоқда. Шулар қаторида айниқса, одам савдосидек оғир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч кўринишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Одам савдоси кўпинча ҳуқукий жихатдан етарли тушунча ва билимларга эга бўлмай туриб ноқонуний тарзда чет давлатларга бориб меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ортидан юзага келмоқда. Нолегал меҳнат миграцияси натижасида давлатлар чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, божхона ва солиқ қонунчилигини қўпол тарзда бузиш орқали юз бермоқда.

Уюшган жиноий гурухлар ва жиноятчилар ўз ватандошларининг ишонувчанликлари, соддаликлари туфайли ва чет элга чиқиш тартиблари юзасидан етарли ахборотга эга эмасликларидан фойдаланиб, уларни қулликка маҳкум этмоқдалар. Натижада, жиноятчилар тузоғига илиниб алданган фуқароларимиз жисмоний ва руҳий жихатдан зўриқиши ҳамда азоб-уқубатларга дучор бўляяпти. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунларимиз билан ҳимоя қилинади. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 26-моддасига кўра, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийикқа дучор этилиши мумкин эмас деб белгилаб қўйилган.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлари ҳали ҳам содир этилаётганлиги инсоният цивилизациясига, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдирмоқда. Шу нуқтаи назардан уюшган жиноятчилик, хусусан, халқаро терроризм, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш бугун дунё халқлари учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

⁴⁷ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

Хозирги даврда кишиларимизнинг соддалиги ва ишонувчанлиги сабабли моддий етишмовчиликларини тезда ҳал этиш илинжи, енгил-елпи бойлик орттириш орзуси, етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслиги, лоқайдлик ва нопок кимсаларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари, трансмиллий жиноий гурӯхларнинг ихтисослашувига сабаб бўлмоқда.

Машхур философ ва журналист Альбер Камю айтадики, “қулликни англаш, албатта исён билан тугайди”. Қул — қул эмас, қуллигини англамаган — қул, деган эди қадимги файласуфлардан бири. Бугунги кунда ҳам тан олишимиз керакки, эркини, тенглигини, шахсий дахлсизлигини арзимас баҳога сотаётган ва ёки ихтиёrsиз равишда қуллик домига тушиб қолаётганлар кам эмас. Кишилик тарихидан маълум бўлган «Қулдорлик тузуми» деб аталган бутун бошли ижтимоий формацияни босиб ўтган инсоният учун бу тушунча янгилик эмас. Қуллар, қул бозорлари ҳақида тарих китобларидан ўқиган, бадиий фильмларда кўрган XXI аср авлоди «Одам савдоси» деган янги иборага тўқнаш келди. Ибора сифатида янги аммо ижтимоий воқелик сифатида жуда эски бу иллат бутун инсониятда жиддий ташвиш ва хавотир уйғотмоғи керак.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида тобора чуқурлашиб илдиз отиб бормоқда. Бу мудҳиш иллатни кузатиш учун матбуот саҳифалари ва интернет сайtlарига ёки телевизор экранларига кўз ташлаш кифоя — қайсиdir МДҲ мамлакатида рўй берган ушбу мудҳиш жиноят билан боғлиқ ҳолатга дуч келасиз. «Оммавий миграция», «инсон аъзолари савдоси», «аёллар трафики» каби тушунча ва терминларни шунчаки кимдир ўйлаб топмаётганини гувоҳи бўласиз. Бу муаммо бугун биз яшаётган жамиятда юзага келганини ҳар бир онгли киши англаб етади. У инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, бугуни ва эртасига таҳдид солаётган ушбу жиноятчилик чегара билмаслигини, асосан аёллар ва болаларни ўз домига тортаётгани жуда афсусланарли фожиа эканини тушуниб етади. Бу каби иллатларга қарши курашишда ҳар бир ор-номусли, ҳалол-пок инсонлар ўзини масъул деб билади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида трафик сўзи тез-тез учрамоқда ва бу сўзнинг моҳиятини тушуниб етиш мухим ахамият касб этмоқда. Маълумки, ҳар бир ривожланган мамлакат ўз меҳнат бозорини ташқи ишчи кучидан ҳимоялаш чораларини кўради. Муайян давлатнинг ҳуқуқий асосларига бўйсунмасдан ўша давлатга кириб келган ишчи кучи ноқонуний мигрантлар деб аталади. Ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя

қилинмайдиган бундай кишилар осонгина жиноий гурухлар таъсир доирасига тушади. Ноқонуний миграциянинг давом этиши натижасида одам савдоси каби мудҳиш жиноятчиликлар авж олади. Унинг ортида эса, мажбурий меҳнат, қуллик, фохишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби жирканч, қабиҳ ишлар ётади.

Терроризм, гиёҳвандлик, қурол-яроғ савдоси инсониятни жиддий ташвишга солаётгани бор гап. Лекин жиноий гурухлар йирик даромад илинжида бу жиноятлар билан кифояланиб қолмасдан одам савдоси билан ҳам шуғулланмоқда. Оқибатда шу куннинг оғриқли муаммоси, инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари поймол этилишининг энг мудҳиш қўриниши сифатида намоён бўлаётган одам савдоси сайёрамизда сўнгги йилларда кескин ошаётган халқаро жиноят тусини олди.

Бугунги кунда сир эмаски дунёда қулчиликнинг замонавий қўриниши ҳисобланган одам савдоси кенг жамоатчиликни ташвишга солаётган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноий гурухлар жонли товардан миллиардлаб моддий фойда қўрадилар. Ҳозирги кунда статистик маълумотларга кўра, бир йилда дунё бўйича тахминан 4,5 миллионга яқин инсонлар одам савдосидан жабрланади. Энг ачинарлиси шундаки, уларнинг 72 фоизини ёшлар, аёллар ва болалар ташкил этади⁴⁸. Бугунги кунда Одам савдоси – трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бир тури сифатида дунёда хавфлилик даражаси ва ноқонуний бозорда фойда кўриш бўйича наркотик ва ноқонуний қурол савдосидан кейин учинчи ўринда туради. Одам савдоси шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши қаратилган энг оғир инсонни таҳқирловчи, қолаверса жабрланган шахс фуқароси бўлган давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини туширувчи жиноятлардан бири ҳисобланади.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти, аввало, инсон манфаатларига — унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, турмуш шароитини яхшилаш каби эзгу мақсадларга қаратилган. Ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун, биринчи навбатда, унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлифи ҳар қандай тажавузлардан ҳимоя қилинган бўлиши шарт.

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий асос яратилиб, инсон эркига дахл қилувчи ушбу мудҳиш жиноятга

⁴⁸ <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/E/CN.15/2019/10>,<https://uz.sputniknews.ru/society/20190730/12122757/OON-72-protsenta-zhertv-torgovli-lyudmi-zhenschiny-i-devochki.html> (Мурожаат қилинган сана 30.05.2022)

қарши кескин курашилмоқда. Бу борада миллий қонунчилигимиздаги қўйидаги ҳуқуқий хужжатларни кўрсатиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг моддалари (135-модда «Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш», 137-модда «Одам ўғирлаш», 138-модда «Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишида озодликдан маҳрум қилиш»);

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2020 йил 17 августдаги ЎРҚ-633-сонли Қонунига мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинган.

Шунингдек, одам савдосига қарши кураш борасида қабул қилинган қўйидаги халқаро хужжатларни санаб ўтиш мумкин: БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йил 21 марта қабул қилинган «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро хужжатга 2003 йил 12 декабрда қўшилган); БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияга қўшимча одам савдоси, айниқса, хотин-қизлар ва болалар савдоси ҳақида огохлантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённома (2001 йил 28 июнда Ўзбекистон ратификация қилган).

Амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар мазкур жиноятнинг олдини олиш ва оқибатларини камайтиришда, унинг ҳар қандай кўринишларидан фуқароларимизни муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллий ҳокимликлар томонидан ноқонуний миграциянинг оқибатларига доир тушунтириш ишларининг олиб борилаётгани, оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларига кенг ўрин ажратилаётгани дикқатга сазовор. Натижада фуқароларимиз, ёшларимиз одам савдоси, бу жиноятнинг моҳияти ва оқибатлари, шунингдек, ўқиш ва ишлаш ёки дам олиш учун хорижга қонуний йўллар билан чиқиш имкониятлари ҳақида тушунчаларини бойитмоқда.

Бугунги кунда БМТ томонидан молиялаштирилган Mira Med, Winroc International, Global Survival Network сингари халқаро ташкилотлар умумжаҳон миқёсидаги мазкур муаммога қарши курашишга, унинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Маълумотларга кўра жуда кўплаб мамлакатларда трафикка дахлдор қонунчилик асослари деярли шакллантирилмаган. Айрим

мамлакатларда эса, бундай қонун умуман йўқ. Ҳаттоки ривожланган давлатларда ҳам одам савдоси билан боғлиқ муаммолар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Мазкур халқаро ташкилотлар одам савдосининг олдини олиш учун аҳоли, айниқса, молиявий жихатдан ота-онага қарам ёшлар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини кучайтириш лозимлигини таъкидлайди.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ушбу жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш, одам савдосига қарши курашиш фаолиятини тартибга солувчи миллий ва халқаро нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳукуқни қўллаш амалиётини чукур ва танқидий ўрганилиши, одам савдосига қарши курашишда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мавзунинг долзарблиги ва ўта муҳимлигидан келиб чиқиб якунида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларни олдини олиш глобал аҳамият касб этмоқда. Дунёдаги барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Шу жихатдан одам савдосига қарши курашнинг халқаро нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Вахидов Аъзамжон Сайдович
Махсус-касбий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси

Одам савдосига қарши курашиш — давр муаммоси

Бугунги кунда ер куррасининг барча давлатларини ташвишга solaётган халқаро терроризм, наркотраффик ва одам савдоси сингари трансмиллий жиноятларнинг инсон хавфсизлигига хуруж қилаётгани боис, улардан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда. Ҳудуд ва чегара билмайдиган бу жиноятларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдирмоқда. Улар орасида айниқса, одам савдосидек оғир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳукуқларини поймол қилиб, унинг

эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч кўринишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Аср муаммосига айланиб бўлган одам савдосига қарши кураш нафақат маҳаллий, балки ҳалқаро даражадаги инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлашдаги асосий масалалар сифатида ҳалқаро муаммолардан бирига айланди. Жумладан, Одам савдосига қарши курашиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг Европадан Америкага ва Шимолий Африка қитъаларига кенг қўламли миграцияси, ҳамда аёлларни Европага сотиш ҳодисаси кузатилган.

Бу ҳодисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита конференция ўтказилиб, "Оқ қуллар савдосига қарши кураш" номли бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган. Кейинроқ ушбу конвенция "Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш" ва "Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш" номли бутунжаҳон Конвенциялари билан тўлдирилган.

Шунингдек, Одам савдоси муаммосига қарши курашишнинг кейинги тарихий жараёнлари секин-аста ривожланиб борган ва 1948 йилда "Инсон ҳуқуқлари" умумжаҳон Декларацияси қабул қилинган. Шундан сўнг "Инсон ҳуқуқларининг Европа Конвенцияси", "Қуллик хусусида"ги Конвенция, "Қулликни йўқотиш амалиёти тўғрисида"ги қўшимча Конвенция, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция, "Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциялар қабул қилиниб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида амал қилиш тартиби жорий этила бошланди. Одам савдоси – бу фақат инсон ҳуқуқларини жиддий бузиш бўлмасдан, шунингдек эркинлик ва хавфсизлик учун таҳдид ҳам ҳисобланади.

Энг ачинарлиси, ушбу иллатни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари олиб борилишига қарамай, миллионлаб инсонлар дунё бўйлаб одам савдоси қурбонига айланмоқда. Мазкур жиноятнинг ривожланишига сабаб бўлаётган омиллардан яна бири, бу фуқароларнинг хорижга бориш ва меҳнат қилишнинг тартиб-қоидалари хусусида етарлича ҳуқуқий маълумотларга эга бўлмаслиги оқибатида кўплаб фуқаролар фирибгарлар тузоғига осонгина илиниб қолиш жараёнлари учратилаётгани сир эмас.

Шуни ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда, одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида тизимли чора-тадбирлар тегишли идоралар ҳамкорлигига ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган **"Одам савдоси ва фоҳишаликнинг**

учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди ҳамда 2008 йилнинг 17 апрелида “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди.

Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инобатга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилди ва ҳозирги кунда комиссия томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказилиб келинаяпти. Қолаверса, хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлиги таъминланмоқда.

Шунингдек, юртимизда амалга оширилаётган барча йўналишдаги ислоҳотларнинг марказида инсон омили турибди. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун иборасининг амалиётга татбиқ этилгани ҳам бежиз эмас. Буни Юртбошимизнинг "Бизнинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборат. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш гоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади", деган фикрлари ҳам исботлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида: "Яшаш хукуқи ҳар бир инсоннинг узвий хукуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", дейилган. Энг ачинарлиси, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам муддаолари муштарак.

Яъни, енгил йўл билан даромад топиш истагида жиноят содир этиш – икки тоифадаги одамларни ҳам ҳалокат домига тортмоқда

Ушбу Миллий комиссиянинг соҳадаги асосий вазифалари эътиб қўйидагилар белгиланди:

- давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини, яқин ҳамкорлиги ва баҳамжиҳат ишлашларини таъминлаш мақсадида уларнинг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш;

- одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, олдини олиш ва уларга чек қўйиш амалиётини ўрганиш;

- одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида самарали халқаро ҳамкорлик ва баҳамжиҳат ҳаракатни ташкил этиш, шунингдек, мазкур соҳада ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва маърузалар тайёрлаш.

Мазкур Қонунга кўра, **одам савдоси** — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишни англатади.

Айтиш лозимки, бугунги қунга келиб одам савдосининг авж олишига, яъни инсонни қандайдир бир буюм сифатида, таъбир жоиз бўлса инсонни олиб-сотишнинг обьекти сифатида фойдаланилиши, уларнинг ҳуқук ва эркинликларининг поймол этилишига қаратилмоқда.

Мазкур иллатларни содир этилишига қўйидагилар сабаб бўлмоқда?

- одам савдоси каби ноқонуний фаолият тури бир ёки бир неча аъзолардан иборат гуруҳларнинг сердаромад манбасига айланиб бораётгани,

яъни уларнинг ҳеч қандай оғир ва мاشаққатли меҳнатларсиз мўмай даромад олишга уринаётганлиги;

- одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг соддалиги, ўзининг, яқинларининг тақдирига ва келажагига бефарқлиги, лоқайдлигига. Яъни энг олий неъмат ҳисобланмиш эркин ҳаёт тушунчасига нисбатан енгил ва бепарволик билан қарашлари оқибатида ушбу одам савдосини амалга оширувчи жиноятчиларнинг ўлжасига, аниқроғи уларнинг осон даромад манбаига айланиб қолмоқдалар;

- одам савдосини амалга оширувчи жиноятчи шахслар ўзларининг танишлари, яқин қариндошларига нисбатан, яъни уларнинг ишончига кириб олиб, уларнинг одам савдосини қурбонига айланиб қолишига сабабчи бўлаётганлигига;

- одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг ор-номус қилиб, кўрган хўрликлари, уларга нисбатан ишлатилган турли хилдаги жисмоний ёки руҳий тазийклар ҳақида ёхуд ўзининг ноқонуний равишда чегарани бузиб чиқиб, чет давлатда ҳеч қандай давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний меҳнат фаолиятини амалга оширганлигидан қўрқиб булар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги.

Одам савдоси фақатгина Ўзбекистон Республикасининг муаммоси сифатида қарашимиз нотўғри бўлади, чунки ҳозирги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб бутун дунё ҳамжамиятини ҳавотирга солмоқда. Энг ачинарлиси, одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг кенг қулоч ёзишига сабабларга тўхталадиган бўлсак;

Биринчидан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламлари - ишсиз юрган фуқаролар, турмуш ҳаётида кўп қийинчиликка учраган аёллар ва ота – онасининг эътибори ва қарамогидан четда қолган вояга етмаган шахсларнинг гўёки уларнинг муоммоларини ҳал қилган каби кўриниб, ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланаётганлар;

Иккинчидан, динни ниқоб қилиб, бошқа ўлкаларга олиб бориш ва ўзига ватанига қарши курашишгача бўлган жараёнлардан ўтишга мажбур қилиш;

Учунчидан, ўзи ва яқинларини бу каби салбий иллатлар туркумiga киришни дават этиш ҳамда оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этишга уриниш билан боғлиқ босқичлар.

Инсон тирик мавжудотлар орасида ақл-идрок берилган онгли мавжудот бўлиб, у ўтган замонларда ҳам озод ва эркин яшашга ҳаракат қилган. Уни

Эркидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги дунё ҳамжамияти томонидан тасдиқланган қонунларда ҳам белгилаб қўйилган. Бироқ, бугунги кунда дунё бўйлаб одам савдосидай ўта хавфли иллатнинг кенг тарқалиши инсон шахси, шаъни, қадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таҳдид туғдирмоқда. Бу билан боғлиқ жиноятлар жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвиш ва хавотирга солаётгани айни ҳақиқат. Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда.

Айни пайтда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу турдаги жиноят дунё миқёсида кенг тарқалмоқда. БМТ ва Миграция бўйича ҳалқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хуносаларига кўра, ундан жабр қўрганлар сони бир неча миллионларни ташкил қилмоқда. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил қилмоқда.

Одам савдоси инсоннинг нафақат жисмоний қучини, балки унинг салоҳиятини, танасидаги аъзоларини, ҳаттоқи маънавий қадриятларини ҳам бозорга солишга мажбур этмоқда.

XXI аср умум башариятга техника асли бўлиб кириб келди. У ўзи билан биргаликда бир қанча муаммоларни вужудга келтирди:

- қурол-яроғ савдоси;
- гиёҳванд моддалар савдоси;
- одам савдоси;
- ҳалқаро терроризм;
- глобаллашув муаммолари;

Инсонлар бойлик орттириш мақсадида ўз қавмини, қариндош-уругларини, маҳалла-куйда яшаб турган маҳалладошларини турлича алдовлар билан Россия, Туркия, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Кореяда яхши ҳақ тўланадиган ишларга жойлаб қўйишни ваъда қилиб ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетиб, сотиб юбормоқдалар. Бундай ҳолат миллатимизнинг фожиасидир. Айниқса, бу ишларга аёлларнинг аралашгани кечириб бўлмайдиган ҳолатdir.

Дунё бўйича турли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, одам савдосидан жабр қўрганлар сони салкам 200 миллионга етган, деб қайд қилинмоқда. БМТ маълумотларига кўра эса, ҳар йили дунёда ўртача 2,5-3 миллион киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили қарийиб 1 миллионга яқин аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб

кетилиб сотиб юборилмоқда. Расмий маъмумотларга кўра, 2008 йилда Республикаизда мингдан ортиқ шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланганлар. Уларнинг 35-40 фоизини аёллар, 10-15 фоизини эса болалар ташкил этади.

Ҳозир республикамизда тузилган Идоралараро комиссияси томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, одамларни огоҳлантирувчи кўргазмали воситалар шаҳримизда ва вилоятларда кўринадиган жойларга ўрнатилмоқда. Хорижда меҳнат қилиш истаги бўлганлар билан сухбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шунга қарамай ҳозир хорижда минг-минглаб эркак ва аёллар бу балога гирифтор бўлиб жафо чекмоқдалар. Уларнинг кўплари ҳали ҳам ўз хуқуқларини англаб етмаган, адашган ва ватанига қайтиш йўлларини излаётган кимсалардир.

Мамлакатимизнинг ўзида тирикчилик қилиш имконияти бўлатуриб, баъзи юртдошларимизнинг хорижга олиб кетиб сотилиши, хўрланиши, қулликка ёлланиши миллатимизнинг маънавий қадриятларига тўғри келмайди. Фикримизча, фуқароларимизнинг ушбу жиноят қурбонига айланишининг бир неча сабаб бўлмоқда. Жумладан,

- одамларимизнинг соддалиги ва ишонувчанлиги;
- тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжи;
- енгил иш топиш орзузи;
- хуқукий билимларга эга бўлмаслик;
- айрим нопок ҳамюртларимизнинг ғайриинсоний ва ғайриқонуний ҳаракатлари;
- жиноятдан жабрланганларнинг дунёқарашининг торлиги, саёзлиги;
- етарли даражада таъсирчан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаслик.

Бугунги кунда мамлакатимизда Одам савдосини олдини олиш бўйича бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг худудий филиаллари, туман ва шаҳарлардаги Саломатлик марказлари, Соғлиқни сақлаш тизимидағи барча Даволаш-профилактика муассасалари врачлари ҳамкорлигига ўтган давр мобайнида «Одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари», «Одам савдосидан огоҳ бўлинг!», «Одам савдоси ва унинг асоратларини олдини олишда хуқукий ва тиббий билимларнинг аҳамияти», «Одам савдосига қарши курашиш» мавзусида аҳоли ўртасида маҳалла, мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда одам савдоси ҳамда унинг олдини олишда хуқукий ва тиббий билимларининг

ахамияти мавзуларига қаратилган: 9460 дан зиёд маъруза, 4010 дан зиёд давра сухбати, 39590 дан зиёд сухбат, 350 дан ортиқ семинарлар жорий йилнинг шу даврига қадар олиб борилди. Оммавий ахборот воситалари орқали 70 дан ортиқ телевидение, 420 дан зиёд радио эшиттириш, 70 дан ортиқ мақолалар газеталарда чоп этилган. Аҳолига 8835 та буклет, 14307 та варака, эслатмалар тарқатилди.

Соғлиқни сақлаш тизими ходимлари томонидан жорий йилда “Огоҳ бўлинг, одам савдоси” мавзусида буклет ва “Одам савдоси - давр муаммоси” тарғибот лойиҳаси асосида тақдимот матни ишлаб чиқилди.

Ишонч телефонлари орқали аҳоли ўзи учун керакли бўлган маълумотлардан хабардор бўлиб келмоқда. Булардан ташқари ИИВ томонидан ишлаб чиқилган «Фирибгарнинг тузогига илинманг», «Боши берк кўчага кириб қолманг» деган мавзудаги варака, буклет ва плакатлар аҳолига тарқатилиб, олиб борилаётган ташвиқот–тарғибот ишлари ИИВ ходимлари ҳамкорлигида давом эттирилмоқда. Хорижий давлатларга бориб, оғир мусибатларни бошидан ўтказиб қайтаётган инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябр ойидаги қарори билан Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази очилганлиги барчамизга маълум. Ушбу марказда одам савдосидан жабр кўрганларни соғлом ҳаёт тарзига қайтариш борасида психологияк, хуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Чет элда бўлиб, қайтган ҳар бир фуқаро оиласини ва ўзини саломатлиги ҳақида қайгуриб, тиббий кўриқдан ўтиши лозим. Агарда касаллик аниқланса, реабилитация марказида даволанишлари шарт.

Бу ерда уларнинг соғлиги ва руҳий ҳолати тўла текширувдан ўтказилиб, зарур ёрдам кўрсатилади. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли кўрсатмасига асосан, марказга юборилаётганлар бирламчи тиббий кўриқдан ўтказилади. Такидлаб ўтиш муҳимки, соғлиги ёмонлашган, қадр-қиммати поймол бўлган жабрдийдаларга ғамхўрлик кўрсатаётган марказ фаолияти алоҳида ўринга эга бўлмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, биргина 2013 йил давомида хорижда бўлиб қайтган фуқароларнинг 300256 нафари ҳудудий бирламчи тиббий санитария муассасалари томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди ва кўрик натижасига кўра касаллиги аниқланган шахсларга амбулатор ва стационар даволаш ишлари амалга оширилди. Яшаш манзилларидағи

даволаш-профилактика муассасалари томонидан уларнинг барчаси диспансер назоратига олиниб, соғломлаштириш ишлари режа асосида олиб борилди.

Одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ҳамда ўзаро ҳамкорликни талаб этади. Зеро, одам савдоси, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ғайриқонуний равишда айнан ўзга инсон томонидан камситилиши кечириб бўлмас жиноятдир.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, одам савдосига қарши кураш борасида аҳолининг турли қатламлари, айниқса, аёллар ва вояга етмаган шахсларга одам савдоси каби иллатнинг фаровон турмуш-ҳаётимизга соладиган хавфи ва салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, яъни, аҳолининг гавжум жойларида, маҳаллаларда, турли хил таълим муассасаларида, давлат идоралари, корхона, муассаса, ташкилотларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш, уларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш асосий вазифалардан биридир.

Тураев Муродхон Аюбхонович
ИИВ Малака ошириш институти
Махсус-касбий фанлар кафедраси
ўқитувчиси, подполковник

Одам савдосида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари

Дунёда гендер тенглиги даражаси ҳар қандай жамиятнинг асосий мезонига айланиб қолди. Бу борада хотин-қизларни ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳаларида эркаклар билан тенг имкониятлар ва шартлар асосида иштирок этишлари мумкинлиги тобора ҳақиқатга айланиб бормоқда. Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари; сайловлардаги иштироки, парламентда ўз ўринларига эга бўлишлари, бошқарув ва ҳокимият идораларида хизмат қилишлари кабилар ўзининг ишончли кафолатларига эга бўлди. Осиё ва Африка давлатларида хотин-қизларнинг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш, уларни турли хасталиклардан, айниқса ўлимга олиб борувчи юқумли касалликлардан муҳофаза қилишга нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан жуда катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Хотин-қизларнинг таълим олиши, ўз хоҳиши билан никоҳ туза олиши ва оилада турли тазиيқлардан ҳимоя қилиниши ҳам долзарб вазифага айланиб қолган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган илк кунлариданоқ демократик ривожланиш йўлини тутди ва инсоннинг эрки энг олий қадрият, деб эълон қилди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши, унинг

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларга, жумладан бутун дунёда маълум бўлган хотин-қизларга нисбатан дискриминация қилишнинг ҳамма шаклларини бартараф қилиш тўғрисидаги конвенцияга қўшилганлиги бунинг ёрқин далилидир⁴⁹.

Эришилган натижаларга қарамасдан, бу борада ҳамон ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Хотин-қизларга нисбатан дискриминация ҳолатлари турли шаклларда намоён бўлмоқда. Масалан, турли давлатларда уларнинг ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳуқуқларини камситиш, мажбурий никоҳга тортиш, оилада турли даражадаги қийноқларга, тазиикларга солиб қўйиш каби ҳолатлар кузатилади.

Мамлакатимиздаги айrim хотин-қизларни алдов, фирибгарлик, куч ишлатиш йўли билан бошқа давлатга олиб чиқиш, ҳуқуқларини поймол қилиш ва камситиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Ушбу ҳолатларга барҳам бериш, жиноят қурбонларини ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий-психологик, юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 360-сонли қарори⁵⁰ алоҳида диққатга сазовордир. Мазкур қарор одам савдоси жиноятлари жабрдийдаларини қўллаб-қувватлаш, уларни соғлом турмуш тарзига қайтаришда муҳим восита сифатида амалга оширилмоқда⁵¹.

Одам савдосида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш хозирги кунда долзарб муаммосига айланмоқда. Шуниси яхши маълумки, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини камситилган жамиятни мада-ний жамият деб бўлмайди.

БМТнинг хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларациясида “хотин-қизларга нисбатан зўравонлик” атамасига шундай изоҳ берилади. “Хотин-қизларга нисбатан жисмоний, жинсий ёки руҳий азоб берган ва шикаст етказган ёки етказиши мумкин бўлган ёхуд шунга ҳаракат қилган, мажбурлаб ёки ўзбошимчалик билан озодликдан ва жамиятдан ёки шахсий ҳаётидан маҳрум этишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат зўравонликдан иборатdir”.

⁴⁹ Рашидова С. Аёл ҳуқуқлари ва эркинликлари. Т. “Адолат” 2002. Б.6.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 52-сон, 624-модда.

⁵¹ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция: асосий қоидалар ва амалга ошириш принциплари: Ўқув қўлланма.–Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 74 б.

Хотин-қизларга нисбатан зўравоник жаҳондаги барча мамлакатларга, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётидан қатъи назар хос иллат ҳисобланди. Ҳаттоқи, энг ривожланган мамлакатларда ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, Японияда 59 фоиз аёл жисмоний зўравонлик қурбони бўладилар, АҚШда 40 фоиз, Канадада 25 фоиз ва ҳ.к. Социологлар хulosасига кўра, 60 миллион аёл турли шаклдаги дискриминация қилиш, таҳқирлаш ва зўравонлик қурбони бўладилар. Африка мамлакатларида (Танзания 60 фоиз), Жанубий Осиё (60 фоиз), Лотин Америкасида (57 фоиз), хотин-қизларга нисбатан зўравонлик кучайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин⁵².

“Walk Free” нотижорат ташкилоти қулликнинг турли шаклларига дучор бўлганлар сони тўғрисида маълумот берди. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, дунёда 40,3 миллион бундай одамлар бор. Бу сон камайиш ўрнига кундан-кун ўсиб бормоқда. Кўпинча қуллар худди ўрта асрлардаги каби занжир билан боғланган ҳолда ишламоқдалар. Ҳозирги қулларнинг 71 фоизи хотин-қизлардир⁵³.

БМТнинг таъкидлашича, ҳеч бир мамлакат қуллар савдосидан ўзини муҳофаза эта олмайди. Шуниси қизиқки, қуллик балоси нафақат ёш, энди ривожланаётган мамлакатларда, балки АҚШ ва Европа каби ривожланган ҳудудларда ҳам илдиз отган.

Одам савдоси катта фойда берадиган соҳа бўлгани учун кўпгина жиноий гурухлар бошқа фаолиятларини тўхтатиб, бутун “қалб”лари билан шу савдога шўнғиб кетмоқдалар. Ҳозир ҳукumat ташкилотлари бу “бизнес тури”га қарши кураша олмайдилар ва ҳатто қурашишни ҳам хоҳламайдилар. Шунинг учун жиноий олам намояндалари учун фойда олиш ва жазосиз қолиш имконияти ошиб бормоқда.

Кўпгина хотин-қизлар, ёш қизлар, вояга етмаганлар жиноят қурбонларига айланиб бормоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, замонавий тарихнинг қисқа давр мобайнида жиноят қурбонларига нисбатан муносабат кузга куринарли позитив ўзгаришларни бошидан кечирди. Мазкур ўзгаришлар одам савдосидаги қурбонларнинг нафақат ижтимоий, балки ҳуқуқий мақомини ҳам ошишига олиб келмоқда. Қурбонларга нисбатан юқори даражадаги эътибор билан, манфаатли ва хурмат юзасидан муносибатда бўлиш тўғрисидаги ривожланган дунё томонидан биринчи навбатда ва ҳамкорликда қабул қилинган тамойилни қундаланг қилиб қуиди. Жиноятчининг шахсига асослантирилмаган йуналишнинг тан олиниши (жиноят қурбонинг манфаатига зарар) ўз ўрнида молиявий воситаларни ва

⁵² Ф.Бакаева. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликлари Т. “Адолат” 2002. Б.100.

⁵³ <https://www.kommersant.ru/doc/3693897>

жабирланувчилардаги ёрдам кўрсатиш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш юзасидан ташкилий таъсир чораларини қайта тақсимлашни талаб қилди

Бундай талқин қилишнинг умумий ўзига хос йуналиши бўлиб, қурбонлар билан муомила қилишнинг халқаро стандартларини белгилаб берган, 1985 йилдаги қабул қилинган “Жиноят қурбонларига ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишга нисбатан одил судлов юритишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги БМТ Декларацияси ҳисобланади. Улар орасида хуқуқий ва маъмурий ҳимоя механизимига кириш, адолатли муносабатга, маълумотга, зарарни қоплаш ва компенсацияга бўлган хуқуқ, шунингдек ижтимоий хизматларнинг кенг тизимидан фойдаланишга қаратилган хуқуқ алоҳида ажратилган. Декларациянинг нафақат биринчи бўлимининг номи – “Одил судловга кириш ва адолатли муносабат”, балки унинг нормаларининг концептуал мазмуни ҳам рамзийdir.

БМТ Декларациясининг мафқураси ривожланган мамлакатларнинг қонунчилигига ўз ифодасини топган. Уни акс эттиришнинг даражаси ва турли шакллари кўп ҳолларда бир қатор мамлакатлар миллий қонунчилигининг ривожланиш тенденцияларини белгилаб берди. Мазкур муҳим ҳужжатнинг асосий ғоялари ва қарашлари сайёранинг турли бурчакларида ва кейинчалик, айниқса ижтимоий сиёсий ривожланишнинг ўтиш давридаги мамлакатларда хуқуқий тизим ислоҳотларини белгилаб беради.

Одам савдоси қурбонларининг хуқуқий мақомини таққосий таҳлил қилиш бир қатор сабабларга кўра амалий режа учун аҳамиятга молик қийинчиликларни туғдиради. Улардан энг асосийлари фактик жиҳатдан қурбонларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ҳалқаро харакати лидерлари саналувчи давлатлардаги хуқуқий тизимнинг стихиялиги ва турли-туманлиги билан боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, муаммо шундан иборатки, ушбу мамлакатларда жиноятларнинг қурбонлари учун ижтимоий ҳужжатлар-нинг илғор ривожланиш даражаси ўзларининг хуқуқий соҳаларининг ўзгариши тезлигига, одил судлов тизими ислоҳотларининг характерига ҳар доим ҳам мутаносиб келавермайди.

Шунга биноан таққосий таҳлилдаги қийинчиликлар нафақат алоҳида нормалар ва хуқуқий институтларнинг таснифи билан боғлиқ, балки хуқуқий тизимларнинг гурухланиши ҳамда, ушбу тизимларга асосланган давлатларнинг ўzlари билан ҳам боғлиқдир. Юқоридагиларга кўра, хорижий адабиётларда қарашлар ва муаммолар таҳлилиниң ўзи текширишларнинг обьектига бевосита боғлиқ бўлган – ушбу ҳолатда жабирланувчига нисбатан –

норма ёки тизимлаштирилган нормаларнинг комплекси олинадиган, миллий хукукий адабиётларда қабул қилинган одатий таҳлилдан анча фарқланади.

Хорижий изланувчилар бундай таққосий таҳлилнинг боришида қурбонларнинг турли мамлакатлардаги хукукий мақомларини кўриб чиқадилар, контекстда эса уларнинг полиция ёки хукуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ўзаро алоқадорлигини, шу йўл билан қурбонларнингadolatli муносабатга бўлган хукуқи, маълумот олишга бўлган хукуқини, зарарни қоплатишга бўлган хукуқини ажратадилар.

Юқоридаги икки қарашларни жамлаш ҳаракати қабул қилинган, бу эса айнан бир мамлакатда ишнинг асл холатига қайтишга мажбур қилиши, бошқа томондан эса, бизнинг фикримизча, нисбатан тўла маълумотни бериши мумкиндири. Жабрланувчининг суд процессидаги роли ва хукуклари қараб чиқилгандা Европа ва Шимолий Америка давлатларининг кўпчилигининг жиноий одил судлов тизимини шартли равишда уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳда қонунчилиги жабрланувчига одатий тарзда айбланувчининг жиноий таъқибида иштирок этиш ҳамда фуқаровий даъволарини бевосита жиноят процессида келтириш хукуқини берувчи шарқий Европа давлатларини бирлаштириш мумкин.

Иккинчи гуруҳга жабрланувчи жиноят процессида фуқаровий тараф бўлиши мумкин бўлган ва, шунга биноан, фуқаровий даъволарни келтириш хукуқига эга бўлган, одил судловнинг француз тизимида бўлган Марказий ва Ғарбий Европа давлатларини киритиш мумкин.

Ниҳоят, учунчи гуруҳга жиноят қурбонининг холати гувоҳнинг роли билан одатий чelanган, умумий хуқуқ тизимида давлатлар (Буюк Британия, Ирландия, АҚШ, Канада, Австралия, Ҳиндистон)ни киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиб утадиган бўлсак одам савдосининг қурбонига айланиб бораётган шахсларни ҳалқаро хукуқда ва миллий қонунчилигимизда ҳам ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча масалалар ҳам мавжудки, булар ўз навбатида, бундай жиноятчиликка қарши курашда олиб борилган сай ҳаракатлардир.

Тошқулов Ғайрат Эркабаевич
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти Махсус-
касбий фанлар кафедраси катта
ўқитувчиси

**Одам савдоси жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос
хусусиятлари**

Асосий тушунчалар:

Суриштирувчи - жиноят ишлари бўйича суриштирув ички ишлар органларининг суриштирувчилари томонидан амалга оширилади (ЖПКнинг 38-моддаси 1-банди).

Терговчи - жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва давлат хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар (ЖПКнинг 35-моддаси).

Вояга етмаган шахс савдоси - “одам савдоси” деган тушунчада кўрсатилган таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланилган-фойдаланилмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай ҳаракат ёки битим бўлиб, улар воситасида вояга етмаган шахс ота-онаси, бошқа қонуний вакили ёки ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда ундан фойдаланиш мақсадида ёхуд моддий ёки бошқа наф олиш мақсадида бошқа шахсга ҳақ эвазига берилади.

Келиб чиқиши мамлакати - ҳудудидан одам савдосидан жабрланганларни олиб чиқиши амалга оширилган ёки фуқаролари одам савдосидан жабрланган давлат.

Мажбурлаш - мажбурланаётган шахсни унинг иродасига қарши ёки иродасини четлаб ўтиб, бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга ёки бирор-бир ҳаракатни бажаришни мажбуровчи шахснинг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун рад этишга ундаш мақсадидаги жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик ёки уларни қўллаш таҳдида.

Одам савдоси - куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг ўзга шаклларини, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олишни англатади.

Одам савдосидан жабрланган шахс - одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахс.

Одам савdosидан жабрланганларни идентификация қилиш - жисмоний шахсларга нисбатан амалга ошириладиган, уларга нисбатан одам савdosи сифатида малакаланадиган хатти-харакатлар содир этилганлиги түғрисида ёки содир этиш нияти ҳақида маълумотлар олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Одам савdosига қарши курашиш - одам савdosининг олдини олишга, уни аниқлашга, унга чек қўйишга, унинг оқибатларини камайтиришга, одам савdosидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга доир фаолият.

Одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс - дастлабки идентификация қилиш натижасида одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олинган жисмоний шахс.

Одам савdosи билан шуғулланувчи шахс - мустақил равища ёки бир гурӯҳ шахслар таркибида одам савdosи билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савdosига кўмаклашаётган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса-да, одам савdosига тўсқинлик қилмаётган ва қарши курашмаётган мансабдор шахс.

Одам савdosи жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг VI-бобида “Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар” туркумiga киритилган бўлиб, айнан 135-моддасида қуйидагича таъриф бериб ўтилган.

Одам савdosи, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- в) ожиз аҳволдалиги айбордога аён бўлган шахсга нисбатан;
- г) айбордога моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;
- д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- е) бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равиша ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбордага аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.⁵⁴

Ҳозирги кунда одам савдоси жиноятларини тергов қилишда ва улар билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишда қўйидаги муаммо ва камчиликларга дуч келинмоқда:

1. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи айrim орган ходимлари, айrim суриштирув ва тергов ходимлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ терговга қадар текширув материалларини тўплашда терговга қадар текширув муддатига амал қилмасдан келинмоқда;

2. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи айrim орган ходимлари, айrim суриштирув ва тергов ходимлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ терговга қадар текширув ишларини ёки суриштирув ҳаракатларини олиб борганида, аризачининг мурожажати ўз вақтида рўйхатга олинмасдан, балки ўтказилган тезкор тадбирдан сўнгтина рўйхатга қўйиш амалиёти учрамоқда;

3. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи айrim орган ходимлари ва айrim суриштирув ходимлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ терговга қадар текширув ишлари ёки суриштирув ҳаракатлари олиб борилганида, ҳужжатлар тўлиқ тўпланмасдан, ишга алоқадор бўлган ҳолатлар атрофлича, ҳар томонлама, тўлиқ, холисона ва синчковлик билан ўтказилмасдан,

⁵⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 2022 йил. <https://lex.uz/docs/111453>

текширилмасдан, номигагина ўтказилиб, балки “хужжатларни терговга ўтказсак бўлди” деган тушунча билан ёндашиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда;

4. Айрим суриштирув ва тергов ходимлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида тергов муддатига амал қилмасдан ёки жиноят ишларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1,2-бандларига асосан асосиз равишда тўхтатиб қўйиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда;

5. Айрим суриштирув ва тергов ходимлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича айбланувчиларга нисбатан ўз вақтида “қамоқ” эҳтиёт чорасини қўлламасдан, балки уларга енгилроқ “муносиб хулқатворда бўлиш ҳақида тилхат” ёки “таров” эҳтиёт чорасини қўллаш амалиёти учрамоқда, бунинг натижасида айбланувчиларни тергов ёки суддан бўйин товлаб, чет давлатларга ўзбошималик билан қочиб кетиб, ходимларнинг масъулиятсизлиги натижасида қидирув билан ҳаракатдан тўхтатилаётган жиноят ишларини сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўйилмоқда;

Таклиф:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг айнан 346-моддасида “Худудий жиҳатдан терговга тегишлилик” куйидагича кўрсатиб ўтилган. Яъни,

346-модда. Худудий жиҳатдан терговга тегишлилик

Жиноят қаерда содир этилган бўлса, жиноят иши ўша туман (شاҳар) терговчисининг терговига тегишли бўлади.

Дастлабки тергов, башарти иш ҳолатларини анча тез, пухта, тўла, холисона, ҳар томонлама текширишга ёрдам берса, иш қўзғатилган жойда ёки гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи ёки гувоҳларнинг қўпчилиги турган ерда ўтказилиши ҳам мумкин.

Юқори турувчи прокурор ёки юқори тергов бўлинмаси бошлиғининг фармойишига асосан дастлабки тергов худудий жиҳатдан терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда олиб борилиши ҳам мумкин.⁵⁵

Шундай экан, ҳозирги кунда терговчилар томонидан олиб борилаётган одам савдоси жинояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудидан бошқа давлат ҳудудида содир бўлган жиноятларнинг аксарият қисми фош этилмасдан, уларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган шундай жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан асосиз равишда ҳаракатдан тўхтатиб келиниши натижасида

⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 2022 йил. <https://lex.uz/docs/111460>

“номаълум шахслар томонидан содир этилган жиноятларни сунъий равишида ошишига ҳамда **“фош этилмасдан қолган жиноятларни сунъий равишида кўпайшишига”** олиб келинмоқда. Шу сабабли, ҳозирги вақтдаги Ўзбекистон Республикаси худудидан бошқа давлат худудида содир этилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан ҳаракатдан тўхтатилган одам савдоси билан боғлиқ барча жиноят ишларини дарҳол Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг **83-моддаси 1-қисми 3-банди, 346-моддаси** ва **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 август кунидаги “Далиллар мақбуллигига оид Жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сон Қарори** (9-қисм “е” банди “жабрланувчи, гувоҳнинг фараз, тахмин, миш-мишларга асосланган кўрсатувлари, шунингдек, жабрланувчи, гувоҳ ўзининг хабардорлиги манбасини айтиб бера олмаган ёки айтишни хоҳламаган ҳолларда”)га⁵⁶ асосан ҳаракатдан тутатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гозибеков Тўлқин Ҳабибуллаевич
ИИВ Малака ошириш институти
“Махсус-касбий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси, подполковник

**Оилада, ёшлар, бола ва унинг тарбияси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар
ҳамда турли зўравонликларнинг олдини олишда
кенг жамоатчиликнинг фаолияти**

Ўзбек халқи ўз маданияти ва маънавиятида баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказишга катта эътибор берган ва бермоқда. Инсон борлиқдаги барча нарсалар ичida энг улуғи ҳисобланади. Шундай экан аволлом бор инсонни улуғлаш, унинг қадрига етиш, айниқса, ёш авлодни камолотга етказишда миллий маънавий маданиятимизнинг тикланиши ва ривожлантирилиши муҳим ўрин тутади.

Бу борада асосий ургуни оиласа берилиши ҳам бежиз эмас. Оила муқаддас хилқат сифатида таърифланиши, “ Ватан оиладан бошланур ” деб айтилиши оиланинг ҳаёт мазмунига айланганлиги, тарихий жараёнлар воситасида бугунги кунимизга ўзининг урф-одатлари, анъаналари, миллийлиги билан етиб келганлиги диққатга сазовордир. Ҳар бир оиланинг

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 август кунидаги “Далиллар мақбуллигига оид Жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сон Қарори., <https://lex.uz/docs/3895986>

мазмун моҳияти унинг ичидағи ижтимоий-маънавий, демографик ҳолатлар орқали асосланади ва яшаш турмуш тарзи орқали намоён бўлади.

Жамиятни ривожлантиришда авволом бор оиланинг шаклланишига, ижтимоий-маънавий тарбияни ривожлантиришга ҳамда фарзандлар тарбияси уларнинг камолотида кенг жамоатчиликнинг ўрни бекиёсдир.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев бу борада жуда кўп ижобий фикрларни айтганларки, кенг жамоатчилик фаоллиги нафақат ташкилот ва идоралар балки оила мустаҳкамлигининг таянчи эканлиги ҳар бир кунимизнинг шиорига айланиб қолганлигини такидлаб келмоқдалар. Шунингдек, ҳар бир ота-она фарзандини баркамол бўлиб вояга этишини истайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида Ота-оналарўз фарзандларини вояга етгуналарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Шарқ мамлакатлари уламолари, мутафаккирлари бола тарбиясига жуда катта эътибор бериб, халқ педагогикасининг ўзагини шакллантиришга ҳисса қўшганлар. **“Бир болага етти маҳалла жавобгар”** деган халқ нақли ўз ичига кўп маънони қамраб олган. Маҳалла, оила ва мактаб ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг ҳамкорлиги бўлажак авлоднинг қандай бўлиши, ота-она ва яқин қўшниларнинг танбеҳлари йўналишларининг барчаси фақат яхши ниятда бўлишини кўрсатган.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, Ота-боболаримиз болага ҳеч қачон дўқ-пўписа қилмасликни, уларга нисбатан зўравонлик ва қўполлик қилинмаганлигини, оҳиста ширин овоз билан “ёмон бўлади” деган биргина чиройли ибора орқали тарбия ўғитларини сингдирганликларини, шу билан биргаликда, нотаниш кишиларни кўрганда «Ассалому алекум» деган ибора билан муомулада бўлишиликларини, «Ўзларидан катта инсонни олдиларини қиймаслик» каби миллий урф одатларни сингдириб келганлар. Шунингдек, зўравонлик орқали ўз мақсадларига эришганлар тўғрисида А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида Отабек ва отаси, ота ва она ўртасидаги муносабатлар ҳеч бир уруш-жанжалсиз ўта нозик даврдаги тарбиянинг мураккаб ва серқирра томонларини очиб берган.

Шунингдек, Ота-онанинг ўз фарзандларини назоратсиз қолдиришлари оқибатида ўта оғир тупрдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги сир эмас.

Жумладан Самарқанд вилоятида яшовчи Н. Исимли шахс Турмуш ўртоғи билан Америка давлатига ишлашга кетиши оқибатида фарзандлари қоровсиз ва назоратсиз қолганлигидан фойдаланган кимсалар уларнинг умурларига завол бўлди. Шу ва шу каби бошқа ҳолатларга эътиборли бўлмасликлари оқибатида

фарзандлар турли таъсиrlар остига тушуши, жиноят қурбони ёки одам савдоси қурбонига айланиши мумкинligини унутаслигимиз лозим бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, оилада фарзанднинг тарбиявий ва таълим тараққиётiga сабаб бўладиган омилларга тўхтаб ўтамиз.

- ота-оналарнинг саводхонлиги;
- оиладаги болалар сони;
- оиланинг тўлиқ ва тўлиқсизлиги;
- ота-оналарнинг маънавий, ахлоқий шакланганлик даражаси;
- ота-оналарнинг касбга нисбатан масъулияти;
- оиланинг моддий таъминланиши;
- муомула ва маданият жараёнлари;
- атрорф муҳитга муносабати;

Оиладаги Ота-онанинг аҳиллиги, маҳалладаги катта ёшдаги кишиларнинг ўзаро аҳиллиги, кичикларга ғамхўрлиги оилавий тарбия асосини ташкил этади.

Бу аҳиллик муносабати ҳар бир оиласга ўз таъсирини ўтказа олади. фарзандлар буни таъсирини сезган ҳолда муносабатини билдирадилар ва ўзларига дасхат оладилар. Яни миллатимизда бир нақил бор «**Қуш инида кўрганини қилади**» демак биз бола тарбиясида авволом бор улар олдида турли ноўрин гапларни гапирмаслигимиз ва сипиртли ҳамда алкоголь махсулотлар ичимаслик билан боғлиқ салий ҳолатлардан четлашиш мақсадга мувофиқлиги ўз исботини топган.

Шунингдек, фарзандлар орқаларида аниқ таъсир этувчи куч борлигига ишонадилар ва шу зайлда фаолият кўрсатадилар. Шуни таъкидлаш керакки, оилавий тарбиянинг самарадорлиги болаларнинг тарбияси учунгина сарфланган вакт билан ўлчанмай, балки оиланинг ижтимоий босқичи билан ота-оналарнинг маҳалладаги обруси ва уларнинг маънавий-ахлоқий даражаси билан аниқланади. Бунда ота-оналарнинг катта кишиларнинг бола тарбияси юзасидан бурч масъулиятини чукур ҳис қилишлари энг асосий тарбиявий босқич ҳисобланади.

Мовзуни янада аниқроқ қилиб айтганда, оила даврасида маҳаллада ва кенг жамоатчиликда ота-онанинг ижобий фазилати ҳамда муносабатлари фарзанд тарбиясига катта таъсир кўрсатишни ифодалаган. Ҳар бир ота-она ўз фарзандига ҳунар ўргатиш билан бирга одоб ахлоқни ва атроф муҳитни севиб ордоқлашни, катта-киччикни ҳурмат қилиш каби ананавий урф одатларимизни ҳам ўргатиб бориши тажрибаларда ўз самарасини берган.

Шу ўринда буюк олим Абдулла Авлоний “**Тарбия бу ҳаёт, ё момот, ё нажот, ё холокат, ё соадат, ё фалокатдур**” улуг ғояни илгари сурган. Шундай экан биз буюк мутафакур аждодларимизга мос ворис бўлишлик учун ўз устимиизда ишлашимиз ва бу борада маҳалла, мактаб, оила концепсиясига таянга ҳолда ишларни фуқаробай ташкил этишимиз ҳар бир оиладаги тафавутни ўз вақтида англаш ва бартараф этишни тақоза этади.

Оилада соғлом авлодни тарбиялаш услуга қўйидагиларда намаён бўлади. Жумладан, ҳар бир оилада соғлом авлодни тарбиялаш ва уни вояга етказиш мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу нозик вазифани бажаришда кўрсатма берибгина қолмасдан балки, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, динний идора вакилларини, шунингдек, турли мамлакатларнинг ушбу соҳадаги мутахассис ва олимлари ҳам жалб этилмоқда. Шунингдек, бу борада уларнинг тавсиялари, илмий тадқиқот натижалари ўрганилмоқда. Хорижий давлатлар мутахассислари ҳамкорлигида бу соҳада ҳам турли илмий-амалий анжуманлар, семинар кенгашлари ўтказилмоқда ҳамда ходимларимиз бориб уларнинг тажрибларини ўрганиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган “Соғлом авлод учун” жамғармаси ўз олдига қўйидаги вазифаларни қўйган: болалар муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни фан-техниканинг сўнги ютуқлари асосида яратилган асбоб ва ускуналар билан жиҳозлаш, янги самарали муолажа воситалари билан жиҳозлаш, Республика ахолиси келажак авлодлари наслини миллий тажрибалардан фойдаланган ҳолда соғломлаштириш;

-Ўзбекистонда ёш авлодни соғломлаштириш миллий дастурини амалга ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш.

Шунингдек, Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида янги тизимларни жамиятга тадбиқ этиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳукуқбузарликларни олдини олишга қаратилган “**фуқаробай**” тизимини жорий этиш тўғрисда дастлаб Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 27 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида маълум қилингандиги ва Президентимиз ўз нутқида “**Энди ишни “маҳаллабай”** ташкил этишда маҳалла раиси, профилактика инспектори, мактаб директори, ёшлар етакчиси ёшлар муаммоларини “фуқаробай” аниқлайди. Энди маҳаллада “фуқаробай” ишлаймиз.

Уйнинг ичидаги одамнинг кайфияти қандай? Нима мурод-мақсади бор? Нима муаммолари бор? Шуларни “фуқаробай” аниқлаб, сектор раҳбарлари олдида аниқ

ва лўнда масалаларни қўйишилари шарт”, – деб таъкидлаган кўрсатмалари асосида “Фуқаробай” ишлаш тизими асосида ишлар йўлга қўйилган.

Бугунги кунда бу борада бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг афзалликларига тўхталиб ўтамиз:

- ҳар бир фуқаронинг муаммолари индивидуал тартибда аниқланади;
- аниқланган муаммолар тегишли маълумотлар базасига ва темир дафтарларга киритиб борилади;
- мутасадди ташкилотларга муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ вазифалар берилади;
- аниқланган муаммолар индивидуал тартибда ҳал этилгунга қадар назоратга олинади;
- аниқланган муаммолар ҳал этилганидан кейин тегишли маълумотлар базасидан чиқарилади.

Бугунги кунда “Фуқаробай” ишлаш тизимининг ижтимоий-профилактик ахамиятига эга бўлиб, ўз новбатида жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа муаммолар биринчи навбатда ёшлар ва аёллар ҳаётида акс этишига қаратилган. Бошқача айтганда, ёшлар ва аёллар муаммолари жамиятдаги муаммоларнинг барометри ҳисобланади. Хусусан, Марказий Осиё дунёдаги энг ёш минтақа бўлиб, аҳолисининг ёши ўртача 27,6 ёшни ташкил этади. Минтақа аҳолисининг 50 фоизга яқини Ўзбекистон Республикасига тўғри келади. Жумладан, мамлакатимиз аҳолисининг 18,9 млн. нафари ёки 54 фоизини 30 ёшгacha бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади (15 ёшдан 19 ёшгacha бўлгани 2 558 977 нафар, 20 ёшдан 24 ёшгacha 2 890 718 нафар, 25 ёшдан 29 ёшгacha 3 212 525 нафарни ташкил қилади).

Ўзтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга боғлиқ қуйидаги жиддий муаммолар мавжуд.

Жумладан, 39 088 нафар ёшлар нотинч оиласарда истиқомат қилмоқда, улардан 368 нафар ёшлар турли заарли норасмий гурӯхлар, оқимлар таъсирига тушиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йилда ҳар 100 та жиноятнинг 2,2 тасини 16-17 ёшдагилар, ҳар 100 та жиноятнинг 15,2 тасини 18-24 ёшдагилар, ҳар 100 та жиноятнинг 19,2 тасини эса 25-30 ёшдаги шахслар содир этган;

Республикамида алоҳида эътиборга муҳтоҷ 18 ёшгacha бўлган 150 минг нафар болаларни ташкил этади, 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз ёки 844 минг нафарни ташкил этмоқда (бу умумий ишсизлик даражасидан 1,5 баравар кўп). Ҳисобга олинмаган ишсизлар сони эса бундан ҳам юқори.

Шундай қилиб, “фуқаробай” ишлаш тизими орқали фуқароларнинг ижтимоий, хуқуқий, психологик ва бошқа муаммолари аниқланиб, ҳисобга олинади ҳамда мовжуд муаммолар жойида ҳал этилади, жамиятда ижтимоий мувозанат барқарорлаштирилади ва хуқуқбузарликлар содир этиш асосий сабаблари ҳамда шарт-шароитлари ўргшанилади ва бартараф этилади. Мазкур тизимни жамиятга тадбиқ этиш ҳамда бир меёрда ишларниамалга ошириш мақсадида ҳамкорлик асосий ўрин эгаллайди.

Яъни жамиятда бирон бир ижобий натижаларга ёки кутилаётган мақсадларга эришиш борасида давлат органлари ҳамда жамоатчилик тузулмалари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиши лозим. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, маҳалаларда “Фуқаробай” ишлаш тизимини ҳамкорликда амалга оширилади ҳамда унда туман (шахар) даражасида манфаатдор бўлган давлат органлари ва жамоат тузулмалари фаол қатнашади.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, “фуқаробай” ишлаш тизими ваколатли субъектлар, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан маҳалла, туман, вилоят кесимида ҳар-бир фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий, психологик ва бошқа муаммоларини индивидуал тартибда аниқлаш ва ҳал этиш орқали уларнинг жиноят содир этишини ва турли зуравонликларга барҳам берилишини олдини олишдан иборат ижтимоий профилактиканинг самарали методларидан бири ҳисобланади.

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашища “фуқаробай” ишлашнинг аҳамияти – профилактик чоратадбирларнинг манзилли ва мақсадли йўналтирилиши орқали аниқ шахсларга таъсир чораларини кўриш, унинг таъсирчанлигини ошириш, қолаверса вақт, куч ва воситалар ортиқча сарфланишига чек қўйишга эришилади.

Бу имконият оила аъзолари маънавиятини юксалтиришга, оила аъзоларида хуқуқий ва тиббий онгни ривожлантиришга, оилада соғлом турмуш тарзини яратишга хизмат қилмоқда. Айниқса, ёшларимизда оилавий ҳаётга бўлган ҳурмат ошмоқда. Мустақилик туфайли маҳалланинг яратувчанлик қудратига, маънавий мафкуравий, тарбиявий кучига ишонч, эътибор ортди. Ҳозир маҳалла милий қадриятларимизнинг, умуминсоний фазилатларимизнинг, моддий ва маънавий эҳтиёжларимизни қондириш-нинг маркази сифатида юзага чиқмоқда. Қолаверса, маҳалла ўтмишдан мерос бўлиб қолган аҳолини марказдан туриб бошқариш тизимига барҳам берувчи, халққа яқин бўлиб, унинг дардини англовчи, унга яқиндан ёрдам берувчи орган, яъни тизим маҳсули сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Болаларнинг тўғри тарбияланишини бирламчи ва зарурий шартидир. Шу билан бирга кенг жамоатчилик, яъни маҳалла халқ педагогикасига таянган ҳолда, тажрибаларини ёшлар онгига сингдириш, оиладаги низоли вазиятларини олдини олиш, оиланинг моддий аҳволи, мълумотга эга бўлиши лозим. Зеро, буларнинг барчаси, юқорида таъкидланганидек, бола тарбиясига бевосита таъсир кўрсатади. Жойларда фаолият кўрсатаётган маҳалла фуқаро йиғини раислари, хотин-қизлар қўмиталари аъзолари, албатта, педагогик-психологик билим ва кўникмаларга эга бўлишлари шарт. Халқимиизда “Ёмонликка қарши кураш бўлмаган жойда, яхшилик туғилмайди” деган маъноли ҳикмат бор. Айрим ёшларимизни тарбиясида кўринадиган маънавий-ахлоқий нуқсонларни бартараф этиш, улар уларда маънавий гўзалликни ҳосил қилиш учун қунт ва қатъият билан курашиш лозим. Бу муҳим вазифани бажариш фақат ота-оналарнинг бурчи, масъулияти бўлибгина қолмай, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам асосий вазифасидир. Оилада зўравонлик ҳолатларини олдини олиш ҳам аввало оиланинг ўзидан бошланади.

Оилада соғлом турмуш тарзини шакиллантириш қўйидаги йўналишларга амал қилишни тавсия этилади:

1. Оилада соғлом турмуш тарзини шакиллантириш, маънавий ва маърифий тарбияга алоҳида этибор қаратиш;
2. Фарзандларни ҳар бирини ўз характер, фазилатларига қараб муомала қилиш ва касбга йўналтириш;
3. Ёш оилалардаги ота-онанинг бир-бирларига бўлган илиқ тарбиявий муносабатларни шакиллантириш;
4. Қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни назорат қилиш ҳамда улар тўртасидаги носоғлом мҳиталарга фуқаробай ишлаш жараёнида кескин чора кўриш гурихларини шакиллантириш;
5. Оилавий ажримларга кескин курашиш, бу борада оилани, бузмаслик, фарзандларга бу борада тазийк ўтказмаслик ҳолатларига чек қўйиш;
6. Оилавий тадбиркорлик ва бизнисни ривожлантириш борасида Ёшлар етакчиси ва Хоким ёрдамчилари билан ҳар бир оила ва ёшларни бандлигини таъминлаб бориш;
7. Оиладаги конфликтларни яхшилик йўли билан ҳал қилиш;
8. Оилани ажраб кетишини олдинип олишга ва сақлашга ҳаракат қилган шахсларни ижтимоий ва моддий рағбарлантириш чораларини кўриш.

Юқоридаги тамойиллар оилада зўравонлик ҳолатларини олдини олиш, фарзандлар тарбиясини асосий омилларидан эканлигига яна бир бор эътиборни қаратади. Барча ишлар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари,

хотин-қизлар қўмиталари аъзоларининг педагогик ва психологик билим ва қўникумаларга эга бўлишлари билан боғлиқлиги зарурий шарт саналади.

Шу ўринда оилада зўравонлик ҳолатларини олдини олиш, фарзандлар тарбиясини асосий омилларидан эканлигига яна бир бор эътиборни қаратади. Барча ишлар маҳалла фуқаролар йигинлари раислари, хотин-қизлар қўмиталари аъзоларининг педагогик ва психологик билим ва қўникумаларга эга бўлишлари билан боғлиқлиги зарурий шарт саналади.

Буларнинг барчаси оилаларнинг фаровонлиги билан боғлиқ бўлиб, натижада оилада соғлом авлодни соғлом муҳитда вояга етказиш йўлидаги саъйҳаракатлардир. Асрий тарихга эга бўлган миллий анъанавий ҳаракатларни ривожлантириш, кенгайтириш, маҳаллаларни ободонлаштириш, қўникушнилар, айниқса, ёрдамга муҳтоҷларни уй-жойларига таъмирлашга ёрдам бериш, маърака, тўй-ҳашамларда елкадош бўлиш, ҳар бир жойнинг маҳаллий шароитидан келиб чиқиб тартибга солиш, уларни маҳаллада ишлаб чиқилган тавсиянома асосида ўтишини бошқариш ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш даврида алоҳида аҳамиятга молик.

Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касб-хунарга, хизматга иштиёқ уйғотиши, меҳнатга яроқли, лекин вақтинча иш билан таъминланмаган маҳалла аҳолисини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, бунинг учун маҳалла ҳудудида кичик корхона ҳамда қўшма корхоналар, иштироклар ташкил этиш билан шуғулланиш лозим бўладики, буларнинг барчаси оилаларнинг мустаҳкамлаш борасида, соғлом авлодни вояга етказиш, тарбиялаш борасидаги восита ва услублардир. Жамиятнинг ташкил топиши ва тараққий этиши оиласа боғлиқдир. Чунки инсон зотини давом эттирувчи авлод, меҳнат қилиб, моддий ва маънавий бойлик яратувчилар, жамиятни бошқарувчилар оилада дунёга келади, камол топади ва шахс сифатида шаклланади.

Оила ҳамма даврда ҳам жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитни ўзида яққол акс эттирган, ижтимоий ривожланиш йўлида пайдо бўлган ижтимоий муаммо ва қийинчиликларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда оилавий муносабатлар маданиятнинг такомиллашуви оилани мустаҳкамлашга, оилада соғлом муҳитнинг вужудга келишига, фарзандларни жисмонан соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялашга олиб келади. Бу ҳолат оилада яшаш шароитини яхшилаш, оила аъзоларини меҳнат қилиши, фарзандларини соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, оила аъзоларининг бўш вақтини тўғри тақсимлаш учун имконият туғдиради. Зеро, ушбу барча қилинаётган ишлар давлатимизнинг асосий шиоридир.

Равшанов Жамшид Равшанович
ИИВ Малака ошириш институти
Махсус – касбий фанлар кафедраси
катта үқитувчиси

Борьба с торговлей людьми: действия международной организации труда

Перемещение людей происходит во всем мире во все возрастающих масштабах. Люди переезжают из деревни в город, из города – в соседние страны. Они пересекают континенты в поисках лучшей жизни, новой карьеры или просто в силу обстоятельств. Многим из них удается, несмотря на трудности, найти себе новую работу, но некоторых призывают выполнять работу помимо их воли. Их обманывают в отношении характера этой работы или условий их трудового договора, запугивают, подвергают насилию, непускают дальше места работы или не платят обещанную зарплату. Они – жертвы принудительного труда, попавшие через торговлю людьми в ситуацию, из которой трудно найти выход.

Женщины, мужчины и дети, становясь жертвами трафика, попадают в самые разные сферы экономики, где используются в различных целях. Торговля женщинами и девочками (иногда также мальчиками) в странах, где существует повышенный спрос на сексуальные услуги, давно считается серьезной проблемой. Недавно большое внимание стала привлекать торговля людьми в целях их эксплуатации в основных отраслях экономики. Торговля людьми превратилась в поистине глобальный бизнес. Она может предполагать как законную, так и незаконную деятельность. Ее поддерживают преступные сообщества или отдельные лица, которые стремятся использовать пробелы во внутреннем законодательстве по миграции и рынку труда. Торговцы людьми удовлетворяют потребности в дешевой разовой рабочей силе, существующие во многих странах мира. Это, в частности, касается трудоемких отраслей экономики, использующих временных работников, как, например, сельское хозяйство, строительство, услуги на дому. Торговцы людьми пользуются огромным предложением дешевого труда, неграмотностью трудящихся-мигрантов и многочисленными ограничениями, с которыми тем приходится сталкиваться.

По оценкам МОТ, объем торговли людьми в любой взятый период времени составляет не менее 2,4 млн человек. При этом ежегодно за торговлю людьми осуждается всего несколько тысяч торговцев. Большинство жертв остаются неизвестными и, тем самым, не получают справедливое возмещение

за ущерб, нанесенный им. Несмотря на растущее внимание к этой проблеме и повышение эффективности правоприменительной практики, торговля людьми остается почти безопасным и чрезвычайно выгодным делом. По оценкам МОТ, прибыль от торговли людьми ежегодно составляет до 32 млрд долларов США.

МОТ занималась проблемой торговли людьми с самого своего основания. Хотя первоначально эти усилия были тесно связаны с борьбой в рамках Лиги наций против «торговли белыми рабами», они стали привлекать широкое внимание после принятия Конвенции 1930 года о принудительном труде. Определение принудительного труда, содержащееся в этой Конвенции, до сих пор сохраняет свою актуальность. Борьба МОТ с торговлей людьми еще более усилилась с принятием двух Конвенций о трудящихся мигрантах и Конвенции о наихудших формах детского труда.

МОТ рассматривает торговлю людьми с точки зрения рынка труда, занимаясь этой проблемой в рамках многих проектов и мероприятий по защите интересов трудящихся. Тем самым она стремится искоренить первопричины, такие как бедность, отсутствие работы, неэффективность систем трудовой миграции. При этом МОТ стремится усовершенствовать работу институтов рынка труда, таких как государственные органы занятости, инспекции и министерства труда. Кроме того, будучи трехсторонней организацией, МОТ консультирует и привлекает к своей работе организации трудящихся и работодателей. Она также работает в сотрудничестве с другими международными организациями – ПРООН, МОМ или ЮНИСЕФ. В настоящем документе содержится общее описание основных сфер деятельности, подводятся итоги прошлой работы и указываются направления для ее продолжения.

С 1990-х годов МОТ осуществила широкую программу научно-исследовательской деятельности во многих странах мира в целях улучшения понимания факторов спроса и предложения торговли людьми, процесса торговли, уязвимости людей от нее. Исследования, проведенные МОТ, включают в себя анализ положения в отдельных странах как информационную основу для планирования дальнейших действий, а также тематические исследования различных аспектов торговли людьми: неэффективности рынка труда, механизмов привлечения рабочей силы, прибыли, получаемой за счет противозаконной деятельности.

МОТ повышает эффективность своей работы за счет программы исследований, которая расширяет знания о других формах торговли людьми,

не связанных с сексуальной эксплуатацией. Исследования, проведенные в отдельных странах, в частности, в основных странах назначения трудящихся-мигрантов, позволили выявить случаи торговли людьми в целях их принуждения к труду в целом ряде отраслей, в том числе в сельском хозяйстве, строительстве, ресторанном бизнесе, а также в сфере надомных услуг. Эти оценки, касающиеся в основном качественных аспектов торговли людьми, также позволили выявить факторы влияния на торговлю людьми, например, спрос на дешевую разовую рабочую силу, тенденции в мире в пользу нерегулируемых отношений труда, повышение мобильности иностранных трудовых ресурсов в условиях жесткого ограничения законной миграции в большинстве стран.

Результаты исследований указывают на причинно-следственную связь между бедностью в странах-поставщиках мигрантов (и экономическим положением отдельных мигрантов) и риском стать жертвой торговли людьми. Потенциальные мигранты, имеющие ограниченный доступ к информации о легальной миграции и скромные средства (или их отсутствие), что не позволяет оплачивать затраты, связанные с миграцией, в большей степени, чем остальные группы, подвержены риску стать жертвами торговли людьми. Исследования качественных аспектов также показали, что торговле людьми способствует безнаказанность работодателей, эксплуатирующих труд незаконных мигрантов.

Исследования спроса на торговлю людьми Изучение спроса позволяет рассматривать торговлю людьми с точки зрения стороны, принимающей мигрантов. Внимание к спросу – важный способ привлечь к ответственности также страны назначения мигрантов, не ограничиваясь только странами их происхождения. В районе Меконга МОТ провела изучение спроса на торговлю детьми и женщинами. При этом анализ «спроса» является основой как для самого исследования, так и для обсуждения и непосредственного принятия мер против торговли людьми в пункте их назначения. В контексте эксплуатации труда спрос может включать в себя потребность работодателей в дешевой бесправной рабочей силе, потребности в прислуге, поденщиках или потребительский спрос на дешевые товары и/или услуги, а также любое сочетание этих факторов. Исследование проводилось в Таиланде на примере четырех сфер занятости: ловля/переработка рыбы, промышленное производство (малые/средние предприятия), домашние услуги и сельское хозяйство. Работа в этих сферах считается грязной, тяжелой и опасной. Вследствие экономического подъема многие жители страны имеют более широкие возможности выбора работы и больше не трудятся в

низкооплачиваемых и непrestижных сферах, что повышает спрос на труд мигрантов.

В исследовании приводятся предварительные рекомендации по политике и практике управления сферой труда и миграции Таиланда в целях преодоления факторов, существующих в пунктах назначения мигрантов и делающих рабочие места приманкой для торговли людьми и принуждения к труду. В частности, правительству рекомендуется исправить положения Закона о защите занятости, которые исключают некоторые категории трудящихся (сельскохозяйственных работников, домашнюю прислугу, работников рыбных хозяйств и мелких или неоформленных предприятий) из системы защиты труда, и признать за ними право на равное обращение и равенство в правах с другими трудящимися. При этом рекомендуется, чтобы работодатели открыто объявляли о потребности в трудящихся-мигрантах как в долгосрочной, так и в краткосрочной перспективе, и настаивали на принятии правительством перспективного плана управления трудовой миграцией вместо краткосрочной регистрации трудящихся без их оформления. Профсоюзам рекомендовано принять политику в отношении таких трудящихся-мигрантов с учетом уважения их права на защиту труда наравне с тайскими трудящимися.

Торговля людьми нарушает основополагающие права любого человека – право на свободный труд, право на объединение и ведение коллективных переговоров и право на равенство в сфере труда. Торговля детьми является, по определению МОТ, одной из наихудших форм детского труда, которая наносит серьезный ущерб развитию ребенка. Эти четыре коренных принципа закреплены в Декларации МОТ об основополагающих принципах и правах в сфере труда, принятой членами МОТ в 1998 г. Декларация опирается на восемь основных конвенций, из которых две теснейшим образом связаны с Палермским протоколом (№ 29 о принудительном труде и № 182 о наихудших формах детского труда). Они также относятся к самым распространенным из ратифицированных конвенций МОТ. Однако эти принципы должны уважаться и поддерживаться всеми государствами-членами, в том числе теми, которые не ратифицировали указанные конвенции.

Государства, ратифицировавшие Конвенцию № 29, берут на себя обязательство «упразднить применение принудительного или обязательного труда во всех его формах в возможно кратчайший срок» (Ст. 1, п. 1 Конвенции). При этом термин «принудительный или обязательный труд»

означает «всякую работу или службу, требуемую от какого-либо лица под угрозой какого-либо наказания, для выполнения которой это лицо не предложило своих услуг добровольно» (Ст. 2, п. 1 Конвенции). Государства, подписавшие Конвенцию, обязаны обеспечить, чтобы «незаконное привлечение к принудительному или обязательному труду преследовалось в уголовном порядке», а также «действительную эффективность и строгое соблюдение санкций, предписываемых законом» (Ст. 25 Конвенции). Конвенция № 182 требует, чтобы каждое государство, ратифицировавшее ее, немедленно приняло эффективные меры, обеспечивающие в срочном порядке запрещение и искоренение наихудших форм детского труда.

В Декларации 1998 г. признаются обязательства МОТ оказывать своим членам содействие в ратификации вышеуказанных основных конвенций посредством предложения им технической помощи. В рамках последующей деятельности, связанной с Декларацией, многие государства-члены получили со стороны МОТ техническую помощь и ускорили процесс ратификации конвенций, связанных с основополагающими правами. Например, в 2007 г. МОТ оказала помощь Китаю в создании межведомственной рабочей группы по содействию ратификации Конвенции о принудительном труде, а также в проведении общенациональной кампании по борьбе с принудительным трудом и торговлей людьми.

Проблема торговли людьми тесно связана с неофициальным пребыванием или прибытием в иностранное государство. Конвенция № 97 (пересмотренная) 1949 г. о трудящихся-мигрантах и Конвенция № 143 (дополнительные положения) 1975 г. о трудящихся-мигрантах образуют правовую основу для защиты как потенциальных, так и фактических жертв торговли людьми. В отношении мер по предотвращению распространения ложной информации о трудоустройстве за границей в Конвенции № 97 указывается, что государства, ратифицировавшие ее, обязуются организовать компетентную и бесплатную службу для содействия трудоустройству мигрантов, в том числе обеспечивать их точной информацией. Государства, ратифицировавшие конвенцию, также должны принять все меры по предотвращению распространения ложной информации как об эмиграции, так и об иммиграции. Конвенция № 143 направлена, главным образом, против организованного перемещения трудящихся мигрантов торговцами людьми. При этом ратифицировавшие ее государства должны, с одной стороны, принимать меры по выявлению, искоренению и применению санкций в случае подпольного перемещения мигрантов в условиях, нарушающих их

права, и незаконного трудоустройства трудящихся-мигрантов, а с другой стороны – обеспечивать минимальный уровень защиты трудящихся с неурегулированным статусом.

В условиях, когда частные агентства занятости принимают все большее участие в привлечении и направлении потоков трудящихся-мигрантов, а также в связи с непрестанной потребностью защищать мигрантов от обмана и злоупотреблений, в том числе от торговли людьми, Конвенция № 181 о частных агентствах занятости предлагает свои рекомендации по формированию правовой базы, направленной против торговли людьми. Ратифицировавшие ее государства должны принять соответствующие меры по обеспечению должной защиты и предотвращению злоупотреблений в отношении трудящихся-мигрантов, привлеченных на работу или перемещенных на их территорию частными агентствами занятости. В числе этих мер – принятие законов или подзаконных актов, которые предусматривают применение санкций, включая запрещение деятельности тех частных агентств занятости, которые допускают обман и злоупотребления.

Хотя большинство стран осуждают принудительный труд и наихудшие формы детского труда, их национальное законодательство зачастую не соответствует международным обязательствам, принятым ими. После принятия Палермского протокола в этих странах либо появились новые законы по борьбе с торговлей людьми, либо были приняты меры по приведению местного законодательства в соответствие с международными нормами. Но национальное законодательство в большинстве случаев не охватывает все формы торговли людьми, например, торговлю в целях эксплуатации труда, но не в целях сексуальной эксплуатации, либо исключает определенные группы людей из числа потенциальных жертв. Кроме того, хотя торговля людьми во многих государствах-членах подлежит уголовному преследованию, правовой статус потенциальных и фактических жертв почти не изменился к лучшему. Лишь в некоторых странах выявленным жертвам разрешено обращаться за получением вида на жительство в стране их назначения.

МОТ выступает за согласованность уголовного, иммиграционного и трудового права, что позволит лучше защитить жертвы и обеспечить их компенсацией за ущерб, нанесенный им. Трудовое право имеет особое значение для того, чтобы пострадавшие могли обратиться за компенсацией через трудовые суды и другие механизмы урегулирования споров не в

уголовном порядке. Например, если в том или ином государстве проводится четкая национальная политика в сфере трудовых правоотношений, это в некоторой мере позволяет избежать ситуаций, когда права уязвимых лиц не уважаются. Рекомендация МОТ № 198 о трудовых правоотношениях (2006), признавая наличие многих и разнообразных пробелов, позволяет определить наличие таких правоотношений и защитить трудящихся при их перемещении на территорию иностранных государств.

Применение положений соответствующих основных конвенций МОТ в странах, которые ратифицировали их, гарантируется главным образом через надзорные механизмы. Усилия государств-членов по противодействию торговле людьми должны быть отражены в докладах, направляемых на изучение независимой экспертной комиссией по применению конвенций и рекомендаций. В ряде случаев надзорные органы МОТ высказывали растущую обеспокоенность в связи с нелегальным использованием принудительного труда, включая работу трудящихся-мигрантов за долги в сельском хозяйстве и других сферах, а также торговлю мигрантами (мужчинами и женщинами) в сельском хозяйстве, секс-индустрии и сфере надомных услуг. В 2001 году Экспертная комиссия по применению конвенций и рекомендаций высказала свое общее наблюдение в отношении торговли людьми в связи с Конвенцией № 29 и обратилась ко всем государствам с просьбой включить в доклады по этой конвенции сведения о мерах, которые приняты или планируются для предотвращения, искоренения и наказания за торговлю людьми в целях их эксплуатации. Комиссия занималась изучением сведений о законодательстве и правоприменительной практике в этой сфере, включая положения внутреннего законодательства, направленные на преследование принудительного труда и торговли людьми, меры, принятые для обеспечения эффективного правоприменения, меры, призванные укрепить порядок расследования и уголовного наказания таких преступлений, а также сотрудничество с социальными партнерами.

МОТ работает в тесном сотрудничестве и с другими организациями для того, чтобы, с одной стороны, привлечь их внимание к проблеме торговли людьми, а с другой – побудить политическое руководство различных стран и гражданское общество включить эту проблему в число своих приоритетов. Недавно МОТ присоединилась к Глобальной инициативе ООН по борьбе с торговлей людьми (UN.GIFT), направленной на то, чтобы добиться перелома в отношении к этой проблеме и изменить существующие способы ее решения. В частности, МОТ способствует улучшению сотрудничества между ООН и иными

организациями, разделяющими ее взгляды. При этом как в рамках инициативы UN.GIFT, так и вне их МОТ продолжает выступать за целостный подход к проблеме торговли людьми, который сочетает в себе правоприменительную практику с мерами, касающимися рынка труда. МОТ также работает с целым рядом организаций гражданского общества, например, с «Anti-Slavery International», фондом «Save the Children» и программой «La Strada».

Ачилов Муртаза Хатамович

ИИВ Малака ошириш институти
Махсус-қасбий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси

Одам савдоси давр вабоси

Бугунги кунда Ўзбекистон хукумати одам савдосини бартараф этиш бўйича белгиланган минимал стандартларга тўлиқ мос келиши учун сезиларли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳукуматнинг мажбурий меҳнатдан фойдаланишни тутатиш бўйича амалга ошираётган ишлари эътиборга лойиқdir, жумладан, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси давлат лойиҳаларида хукуматнинг мажбурий ишчи кучидан фойдаланишига эътиборини қаратди ва ушбу лойиҳалар учун давлат хизматчиларини сафарбар қилишга қарши қарор қабул қилди. Бугунги кунда глобал муаммога айланган одам савдосига қарши кураш нафақат маҳаллий, балки халқаро даражадаги инсон ҳукуқ ва эркинларини таъминлашдаги асосий масалалардан биридир. Ачинарлиси, ушбу иллатни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари олиб борилишига қарамай, дунёда миллионлаб инсонлар одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Мазкур жиноятнинг ривожланишига сабаб, дунёда бўлаётган омиллардан бири фуқароларнинг хорижга бориш ва меҳнат қилишнинг тартиб-қоидалари хусусида етарлича ҳуқуқий маълумотларга эга бўлмаслиги айни кунда фирибгарлар тузогига илиниб қолишига замин заратмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳам одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон 2003 йил 12 декабря БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди ҳамда 2008 йилнинг 17 апрелида “Одам савдосига

қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, 2020 йил 17 август куни мазкур қонуннинг янги таҳрири жорий этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 60-сонли ва 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 240-сонли қарорлари асосида жабрланганларга тиббий, психологик, ижтимоий ва хукукий ёрдамлар кўрсатилиши бўйича миллий тизим белгиланди.

Одам савдосига фақатгина Ўзбекистон Республикасининг муаммоси сифатида қарашимиз нотўғри бўлади, чунки ҳозирги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб бутун дунё ҳамжамиятини хавотирга солмоқда.

Энг ачинарлиси, одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг кенг қулоч ёзишига: аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламлари - ишсиз юрган фуқаролар, шахсий ҳаётида кўп қийинчиликларга учраган аёллар ва ота – онасининг эътибори ва қарамоғидан четда қолган вояга етмаган шахсларнинг гўёки уларнинг муоммоларини ҳал қилган каби кўриниб, ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланаётган ҳолатларни мисоллар тариқасида айтиб ўтишимиз мумкин.

Мисол учун, ҳалқаро ташкилотларнинг 2021 йилнинг якунига кўра берган ҳисоботларидан келиб чиқиб дунёнинг 175 мамлакатида одам савдоси жиноятларидан 164 миллат вакиллари жабрланган бўлиб, шундан, 108,613 нафари маънавий ва жисмоний тарзда зарар кўрганлиги тўғрисида маълумотлар қайд этилган бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг 50 фоизини 26 ёшгача фуқаролар ташкил этса, хар 10 нафар жабрланган шахсларнинг 5 нафари аёлларга тўғри келаётганлиги, энг ачинарлиси ўша 5 нафар аёлларнинг 2 нафари қиз болаларга тўғри келмоқда.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси “Одам савдоси бўйича 2021 йилги” ҳисоботига кўра мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш ва

унинг профилактикасини амалга ошириш борасида ижобий ишлар амалга оширилганлигини таъкидланган. Хусусан, Республикаиз томонидан бугунги кунгача ўтказилган

«Мехр-1, 2, 3, 4, 5» операциялари доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволга тушиб қолган 531 нафар аёллар ва болалар Ўзбекистонга олиб келинди.

Бундан ташқари, расмий жабрдийда мақомига эга бўлган эркаклар, аёллар ва болаларга мўлжалланган одам савдоси жабрдийдалари маркази фаолиятини таъминлаш учун давлат томонидан 1,2 миллиард сўм (\$114 590) ажратилди.

Шунингдек, чет эллардаги меҳнат мигрантлари, жумладан, мажбурий меҳнат жабрдийдаларига кўмак бериш мақсадида 8,5 миллиард сўмлик (\$811 690) маблағ ажратилди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сайъи ҳаракати билан Республика миқёсида 2021 йилнинг якунига кўра 150 нафар одам савдоси жабрдийдаси аниқланди, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 63,3 фоизга ошган. Аниқланган жабрдийдаларнинг

138 нафари аёллар ва 12 нафари эркаклар ҳисобланади.

Мазкур шахсларнинг жабрланиш сабабига кўра тақсимланганда, уларнинг орасида 89 нафари жинсий эксплуатация билан шуғулланишга, 12 нафари мажбурий меҳнатга жалб қилиниб ўз хоҳишига қарши эксплуатация қилинган, қолган 49 нафар бошқа сабабларга кўра жабрланган.

Айтиш лозимки, бугунги кунга келиб одам савдосининг авж олишига, яъни инсонни қандайдир бир буюм сифатида, таъбир жоиз бўлса инсонни олди-сотдининг обьекти сифатида фойдаланилиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига нималар сабаб бўлмоқда?

— одам савдоси каби ноқонуний фаолият тури бир ёки бир неча аъзолардан иборат гурухларнинг сердаромад манбасига айланиб бораётгани, яъни уларнинг ҳеч қандай оғир ва машаққатли меҳнатларсиз мўмай даромад олишга уринаётганлиги;

— одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг ишонувчанлиги, ўзининг, яқинларининг тақдирига ва келажагига бефарқлиги, лоқайдлигида. Яъни энг олий неъмат ҳисобланмиш эркин ҳаёт тушунчасига нисбатан енгил ва бепарволик билан қарашлари оқибатида ушбу одам савдосини амалга оширувчи жиноятчиларнинг ўлжасига, аниқроғи уларнинг осон даромад манбаига айланиб қолмоқдалар;

— одам савдосини амалга оширувчи жиноятчи шахслар ўзларининг танишлари, яқин қариндошларига нисбатан, яъни уларнинг ишончига кириб олиб, уларнинг одам савдосини қурбонига айланиб қолишига сабабчи бўлаётганлигида;

— одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг ор-номус қилиб, қўрган хўрликлари, уларга нисбатан ишлатилган турли хилдаги жисмоний ёки руҳий тазииклар ҳақида ёхуд ўзининг ноқонуний равишда чегарани бузиб чиқиб, чет давлатда ҳеч қандай рўйхатдан ўтмасдан, ноқонуний меҳнат фаолиятини амалга оширганлигидан қўрқиб булар ҳақида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги.

Бугунги кунда, одамфурушлар ўзининг ватандошларини Яқин Шарқ, жумладан, Баҳрайн, Эрон ва Бирлашган Араб Амирликларида; Европа, жумладан, Эстония, Грузия, Латвия, Молдова, Россия ва Туркияда ҳамда Марказий ва Шарқий Осиё, жумладан, Қозоғистон, Шри-Ланка ва Таиландда мос равишда жинсий алоқа ва мажбурий меҳнат борасида эксплуатация қилмоқда.

Ўзбекистон фуқаролари ушбу давлатларда қурилиш, транспорт, нефт ва газ, қишлоқ хўжалиги, чакана савдо ва озиқ-овқат соҳаларида мажбурий меҳнатга дучор бўлиб, оғир шароитларда яшаш ва ишлашга мажбурланиб, уларга ваъда қилинган маошлари берилмаслик ҳолатларига дучор бўлишмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган маълумотлардаги муаммаларга асосланиб одам савдоси жиноятларига қарши курашиш, уни барвакт профилактикасини амалга ошириш борасида мавжуд тўсиқ, муаммо ва камчиликларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидек муҳим вазифалар давлат органлари ва мансабдор шахслар олдида турибди.

Асосий тавсиялар:

- Одам савдоси қурбонларини аниқлаш тизимли ва изчил бўлишини таъминлаш учун чора-тадбирларни такомиллаштириш. • Тегишли қонунчиликка риоя қилган ҳолда, одам савдоси билан шуғулланишда гумон қилинган шахсларни тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган ҳаракатларни ошириш. • Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларни тўғри ҳал қилишни ўргатиш. • Жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш чоралари одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни тергов қилиш билан чекланмаслигини ва барча биринчи ёрдам кўрсатувчи шахслар потенциал

одам савдоси қурбонларини расман аниқлаши ва тиббий ёрдамга юборишини таъминлаш. • Ўқитувчиларни ва тиббиёт ходимларини мажбурий меҳнатга сафарбар қилмаслик чораларини тўлиқ амалга ошириш. • Тегишли қонунчиликка риоя қилган ҳолда, терговларни кўпайтириш ва етарли далилларга эга бўлган ҳолда, одам савдоси, шу жумладан мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан шуғулланадиган мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш.

• Жиноят кодекси доирасида одам савдоси таърифини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ОСҚ (ТИР) протоколи билан мувофиқлаштириш мақсадида қайта кўриб чиқиш. • Давлат томонидан бошпана берилмайдиган жабрланувчиларга ёрдам берувчи Одам савдосига қарши курашувчи ННТларни молиялаштириш. • Одам савдоси ҳаракатларида иштирок этишга мажбур бўлган жабрланувчилар томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, чегарани ноқонуний кесиб ўтиш ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни йўқотиш жазога тортилмаслигини таъминловчи расмий механизмларни ишлаб чиқиш. • Одам савдоси жабрланувчилари шахсини ҳимоя қилиш учун жиноий кодексни ўзгартириш. • Прокурорларни жиноий ишларда жабрланувчиларга етган зарар ўрнини қоплатишда фаол курашишга чақириш. • Ишга қабул қилиш тўловларини талабгорлар эмас, балки иш берувчилар томонидан тўланишини таъминлаш учун хусусий иш билан таъминлайдиган ташкилотларни кузатиб бориш.

Ҳимоя

Ҳукумат томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган одам савдосидан жабрланган эркаклар, аёллар ва болаларни реабилитация қилиш маркази фаолияти учун тахминан 666 миллион сўм (80 140 АҚШ доллари) микдорда маблағ ажратилди, бу эса 2017 йилдаги 540 миллион сўм (таксинан 64 980 АҚШ доллари) маблағга нисбатан кўпроқни ташкил этади. Бу марказ бошпана, тиббий, психологик, хуқуқий ва иш билан таъминлашда кўмак кўрсатиб келади. Ҳукумат томонидан заиф аёлларга, шу жумладан, одам савдоси қурбонларига ёрдам бериш мақсадида 130 та марказ очилган. Ушбу марказлар маҳаллий хокимият томонидан бошқарилган ва молиялаштирилган, шунингдек уларнинг баъзилари маҳаллий одам савдосига қарши ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартағи ПФ-6195-сон “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари

тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ 2021 йил апрель ойидан Агентлик марказий аппаратида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам беришни ташкиллаштириш ҳамда мувофиқлаштириш бўлими ва 14 та худудий бошқармаларда 1 штат бирлигига ушбу йўналишда бош мутахассислар иш фаолиятини бошлади.

Соҳа ҳодимларининг иш сифатини унумдорлигини ошириш ва ўзаро ҳамкорликда ишлашини ташкил қилиш мақсадида, Агентликнинг худудий бошқармалардаги 14 та бош мутахассислари жойлардаги Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича худудий комиссия таркибида киритилди.

Ўтган бир йил давомида Агентлик томонидан Республикада одам савдосидан жабрланганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадида мазкур йўналишда хизмат кўрсатиш тартибини белгиловчи идоравий ҳужжатлар, бўлим низоми, ходимлар лавозим йўриқномалари, деректив ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида йўл харитаси ва ҳар бир соҳа ходимининг иш режалари ишлаб чиқилди.

2021 йил 19 январда “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ва Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. Унга мувофиқ “Одам савдосидан жабрланганлар ижтимоий-психологик реабилитациясининг амалий механизмлари” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Агентлиқда соҳага оид норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган долзарб масалаларнинг тезкор ва самарали ечимларини таъминлаш, Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган Услубий кенгаш тузилиб, кенгаш иш режасига мувофиқ ҳар ойда онлайн семинарлар ташкил қилиниб, мутахассислар соҳага оид билимлари мустаҳкамлаб борилмоқда.

Худудларда жабрланганларга кўрсатилаётган реабилитация хизматларини мониторинги йўлга қўйилди, Марказ билан бош мутахассислар ўртасида ойма-ой маълумот алмашиб тизими жорий қилинди ва бугунги кунда Марказдан чиқиб кетаётган шахсларнинг яшаш жойларида тўлақонли реабилитациясини таъминлаш имкониятлари яратилди.

Бундан ташқари, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказининг Низоми янги таҳрири ишлаб чиқилиб, 2021 йил 18 сентябрда 575-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланди. Агентлик ва Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги

хизмати ҳамкорликда Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказида озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача кунлик меъёри ва овқатланишини ташкил қилиш бўйича гигиеник тавсиялар ишлаб чиқилди.

Марказда юритиладиган тиббий-хужжатлар ўрганилиб, Агентликнинг 2022 йилдаги 37-сонли буйруғи билан ҳужжат шакллари тасдиқланди, алоҳида тиббий-хужжатларни юритиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва марказга етказилди.

Марказнинг қаттиқ жиҳозлар билан таъминоти юзасидан талаблар ўрганиб чиқилиб, қаттиқ жиҳозларга тегишли меъёрлар ишлаб чиқилди.

Дори-дармон таъминоти бўйича Марказдаги сўнгти З йиллик эҳтиёж ўрганилиб, Соғлиқни сақлаш вазирининг “Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 25 февралдаги 2-сон буйруғи билан тасдиқланган формуляр асосида Марказ учун зарур дори воситалар рўйхати шакиллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги ПФ-6195-сон Фармонига мувофиқ:

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказига Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий амалий маркази, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ҳамда Чилонзор туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси бириктирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ўртасида жабрланган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

Миллий ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда ишилаш мақсадида 2022 йил “Одам савдосидан жабрланган, жабрланган деб тахмин қилинаётганларни реабилитация қилиши масалаларида ижтимоий ҳамкорлик” тўғрисидаги меморандумлар имзоланди. Жумладан, “Istiqlolli avlod” ижтимоий-ахборот маркази ўртасида:

одам савдосидан жабрланган, жабрланган деб тахмин қилинаётганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишда;

одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни жамиятга мослашув жараёнини кузатиб бориш, уларга тиббий-психологик хизмат кўрсатиш ва реинтеграция жараёнларида кўмаклашишда;

соҳа ходимларини узлуксиз таълим олишларини таъминлаш, хорижий тажрибани ўрганиб, миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнларида.

“Нихол” ташаббусларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш маркази билан: одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни жамиятга мослашув жараёнини қузатиб бориш, уларга психологик хизмат кўрсатиш ва реинтеграция жараёнларида кўмаклашишда; одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни касбга ўқитишда.

“Юксак салохият” жамоат бирлашмаси ўртасида ҳамкорлик йўналишлари:

одам савдосидан жабрланган, жабрланган деб тахмин қилинаётганларга бепул юридик хизматларни кўрсатиш;

одам савдосидан жабрланган, жабрланган деб тахмин қилинаётган аёлларни репродуктив саломатлик тамойилларига ўргатиш, зарур тиббий ёдам олишлари учун йўналтириш;

узлуксиз ишловчи ишонч телефон тармоғлари орқали юридик маслаҳат бериш йўналишларида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Очилов Маъруфжон Махамадиевич
Махсус-касбий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси

Одам савдоси жиноятларида жинсий экспулатациянинг халқаро ва миллий қонунчилик тизими.

Бугунги кунда глобал муаммога айланган одам савдосига қарши кураш нафақат маҳаллий, балки халқаро даражадаги инсон ҳукуқ ва эркинларини таъминлашдаги асосий масалалардан биридир. Ачинарлиси, ушбу иллатни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ҳукуқий тарғибот тадбирлари олиб борилишига қарамай, миллионлаб инсонлар одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Мазкур жиноятнинг ривожланишига сабаб, дунёда бўлаётган омиллардан бири фуқароларнинг хорижга бориш ва меҳнат қилишининг тартиб-қоидалари хусусида етарлича ҳукуқий маълумотларга эга бўлмаслиги айни кунда фирибгарлар тузогига илиниб қолишига замин заратмоқда.

Одам савдосига қарши курашишнинг тарихига назар солсак, унга қарши кураш ҳакидаги дастлабки халқаро ҳукуқий ҳужжат 1899 йилда

Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган “Аёлларлардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида”ги резолюция ҳисобланади. Шундан сўнг 1904, 1910 йилларда мазкур масала юзасидан халқаро битимлар, 1921 ва 1933 йилларда одам савдоси муаммолари бўйича халқаро конвенциялар қабул қилинган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳам одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, мазкур жиноятларга нисбатан қарши курашиш, уни олдини олиш борасида мустахкам ҳуқуқий тизим яратилган, хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йил 21 марта қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга 2003 йил 12 декабрда кўшилган).

Бундан ташқари, 1994 йил 22-сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 1995 йил 21 декабрдаги Фуқаролик кодекси, 2008 йилнинг 17 апрелида “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, 2020 йил 17 август куни мазкур қонуннинг янги тахрири қабул қилинган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 60-сонли ва 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 240-сонли қарорлари асосида жабрланганларга тиббий, психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилиши бўйича миллий тизим белгиланди.

Бошқа шахсларни фоҳиша сифатида ёки бошқа шаклда шаҳвоний эксплуатация қилиши деганда - айборнинг ихтиёрига кўра жабрланувчини жинсий алоқаларга киришиш, бирор шахснинг жинсий эҳтиёжларини гайритабиий усулда қондириш ёки бошқа шахсларнинг ихтиёрига кўра

шаҳвоний хусусиятдаги бошқача ҳаракатларни бажаришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш тушунилади.

Одам савдоси ёки эксплуатация қилиш учун жалб қилиш учта асосий босқичдан ташкил топади: жабрланувчини топиш, жалб қилиш; жабрланувчини транзит йўли билан ташиш (халқаро чегаралар орқали ташиш), давлат худудидан ўтказиш, сотиб олувчига топшириш, маълум вақтгача яшириш ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиш. Бу ушбу жиноят объектив белгисини ўзида акс этади;

Эксплуатация қилиш (одамнинг жисмоний ва шаҳвоний хизматларидан даромад олиш учун ноқонуний тарзда фойдаланиш)

Маълумотларга кўра, бундай жиноят жабрланувчиларининг, айниқса фоҳишалик мақсадларда эксплуатация қилинаётган аёлларнинг аксарият қисми, яъни 78 фоизини 16-25 ёшдаги аёллар ташкил этар экан.

“Аёллар савдосига қарши бутунжаҳон альянси” хужжатларида аёллар савдосига қуидагича таъриф берилган: Аёллар савдоси – бу зўрлик қўллаш, ёки зўрлик қўллаш билан таҳдид қилиш, қарз юки, алдов ёки бошқа турдаги мажбуrlаш йўли билан мамлакат ичкарисида ва хорижда ишлаш ёки хизматлар кўрсатиш учун аёлларни ёллаш ёки жўнатиш жараёнида амалга ошириладиган барча ҳаракатлардир. Мажбурий меҳнат ва қулликка ўхшаш амалиёт қўллаш билан ҳокимият ёки хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, йўли билан ҳам шундай ишлар ёки хизматларни бажаришга мажбуrlашни англатади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёларга нисбатан зўравоник жаҳондаги барча мамлакатларга, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётидан қатъи назар хос иллат ҳисобланди. Ҳаттоқи, энг ривожланган мамлакатларда ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, Японияда 59 фоиз аёл жисмоний зўравонлик қурбони бўладилар, АҚШда 40 фоиз, Канадада 25 фоиз ва ҳ.к. Социологлар хulosасига кўра, 60 миллион аёл турли шаклдаги дискриминация қилиш, таҳқирлаш ва зўравонлик қурбони бўладилар. Африка мамлакатларида (Танзания 60 фоиз), Жанубий Осиё (60 фоиз), Лотин Америкасида (57 фоиз), аёлларга нисбатан зўравонлик кучайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Бундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида, АҚШда 1991 йилда “Аёлларга қарши зўравонлик ишлатишга қарши кураш тўғрисида”ги, АҚШ Конгресси томонидан эса 1994 йилда “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш ҳақида”² ги (the Violence Against Women Act) Конуни қабул қилинган бўлиб, уннинг мақсади ушбу тоифадаги ҳукуқбузарликлар ва

виктиликнинг олдини олишдан иборат бўлган. Ушбу қонунга асосан, оиладага зўравонлик қурбонлари учун 1,5 мингта марказлар ташкил этилган.

Масалан, АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган 1994 йилдаги “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш ҳақида”ги Қонуни (the Violence Against Women Act)га асосан миллий «мурожаатлар линияси» ташкил қилиниб, ушбу жараёнларга 1,6 млрд. пул ажратилган ва улар маҳсус полиция, прокуратура ва суд тизими ходимларини тайёрлашга сарфланган.

АҚШда оилада содир этилаётган зўравонликлар қариндошлар ўртасидаги жиноятлар тоифасига киритилиб, АҚШда зўрлик ишлатиш ҳозирги вақтда “яширин инфекция” оқибати сифатида қаралган. Америка соғлиқни сақлаш тизимида мамлакатда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар “эпидемияси”нинг олдини олишга нисбатан янгича ёндашув пайдо бўлди. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар профилактикасига нисбатан янгича ёндашувнинг фундаментал асоси ургулар ўрнини алмаштиришдир, бунда асосий эътибор содир этилган зўрлик ишлатиш фактларига эмас, балки зўрлик ишлатилишига сабаб бўладиган муҳитни, ижтимоий ва хулқ-атворга оид омилларни ўзгартиришга қаратилади. 1999 йилга келиб эса, “Болаларга нисбатан зўравонлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга қарши кураш тўғрисида”ги (Megan's Law and the Jacob Wetterling Crimes Against Children and Sexually Violent Offender Registration Act) Қонуни қабул қилинган.

Шунингдек, АҚШда оиладаги зўравонлик жиноятини содир қилган шахсга нисбатан айлов ҳукмида жазо ўрнига қўп ҳолларда айбдорга нисбатан маҳсус профилактика дастурларида қатнашиш (ўташ) белгиланади.

Япония давлатида виктимликни ўрганиш бўйича (Japanese Association of Victimology (JAV)) Япониянинг Виктимология Ассоциацияси ҳам муҳим роль ўйнайди. Ушбу Ассоциациянинг вазифаси жабрерология фанининг академик стандартларини ошириш ва қўшма илмий лойиҳаларни мувофиқлаштиришдан иборат. Ассоциация виктимликнинг олдини олиш юзасидан “Викимология” журналини нашр этиб келади.

Хиндистонда Виктимология жамияти эса, (Indian Society of Victimology (ISV)) 1992 йил август ойида (одам савдоси) жиноятлар ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонларининг сабабларини бартараф этиш учун ташкил қилинган. Жамиятнинг аъзолари турли соҳаларда фаолият юритувчи мутахассислар ва илмий ходимлардан иборат бўлган. Англия ва Уэлсдаги 2010 йилда қабул қилинган “Supporting victims of crime in England and Wales)” номли ҳужжат Бирлашган Қиролликнинг коалицион ҳукумати

пайдо бўлганидан бери Англия ва Уэлсда жиноятлар жабрдийдаларига кўрсатиладиган ёрдам хизматлари қандай ривожланганига бағишиланади.

Жанубий Осиё Криминология ва Зўравонлик Жамияти (SACKB) (the South Asian Society of Criminology and Victimology (SASCV) эса, 2009 йилда профессор К.Яишанкар томонидан ташкил этилган бўлиб, бу Афғонистон, Бангладеш, Бутан, Хиндистон, Покистон, Непал ва Шри-Ланка каби мамлакатларда криминология ва жабрланувчиликни ривожлантириш учун ташкил этилган халқаро бирлашма ҳисобланади. Бунда дунё миқёсидаги академиклар, тадқиқотчи ва амалиётчилар Жанубий Осиё Криминология ва Зўравонлик Жамиятини яратиш ва илғор тажриба алмашиш учун бирлашдилар. Ушбу минтақанинг адабиёти, дини ва маданий урфодатлари ушбу минтақада криминология ва жабрланувчилик ҳақида анъанавий бой тушунчани намойиш этади.

Молдова Республикасининг тажрибасига тўхталадиган бўлсак, бу давлат (Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldova) одам савдосидан жабрланганларнинг виктим хулқини ўрганган. Молдовада аёллар, болалар ва ногиронлар заиф шахслар ҳисобланиб, жудда тез одам савдоси қурбони бўлишган. Амалий тенденцияларга биноан биз эркакларни уюшган жиноий гурухлар, меҳнат эксплуатацияси мақсадида энг заиф деб ҳисоблашимиз қерак. Чет элда яхши ҳаёт топиш ва уларнинг оиласидаги ёрдам бериш умидида кўплаб муҳожирларни ёлғон ваъдалар ва савдогарлар тузогига илинтиришмоқда. Одам савдосига қарши курашиш учун ХМТнинг Молдовадаги ваколатхонаси бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ кенг қамровли дастурни амалга оширмоқда.

Халқаро ҳамжамият ҳам зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш масаласига катта эътибор қаратмоқда. Инсон ҳукуқлари умумжаҳон Декларацияси (1948 йил), БМТ Бош Ассамблеяси, ЭКОСОС, БМТ Конгресси томонидан қабул қилинган қарорлар ва резолюциялар инсоннинг яшаш ва шахсий дахлсизлик ҳукуқларини кафолатлаш, зўрликни, бошқа қийноқ ва шафқатсиз муомалани тақиқлаш ҳакидаги фикрларни ўзида мужассамлаштирган

Шунингдек, “Зўравонлик билан содир этилган жиноят жабрланувчиларига етказилган заарни қоплаш тўғрисида”ги Европа Конвенцияси, “Жиноят жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш ва виктимлашувнинг олдини олиш ҳақида”ги Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг тавсиясия ҳам ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Шу

билин бир қаторда, виктимизация тадқиқотлари миллий ва локал даражада Австралия, ГФР, Нидерландия ва бошқа давлатларда фаол олиб борилган.

Чет давлатга пул топиш мақсадида чиқиб кетаётган аёллар кўп ҳолларда жинсий ва жисмонан эксплуатация қилинади. Алданганига тўла ишонч ҳосил қилганида ҳам, улар танишлари ва қариндошлари орасида шарманда бўлишидан қўрқиб хуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беришмайди.

Одам савдоси ва одамларни эксплуатация қилиш учун жалб қилишни юзага келтирувчи омиллардан бири, “бозор механизми”, яъни талаб ва таклифнинг мавжудлиги бўлиб, у жиноятчиликнинг алоҳида бир сабаби сифатида баҳоланади. Хусусан, ҳозирда ушбу жиноят жабрланувчиларини қабул қилувчи мамлакатларда шаҳвоний хизматларга талаб катталиги ва натижада шаҳвоний мақсадларда фойдаланиладиган жабрланувчиларни ёллашга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Мисол учун эксплуатация учун жалб қилинаётган одамларнинг ҳар ўнтасидан еттитаси айнан Бирлашган Араб Амирлигига йўл олаётганлиги, бу ўша давлатда шундай хизмат қўрсатувчи аёлларга талабнинг катталиги ва шаҳвоний меҳнатлари учун кўп даромад олаётганлиги билан белгиланади.

Шаҳвоний мақсадларда эксплуатация қилиш учун жалб қилинган одамлар сонини аниқ баҳолаш мураккаб ҳисобланади. Бу турдаги жиноятларни аниқлашнинг қийинлиги шундаки, ёллаш жабрланувчиларининг хуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бермаслигидир.

Кўп ҳолларда аёлларни шаҳвоний мақсадларда эксплуатация қилиш жинояти жабрланувчиларининг ёши ўрта ҳисобда 21-24 ни ташкил этади. Чунки, ёш жувонларни ёки вояга етмаган қизларни ёллашдан мақсад уларни шаҳвоний мақсадларга жалб қилиш бўлиб, ёлловчилар айнан шу ёшдаги аёллардан кўпроқ фойда кўрадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши, унинг инсон хуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро хужжатларга, жумладан бутун дунёда маълум бўлган аёлларга болаларга нисбатан дискриминация қилишнинг ҳамма шаклларини бартараф қилиш тўғрисидаги конвенцияга қўшилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ҳозирги даврда гендер тенглиги даражаси ҳар қандай жамиятнинг асосий мезонига айланиб қолди. Аёлларни ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳаларида эркаклар билан тенг имкониятлар ва шартлар асосида иштирок этишлари мумкинлиги тобора ҳақиқатга айланиб бормоқда. Хотин-

қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари; сайловлардаги иштироқи, парламентда ўз ўринларига эга бўлишлари, бошқарув ва ҳокимият идораларида хизмат қилишлари кабилар ўзининг ишончли кафолатларига эга бўлди. Осиё ва Африка давлатларида хотин-қизларнинг ижтимоий-маиший ахволини яхшилаш, уларни турли хасталиклардан, айниқса ўлимга олиб борувчи юқумли касалликлардан (масалан, ОИТС) муҳофаза қилишга нуфузли халқаро ташкилотлар ва “донор-давлатлар” томонидан жуда катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Хотинқизларнинг таълим олиши, ўз хоҳиши билан никоҳ туза олиши ва оиласда турли тазииклардан ҳимоя қилиниши ҳам долзарб вазифага айланиб қолган.

Эришилган натижаларга қарамасдан, бу борада ҳамон ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Аёлларга нисбатан дискриминация ҳолатлари турли шаклларда намоён бўлмоқда. Масалан, турли давлатларда аёлларнинг ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳуқуқларини камситиш, мажбурий никоҳга тортиш, оиласда турли даражадаги қийнокларга, тазиикларга солиб қўйиш каби ҳолатлар кузатилади.

“Эйша Уотч” ташкилоти ва хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича гурух маълумотларига кўра, камида 20 мингдан ошик аёллар Таиланддаги фоҳишахоналарда хизмат қўрсатишади. Кўчиб юрувчи миграция муаммоларига доир халқаро ташкилотларнинг маълумотларига биноан ўз мамлакатларидан четга чиқкан хотинқизлар кўпинча фоҳишахоналар эгаларига пуллаб юборилади. Уларнинг хужжатлари тортиб олиниб, қамоқ ҳолатида тутиб турилади. Улар қочишига уринишганларида жисмоний зўравонликка, ўз оиласари шаънига бўлган таҳқирларга дуч келишади.

1993 йил БМТнинг аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларациясида “аёлларга нисбатан зўравонлик” атамасига шундай изоҳ берилади. “Аёлларга нисбатан жисмоний, жинсий ёки руҳий азоб берган ва шикаст етказган ёки етказиши мумкин бўлган ёхуд шунга ҳаракат қилган, мажбурлаб ёки ўзбошимчалик билан озодликдан ва жамиятдан ёки шахсий ҳаётидан маҳрум этишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат зўравонликдан иборатdir”.

Давлатимиз 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишиликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса аёллар ва

болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протоколлар ҳам ратификация қилинди.

Таъкидлаш лозимки, республикамизда бу йўналишдаги ишларнинг кучайтирилганлиги эътироф этилмоқда.

Хусусан, 2008 йилнинг 4 июнида Америка Кўшма Штатлари Давлат департаменти эълон қилган одам савдоси тўғрисидаги 2008 йилги маърузада Ўзбекистон учинчи тоифали рўйхатдан иккинчи тоифали рўйхатга киритилгани.

Бу эса Ўзбекистонда одам савдосини бартараф этиш борасида қатор амалга оширилган ишларга берилган ижобий баҳодир.

Боймуродов Баҳром Санакулович,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси мустақил изланувчиси

Аёллар савдоси жиноятчилиги тушунчаси ва уни тадқиқ этишга оид ёндашувлар

Трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бўлган одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, тадқиқотчилар одам савдоси жинояти шакли бўлмиш аёллар савдосини «қулчиликнинг замонавий кўриниши» деб эътироф этишмоқда. Ҳозирги «қул савдоси»га ўз тарихида қулчилик даврини кўрмаган давлатлар ҳам жалб этилмоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аёллар савдоси жиноятчилигига оид турли илмий ишлар ҳамда миллий ва ҳалқаро-хуқуқий хужжатларда берилган таърифларни келтиришдан аввал, қуллик ва қул савдоси тарихини қисқача ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Қулликнинг генезиси у ёки бу кўринишда 5 минг йилдан ортикроқ вақтга бориб тақалади. Жумладан, қулдорлик тузуми давридаги энг қадимги манбаа бўлиб Бобил хукмдори Хаммурапи (мил.ав. 1792-1750 й.) томонидан яратилган «Хаммурапи қонунлари» ҳисобланади. Мазкур ҳужжат қулга эгалик қилиш даврида юзага келиш эҳтимоли бор бўлган муносабатларни тартибга солиб, қуллик ҳолатидаги одамларни олдисотдиси билан боғлиқ қоидалар акс эттирилган⁵⁷.

Бундан ташқари, Рим империясида қулдорлик тузумининг муносабатларини тартибга солувчи хуқуқий манбаа сифатида «Ўн иккита жадвал қонунлари» саналган. Шунингдек, қонуний одам савдоси билан

⁵⁷ Кузицина В.И. История Древнего Востока. Тексты и документы: Учебное пособие. / М.: Высшая школа, 2002. – С. 5.

боғлиқ қоидалар мил.ав. II ва мил. II асрларда Ҳиндистоннинг қадимги қулдорлик даврида тузилган «Ману қонунлари»да ҳам акс этган⁵⁸.

Ўрта асрларга келиб, Яқин ва Ўрта Шарқдаги мусулмон мамлакатларда ҳам қулдорлик етарлича даражада тарқалган. Хусусан, Шарқ мамлакатларида аёллар ва қизлар билан савдо қилувчи қул бозорлари ҳам мавжуд бўлган. Кўпхотинлилик, қизларни ёшлигига сотиш ақидапараст руҳонийлар томонидан қонунийлаштирилган⁵⁹. Эркак қуллардан мусулмон мамлакатларида шахталарда, мусулмон хукмдорлари аскарлари сифатида фойдаланилган бўлса, аёллар уй хўжалигига ва ишратхоналарда мажбурий меҳнатга жалб қилинган.

XIX асрнинг биринчи ўн йиллигига Шимолий Америка штатларида плантация қулчилигининг ривожланиши саноатда кескин бурилишга олиб келди. Ушбу даврда қуллар хуқуқларининг шафқатсизларча бузилиши ва уларнинг оммавий қирилиб кетишига қарши давлат сиёсати ўтказила бошланган. Лекин, ушбу сиёсий қадам қул савdosидан манфаатдор бўлган шахсларга маъқул келмаган. Шу сабабли, қулликни бекор қилган АҚШ президенти Авраам Линкольн 1865 йилда Жанубий қулдорлик плантаторлари агенти томонидан қасддан ўлдирилади ва бу ҳолат террор акти сифатида баҳоланади⁶⁰.

Бутун XIX аср давомида Европага мажбурий меҳнатда фойдаланиш учун Осиё ва Африкадан 12 млн. нафар қул олиб чиқилган бўлса, XX асрнинг фақат сўнгги 30 йилида осиёлик хотин-қизлардан 13 млн. нафари жўнатилган⁶¹.

1815 йил 8 февраль Вена конгрессида «Негр-қуллар билан савдо қилишни таъқиқлаш тўғрисида» ги декларация қабул қилинган. Ушбу декларацияда негрлар билан савдо қилиш, қонунларга, инсонпарварликка ва умумий ахлоқка зид фаолият сифатида қораланган. Мазкур хужжатдаги гояларни мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида 1841 йил Америкага негр-қулларни олиб киришни таъқиқловчи шартнома имзоланди⁶².

⁵⁸ Ирхин Ю.В. Политическая мудрость древнего Востока: взгляд из XXI века на политические идеи Древнего Египта, Вавилона, Индии и Китая. // Вестник Российского университета дружбы народов. – Сер.: Политология. 2000. № 2. – С. 5-20.

⁵⁹ Инагамова М.М. Халқаро ва миллий қонунчилиқда аёл хуқуqlари: Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2010. – Б. 4.

⁶⁰ Моджорян Л.А. Терроризм: правда и вымысел. - М.: «Юридическая литература», 1986. – С. 14.

⁶¹ Одам савdosига қарши кураш соҳасидаги миллий ва ҳалқаро хуқуқ нормалари / Тузувчилар Л.Исхокова, К.Хамроева. – Т., 2010. – Б. 3-4.

⁶² Международное публичное право. Издание второе, переработанное и дополненное. Под редакцией заслуженного юриста РФ, К.А.Бекашева. М.: 2001. – С. 554.

Қул савдоси масаласи долзарб муаммолардан бири сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан баҳс ва мунозараларга сабаб бўлгани, бу борада бир қанча ҳалқаро характердаги ҳужжатларнинг пайдо бўлишига, ҳаттоқи қулчилик ёки қул савдосини жиноят деб қараш даражасигача бориб етди. Масалан, Тан империяси даврида хорижий мамлакатлардан келтирилган қуллар билан савдо қилиш, бутунлай хавфсиз ҳисобланган, сабаби қулларни тўлиқ маънода одам ўрнида кўришмаган⁶³.

Ҳалқаро ҳужжатларни қабул қилинишига қарамай, қулчилик ва қул савдосига чек қўйиш тугалланмади ва 1926 йилда Миллатлар Лигаси томонидан Қуллик ҳақида конвенция қабул қилинди.

Шуни айтиш мумкинки, одам савдосига қарши кураш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳалқаро тартибга солишининг генезиси кўпроқ аёллар савдоси билан боғлиқ бўлган. Хусусан, 1921 йилдаги «Аёллар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисида», 1933 йилдаги «Балоғатга етган аёллар савдосига қарши кураш тўғрисида» ги конвенциялар бунга мисол бўла олади.

Шунинг билан бир қаторда фақат аёллар билан чекланиб қолмаган ҳалқаро шартномалар ҳам мавжуд бўлган, бироқ уларни қўллаш соҳасида ирқий устуворликка асосий эътибор қаратилиб, бутун инсоният ҳуқуқлари қамраб олинмаган. Масалан, 1904 ва 1910 йилларда қабул қилинган иккита протокол ҳам «Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида» деб номланади. Ушбу ҳужжатда белгиланишича, фақат оқ танли кишиларга нисбатан сиёсий-хуқуқий мақом белгилаб берган. 1949 йилдаги «Одамлар савдоси ва фоҳишаликни учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияда эса, одам савдосига қарши кураш масалалари атрофлича ёритиб берилмаган ва кўпроқ фоҳишаликка урғу берилган⁶⁴. Шунингдек, БМТ томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциянинг 6-моддасида иштирокчи давлатлар зиммасига фақат аёлларни сотишининг ва фоҳишалиқда ишлатишнинг барча турларига чек қўйиш билан боғлиқ ҳалқаро мажбурият юклатилган⁶⁵.

Ҳалқаро ҳуқуқ доирасида «аёллар савдоси» тушунчаси қўп ҳолларда «аёллар траффиғи» тушунчаси билан ифода этилади. «Траффик» ибораси

⁶³ Шефер Э. Культура народов Востока. М.: 1981. – С. 607.

⁶⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро шартномалар. Масъул мухаррир. Саидов А.Х. – Т.: «Адолат», 2004. – Б. 180.

⁶⁵ Хотин қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция. – Т., 2005. – Б. 12.

лугавий жиҳатдан нисбатан ноаниқроқ бўлиб, бу сўзниңг ўзбек тилидаги асл маъносини тўлиқ англатмайди. Чунки, «траффик» лотин тилидаги «traffiso» сўзидан олинган бўлиб, уни италияликлар муомалага киритган. «Трафико», италянча «тижорат», «савдо» маъносида ифода этилган. Бу сўз дастлаб уларда «табак траффик» шаклида қўлланилган бўлиб, ўзбекча «тамаки савдоси», «тамаки билан тижорат қилиш» деган маънони англатади. Кейинчалик италияликлар уни қисқача «траффик» деб аташга одатланганлар. Шу тарзда «трафф» сўз ўзаги асосида янги сўз «траффикант», яъни савдо қиладиган дўкон эгаси, дўкондор сўзи келиб чиққан. Олимлар ўртасида ушбу атаманинг инглиз тилидаги «traffic»- ҳаракат, йўл ҳаракати маъноларида келишини асословчи фикрлар ҳам мавжуд. АҚШда ёки инглиз тилида сўзлашувчи бошқа мамлакатларда ушбу жиноий ҳодисани «trafficking» номи билан атайдилар⁶⁶.

Латвиялик олим А.Вилкснинг фикрига кўра эса инглиз тилидаги бу сўз «ҳаракат», «транзит» деган маъноларни англатади. Одам савдоси нафақат «товар» жиҳатидан, балки ҳаракат, транспорт, у жойдан бу жойга кўчириш усуллари жиҳатидан ҳам ўз хусусиятига эга⁶⁷.

Бугунги қунга қадар турли ҳалқаро ташкилотлар «аёллар савдоси»га таъриф беришга ҳаракат қилиб келган. БМТнинг одам савдоси бўйича Ишчи гурухининг 1998 йилдаги сессиясида қабул қилган тавсияномасида «шаҳвоний эксплуатация қилиш мақсадидаги аёллар ва қизларнинг трансчегаравий савдоси қулликнинг замонавий шакли саналади ва инсон ҳукуқларининг жиддий поймол бўлиши билан ифодаланади» деб маълум қилинади⁶⁸.

Шунингдек, Инсон ҳукуқларига оид Комиссиянинг 2000 йил февраль ойида ўтказган 56-сессиясида аёлларга нисбатан зўравонлик қилиш масалалари бўйича Махсус маъruzachi ҳисботида «аёллар савдоси болалар ва эркаклар савдоси билан биргаликда кенг кўламли одам савдоси ҳодисасининг бир элементи ҳисобланади. Шу билан биргаликда одам савдосини содир этишда инсон ҳукуқларининг бузилишини кўп ҳолларда гендер хусусиятга эга бўлаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз» деб маълум қилган⁶⁹.

⁶⁶ Ражабова М. Одам савдосига қарши қураш: ҳукуқий асослар мустаҳкамланди // Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ахборотномаси, 2008, №2 (77). – Б. 2.

⁶⁷ Вилкс А. Траффик людей: правовые и социальные аспекты. – Р.: «Рига», 2005. – С. 42.

⁶⁸ Доклад Рабочей группки по современным формам рабства о работе ее двадцать третьей сессии, рекомендаций 3 и 4, документ Организации Объединенных Наций E/CN.4/Sub/2/1998/14 (1998 г.)

⁶⁹ Доклад Всемирной конференции по правам человека, глава III, раздел I, пункт 18, документ Организации Объединенных Наций A/CONF.157/24 (Часть I), 1993г.

Одам савдоси тушунчаси ва унинг моҳияти тўғрисида халқаро ҳуқуқий хужжатларда, хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги 55 сессиясида 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йил 8 июлда ратификация қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи «Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида»ги Баённомасида батафсил таъриф берилганини кўриш мумкин.

Хусусан, мазкур хужжатнинг З-моддаси мазмунидан келиб чиқкан ҳолда одам савдоси деб, фойдаланиш мақсадларида куч ишлатиш хавфи ёки уни қўллаш ёхуд мажбурловнинг бошқа шаклларини қўллаш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни ёки қарамлик ҳолатини суиистеъмол қилиш, ёхуд тўловлар ёки фойда кўринишида сотиб олиш йўли билан ёхуд шахсни назорат қилувчи бошқа шахснинг розилигини олиш тўловлар ёки фойда кўринишида сотиб олиш йўли билан инсонларни ёллаш, ташиш, бериш, яшириш ва одамларни қўлга киритишни англатади⁷⁰.

Шундай бўлсада, айни пайтда дунё мамлакатларида одам савдоси тушунчасига, шу жумладан одам савдоси шакли бўлмиш аёллар савдоси тушунчасига нисбатан ёндашувлар бир-биридан кескин фарқ қиласди. Европа давлатларида одам савдоси тушунчasi остида асосан жинсий мақсадлардаги одам савдоси тушунилса, Америка давлатларида эса одам савдоси тушунчasi асосан ноқонуний мигрантлар билан боғлиқ мажбурий меҳнатни англатади.

Хусусан, Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг 2000 йил 19 майда қабул қилинган кўрсатмасида: «Жинсий фойдаланиш мақсадида амалга оширилган одам савдоси – бу бир ёки бир неча шахс, юридик шахс, ташкилотларнинг одамларни ташиш, ҳатто шу одамларнинг ўзи жинсий алоқа мақсадида фойдаланилишга рози бўлган ҳолларда ҳам, уларни қонуний ёки ғайриқонуний тарзда чет давлатга чиқаришни англатади. Бошқа ҳолларда, яъни ўзи рози бўлмаганда эса мажбураш, қўрқитиш ёки зўравонлик билан зарар етказиш, унинг ожизлигидан ёки ҳокимият ваколатидан фойдаланган ҳолда ёки товламачилик билан уни шундай фаолият билан шуғулланишга мажбур қилинади»⁷¹ – деб белгилаб қўйилган.

⁷⁰ Одам савдосига карши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги [Text]: хужжатлар тўплами / Инсон ҳуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Одам савдосига карши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси; масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи А.Х.Сайдов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2013. – Б. 166.

⁷¹ Вилкс А. Торговля людьми и органами человека: криминологические, политические и социальные проблемы // <http://www.crime.vl.ru/index.php?p=1340&more=1>.

Россиялик тадқиқотчи Ф.Синицинанинг фикрига кўра, «аёллар савдоси» деганда, бир ёки бир қанча давлат ҳудудида шаҳвоний ва бошқа турдаги эксплуатацияга жалб қилиш мақсадида аёлларни ёллаш, ўтказиш ва бошқа битимларни тузиш тушунилади⁷².

Бундан ташқари, тадқиқотчи И.Залуцкаянинг ёндашувига кўра, одам савдоси «аёллар савдоси» тушунчасидан кенг ҳисобланади. Одам савдосида ҳар қандай жинс, ёш ва бошқа демографик белгиларга эга шахс жабрланувчи бўлиши мумкин. Аёллар савдосининг мақсади аксарият ҳолларда мажбурий никоҳ, мажбурий меҳнат, уй хўжалигида, саноат ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, мажбуран ёки буюртма асосида суррогат оналиқ ҳамда секс-бизнесда фойдаланиш саналади. Ўз ўрнида, аёллардан фарқли ўлароқ эркаклар, асосан қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва саноатда фойдаланилса, болалар тиланчилик ва трансплантантцияда фойдаланилади⁷³.

Шунингдек, АҚШ тадқиқотчилари Л.Жонс, Д.Энгстром, Т.Хиллерд, М.Диаз, Ж.Бекерлар аёллар савдосини XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларидан бошлаб жадаллашган криминал глобаллашувнинг салбий меваси сифатида ҳамда ушбу жараён таъсирида пайдо бўлган янги трансмиллий жиноятлар билан яхлит организм сифатида ўрганишган⁷⁴.

Жумладан, тадқиқотчи Ж.Бекер мақоласида одам савдоси иқтисодий фойда олишга қаратилган криминал бизнеснинг рационал тури ҳисобланиши, жиноятни ноқонуний иқтисодий фаолият сифатида кўриб чикилиши мумкинлигини ва бу борада жиноятчиларни барча чекловлардан келиб чиқиб фойда олишга интилувчи рационал ва тадбиркор шахслар сифатида баҳолаган⁷⁵.

Шу ўринда айтиш жоизки, юқорида «аёллар савдоси»га берилган таърифлар халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Ушбу ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан миллий ҳуқуқ доирасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида

⁷² Синицина Ф.Л. «Международное законодательство по проблеме торговли людьми» Монография, Пермь, 2000. – 94 стр. <http://www.twirpx.com/file/766009>

⁷³ Залуцкая И.В. К вопросу о криминологической характеристике торговли людьми. Сибирский Юридический Вестник. 2005. - № 1. <http://www.law.edu.ru/doc/document.asp?docID=1208161>

⁷⁴ Jones L, Engstrom D, Hilliard T, Diaz M. Globalization and human trafficking // Journal of Sociology and Social Welfare, June, 2007.; Becker G. Crime and Punishment: An Economic Approach // The Journal of Political Economy, Vol. 76, No. 3, 169-217, as cited in Schoelenhardt, 1999, p. 204.

⁷⁵ Becker G. Crime and Punishment: An Economic Approach // The Journal of Political Economy, Vol. 76, No. 3, 169-217, as cited in Schoelenhardt, 1999, p. 204.

одам савдоси тушунчасини халқаро шартномадаги универсал тушунчадан «инкорпорация» йўли билан имплементация қилинди⁷⁶.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида одам савдоси учун жавобгарликни белгиловчи жиноий-хуқуқий норма белгиланган бўлиб, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати жиноий тажовузлардан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддасига асосан одам савдоси бу одамни олиш – сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдир⁷⁷.

Ўзбекистонлик тадқиқотчи Ш.Ҳ.Хамраева томонидан «аёллар савдоси» тушунчасига яқин бўлган бир қатор таърифларни илмий иши доирасида ишлаб чиқкан, яъни:

1) «Аёллар билан савдо қилиш» – кишилардан фойдаланиш мақсадида амалга оширилиб, куч ишлатиш, қўрқитиш ёки уни қўллаш ёхуд мажбурлаш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, хокимиятни суиистеъмол қилиш, вазиятнинг заифлигидан фойдаланиш ёки бошқа шахс назорат қилаётган кишининг розилигини олиш мақсадида тўлов ёки фойда кўринишида пора эвазига оғдириб олиш йўллари билан аёлларни ёллаш, олиб ўтиш, бериб юбориш, яшириш ёки эга бўлишни билдиради.

2) «Аёлларни эксплуатация қилиш» – бошқа шахслардан фоҳишабозлик ёки жинсий эҳтиёжни қондириш мақсадида, аёллардан фойдаланишнинг бошқа шакллари эксплуатацияси, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка хос анъаналарни, эрксизлик ҳолатлари ёки инсон аъзоларини ажратиб олишни ўз ичига олади.

3) «Аёлларни ёллаш» – қандайдир ишлар учун аёл ёллаш, қандайдир фаолиятга, жумладан хуқуқقا зид фаолиятга жалб қилиш, қандайдир ташкилот, жумладан фаолияти қонун билан таъкиқланган ташкилот таркибиға қатнаштириш (тортиш);

4) «Аёллар траффиғи қурбони» – шахснинг ёлланиши, олиб кетилиши, бериб юборилиши, сотиб юборилиши ёки аёл савдоси билан боғлиқ бошқа ҳаракатларга розилиги бор-йўқлигидан қатъий назар аёллар траффиғидан жабр қўрган шахс;

5) «Аёлларни сотовчи (даллоллар)» – аёллар траффиғи (пуллаш) билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни мустақил ёки шахслар гурӯҳида содир этувчи

⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида» ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2008. №4 (1384). – Б. 30-37.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонуни қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги» 2008 йил 16 сентябрдаги қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2008. № 37-38. 366-м.

жисмоний ёки юридик шахс шунингдек, ўз ҳаракатлари билан аёл савдосига кўмаклашувчи, ўз хизмат вазифасига унга қаршилик кўрсатиши ўрнига йўл очиб берувчи мансабдор шахс⁷⁸.

Бундан ташқари, олиб борилган тадқиқотларда аёллар савдосига қуидагича берилган таърифни кўришимиз мумкин.

«Аёллар савдоси» – одам савдосининг намоён бўлиш шаклларидан бири бўлиб, аёлларга жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатиш орқали уларга эгалик қилиш ҳамда шаҳвоний ва бошқа мақсадларда эксплуатация қилишдир⁷⁹.

Юқорида кўрсатилган халқаро ҳуқуқий хужжатлар ҳамда миллий қонунчиликдан келиб чиқсан ҳолда, аёллар савдоси тушунчасини қуидаги тушунишмиз мумкин.

Аёллар савдоси – жинсий эксплуатация, сексуал мақсадларда ишлатиш, мажбурий меҳнат, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, мажбурий суррогат оналик, мажбурий никоҳлаш мақсадида, куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш, назорат қилаётган шахсга пул тўлаш ёки бошқа манфаатларни тақдим қилиш усуллари орқали, аёлни олиш сотиш ёхуд ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқоридаги халқаро ҳужжатлар ва олимларнинг аёллар савдоси тушунчасига берилган таърифларига қўшилган ҳолда, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида аёллар савдосини алоҳида жиноят таркиби сифатида киритилиши шарт эмас.

Бугунги кун амалиётида аёллар савдоси жиноятини аниқлаш, дастлабки тергов ва суд жараёнларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси билан квалификация қилишда бирор – бир коллизияга дуч келингани йўқ.

Шундай қилиб, аёллар савдосига қарши курашишда амалдаги Жиноят кодексининг одам савдосига оид нормасининг диспозицияси етарли даражада қонунийликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Аммо, аёллар савдосини олдини олиш ва унга қарши курашда 2008 йилда Ўзбекистон жиноят қонунидаги одам савдосини назарда тутувчи нормасига ўзгартиш киритилганлигини, ҳозирда аёллар савдосини ошиб бораётганлигини инобатга олиб, ушбу нормани такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

⁷⁸ Хамраева Ш.Х. Аёллар траффиғи (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари. юрид. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 143-144.

⁷⁹ Исламов Т.М., Акбарходжаев Д.А., Юлдашев С.Р. Одам савдоси ва унинг глобал хавфсизликка таҳди. Монография. – Тошкент, ЖИДУ, 2012. – Б. 139.

Кенжакев Жасур Омон ўғли

ИИВ Малака ошириш институти
Махсус-касбий фанлар кафедраси
ўқитувчиси, подполковник

Одам савдоси жиноятларини олдини олиш чоралари

Одам савдоси - куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиб, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишилигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг ўзга шаклларини, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олишни англатади.

Одам савдосидан жабрланган шахс - одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахс.

Одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш - жисмоний шахсларга нисбатан амалга ошириладиган, уларга нисбатан одам савдоси сифатида малакаланадиган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги тўғрисида ёки содир этиш нияти ҳақида маълумотлар олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Одам савдосига қарши курашиш - одам савдосининг олдини олишга, уни аниқлашга, унга чек қўйишга, унинг оқибатларини камайтиришга, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга доир фаолият.

Одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган шахс - дастлабки идентификация қилиш натижасида одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган шахс сифатида тан олинган жисмоний шахс.

Бугунги кунга келиб асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда. Ҳозирга қадар жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида бутун дунё мамлакатлари бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий характерга эга хужжатларни қабул

қилишган. Улар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида биргаликда тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Афсуски, дунё бўйлаб шунча кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар “замонавий қуллик”, яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарли ҳолатдир. Ушбу жиноятнинг ривожланишига туртки бўлаётган асосий омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги. Ўзга давлат, бегона бир муҳитга тушиб қолганлар мўмай даромад илинжида оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда, аёллар эса тубан ва фаҳш ишларга мажбур этилмоқда.

Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбуrlаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади. Ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури “мерос” бўлиб ўтди. 2019 йил мобайнида чақалоқлар савдосида воситачиларнинг 32 фоизи тиббиёт ходимлари эканлиги аниқланган. Шунингдек, чақалоқ сотиш сабаблари ўрганилганда, 9 таси айбини яшириш, 10 таси моддий манфаат учун эканлиги маълум бўлган. 2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 2018 йилга нисбатан 22 фоизга камайган, бироқ чақалоқлар савдоси 38 фоиздан 43 фоизга ошган. Қайд этилишича, 2019 йилда Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 5 тадан, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида 4 тадан, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Навоий вилоятларида 3 тадан чақалоқ савдосига оид жиноят содир этилган. Мазкур йўналишдаги жиноятлар 72 киши томонидан амалга оширилган бўлса, уларнинг 62 нафари (86 фоизи) – аёллар томонидан содир этилган. Бу жиноят бошқа жиноятлар билан биргаликда содир этилганда, жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади. Мазкур қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлиги, жамият аъзоларининг соғлиғи, ҳаёти ва бошқа

хукуқларига тажовуз қилиниши, айниқса ёшларнинг ахлоқига салбий таъсир кўрсатиши эътиборга олиниб, жазо чоралари ҳам кучайтирилди. Одам савдосига қарши курашишда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида тушунтириш олиб бориш, фуқароларни бу борада вазиятдан огоҳ этиш ҳамда хабардорлигини таъминлаш ҳозирги вақтда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда ушбу мавзуга бағишлиган давра суҳбатлари, конференция, илмий амалий анжуманлар ўтказилиб келинмоқда, аҳолининг бу борада хукуқий саводхонлигини ошириш мақсадида фойдаланиш учун қулай бўлган ўқув услубий қўлланмалар нашр этилиб, фуқароларга тарқатилмоқда. Одам савдосини олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳалаларда фаолият кўрсатаётган диний- маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг хукуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини кучайтириш ҳозирги пайтда ҳам қарз, ҳам фарзdir. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун талабига кўра, одам савдосидан жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг одам савдосига қайта жалб этилиши хавфининг олдини олиш мақсадида идентификация қилинади. Шу билан бирга, одам савдосидан жабрланганлар тўғрисидаги ҳамда уларга нисбатан содир этилган ҳолатлар ҳақидаги ахборот, шунингдек кўрилган хавфсизлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмаслиги белгиланди. Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқларини олий қадрият сифатида эъзозлашдир. Шундай экан, трансмиллий хусусият касб этган, яъни ҳудуд ва чегара танламас жирканч иллат – одам савдосига қарши кескин кураш олиб бориш барчамизнинг муҳим вазифамиздир.

Ҳозирги кунда одам савдоси жиноятларини олдини олишда қуйидаги муаммо ва камчиликларга дуч келинмоқда:

1. Фуқароларнинг мазкур одам савдоси жинояти тўғрисида етарли даражада хукуқий онги ва саводхонлигини мавжуд эмаслиги;

2. Одам савдоси жиноятларини олдини олиш ва унга қарши курашиш юзасидан барча ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўртасида етарли даражада ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги;

3. Ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан етарли даражада тарбия ишларини олиб бормаётганлиги, натижада ёш қизлар ва аёллар ёш бўла туриб, турмуш қурмасдан, йигит ва эркаклар билан ўз хохиши билан жинсий алоқада бўлиб, ҳомиладор бўлиб қолиб, ҳомиладорликни атрофдагилардан яшириш мақсадида ўз чақалоқларини бегона шахсларга сотиб юбориш ҳолатлари қўплаб учраётганлиги;

4. Айрим шифохонадаги ҳамшира ва фаррош аёл ходимлалар моддий бойлик орттириш ва наф кўриш мақсадида ёш қизларни ва аёлларни бегона йигит ва эркаклардан ҳомиладор бўлиб орттирган ўз фарзандларини сотишга қизиқтириб, уларни одам савдоси жиноятини содир этишига сабабчи бўлишмокда.

Таклиф:

Одам савдоси жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг VI-бобида “Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар” туркумiga киритилган бўлиб, айнан 135-моддасида қуйидагича таъриф бериб ўтилган.

Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- в) ожиз аҳволдалиги айбордога аён бўлган шахсга нисбатан;
- г) айбордога моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;
- д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.⁸⁰

Мазкур Жиноят Кодекси 135-моддасининг санкциясини оғирроқ жазо сифатида қилиб белгиланса, жазолар қатъий тарзда кучайтирилса, жиноятни содир этмоқчи бўлган барча шахслар эндиликда ўзининг кейинги содир этмоқчи бўлган жиноий қилмишини олдиндан онгли равища үйлаб, фикрлаб, кейин тўғри йўл тутармиди, балки жиноятни содир этишдан ихтиёрий равища қайтармиди?. Шу йўл билан жиноят бир мунча бўлса-да, камайишга йўл қўйилармиди, шунинг учун Жиноят Кодексининг 135-моддаси санкциясига ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кабиров Атхамжон
Ахматжонович ИИВ Малака
ошириш институти Махсус-касбий
фанлар кафедраси ўқитувчisi,
подполковник

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар юзасидан ҳодиса жойини кўздан кечириш.

Одам савдоси иллати жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган XXI асрнинг жиддий муаммолардан биридир. Мехнат миграцияси ҳамда ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шугулланувчи жиноятчи

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 2022 йил. <https://lex.uz/docs/111453>

гурӯҳлар учун ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бермоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб китобларига кўра бутун дунёда 21 миллион киши мажбурий меҳнатнинг жабрланувчилари ҳисобланади.

Дунёда кўплаб барча мамлакатлар одам савдосидан жабрланишади. БМТ маълумотига кўра, одам савдоси қурбонларининг 71 фоизини аёллар ҳамда болалар ташкил этади.

2010 йил 30 июлда БМТнинг Бош Ассамблеяси 64/293-резолюцияси билан “Одам савдосига қарши курашиш бўйича БМТнинг Глобал ҳаракат дастури” қабул қилинган ҳаракатлар дастурида ушбу жиноятнинг олдини олиш, жабрдийдаларнинг ҳимояси, жиноятчиларни таъқиб этиш ва барча йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва қучайтириш борасида чора-тадбирлар кўзда тутилган.⁸¹

2013 йил 30 июл БМТ томонидан Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш қуни деб эълон қилинди.

Ҳозирги пайтда долзарб масалалардан ҳисобланган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу иллат билан курашишда нафақат давлат органлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотлар ҳам манзилли ишларни амалга оширмоқда. Дарвоқе кўплаб халқаро ҳужжатларда назарда тутилган нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. Хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан одам савдосига қарши курашиш бўйича ўттиздан ортиқ икки томонлама шартнома ва битимлар имзоланган. 2008 йилда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонун. Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида” ги қарори, 2019 йил 30 июлда “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5775-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги ЎРҚ-633-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2021 йил 8 февралдаги “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида” ги 60-сонли Қарори ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Аммо булар бизнингча етарли эмас. Шу

⁸¹ “Одам савдосига қарши кураш” Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Бўстон туман суди раиси Х.Камолов. www.iiv.uz. Online Service Group

боис, Ўзбекистонда одам савдоси, хусусан, унинг трансмиллий кўринишларига қарши қатъий чоралар қабул қилинмоқда.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бўйича ҳақиқатни аниқлашда ҳодиса жойини кўздан кечириш марказий ўрин тутади ҳамда жиноятларнинг “иссиқ изи” дан очилиши ва самарали тергов қилиниши айнан ушбу процессуал ҳаракатининг қандай даражада ўтказилишига бевосита боғлиқ бўлади.

Энг аввало одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар тўғрисида хабар келиб тушганда, ҳодиса жойига зудлик билан худудий ИИО навбатчилик қисми томонидан яқин худудда хизмат қилувчи ЖХХ ва ППХ ходимлари, профилактика инспекторлари ва тезкор тергов гурухи ходимлари жўнатилади. Қисқа вақт ичида етиб келган ходимлар томонидан ҳодиса жойига бегона одамларнинг кириши ва изларнинг йўқолиши ёки чалғитувчи изларни пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида ҳодиса жойи ўраб олиниб дахлсизлиги таъминланади.

Демак ҳодиса жойини кўздан кечиришда қатнашувчи ходимлар, ҳодиса жойига зудлик билан етиб келишлари ва кўздан кечиришни кечиктирмасдан бошлашлари ҳодиса жойидаги барча предмет ва изларни тўлиқ топиш, тадқиқ қилиш ҳамда қайд этиш гарови ҳисобланади.⁸²

Воқеа жойини кўздан кечириш давомида тезкор тергов гурухи таркибидаги терговчи- тергов гурухининг раҳбари ҳисобланади. Ўз навбатида терговчи тергов гурухи таркибига киравчи мутахассис билан воқеа жойини кўздан кечириш вақтида узвий хамкорликда фаолиятини амалга оширадилар. Амалиётда ҳодиса жойига биринчи бўлиб ким кириши кераклиги ханузгача кўп тортишувларга сабаб бўлмоқда. Айрим ходимлар ҳодиса жойига биринчи бўлиб кинолог мутахассис бириткирилган ити билан кириши керак дейишса, айримлар криминалист эксперт ёки мутахассис ҳодиса жойига кириши керак дейишади. Аслида одам савдоси билан боғлиқ ва бошқа турдаги жиноят жойларига терговчи ҳодиса жойидан келиб чиқсан ҳолда ким кўпроқ натижа беришига қараб ҳодиса жойига ким киришини ўзи белгилайди.

Ҳодиса жойига биринчи бўлиб ким киришидан қатъий назар жиноят излари ёки унга алоқадор далилий манбалар йўқолиб кетмаслиги керак. Терговчи ва эксперт ёки мутахассис ҳодиса жойидаги предмет ва излар тасодифан келиб қолган деган фикрдан йироқда бўлиши керак. Уларнинг бир бири билан ва жиноят ҳодисаси билан ўзаро боғлиқ бўлиши мумкинлигини ҳеч қачон назардан қочирмаслиги лозим.⁸³

⁸² Носиров У.М. Ҳодиса жойини кўздан кечириш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 56.

⁸³ Криминалистика. (Учебник) Аверьянова Т. В., Белкин Р. С. и др. (2000, 990с.)

Терговчи жиноятчининг ҳодиса жойидаги ҳаракатини кўз олдига келтиради, ҳодиса жойини кўздан кечириш режасини тузади ва шу режа асосида кўздан кечиришни тўлиқ амалга оширади. Терговчи томонидан ҳодиса жойининг чегаралари аниқланади ва илгари ўралган жойга ўзгартиришлар киритилиши мумкин ҳамда маҳсус тасмалар ёрдамида ўраб олинади. Шундан сўнг ҳодиса жойидаги барча предметлар ва излар, жиноятга алоқадор далиллар қидириб топилади, тасвирланади ҳамда ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасига киритилади.⁸⁴

Ҳодиса жойида илгари сурилган тусмолнинг қандай эканлигидан қатъий назар, ҳодиса жойидаги излар ва предметлар тадқиқ этилади ҳамда олинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳодиса жойидаги предметлар ва излар – терговчи, холислар ва мутахассис томонидан қандай ҳолда топилган бўлса, шундай ҳолда баённома ҳамда иловаларида (фотожадвалда, режа-схемада) акс эттирилади. Одам савдоси билан боғлиқ содир этилган жиноят бўйича ҳодиса жойи кўздан кечирилган пайтда иштирок этаётган ходимлар қуидаги ишларни амалга оширадилар. Терговчи ҳодиса жойидаги вазиятни ўрганиб, унга баҳо беради ва барча иштирокчиларга раҳбарлик қилиб, ҳолатларни расмийлаштиради. Мутахассис жиноят излари, жиноят содир этиш қуроллари ва бошқа ашъёвий далилларни топиш, қайд этиш, олиш ва қадоқлаш ишларини амалга оширади. Кинолог мутахассиси итининг из олган ёки олмаганлигига қараб ҳолатни расмийлаштиради. Тезкор вакил ўз хизмати доирасида тезкор харакатларни амалга оширади. Профилактика инспектори ўз ваколати доирасида маълумотларни йигади ва расмийлаштиради. Керакли ҳолатлар бўйича дархол терговчини хабардор қиласи. ППХ ходимлари ҳодиса жойи дахлизлигини таъминлайди ва бошқа топширикларни бажаради. Юқоридагилардан ташқари ҳодиса жойини кўздан кечиришда жиноят содир этилиши учун яратилган шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳам аниқланади. Ҳодиса жойини кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатлари, тезкор ва ташкилий тадбирлар билан параллел равишда олиб борилиши ёки ҳодиса жойини кўздан кечириши тергов ҳаракати тугатилиши билан бошқа тадбирлар ўтказилиши мумкин. Бундай тадбирларга қуидагиларни киритиш керак: гумонланувчи ёки жабрланувчининг мастилиги ёки уларнинг соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни олиш мақсадида тиббий кўрикка жўнатиш ёки олиб бориш, жиноятчиларни иссиқ изидан қидириш, криминалистик ҳисоблар бўйича текшириш, мурдани суд тиббий экспертизага жўнатиш, тергов экспериментини ўтказиш, олиб кўйиш ёки тинтуб ҳаракатларини олиб

⁸⁴ Носиров У.М. Ҳодиса жойини кўздан кечириш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.; Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.- 46

бориш, гумонланувчилар ёки гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларни сўроқ қилиш, экспертизалар тайинлаш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, одам савдоси билан боғлиқ жиноят жойлари бошқа турдаги жиноят жойларидан мураккаблиги билан ажралиб туради. Чунки одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўзининг содир этилиш жараёни катта бўлиб, бошқа жиноятлар билан боғлиқ равишда содир этилади. Бу ўз навбатида ушбу жиноятни содир этган субектлар ҳам сони ва жиноятни содир этиш занжири катта бўлади. Жиноятда иштирок этган субектларнинг барчасини аниқлаш ва уларнинг қилмишига яраша жазо олиши учун исботлов базасини яратиш терговчи, эксперт-криминалист, суд-тиббий эксперти, кинолог, тезкор қидирув ходим, профилактика инспектори ва бошқа ходимлар ҳодиса жойини кўздан кечириши тергов ҳаракатининг самарали ўтказилишига боғлиқ бўлади. Ушбу ходимлар барча билим ва кучларини сафарбар этсагина, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашда катта ҳисса кўшган бўлади.

Одам савдоси каби жирканч ҳамда тубан иллатдан халос бўла борамиз. Янги Ўзбекистон жамиятининг асл мақсади муддаоси ҳам шуни тақазо этади.

Нуфтуллаев Самарбек Гафурович
ИИВ Малака ошириш институти
“Махсус-касбий фанлар кафедраси”
ўқитувчиси.

Одам савдосидан жабрланганларнинг идентификацияси ҳамда уларни ижтимоий қўллаб қувватлашнинг долзарб жихатлари

XXI асрда ахборот коммуникациялари, техника ва илм-фаннынг кескин ривожланиши, интернет ва ижтимоий тармоқларда ҳар хил турдаги маълумотларнинг алмашинуви тизимишининг тубдан такомиллашиши ўзига хос хусусият касб этиши натижасида алоҳида ёндашув ва бу борадаги жиноятчиликни олдини олиш ҳамда фуқароларнинг жабр қўрганларини идентификация қилиш жараёнида ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё мамлакатларининг халқаро муносабатларида энг аввало минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, хукуқий соҳаларда ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар, илм-фан, таълим билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ташқи сиёсат жараёнида мамлакатлараро ҳамкорлик бирмунча фаоллашиб, фуқароларимизнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда чет давлатларга чиқишилари, эркин фаолият олиб боришлари учун бир мунча имкониятлар яратилди. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда одам савдоси каби жиноятларнинг содир этилаётганлиги, фуқароларимизнинг жабрдийда бўлиб қолишилари ҳам кузатилмоқда.

Одам савдоси тушунчаси - инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги, бу турдаги жиноий қилмиш таъсирига асосан ёшларимиз ва аёлларимиз тушиб қолаётганлиги натижасида оғир оқибатларни келтириб чиқараётганлиги катта ташвиш ва ҳавотир ўйғотмоқда.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши қурашиш борасида юртимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу иллат билан қурашишда нафақат давлат ташкилотлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотлар ҳам манзилли ишларни амалга оширмоқда.

2010 йил 30 июлда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 64/293-резолюцияси билан Одам савдосига қарши қурашиш бўйича БМТнинг Глобал ҳаракат дастурининг қабул қилиниши тўғрисидаги ҳаракатлар дастурида ҳамда 2013 йил 30 июль куни БМТ томонидан Бутунжаҳон одам савдосига қарши қурашиш куни деб эълон қилинишида ушбу турдаги жиноятнинг олдини олиш, жабрдийдаларнинг ҳимояси, жиноятчиларни таъқиб этиш ва барча йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Бундан ташқари, «Одам савдосига қарши қурашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 08 февраль куни эълон қилинган 60-сон қарори билан одам савдосидан жабрланган ёки жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширувчи органлар ва ташкилотларнинг вазифаларини, идентификация қилиш, қайта йўналтириш ҳамда шахсий маълумотлар ноошкоралигини таъминлаш тартибини назарда тутувчи Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Ушбу Низомда белгиланишича, дастлабки идентификация жисмоний шахсни одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида маълумотларни олиш, ўрганиш ва баҳолаш, якуний идентификация эса жисмоний шахсни одам савдосидан жабрланган деб тан олиш ёки тан олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш лозимлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолияти давлат органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат органларига қўмаклашиши тўғрисида ҳам аниқ қоида белгилаб берилган.

Дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, бу тадбирга давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўкув муассасалари, оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни дастлабки идентификация қилиш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа молмулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирав фаолиятини, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш даврида одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни дастлабки идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга ошириш қаби аниқ ва долзарб вазифаларни ижросини таъминлаши кўрсатилган.

Шу аснода, кўриб чиқилаётган ушбу мавзунинг долзарблигини инобатга олган ҳолда, идентификация қилиш ва қайта йўналтириш жараёнларида қатнашаётган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мутахассисларининг одам савdosидан жабрланган, одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни аниқлаш ва идентификация қилиш усувлари ва мезонлари бўйича малака даражасини ошириш мақсадида ҳар йили камида бир маротаба ўқув семинар-тренинглар ташкил этиб, ўз ходимларининг малака даражасини ошириш истагини билдирган мазкур орган ва ташкилотларнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти ва унинг ҳудудий филиалларида ўқитиш жараёнларини ҳам ташкил этиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатчилиги даврида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлашга доир бир қатор сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва хуқуқий ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада, албатта хорижий давлатлар билан ҳам иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва хуқуқий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилди. Юртимиз фуқарорларининг хорижий мамлакатларга бемалол чиқишлиари учун имконият ва етарли шартшароитлар яратилди.

Бироқ, баъзи нопок кимсаларнинг ўз манфаатлари йўлида бундай шартшароит ва имкониятлардан фойдаланиб, айрим фуқароларни турли алдов ва фирибгарлик йўллари билан хорижий мамлакатларига олиб чиқиб кетишига уринишлари, юртимиз фуқарорларининг одам савdosи қурбонларига айланиб қолишаётганликлари давом этиб келаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Таҳлилларни ўрганиб чиққанда, юртимизнинг аёлларини фоҳишалик билан шуғулланишлари учун Араб давлатлари, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Қозоғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларга мажбурий меҳнат ва хизмат кўрсатиш учун турли алдов ва фирибгарлик йўллари билан олиб чиқиб кетилаётганликлари кўринади.

Шунингдек, жаҳон миқёсида ҳар йили 700 мингдан 4 000 000 нафаргача одам сотилиши, сотиб олиниши ёки зўрлик билан ушлаб турилиши билан боғлиқ ноқонуний фаолият натижасида жиноятчи унсурлар учун сердаромад манбалардан бири бўлиб қолаётганлиги, бунда одам савdosи билан шуғулланувчи уюшган жиноий гурухлар йилига 25-30 миллиард евро миқдорида даромад кўраётганликлари тўғрисида ҳам маълумотлар учрайди.

Киши қуллигининг замонавий шаклларидан бирига айланган бу турдаги бизнес билан ноқонуний равишда даромад кўраётганларнинг маблағи 32 миллиард АҚШ долларидан ошиши, бунда одам савдоси жабрланувчиларининг 40% дан ошироғини асосан мигрантлар ташкил этиши, ўртача ҳисобда эса ҳар йили 40-45 минг атрофида жиноят қурбонларини бўлиб қолаётганликларини кўриш мумкин.

Минг афсуски, ер юзида одам савдоси бозорига талаб кундан-кунга ошиб бориши, бу турдаги жиноий фаолиятнинг янгидан янги шакллари қидириб топилаётганлиги, бунда энг хавфли шаклларидан бири давлат ташкилотлари хизматчиларининг жиноий гурухлар томонга оғиб қолишлари оқибатида уюшган жиноятчилик, коррупция иллатларининг кенг тарқалишига асосий сабаб бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республкаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг - “Хуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун, биринчи навбатда, унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай тажоввуздан ҳимоя қилинган бўлиши шарт” деган ибораси ҳам одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини ва бундай жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиб борасида мунтазам равишда аниқ, мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш, одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-хуқуқий базасини шакллантириш бўйича тегишли топшириклар ижроси таъминлаб келинмоқда.

Мустақил давлатчилигимиз томонидан бугунги кунда амалга ошириб келинаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирларнинг негизида одам савдоси ва унинг қурбонларини идентификация қилиш долзарб вазифа сифатида баҳоланиб келиниши билан бирга, бу борадаги Халқаро ҳуқуқий хужжатларга қўшилганлиги жабрланувчиларнинг салбий оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш мухим фаолият эканлигини кўришимиз мумкин.

Бу ўринда амалга оширилаётган чора-тадбирлар одам савдосидан жабрланганларни нормал турмушга қайтариш, уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис этиб яшашига эришиш, одам савдосининг тўлиқ олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси,

уларнинг хуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини янада фаоллаштириш мухим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдоси мавзуси бугунги кунда глобаллигича қолаётганлигини инобатга олиб, ушбу муаммога глобал миқёсда ёндошиб, унга қарши кураш олиб борилиши, бундай жиноий қилмишларнинг жабрдийдаларига айланиб қолаётган фуқароларимиз, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахсларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш долзарб мавзу эканлигини англаган ҳолда, бу иллатга барҳам беришда давлатлараро ҳамкорликни кенг миқёсда амалга оширишимиз лозим бўлади.

Ганиев Ботир Мухиддинович
Махсус-касбий фанлар кафедраси
ўқитувчиси подполковник

**Одам савдоси жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос
хусусиятлари.**

Асримизнинг жиддий муаммосига айланган “Одам савдоси”га қарши курашиш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни узлуксиз амалга оширилишини тақазо этмоқда. Ҳозирги кунга қадар жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий характерга эга норматив ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатлар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида тегишли чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

“Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфуруушликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция (1949), “Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида”ги қўшимча Конвенция (1956), “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида”ги Конвенцияни тўлдирувчи “Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида”ги баённома (2000) бу борада дастурий ҳужжатлар вазифасини ўтамоқда.

Дунё бўйлаб, шу жумладан МДХ давлатларининг бу борадаги ўзаро келишувларига мувофиқ кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар ушбу турдаги трансмиллий жиноятчилик қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар,

кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарли ҳолат. Ушбу жиноятнинг ривожланишига туртки бўлаётган асосий омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Ачинарлиси, ўзга давлат, бегона бир муҳитга тушиб қолганлар мўмай даромад илинжида оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда, аёллар эса тубан ва фаҳш ишларга мажбур этилмоқда.

Афсуски, мамлакатимизда ҳам дунёдаги геосиёсий, умуниқтисодий ва бир қатор бошқа омилларнинг таъсири туфайли, "замонавий қуллик", яъни одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликни илдизлари билан йўқ қилишнинг имконияти бўлмаётганлиги, аввало кўп асрлик қадриятларимиз ва қолаверса миллат келажагига путур етказиши билан ўта ташвишланарли ҳолат эканлиги барчамизга аёндир.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятчилик ўз хусусиятига кўра, латент характерга эга, чунки одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазиик ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёки ўзларининг хориж давлатларига ноқонуний чиққанликлари фош бўлишидан хавотирланиб, кўп ҳолатларда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишдан сақланадилар. Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг тегишли жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда ўзларининг жиноий фаолиятларини жавобгарликни ҳис этмаган ҳолда давом эттиришларига олиб келиши ҳам сир эмас.

Шу боисдан ҳам, бу турдаги жиноятчилик билан имкон қадар самарали курашиш, биринчи навбатда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, барча давлат органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик институтлари ва қолаверса давлатимизнинг ҳар бир фуқаросининг олий бурчи эканлигини ҳис этмоғимиз лозим бўлади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар:

Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларида қуйидагилар исботланган бўлиши керак:

жиноят обьекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шихсини тафсифловчи ҳолатлар;

садир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек жиноят кодексида кўрсатилган бошқа ҳолатлар, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

жиноятни ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

жиноят түғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари, бунга имкон берган шарт-шароитлар;

гумонланувчининг, айбланувчининг шахсини тафсифловчи ҳолатлар;

Суд-тергов амалиёти натижаларининг таҳлил этилиши одам савдоси жиноятларининг уюшган гурух аъзолари томонидан бир неча босқичларда содир этилишини кўрсатади.

Булар:

1-босқич – жабрланувчини танлаш, ёллаш, хужжатларини расмийлаштириш;

2-босқич – чегарадан (қонуний ёки ноқонуний) ўтказиш;

3-босқич – чет мамлакатларда жабрланувчиларни кутиб олиниши, хужжатларини ҳар-хил важлар билан олиб қўйилиши, сотилиши;

4-босқич – сотиб олиниши ва эксплуатация қилиниши.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар аксарият ҳолларда уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилишини ҳисобга олган ҳолда уюшган жиноий гуруҳларнинг асосий белгилари сифатида қўйидагиларни ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гурух таркибининг барқарорлиги;

гуруҳнинг аъзолари орасида қалин, устувор алоқаларнинг мавжудлиги;

жиноий гурух аъзолари ўртасида уларнинг феъл-атвори ва кўнилмаларидан келиб чиқсан ҳолда вазифаларнинг тақсимланганлиги;

барча жиноий харакатларни, уларнинг айрим қисмларини режалаштириш мавжудлиги;

аниқ жиноий мақсадга эришиш йўлида жиноий гурух барча аъзоларининг мақсадга мувофиқ тарзда келишилган ҳолда фаолият юритиши.

Одам савдоси жиноятларини содир этишга иқтисослашган жиноий гуруҳнинг мустаҳкамлиги, унинг анча вақтдан бўён фаолият юритиши ва бу турдаги жиноятларни бир неча маротаба содир этганлигини кўрсатади.

Гурух аъзоларининг харакатлари келишилганлиги нафақат одам савдоси жиноятларини режалаштиришда, вазифаларнинг тақсимланганлигига, тайёргарлик харакатларининг биргаликда бажарилишида ва жиноятни одам савдосини содир этиш мақсадига йўналтирилган ҳолда харакатлар содир этилишида, балки жиноий гуруҳнинг аъзолари уни ташкил этиш пайтида ёқ гуруҳнинг ташкиллаштирилиши

мақсадлари, содир этиладиган жиноят турларини аниқ белгилаб олишида ҳам намоён бўлади.

Гурухнинг барқарорлиги деганда ушбу уюшган жиноий гурух фаолиятининг, яъни одам савдосининг бир ёки бир нечта каналлар орқали амалга оширилиши тушунилади.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни жиноий гурухнинг қўйидаги иштирокчилари амалга оширади:

ёлловчи;

жабрланувчини чегарадан ўтказиш ёки чиқиб кетишини таъминлайдиган шахс;

жабрланувчини белгиланган давлатда кутиб олувчи ва сотувчи шахс;

жабрланувчини сотиб олувчи ва эксплуатация қилувчи шахс.

Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар, синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиши лозим. Шу боис иш ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда жиноят иши бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тергов-тезкор тадбирлари режаси тузилади.

Шахс озодлиги, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати одам савдоси жиноягининг объекти ҳисобланиши туфайли мазкур тоифадаги жиноятлар юзасидан жабрланувчи деб эътироф этилган шахсни батафсил сўроқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жабрланувчини сўроқ қилишдан олдин унга “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган имтиёзларни тушунтириш лозим.

Жабрланувчини сўроқ қилиш жараёнида иш ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги ҳолатларга ойдинлик киритиш талаб этилади ва қўйидаги савол-жавоблар ўтказилиши лозим:

жабрланувчи қандай ҳолатларда республика ёки чет давлат худудида одам савдоси қурбонига айланганлиги;

жабрланувчи ва одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар орасида муқаддам алоқа бўлганлиги, дастлаб қаерда ва қандай тарзда алоқа ўрнатилганлиги (реклама, бевосита айланувчи ёки учинчи шахс орқали);

жабрланувчи ўзини фохишалик ёки бошқа тарзда эксплуатация этилишини олдиндан билганлиги;

жабрланувчи белгиланган мақсадга нисбатан алданганлиги, агар алданган бўлса, у ҳолда иш ёки бошқа фаолият таклиф этилганлиги, унинг қонуний бўлганлиги;

таклиф этилган иш ҳақи миқдори ва фаолият тури, айланувчи муайян пул миқдорини олдиндан тўлаганлиги;

тўловни қандай тарзда амалга оширилиши кераклиги (бевосита одам ёлловчилар ёки банк орқали, ёхуд валютани олиб чиқиш мамлакатига ёки учинчи мамлакатга ўтказиш йўли билан);

жабрланувчига қанча вақт мобайнида ишлаши, иш ва яшаш шароитлари, қандай тартиб ва қоидаларга риоя қилиши кераклиги тушунтирилганлиги;

жабрланувчининг оила аъзолари ёки бошқа яқинлари унинг келишуви ҳақида билганликлари;

шахс иш ёки эксплуатация этилган жойда ушлаб турилганлиги, иш жойини ташлаб кета олганлиги, унга зўрлик ишлатилганлиги, яъни жисмоний ёки руҳий тазийик ўтказилганлиги;

шахсни қариндошлари ёки танишлари билан сўзлашиши чекланганлиги, ўзида шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлганлиги ёки олиб қўйилганлиги;

жамоат жойларига бошқа шахслар кузатуви остида чиққанлиги, атрофдаги одамлар билан мулоқатга киришганлиги, қўркув, ўзини йўқотиб қўйиш (стресс) ҳолатида бўлганлиги;

иш берувчи ёки бошқалар томонидан унинг даромади назорат қилинганлиги, шахснинг ёнида пули бўлганлиги ва ўзида сақланганлиги, жабрланувчининг ўртача иш ҳақи ва эксплуатациянинг бутун даври мобайнида олинган умумий маблағи, унинг иш ҳақи қандай тақсимланганлиги;

ўзи эксплуатация қилинган жойдан қочишга ҳаракат қилганлиги, ўз ҳужжатларини қўлга киритганлиги ва яшаш жойига қайтганлиги, бунда унга ким ёрдам берганлиги;

ўзи эксплуатация қилинган жойда яна кимларни билиши, улар ҳақидаги маълумотлар;

уларни ёллаган ёки бу жиноий фаолият билан мунтазам шуғулланаётган шахслардан яна кимларни билиши, улар ҳақида тўлиқ маълумотлар.

Агар шахс чет давлат ҳудудида одам савдоси жабрланувчисига айланган бўлса, қўшимча равища қуйидаги саволлар ҳам берилиши лозим:

жабрланувчининг нима мақсадда чет элга борганлиги, муқаддам чет элда савдо-сотик қилганлиги, ишлаганлиги, ўқиганлиги, сайёхлик ва дам олиш ёки бошқа мақсадларда бўлганлиги;

жабрланувчини олиб чиқиб кетишга қандай тайёргарлик қўрилганлиги ва жабрланувчи бу тайёргарликнинг аҳамиятини тушунганлиги;

жабланувчига чет давлатда қаерда ва ким билан яшashi таклиф этилганлиги, жабрланувчи ҳақиқатда қандай шароитда ва ким билан сақланганлиги;

жабрланувчини Ўзбекистондан олиб чиқиб кетишида қандай ҳужжатлар ва транспорт воситаларидан фойдаланилганлиги, чиқиб кетишида ҳужжатлар қайси ташкилотларда расмийлаштирилганлиги;

чет элга чиқиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш, транспорт (самолёт, поезд) учун чипта сотиб олиш билан ким шуғулланганлиги;

Ўзбекистон Республикасидаги жиноятчиларнинг чет эл билан алоқаси (халқаро телефон алоқаси, уяли телефон ёки телеграмма ёхуд интернет орқали) қай тарзда амалга оширилганлиги;

савдо ва бошқа мақсадда доимий равишида республикадан чет мамлакатга қатнаётган шахслар уни чет элга чиқишига қизиқтирганлиги, ёллаганлиги ёки бевосита олиб чиқиб кетганлиги;

жабрланувчи ёлланганидан кейин мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши давомида жинсий, жисмоний ва психологик зўравонликка йўлиққанлиги ёки ноқонуний тарзда озодликдан маҳрум қилинганлиги, бундай ҳаракатларни ким содир этганлиги;

жабрланувчи чегарадан қандай ва ким билан ўтганлиги (мустақил равишида, кузатувчи ёки бошқа шахслар кўмагида), чегарани кесиб ўтиш жойларида текширилганлиги ёки текширилмасдан ўтказиб юборилганлиги, божхона декларацияси ёки бошқа ҳужжатлар тўлдирилганлиги;

чет элга жўнаб кетиши ва етиб бориш (аниқ йўналишни кўрсатган ҳолда), жойи, қандай транспорт воситасидан фойдаланилганлиги, кириш қонуний ёки ноқонуний тарзда амалга оширилганлиги, ноқонуний равишида кирилган бўлса, қандай йўллар билан кирилганлиги;

жавбрланучи чет давлат ҳудудида дастлаб қаерда, қайси шаҳарда, қайси меҳмонхонага жойлаштирилганлиги.

Агар жабрланувчи ўзи олиб борилаётган давлат ҳудудига етказилишида бошқа учинчи (транзит) давлат ҳудудидан ўтказилган бўлса, қўшимча равишида қуйидаги саволлар ҳам берилиши лозим:

транзит давлат ҳудудига кирилган сана, жойи ва вақти, кириш қонуний ёки ноқонуний бўлганлиги;

агар транзит давлат ҳудудига ноқонуний кирилган бўлса, унда қандай йўллар билан олиб кирилганлиги ва қандай ҳужжатлардан фойдаланилганлиги;

жавбланувчи транзит давлат худудида ким билан бирга бўлганлиги, у транзит давлат худуди чегара пунктида текширилганлиги;

жабрланувчи транзит давлат худудида қандай хужжатларни тўлдирганлиги ва йўл хужжатларидан фойдаланилганлиги;

жабрланувчи транзит мамлакат худудида қанча вақт давомида бўлганлиги ва у қандай шароитларда сақланганлиги;

жабрланувчи транзит давлат худудида жинсий ёки руҳий зўравонликка йўлиқканлиги, тиббий ёрдам олишга ҳаракат қилганлиги;

жабрланувчи бу вақт давомида ноқонуний озодликдан маҳрум қилинганлиги, маҳрум қилинган бўлса, бунинг тўлиқ тафсилотлари;

транзит мамлакатда жабрланувчидан фоҳишалик билан шуғулланиш талаб қилинганлиги, талаб қилинган бўлса, фоҳишаликнинг тури, жойи, молиявий келишувнинг тафсилотлари;

транзит давлат худудида жабрланувчи хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки бошқа идораларга мурпожаат қилганлиги ёки улар томонидан ушланганлиги, давлатдан моддий ва хуқуқий ёрдам сўраганлиги, чет эл хуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг бунга муносабати ва қандай чоралар кўрилганлиги;

транзит мамлакатдан кетилган сана, жой, жўнаш пункти ва транспорт воситаси.

Жабрланувчи эксплуатация қилинган давлат худудига этиб бориши ва унга тазийк ўтказилган ҳолатларга ойдинлик киритиши учун қўшимча равишда қуидаги саволлар берилиши лозим:

жабрланувчи қандай ва қанча вақт мобайнида эксплуатация қилинганлиги;

эксплуатация қилинган жой тавсифи, уни манзили ва шароитлар қандай бўлганлиги (яширин хонадон ёки фоҳишалик уйи ва ҳ.к.) эксплуатация қайси вақтда бошланганлиги, жабрланувчи ундан фойдаланмоқчи эканликларини билганлиги;

агар жабрланувчи фоҳишаликка жалб этилган бўлса, у бунга қандай жалб қилинганлиги (қўча фоҳишаси, жихозли хоналарда ёхуд фоҳишалик уйларида, сауна, тунги бар ва бошқаларда);

жабрланувчи бошқа шахслар билан бирга ишлаганлиги, ишлаган бўлса уларнинг кимлиги;

жабрланувчига ўз тилида сўзлашиб имконияти берилганлиги, агар унда бу имконият чекланган бўлса, мижозлар билан қандай мулоқат қилганлиги;

жабрланувчидан мамлакатда бўлиш учун қўшимча ҳаражатларни тўлаш талаб қилинганлиги (хонанинг кунлик ижараси, реклама ва х.к.) бу ҳақида унга чет давлатга чиқиб кетгунга қадар маълум қилинганлиги;

жабрланувчининг қочиб кетиши ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этиш имконияти бўлганлиги, агар бундай имконият бўлган бўлса, у буни амалга оширишга ҳаракат қилганлиги, мурожаат этганлиги, мурожаати юзасидан қандай чоралар кўрилганлиги;

жабрланувчини қутқарилганлиги ёки унинг ўзи қочиб кетганлиги, қандай йўллар билан республика худудига қайтиб келганлиги, бунда унга кимлар ёрдам берганлиги;

чет давлат худудида қайтиш, транзит давлат худудидан ўтиш жараёни ва транспорт воситалари;

жабрланувчининг кўрсатмаларини тасдиқловчи гувоҳларнинг мавжудлиги, одам савдосига алоқадор барча шахслар бўйича маълумотлар, уларнинг анкета маълумотлари, ташқи қиёфалари, яшаш ва иш жойлари ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарар ҳақидаги маълумотлар;

Жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов жараёни бўйича барча тергов ҳаракатлари якунлангач, жиноят ишини судга юбориш ёки тугатиш масаласи ҳал этилиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда, бу турдаги жиноятларнинг профилактикаси, олдини олиш, бундай жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва бунга имкон берган шартшароитларни бартараф этиш бўйича тегишли давлат органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан яқин ҳамкорлик олиб бориш долзарб эканлигини эътироф этиш лозим.

Хидиров Фурқат Шукруллаевич
Малака ошириш институти
Махсус-касбий фанлар кафедраси
ўқитувчиси, подполковник

Одам савдосига қарши курашишда миллий қонунчиликнинг такомиллаштириш - давр талаби

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор чоратадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу иллат билан курашишда нафақат давлат ташкилотлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотлар ҳам манзилли ишларни амалга оширмоқда.

2013 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 30 июль – Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни деб эълон қилинган. Халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хулосаларига қўра, одам савдосидан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларини ташкил қилмоқда. Одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил қилаётганлиги ташвишланарли ҳолдир. Таъкидлаш жоизки, бутунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор ҳукуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноятдир. Ўзбекистон 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳиша-ликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ти Конвенцияга қўшилди. Бугунги кунда кўплаб халқаро ҳужжатларда назарда тутилган нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. Хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан одам савдосига қарши курашиш бўйича ўттиздан ортиқ икки томонлама шартнома ва битимлар имзоланган. 2008 йилда эса “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ти Қонун қабул қилинди. Аммо бу хотиржам бўлишимиз учун етарли эмас. Шу боис, Ўзбекистонда одам савдоси, хусусан, унинг трансмиллий кўринишларига қарши қатъий чоралар қабул қилинмоқда. Қонунда мазкур йўналишга доир фаолиятни амалга ошираётган давлат органларига кўмаклашувчи ташкилотлар қаторида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам белгиланиб, уларнинг ваколат ва вазифалари аниқ очиб берилди. Эндиликда мазкур янги таҳрирдаги Қонунга асосан, нодавлат ташкилотлари одам савдосига қарши курашишда давлат органларига нафақат кўмаклашиш, балки зарур ёрдам кўрсатиш ҳукуқига эга эканлиги, шунингдек давлат томонидан амалга оширилаётган ишларга фаол қатнашиш мақсадида, нодавлат ташкилотлари одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Нодавлат ташкилотлари одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви тадбирларини амалга оширишда, шу жумладан бундай жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этишда кўмаклашиш ваколати ҳам берилганлиги жамиятда фуқаролик институтларининг ролини оширишда ўз ўрнига эгадир. Шу билан бирга, соҳадаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида одам савдосига қарши

курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш аниқ белгилаб берилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда даврнинг энг долзарб масалалари билан шуғулланаётган ва ўз фаолиятлари билан аёлларнинг баъзи ижтимоий муаммоларини ечишда давлат органлари билан яқин ҳамкорлик қилаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари жамиятда ўз ўрни ҳамда мавқеларига эга.

Республикамизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 100 га яқини одам савдосига қарши курашиш борасида бевосита ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Жумладан, Республика “ISTIQBOLLI AVLOD” ижтимоий-ахборот маркази, унинг вилоятлардаги бўлимлари ҳамда ҳамкор ташкилотлари ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум асосида одам савдосининг олдини олиш ва ундан жабрланган аёлларни реабилитация қилиш ишларини амалга оширмоқдалар. Ушбу ташкилотлар 2004 йилдан бўён долзарб алоқа тармоғи ташкил этиб, ноқонуний миграция ва унинг салбий оқибатларидан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш мақсадида аҳоли орасида ахборот-профилактик ишларни амалга ошириб келмоқдалар. 2008 йилнинг 17 апрелида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонун қабул қилинган эди. Қонунда одам савдоси билан боғлиқ тушунчаларга изоҳ берилди; одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари, бу соҳада давлат сиёсатининг асосий ўйналишлари, одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар; одам савдоси профилактикаси; одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ва уларни ҳимоя қилиш юзасидан давлат органларининг ҳамкорлиги; одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш; вояга етмаганлар савдосига қарши курашишнинг ўзига хос хусусия-тлари; одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалалари ўз аксини топди. Мазкур Қонуннинг ўз вақтида қабул қилинганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Қонунга итоаткорлик бу – юксак ҳуқуқий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чукур тушуниб этиш, ижтимоий бурч, яъни ўз қилмишлари учун давлат олдида, жамият олдида жавобгарлик туйғуси билан узвийдир.

Қонунга итоаткор ҳар бир фуқаро қонунларнинг талаблари жамиятнинг юксак манфаатларини ифода этишини, қонунларга риоя қилиш фақат халқ манфаатларига эмас, балки унинг ўз манфаатларига ҳам хизмат қилишини

яхши тушунади. Қонун одамларни бирлаштиради, қонунбузарликларни, қонунни менсимаганларни эса, қонун доирасидан ташқарига чиқариб қўяди. Қонунга итоаткорлик, ақл идрок, виждон, ички эътиқод масъули бўлиб, инсонда олижаноб фазилатларни тарбиялади.

Қонунга мувофиқ, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш ҳамда чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни ўз ичига олади.

Шунингдек, қонунга мувофиқ республикамиизда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда. Идоралараро комиссиянинг вазифаларидан бири бу давлат органларини одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш йўналишидаги фаолиятини бирлаштириш ҳисобланади.

Олиб борилаётган ушбу ишлар замирида ўсиб келаётган келажак авлоднинг ватанга бўлган муҳаббати, илм-маърифатга қизиқиши билан бир қаторда, аср муаммосига айланган жиноятларга қарши иммунитетни шакллантириш ётади. Таъкидлаш жоизки, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш масалаларига доир аниқ қоидаларнинг тартибга солинмаганлиги, шунингдек вояга етмаганлар савдосига қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан, идентификация қилиш, ёрдам бериш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаганлиги қонунни янги таҳрирда қабул қилиш заруратини келтириб чиқарди.

2020 йилнинг 17 августида янги таҳрирдаги “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Қонунда қуйидаги масалаларда янги нормалар киритилди:

- одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослашувини таъминлаш тартиби ва жабрланганлар ҳакидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш тартиби, уларга тақдим этиладиган хавфсизлик чоралари ҳамда бошқа кафолатлар ёритилди;

- одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ва уларни қайта йўналтириш тушунчалари алоҳида бобда белгилаб берилди;

- одам савдосига қарши курашда нодавлат нотижорат ташкилотлар ваколат ва вазифалари белгилаб берилди;

- соҳага оид асосий тушунчалар ва тамойиллар, уни давлат томонидан тартибга солишга оид нормалар, ваколатли давлат органлари, Миллий комиссия, худудий комиссиялар ва Миллий маърузачига оид меъёрлар аниқ белгилаб берилди.

Одам савдо-сига қарши қаратилган фаолият олдини олиш (прфилактика), ортга қайтариш (репатриация), жабрдийдаларни ижтимоий ҳимоя қилиш (реабилитация), уларни яна ижтимоий ҳаётга қайтариш (реинтеграция) каби қисмлардан иборат. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолияти янги Ўзбекистон шароитида янгича мазмун ва янгича шаклларда давом эттирилмоқда. “ISTIQBOLLI AVLOD” ташкилотларининг ушбу соҳадаги фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва давлат ташкилотлари томонидан доимий равишда қўллаб-қувватлаб келинмоқда. “30 июль – Одам савдосига қарши курашиш бутунжаҳон куни” муносабати билан Республика “ISTIQBOLLI AVLOD” ижтимоий-ахборот маркази Бухоро вилояти бўлими “30 кунлик одам савдосига қарши курашиш ойлиги”гини ўtkазиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқган бўлиб, вилоят туманлари, корхона, муассаса, ташкилотларида уйдаги зўравонлик, миграция ҳолатлари, муаммо ва ечимлар борасида давра сухбатлари ташкил қилмоқда.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–6181-сонли “2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчилил такомиллаштириш; фуқаролик жамияти институтларига кўмак бериш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш; давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш; давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш; фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, 2021 йилнинг 1 апрелидан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индекси жорий қилиниши ва унга қўра, ҳар йил якунлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, ижтимоий шериклик даражаси, ажратилган субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар натижадорлиги ва бошқа муҳим фаолият кўрсаткичларига асосан уларнинг рейтинги тузилиши белгилаб берилди. Буларнинг барчаси инсон

хуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда фуқаролик институтлари ролини оширишга қаратилган чора тадбирлар натижасидир.

Таъкидлаш жоизки, жамият ривожида турли даврлар инсонлар ҳаёти учун буюк ақл-заковатга эгалиги билан ажралиб турган. Бироқ, барча даврларда ҳам инсоният тарихи учун жуда зарур бўлган, юксак ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган “инсонпарварлик” тушунчаси жуда катта аҳамият касб этган.

Инсонпарварлик деганда, инсонни эъзозлаш, ҳурмат қилиш, ундаги ижтимоий-ахлоқий хислатларни камолга етказиш, унинг моддий ва маънавий фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва қўллаб-қувватлашни тасаввур қиласиз. Инсонпарварлик, энг аввало, инсоннинг баҳт-саодати, эзгулик, меҳрурват, ҳайр-эҳсон, яхшилик, раҳмдиллик, муҳтож ва ғарибларга ёрдам, сабр-қаноат, камтарлик, тўғрисўзлик, шириңсуханлик, сахийлик, нафсни тийиш ва бошқа хулқ-одоб қоидалари билан чамбарчас боғлиқдир. Одам савдосига қарши курашиш фақатгина давлат ва нодавлат ташкилотларининг вазифаси эмас. Ҳар бир киши ўзининг инсонийлигини, жамият аъзолари олдидаги масъулиятини ҳис қилган ҳолда, бошқаларнинг хуқуқлари, шаънини олий қадрият деб ҳурмат қилиши лозим.

Суванкулов Мехмонали Исмоилович,
ИИВ Малака ошириш институти
Юридик фанлар кафедраси бошлиғи,
ю.ф.н., доцент

**Одам савдосига қарши жиноятларни олдини олиш ва унга қарши
курашишда ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари билан ҳамкорлиги**

XXI асрнинг дастлабки йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олганлиги, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида алоҳида аҳамият касб этди. Ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, дунёдаги трансмиллий жиноятларнинг энг хавфлиси ва жирканчи одам савдоси, афсуски, айнан шу даврда авж олди. Меҳнат миграцияси, ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган шахслар қўл келди.

Ҳозирда, интернет сайтлар ва ижтимоий тармоқларда пайдо бўладиган турли хил юқори даромадли иш борлиги ҳақидаги таклифлар, илгариги ўзаро танишиб, учрашиб, турли алдов йўллар билан ишга ёллаш каби ҳолатлар

ўрнини эгаллаб, “одам савдоси” каби жирканч жиноятнинг “ривожи”ни янада жадаллаштиrmоқда.

Одам савдоси, аввало, инсон эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлизилигига жиддий путур етказади, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Бу жиноий фаолият ортида аслида мажбурий меҳнат, қуллик ва фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих иллатлар туради.

Одам савдоси – инсонни ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, бирорларнинг қўлида қўл бўлишга маҳкум этиш, инсонлар умрига зомин бўлиш, уларнинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилишдек энг оғир ва жирканч жиноятлардан энг хавфлиси саналади. Афсуски, инсон ҳаётини тасарруф қилиш, инсонни олди-сотди нарсага айлантириш айrim вахший ва баднафс шахсларнинг доимий фаолиятига ҳамда мўмайгина даромад манбаига айланиб қолмоқда.

Таҳлилларга кўра, ҳозир дунё бўйича таҳминан 27 миллион киши одам савдоси туфайли қуллик ҳолатига тушиб қолган. Бу борада Непал, Судан, БАА, Ҳиндистон, Габон, Гаити каби давлатларда энг оғир ҳолатлар кузатилмоқда.

Бугунги кунда жиноий бизнес деб аталмиш одам савдоси кенг қамровли тус олгани боис мазкур иллат орқали топилаётган даромадлар ноқонуний қурол-яроғ ва олмос савдоси келтирадиган даромадларга тенглашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 2 миллион 700 мингта яқин киши одам савдосининг қурбони бўлмоқда ва ҳар йили одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноий гурухлар 32 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад топишади.

Минг афсус, “одам савдоси” деб аталмиш трансмиллий жиноят чегара билмаслиги сабабли, юртимизда ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда, хусусан айrim юртдошларимиз жон койитмай, осонгина мўмай даромад топиш йўлларини излай бошлашди. Улар нима қилиб бўлса-да, кўпроқ пул топиш, даромад ортириш мақсадида ноқонуний, ҳалокатли, келажаги йўқ ишларга қўл урмоқда. Қонуний йўл билан эмас, одам савдоси орқали бойиши кўзлаётган айrim ғаразгўй кимсалар алдовига учиб, хориждаги иш ва яшаш шароитларини ўрганмай, давлатлараро шартномалар асосида иш юритувчи расмий идораларни четлаб, оғир аҳволда қолмоқда. Тўғри, жаҳон амалиётида бир давлатдаги фуқароларнинг бошқа юртда ишлаб, пул топишлари тақиқланмаган.

Меҳнат миграцияси фақатгина бизни юртимизда мавжуд бўлмай, бутун дунё бўйлаб амалга оширилади, жумладан Ўзбекистон, шунингдек Марказий

Осиё фуқаролари Россия, Туркия, Дубай давлатларига меҳнат миграциясини амалга оширса, Россия фуқаролари эса Европа ва АҚШга, Ҳиндистон фуқаролари эса Англия, АҚШ ва Австралияга, Туркия фуқаролари Германияга ва шу сингари меҳнат миграцияси оқими барча давлатларда мавжудлиги сир эмас.

Лекин буни расмий йўл билан, барча ҳуқуқ ва эркинликлар даҳлсизлиги таъминланган ҳолда амалга ошириш керак. Иш ахтариб, норасмий йўл билан кетаётгандарнинг на саломатликлари, на ҳуқуқ-эркинликлари, на меҳнатларига ҳақ тўлаш, на энг азиз ҳаётлари ҳақида қайғурадиган шахс ё ташкилот йўқ, бир товламачининг ёлғон ваъдасига алданиб, ўз юртидан бошқа юртларга кетишмоқда. Борган жойларида меҳнат қилиб ҳақини ололмаётгандар, касал бўлиб, даволанишга пул ахтараётгандар, ҳатто уйга қайтай деса, йўлкирасини тополмаётгандар қанча?!

Одам савдоси жинояти дунёвий давлатларнинг қонунчилигига жиноят деб баҳоланиб, таъқиқловчи нормалар билан таъқибга олиш билан бир вактда, диний нуқтаи назардан ҳам қоралангандан.

Ислом таълимоти инсонларни тўла-тўқис озод, ҳур бўлишга, фақат Аллоҳ таолога бандалик қилишга, ҳар томонлама етукликка, яхшилик ва тақво йўлида ўзаро ҳамкор бўлишга чорлайди.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилган ҳадиси құдсийда айтилади: *“Мен қиёмат куни уч тоиға кишининг даъвогари бўлурман: Менинг номим билан аҳд бериб, уни бузган, озод инсонни қул деб сотиб пулини еган ва мардикорни ишлатиб ҳақини бермаган одамларнинг”* (Имом Бухорий ривояти).

Бугунги кунда “одам савдоси” деб аталмиш трансмиллий жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон 2003 йил 12 декабрда БМТнинг “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясига қўшилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТнинг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциясига ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги тан олинади деб эътироф этилганидек, одам савдосига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар миллий қонунчилигимизга

имплементация қилинди, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар” бобининг 135-моддаси билан одам савдоси жинояти таъқиқланди ва ушбу жиноятлар оғишлаштирувчи ҳолатларда содир этилган тақдирда саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Одам савдоси жиноятининг келтириб чиқарувчи омилларни таҳлилини шартли равища қўйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчидан, жамиятда инсонлар томонидан ижтимоий тармоқларда серҳашам ҳаёт тарзини ошкора намойиш қилиниши. Инсонларнинг камтарона ҳаёт тарзи ўрнига серҳашам уй жойда яшashi, қиммат машиналарда юришини кўрган ёш авлод ҳам қандай йўл билан бўлса ҳам пул топиш илинжида бўлади, агарда реал ҳаётни олиб қарайдиган бўлсак, жамиятдаги ҳар бир инсон ҳаётда яхши шароитда ва қулайлиқда яшashi инкор қилинмайдиган ҳақиқат, аммо ушбу ҳаёт тарзини ҳалол меҳнат ва қонуний йўл билан даромад топиш ўрнига, қайси йўл билан бўлса ҳам, айниқса қонунга зид равища бойлик орттириш пайига тушиши, натижада айрим манфур кимсаларнинг ёлғон ваъдаларга учраб, чет элда қисқа фурсатда бойиб кетиши илинжида жиноий йўлларга кириб кетиши ёки ўzlари ушбу жиноятларнинг қурбонига айланиб қолиши сабаб бўлади.

Иккинчидан, оилавий муносабатларни мустаҳкам ўрнатилмаганлиги ва оила аъзолари томонидан қўллаб-қувватланмаслик. Ижтимоий заиф грурухлар орасида, жумладан меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, ноқобил-нотинч оилалар, қаровсиз қолганларни ҳам шак-шубҳасиз одам савдоси жиноятининг аъзолари ёки ушбу жиноятларнинг жабрланувчиларига айланиши ҳам ҳақиқат. Бундан ташқари оиласда ота-она ўз фарзандларини камол топтиришда масъулиятларини бажармаслик, жумладан оилалардаги ажрашувлар, ота ёки онанинг жиноий йўлга кириб кетиши оқибатида озодликдан маҳрум этилиши натижасида фарзандларни қаровсиз қолиб кетиши ёки етарли даражада иқтисодий таъминланмаслиги ва ҳ.к.;

Учинчидан, ижтимоий-иктисодий жараён, яъни ишсизлик ва билим даражасининг пастлиги ҳам одам савдоси жинояти учун виктимологик шароитлардан биридир. Жумладан, иш билан таъминланган эркакларга нисбатан иш билан таъминланган аёлларнинг сонини камлиги, шу сабабли аксарият ҳолларда аёллар муаммо билан тўқнаш хавфида бўлишади. Одам савдоси жинояти жабрланувчиларини аксариятини ёшлар ва аёллар ташкил қилиниши ҳам ёрқин далилдир.

Тўртингидан, жамиятда ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилинмаслик ҳоллари, жумладан вояга етмаганларга нисбатан шаҳвоний хатти-ҳаракатларни содир этилиши одатий ҳолга айланиб бораётганлиги ҳам яна бир мисолдир. Айрим оилаларда ота-оналарни чет элга ишлаш учун кетиб фарзандларини қариндошларини қарамоғига қолдириб кетиши, аммо яқинлари фарзандини тарбияси билан шуғулланмаслиги оқибатида назоратсиз қолдирилиши натижасида ёш қизлар эрта жинсий муносабатларга кириб кетиши ёки бошқа жиноий фаолият билан шуғулланиши ва ҳ.к.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир инсон мамлакатимизда маълум бир маҳаллада туғилади ва шу маҳаллада ўсиб-улғаяди. Биз одам савдосини олдини олишда фақатгина янги қонунларни қабул қилиш орқали жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашишга эришамиз деб ўйлашимиз ва бу борада фақатгина ҳуқукий ислоҳотлар олиб бориш билан чекланишимиз бироз хатодир.

Фикримизча, одам савдоси жиноятини олдини олиш ва ушбу жиноятга қарши курашишда асосий вазифани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ички ишлар органларининг ҳамкорлигига амалга оширилиши нисбатан кўпроқ ижобий самара беради. Зотан, маҳалла шундай ижтимоий ва маънавий қучки, маҳаллада оила ва инсон обрўси йиллар давомида қатра-қатра йиғилади, аммо инсонни ёки оила обрўси бир кунда чилпарчин бўлиши мумкин, шу сабабли маҳалла институтидан оилаларни турли хил жирканч иллатларни олдини олишда қурол қилиб фойдаланиш жоиздир. Ҳеч бир одам ўз маҳалласида обрўсини тўкилишини ёки шарманда бўлишини истамайди. Ўзбекчиликдаги ибора “маҳаллада номимиз чиқиб кетмасин” дейилади, агарда оилани маҳаллада юзи шувут бўладиган ёки жирканч жиноят билан айбланаётган бўлса баъзида ушбу оила маҳалладан кўчиб кетиши ҳолатлари ҳам кузатилади, чунки ориятли инсон бу маҳаллада бош кўтариб юрмайди. Бу ўзбекона менталитет ва урф-одатдир.

Зеро, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида одам савдосига қарши курашиш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий ўналишларидан бири этиб белгиланган. Шунингдек “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида Ички ишлар органларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унга кўра ички ишлар органлари одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди, оммавий ахборот воситалари иштироқида ахоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш бўйича тушунтириш-

профилактика ишлари мажмуини амалга оширади, одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қиласи ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

“Фуқароларнинг ўзи ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида фуқаролар йифини кенгаши тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади деб белгиланган бўлиб, мазкур қонунда тўғридан-тўғри ички ишлар органлари билан билан одам савдосига қарши курашиш ва ушбу жиноятни олдини олиш белгиланмаган бўлсада, аммо “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида ички ишлар органлари билан одам савдосига қарши курашишдаги ҳамкорлиги қонуний тартибда белгилаб берилган.

Ички ишлар органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари одам савдосига қарши курашиш ва ушбу жиноятларни олдини олиш бўйича ҳамкорлиги жиҳатларини ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Одам савдосига қарши курашишда ички ишлар органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлигини йўналишларини шартли равишда *тўртга* бўлиш мумкин:

Биринчи йўналиш: одам савдоси жиноятларини профилактика қилишда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги қонун хужжатлари билан ҳуқуқий тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунини 10-моддасида Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унга кўра ички ишлар органлари фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда одам савдоси жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунини 11-моддасида эса Ички ишлар органлари ваколатлари доирасида оммавий ахборот воситалари иштирокида аҳоли ўртасида жиноятларини олдини олиш бўйича тушунтириш-профилактика ишларини амалга оширади, одам савдоси жиноятларни олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиши белгиланган.

Юқорида қайд этилган қонунларда ички ишлар органлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорликлари умумий тарзда ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги жиҳатлари белгиланган бўлиб, айнан одам савдосига қарши курашдаги ҳамкорлиги ҳуқуқий тартибга солинмаган бўлсада, аммо жиноятларни умумий тарзда профилактика йўналишдаги ҳамкорлиги белгилаб берилган.

Қонунда назарда тутилганидек одам савдоси жиноятларини олдини олишда ички ишлар органлари, айниқса профилактика хизмати билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорликда хизматни ташкил этади, сабаби ички ишлар органларининг қуи бўғинидаги профилактика инспекторлари мавжуд барча маҳаллаларда фаолият юритади. Профилактика инспекторлари тўғридан-тўғри маҳаллаларда аҳоли билан ишлайди ва маҳаллалардаги одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва одам савдосини жабрланувчилари ҳақида бирламчи ахборотга эга бўлади.

Шу туфайли профилактика инспекторлари маҳаллаларда фуқаролар одам савдоси жиноятининг қурбонига айланмаслиги учун энг асосийси маҳаллада профилактик чора-тадбирларни, жумладан одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади, сабаби фуқаролар дастлаб профилактика инспекторига мурожаат қиласди. Профилактика инспекторлари аҳоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш бўйича тушунтириш-профилактика ишларини амалга ошириши лозим.

Профилактика инспекторлари маҳалла раислари билан биргаликда маҳаллада чет элга ишлаш учун кетаётган ёки чет элга ишлаш учун юбораётган шахслар ҳақида маълумотларни тўплаш, ушбу маълумотларни Ички ишлар бошқармаларида ташкил этилган одам савдосига қарши курашиш ва узоқ муддатга кетган шахслар билан тадбирларни мувофиқлаштириш бўлимларига етказиш орқали содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олади.

Профилактика инспекторлари фуқароларимизнинг одам савдоси жинояти қурбонига айланишининг қуидаги сабабларини таҳлил қилган ҳолда, ҳар бир

сабаб бўйича алоҳида ёндошув асосида профилактика чора-тадбирларни амалга ошириши лозим.

Одамларимизнинг соддалиги ва ишонувчанлиги, тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжининг мавжудлиги, енгил иш топиш орзуси, ҳуқуқий билимларга эга эмаслиги, айrim нопок ҳамюртларимизнинг гайриинсоний ва гайриқонуний ҳаракатлари, жиноятдан жабрланганларнинг дунёқарашининг торлиги, сайёзлиги, етарли даражада таъсирчан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаслик ва шу каби омиллар шулар жумласидандир.

Мазкур муаммолардан келиб чиққан ҳолда фуқароларимизни одам савдоси жинояти қурбони бўлмасликлари учун профилактика инспекторлари маҳалла раислари билан ҳамкорликда профилактик-тушинтириш ишларини амалга ошириши лозим бўлади, акс ҳолда ўз маҳалласидан, нари борса ўз туманидан ёки вилоятидан четга чиқмаган фуқаролар, дунёқараши ва билим савиясини етарли даражада эмаслиги, “уддабурон” одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг қурбонига айланади.

Иккинчи йўналиши: одам савдосига қарши жиноятларни аниқлаш ва жиноятларни иссиқ излардан очишдаги ҳамкорлиги бўлиб, бу бевосита ички ишлар органларининг тезкор қидирув хизмати ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўртасидаги ҳамкорлик бўлиб, ушбу ҳамкорлик маҳалла раислари, кўчабошилар, уйбошилар ва бошқа маҳалла фаололари билан тезкор ходимлар ўртасида амалга оширилади.

Чунки ҳаммамизга маълумки одам савдоси бу латент жиноят бўлиб, айrim фуқаролар чет элга ишлаш учун кетаётганлигини имконият даражада яширади, сабаби чет элга ишга юборувчи ҳам ишга кетувчи ҳам манфаатдор бўлади, қачонки алданганлигини билгандан сўнг эса расмий мурожаат қиласи, айниқса фоҳишибозлик билан шуғулланиш учун чет элга кетаётган аксарият хотин-қизлар эса маҳаллада турли хил гап-сўзга қолишдан қўрқиб асл мақсадини яширади ва гўёки чет элга ёлғиз қарияларга боқувчи ёки ёш болаларга энага сифатида ишга кетаётганлигини рўкач қилиб хужжатларни расмийлаштиради, қачонки чет мамлакатга бориб одам савдоси қурбони айланганидан сўнг эса асл ҳолат юзага чиқади, бундай ҳолатда жиноятни олдини олиш эса анча кеч бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тезкор ходимлар маҳалла раислари ва бошқа маҳалла фаоллари билан одам савдо жиноятини билан шуғулланувчи ва чет элга ишга борувчиларни оператив йўллар билан аниқлаш учун ўзаро ҳамкорликда ишлаши лозим бўлади.

Одам савдоси жинояти бўйича тезкор ходимлар томонидан жиддий эътибор бола савдоси жиноятини аниқлаш ва унга қарши курашиш бўйича маҳалла билан ҳамкорлиги масаласига қаратиши лозим. Чет элга кетишда айрим фуқаролар ўзларини ёш болаларни олиб кетиши давлат идоралари томонидан рўйхатга олинади, аммо ушбу ёш болаларни ота-онаси билан қайтиб келиш масаласи алоҳида тартибда рўйхатга олинмаслиги жиддий муаммоли ҳолатлардан бири эканлиги назардан четда қолмаслиги ва бу масалага алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Учинчи йўналиш: одам савдосига қарши жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларини муҳокама қилишдаги ҳамкорлиги бевосита ички ишлар органларининг тергов идорлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

Одам савдо билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш жараёнида ушбу жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар, яъни фуқароларни қонунларни яхши билмаслиги ёки соддалиги ва ишонувчанлиги сабабли жиноят қурбони бўлиб қолиши ёки оғир ижтимоий шароит туфайли одам савдоси жинояти билан шғулланишга, яъни иқтисодий жиҳатдан қийин ахволга тушиб қолган оиласиран ёш боласини сотиши, алоҳида эътиборга оладиган бўлсак, ҳозирги кунда мамлекатимизда бола савдоси жинояти тез-тез учраб турибди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.09.2021 йилдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 565-сон Қарорига кўра жиноят иши бўйича содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни «Жиноятга қарши курашиш хақиқати ваadolati» тизими асосида жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш йўлга қўйилган. Мазкур муҳокама ҳам бевосита ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлигига амалга оширилади, яъни мазкур муҳокамада иштирок этувчи барча фуқароларга жиноят нима сабабдан ва қандай шароитларда, жиноят содир этилишига нима туртки бўлганлиги, кимларнинг айби ёки эътиборсизлиги натижасида жиноят содир бўлганлиги очиқланади. Сабаби, фуқаро одам савдосининг қурбони бўлишига асосий сабаларнинг энг кўп кўриниши бу оғир ижтимоий ахволда қолганлиги сабабли, жиноятга қўл уришга мажбур бўлиши, оғир бўлсада хақиқатлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органларининг ҳамкорлигига маҳаллада истиқомат қилувчи, оғир ижтимоий ахволдаги шахсларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни одам савдоси қурбонига айланмаслиги учун, кам таъминлаган, жумладан, “аёллар дафтари”, “темир дафтар” ва бошқа шу каби тоифадаги шахсларга моддий ёрдам қилиш ёки ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш чораларини кўриш ҳам жиноятларни олдини олишга асосий сабаб бўлиши айни ҳақиқатdir.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда одам савдоси жиноятини олдини олиш ва унга қарши курашишда ушбу жиноятларни келтириб чиқарувчи ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий омилларни ўрганиш ва ушбу муаммоларни ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлигига ҳал этилиши ва биргаликда жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадга мувофиқdir.

Субанов Олимжон Суярқул ўғли,
ИИВ Малака ошириш институти
Юридик фанлар кафедраси катта
ўқитувчиси подполковник

Одам савдоси жиноятининг жиноий-хуқуқий тавсифи.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”⁸⁵ дейилган.

Жиноят қонунчилигига одам савдоси учун жавобгарлик белгиланганлиги шахс эркинлигининг конституциявий кафолатларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда одамлардан қонунга хилоф тарзда фойдаланишга, уларнинг ғайриқонуний меҳнат миграциясига ва одам савдосига қарши кураш юзасидан давлатимиз томонидан тадрижий, аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексининг 135-моддасига мувофиқ, *одам савдоси деганда*, одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишда ифодаланган қилмишлар тушунилади⁸⁶.

Мазкур жиноятнинг *объекти* – шахснинг озодлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Шу билан бирга, шахснинг шаъни ва

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://lex.uz/docs/35869>

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси <https://lex.uz/acts/111453>

қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳам жиноий-хуқуқий муҳофаза қилинади. *Одам савдоси жиноятидан жабрланувчи сифатида ҳар қандай шахс тан олинади.*

Жиноятнинг *объектив томони* Жиноят кодекси 135-моддасида назарда тутилган қуйидаги ижтимоий хавфли қилмишларда ифодаланади:

- *одамни олиши-сотиши;*

одамни ундан фойдаланиш мақсадида –

- *ёллаши,*

- *ташиши,*

- *топшириши,*

- *яшириши*

- *қабул қилиши.*

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сон қарорида берилган тушунтиришларга кўра, *олди-сотди тариқасидаги одам савдоси* одамнинг бир шахс томонидан бошқасига пул, бошқа моддий қимматликлар (мулк), мулкий ҳарактердаги хизматлар, мулкий ёки пул шаклидаги қарздан воз кечиш ва ҳ.к.лар сифатидаги ҳақ эвазига берилиши тўғрисида ёки оғзаки битим тузилишини назарда тутади. Бундай кўринишдаги одам савдосида одам қандай мақсадларда сотиб олинганлиги (сотилганлиги) ҳуқуқий аҳамият касб этмайди⁸⁷.

Олиш-сотиши тариқасидаги одам савдосидан фарқли равища, Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган бошқа барча ҳоллар (ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш)да жиноий жавобгарлик юзага келишининг зарур шарти одамни эксплуатация қилишга қаратилган мақсад мавжудлиги ҳисобланади. «Одамни эксплуатация қилиш» тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида *«одамни эксплуатация қилиши* – бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки бошқа кўринишдаги шаҳвоний эксплуатацияни, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксизлик ҳолати ёки одам аъзолари ёки тўқималари олинишини англашади» дея шарҳ берилган.

Демак, одамни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилишда ифодаланган қилмишлар мазкур одамни эксплуатация қилиш мақсадида

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 24.11.2009 йилдаги 12-сон <https://lex.uz/docs/1616053>

содир этилган тақдирдагина Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган жиноят учун жавобгарлик вужудга келади.

Жиноят кодекси 135-моддасида назарда тутилган қилмишлардан бири – *ёллаш деганда*, эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор-бир фаолият билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият (эксплуатация объектини қидириш, тўплаш, у билан музокара юритиш ва ҳ.к) тушунилади.

Ташии – шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган (ижро этиладиган), бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш (транспортда ташиш)ни англатади. Бунда етказиб бериладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мўлжалланганилиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта ахоли пункти доирасида ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиши билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Топширии – одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланади.

Яширии – жабрланувчини ҳокимият вакилларидан, қариндошларидан ёки унинг тақдиридан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфия сақлашда ифодаланади.

Қабул қилиши – одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгаликка олиш (масалан, ҳадя тариқасида, вақтинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига ва ҳ.к.) ни англатади, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно.

Одамни эксплуатация қилиши қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш;
- бошқа кўринишдаги шаҳвоний эксплуатация;
- мажбурий меҳнат ёки хизматлар;
- қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар;
- эрксизлик ҳолати;
- одам аъзолари ёки тўқималари олиниши.

Одам савдоси жиноятида *фоҳишабозликда фойдаланиши деганда*, одамдан унинг ҳақ эвазига номуайян доирадаги жинсий шериклар билан шаҳвоний муносабатларга киришишидан муттасил фойдаланиш тушунилади. *Бошқа кўринишдаги шаҳвоний эксплуатация деганда*, одамнинг ундан порнографик тасвирлар тайёрлаш, бузук ҳаракатлар содир этиш ва ҳ.к. мақсадларда фойдаланиш учун берилиши тушунилади.

Мажбурий меҳнат – бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлашни англатади. Ҳарбий ёки мукобил хизмат

тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

Қуллик – ўзига нисбатан мулк ҳуқуқига хос айрим ёки барча ҳуқуқлар амалга оширилаётган шахс аҳволи ёки ҳолатини англатади.

Эрксизлик ҳолати – шахснинг муайян омиллар мажмуи таъсири остида ўз эркига хилоф равишда ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришга мажбур бўлганлигини англатади.

Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби формал бўлиб, жиноят одамни олиш-сотиш битими тузилган пайтдан ёки мазкур моддада кўрсатилган бошқа қилмиш содир этилган пайтдан тугалланган ҳисобланади. Мазкур модданинг учинчи қисми «б» банди (жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса)да назарда тутилган қилмиш эса моддий таркибли бўлиб, ушбу ҳолатда жиноий жавобгарлик, фақат одам савдосида обьект сифатида иштирок этган шахс ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар эҳтиёtsизлик оқибатида етказилган тақдирда келиб чиқади.

Одам савдоси жиноятининг *субъекти* мазкур жиноятни содир этган вақтида 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

Жиноятнинг *субъектив томони* айбнинг қасд шаклида ифодаланади. Шу билан бирга ЖК 135-моддасининг учинчи қисми «б» банди (жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса)да назарда тутилган жиноий оқибат эҳтиёtsизлик оқибатида етказилган бўлиши талаб этилади. Агар мазкур оқибат қасдан етказилган тақдирда, қилмиш ЖК 135-моддаси ҳамда мазкур оқибатларни касдан етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари (масалан, ЖК 97-моддаси ва ҳ.к.) билан қўшимча квалификация қилинади.

Жиноят кодекси 135-моддасининг 2-қисмида одам савдоси жиноятини қўйидаги оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган:

- а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбуrlашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- в) ожиз аҳволдалиги айбордога аён бўлган шахсга нисбатан;
- г) айбордога моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

- д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;
- и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;
- к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса.

Одам савдоси жинояти жабрланувчини ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакларини қўллаш билан боғлиқ тарзда содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади.

Ўғирлаш деганда, одамни қонунга хилоф равишда, яширин ёки ошкора қўлга киритиш ва унинг эркига хилоф равишда уни олиш-сотиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида бошқа жойга олиб кетиш тушунилиши лозим.

Зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитии деганда, боғлаш, озодликдан маҳрум этиш, уриш-дўппослаш, ушлаб туришдан бошлаб, жабрланувчининг соғлиғига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш, шунингдек, жабрланувчининг соғлиғига зиён етказмаган бўлсада, бироқ қўлланилган пайтда бундай зиён етказишга реал имконият туғдирган зўрликкача бўлган ҳар қандай мажбурлаш тушунилиши лозим.

Агар одам савдосида шахс баданига қасдан оғир шикаст етказилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди (зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакларини қўллаш орқали) билан қамраб олинмайди. Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 104-моддаси тегишли қисми билан қўшимча квалификация қилиниши лозим.

Бошқа шаклдаги мажбурлаш деганда, жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларининг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан таҳдид қилиш, жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари обрўсини тўқадиган маълумотларни ёки уларнинг хуқуқлари ёки қонуний манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни тарқатиш ёхуд жабрланувчини айбдорнинг у ёки бу

кўрсатмаларини бажаришга мажбур этадиган вазиятни вужудга келтирадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тушунилиши керак.

Икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан умумий қасд билан содир этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар, бу ҳаракатлар бир неча шахсларга нисбатан бир вақтнинг ўзида ёки уларнинг ҳар бирига нисбатан турли вақтда содир этилганлигидан қатъи назар Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «б» банди билан квалификация қилинади.

Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «в» банди билан ожиз ахволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2010 йил 29 октябрь 13-сонли қарорида берилган тушунтиришларга кўра, *ожиз ахвол деганда, жабрланувчининг шундай ахволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у ўзининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсони, руҳияти бузилганлиги, жуда ёшлиги ёки қексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлик ҳолати, алкоголь, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилик кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз ахволда эканлигини анлаган бўлиши шарт.*

Ожиз ахвол сифатида, жумладан алкоголь ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида келиб чиқсан шундай даражадаги мастлик ҳолати тан олиниши мумкинки, бунда жабрланувчи атроф-вазиятни англай олмаган ва бу ҳолат уни айбдорга қаршилик кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилган бўлади. Иш бўйича жабрланувчи бундай ҳолатга айбдор томонидан туширилганлиги (масалан, спиртли ичимликлар ичирган, наркотик, уйқудори берган ва ҳ.к.) ёки айбдорнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган тарзда ожиз ахволда бўлганлиги аҳамият касб этмайди⁸⁸.

Агар жабрланувчининг ожиз ахволга тушиб қолиши гиёҳвандлик воситалари, психотроп, кучли таъсир этувчи, заҳарли ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар қўлланилганлиги оқибатида келиб чиқсанлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда, уларнинг хусусияти ва

⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 29.10.2010 йилдаги 13-сон <https://lex.uz/docs/2414120>

инсон организмига таъсири даражаси экспертиза тайинлаш, мутахассисларни сўроқ қилиш йўли билан аниқланиши лозим. Экспертиза натижаларига кўра, мазкур ҳолатларда айбдор шахслар томонидан тайёрланиши, қайта ишланиши, олиниши, сақланиши, ташилиши, жўнатилиши ёки ўтказилиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган воситалар ёки моддалардан фойдаланилганлик аниқланса, Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари ва ЖК 135-моддасининг тегишли қисми мажмуи бўйича баҳоланиши лозим.

Колган шахсларнинг (жабрланувчи ёки бошқа шахс) ҳаракатлари эса етарли асослар бўлган тақдирда, Жиноят кодексининг тайёрланиши, қайта ишланиши, олиниши, сақланиши, ташилиши, жўнатилиши ёки ўтказилиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган воситалар ёки моддалар билан муомала қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари квалификация қилиниши лозим.

Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «г» банди билан айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар квалификация қилинади.

Моддий қарамлик, жумладан, жабрланувчи айборнинг тўлиқ ёки қисман қарамоғида бўлганлигани, қарздорнинг кредиторга мутелигини ва ҳ.к.ни англатади.

Бошқа жиҳатдан қарамлик деганда, жабрланувчининг айборга ҳар қандай номоддий қарамлигини (масалан, оиласвий муносабатлар, тобе шахснинг раҳбарига, ўқувчининг ўқитувчига қарамлигини) тушуниш зарур.

Агар қилмишда такроранлиқдан ташқари икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилганлик алматлари ҳам мавжуд бўлган тақдирда (масалан, бир ҳолатда икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, иккинчи ҳолатда эса бир шахсга нисбатан ёки ҳар иккала ҳолатда ҳам икки ёки ундан ортиқ шахсларга нисбатан содир этилган тақдирда) айбдор шахснинг ҳаракатлари тегишлича ЖК 135-моддасининг иккинчи қисми «б» банди билан ҳам квалификация қилиниши лозим.

Хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган одам савдоси (Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «ж» банди), бундай жиноят мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ваколатларидан Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган ҳар қандай қилмишни енгиллатиш мақсадида фойдаланган бошқа шахс томонидан содир этилганлигини билдиради.

Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «з» бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор жабрланувчини Ўзбекистон

Республикасидан ташқарига ёки унинг ҳудудига Давлат чегараси орқали (қонуний ёки қонунга хилоф тарзда) ташийди ёки бошқа тарзда ўтказади ёхуд шахсни унинг эркига зид равишда хорижий давлат ҳудудида ушлаб туради.

Жабрланувчини чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиши ёки Ўзбекистон Республикаси дипломатик ёки консулик муассасалари билан алоқа боғлаш имкониятидан маҳрум қилганида намоён бўлади.

Одам савдоси жинояти Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисмининг «ж» (хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда), «з» (жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда), «и» (қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда), «к» (киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса) бандлари билан квалификация қилинганда, қилмишни Жиноят кодексининг мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишга, фақат қонуннинг бошқа нормасида Жиноят кодексининг 135-моддаси тегишли қисми санкциясида белгиланган жазодан оғирроқ жазо белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Жиноят кодекси 135-моддасининг З-қисмida эса одам савдоси жиноятини қуидаги алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айборга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;
- б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;
- в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўзлаб содир этилган бўлса.

Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик, фақат, айбор жабрланувчининг ёши тўғрисида мазкур жиноятларни содир этгунга қадар аниқ билган (қариндош, таниш бўлган ёки жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишган ва ҳ.к.) ҳолда ёки жабрланувчининг ташқи қиёфаси унинг ёшидан аниқ далолат берган ҳолда келиб чиқади.

Жабрланувчи ўзининг ёшига нисбатан улғайганроқ кўриниши асосида келиб чиқкан инсофли янглишиш айбор шахсга нисбатан мазкур квалификация белгилари қўйилишини истисно этади.

Жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган одам савдоси жинояти (Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисми «б» банди) бўйича жиноий жавобгарлик, фақат одам савдосида объект сифатида иштирок этган шахс ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар эҳтиётсизлик оқибатида етказилган тақдирдагина келиб чиқади.

Одам савдоси жинояти натижасида келиб чиқкан *бошқа оғир оқибатлар сифатида*, жумладан, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши, унга таносил ёки ОИТС касали юқтирилганлиги, руҳий ҳолати бузилиши ва ҳ.к. тан олиниши мумкин.

Одам савдоси жинояти Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисмининг «б» банди (жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса) билан квалификация қилинганда, қилмишни Жиноят кодексининг мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишга, фақат қонуннинг бошқа нормасида Жиноят кодексининг 135-моддаси тегишли қисми санкциясида белгиланган жазодан оғирроқ жазо белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Одам савдоси жинояти содир этилгунга қадар қонуний кучга кирган суд ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсларнинг ҳаракатлари, агар судланганлик ҳолати туталланмаган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, ЖК 135-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди бўйича квалификация қилинади.

Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисмининг «г» бандида мазкур жиноятни уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, уюшган гурӯҳ томонидан одам савдоси жиноятининг содир этилиши жамият учун катта хавф туғдиради.

Жиноят кодекси 29-моддасининг 4-қисмига кўра, уюшган гурӯҳ деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гурӯхга бирлашиши тушунилади.

Жиноий гурӯхни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гурӯхнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан

таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умумий интизомга ва жиной гурух ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ва шу кабиларни ҳисобга олиш лозим.

Одам савдоси уюшган гурух томонидан содир этилган деб топилган тақдирда, жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролидан қатъи назар, Жиноят кодексининг 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда 135-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади.

Одам савдоси жинояти иштирокчиликда содир этилганда, жиноят субъектини тавсифловчи квалификация белгилари (такроран ёки хавфли рецидивист, ўта хавфли рецидивист ва ҳк.) фақат ушбу белгилар бевосита тааллуқли бўлган иштирокчиларининг ҳаракатларини квалификация қилишда эътиборга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» қарорига кўра, алдаш йўли билан содир этилган олиш-сотиш, шунингдек, одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиб, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тариқасидаги одам савдоси Жиноят кодексининг 135-моддаси диспозицияси билан қамраб олинади ва Жиноят кодексининг 168-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, Жиноят кодексининг 168-моддаси учинчи қисми «а» банди (жуда кўп миқдорда содир этилган фирибгарлик) бундан мустасно.

Шахс одамни унинг эвазига ҳақ олинганидан сўнг топшириш шарти билан сотишга ваъда бериб, бироқ азалдан унинг қасди моддий қимматликларни эгаллашга қаратилган ва унда битим шартларини бажариш нияти бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этади, олувчининг ҳаракатлари эса сотиб олиш тариқасидаги одам савдосига суюқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар натижасида фуқароларимизнинг турмуш шароити узлуксиз юксалиб бормоқда, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла рўёбга чиқарилиши учун барча қулай имкониятлар юзага келмоқда.

Буларнинг барчаси шахс эрки, унинг ҳаёти, саломатлиги ва шахсий ҳуқуqlари кафолатларини янада кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқий муҳофазаси самарадорлигини ошириш, шахс-давлат муносабатларида шахс манфаатлари устуворлиги тамойилига оғиши масдан амал қилиш эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

Шахс эрки ва қонуний манфаатларини таъминлаш ижтимоий ҳайтимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган тадбирлар орқали амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда ахоли миграцияси, шу жумладан, мамлакат ташқарисида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадидаги миграция жаҳон кўламидаги воқелик бўлиб, ўзининг кўпгина ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Бу салбий ҳодиса глобал жараён сифатида бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Афсуски, айрим фуқароларимиз, одам савдоси орқали даромад топишга интилиш, юзага келган моддий етишмовчиликни бартараф этиш, ахлоқ қоидаларига зид турмуш тарзига одатланиш омиллари таъсирида одам савдоси қурбонларига айланмоқда. Буларнинг барчаси давлат ва жамият томонидан ушбу иллатга қарши қатъий чоралар кўришни, одам савдосига жалб этилган ва ундан жабр кўрган ҳамюртларимизни муҳофаза этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Абдибоситов Абдуқодир Абдурахмон ўғли Малака ошириш институти
Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси

Одам савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий асослари

Одам савдоси инсоният цивилизациясига, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф тугдиради. Шу сабабли уюшган жиноятчилик, ҳусусан, халқаро терроризм, наркобизнес, қурол-яроғларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши кураш бугун жаҳон афкор оммаси учун долзарб муаммо бўлиб турибди.

Қул — қул эмас, қуллигини англамаган — қул, деган эди файласуфлардан бири. Қулликни англаш эса, Альберт Камю айтганидек, албатта исён билан тугайди. Таассуфки, эркини, тенглигини, шахсий дахлсизлигини арзимас баҳога сотаётган ёки ихтиёrsиз равишда қуллик домига тушиб қолаётганлар йўқ эмас. «Қулдорлик тузуми» деб аталган бутун бошли ижтимоий формацияни босиб ўтган инсоният учун бу тушунча янгилик эмас. Қуллар, қул бозорлари ҳақида тарих китобларидан ўқиган, бадиий фильмларда кўрган XXI аср авлоди «Одам савдоси» деган янги иборага тўқнаш келди. Ибора сифатида янги аммо ижтимоий воқелик

сифатида жуда эски бу иллат бутун инсониятда ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бутун дунёда инсонларни камситиш, уларнинг ҳуқуқларини тан олмаслик, одам савдоси каби жиноятлар кўпайиб бораётганлиги барчамизни ташвишга солмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таҳқирловчи ҳатти-харакатлар, шу жумладан фуқароларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш халқаро ҳамжамият томонидан қабиҳ ишлар қаторида эътироф этилиб, уларни тақиқлашга оид бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада халқаро ҳамкорликнинг ифодаси сифатида бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинди.

Дастлабки одам савдоси ва қулликка қарши халқаро ҳужжатга мисол қилиб 1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”ни олишимиз мумкин. Ушбу декларациянинг 4-моддасида “Ҳеч ким қулликда ёки эркисиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади.” деб, ушбу халқаро ҳужжатни ратификация қилган давлатлар учун одам савдосига қарши курашишни қатъий белгилаб қўйган⁸⁹.

Кейинги одам савдоси ва қулликка қарши халқаро ҳужжатга мисол қилиб “Инсон ҳуқуқлари декларацияси” асосида Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”ни мисол келтиришимиз мумкин. Ушбу халқаро пактнинг 8-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида ҳеч ким қулликда сақланмаслиги кераклиги; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланиши ва ҳеч ким эркисиз ҳолатда сақланмаслиги керак эканлиги ёзилган. Модданинг учинчи қисм “а” бандида ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим эканлиги ёзилган бўлиб, албатта, кейинги бандда жиноят учун жазо тариқасида жуда оғир ишларга жалб этилиш билан боғлиқ озодликдан маҳрум этиш тайинланиши мумкин бўлган мамлакатларда, шундай жазо ваколатли суд ҳукми билан тайинланса бундан олдинги банддаги жуда оғир ишларни бажариш учун тўсиқ бўлмаслиги белгилаб қўйилган.⁹⁰

Юқоридаги халқаро ҳужжатлар умумий “Инсон ҳуқуқлари”ни ва уларни таъминлашни қамраб олган бўлиб, айнан одам савдосига қарши кураш

⁸⁹ <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

⁹⁰ <https://lex.uz/docs/2640479>

борасида қабул қилинган халқаро ҳужжатлар қаторига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бosh Assambleяси томонидан 1950 йил 21 мартда қабул қилинган «**Одам савдоси ва фохишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида**»ги Конвенцияни киритишмиз мумкин. Ушбу халқаро ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 12 декабрда ратификация қилган. Ушбу конвенция тўғрисида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсақ, конвенцияда уни қабул қилган томонлар учун фохишалик билан шуғулланиш (аёлнинг ўз хошишига кўра бўлган тақдирда ҳам) ва фохишаона сақлаш каби ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз кураш олиб бориш белгиланган⁹¹.

2001 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Блиш Assambleяси томонидан 2000 йил 15 ноябрь қабул қилинган “Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, бартараф қилиш ва бунинг учун жавобгарлик тўғрисида”ги Баённомани ратификация қилиб, ахолини огоҳлантириш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш орқали одам савдосининг олдини олиш ва баратаф қилиш мажбуриятини олди⁹².

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси одам савдоси ва қулликка қарши БМТ Бosh Assambleяси томонидан 2000 йил 20 майда қабул қилинган “**Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фохишабозлиги ва болалар порнографиясига таалуқли Факультатив протокол**” 2008 йилда, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 1957 йил 25 июнда қабул қилган “**Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида**”ги конвенцияси 1997 йилда, шу ташкилот томонидан 1999 йил 17 июнда қабул қилган “**Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида**”ги конвенциясини 2008 йилда ратификация қилган.

Албатта юқоридаги халқаро ҳужжатлардаги талабларни миллий қонунчилигимизда ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги 135-модда «**Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш**», 137-модда «**Одам ўғирлаш**», 138-модда «**Зўрлик ишлатиб гайриқонуний равища**

⁹¹ <https://lex.uz/docs/2102198>

⁹² https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/protocol1.shtml

озодликдан маҳрум қилиш» каби ҳуқуқий нормаларни одам савдосига қарши курашишнинг кафолатлари деб айтишимиз мумкин⁹³.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик, одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари, одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар, одам савдоси профилактикаси, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ва уларни ҳимоя қилиш юзасидан давлат органларининг ҳамкорлиги, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар савдосига қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари тартибга солинган.⁹⁴

Одам савдоси қарши курашиш билан боғлиқ бўлган қонуности ҳужжатларига мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорини олишимиз мумкин. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Одам савдоси жабирдийдаларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича 30 ўринга мўлжалланган Республика реабилитация маркази ташкил этилди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (шу жумладан, одам савдоси)нинг хавфли кўринишларига қарши кураш ҳақида 29 дан ортиқ шартнома ва келишувлар имзоланган.

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги юқорида санаб ўтилган кўплаб халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар қабул қилинганлигига қарамасдан халқаро экспертларнинг маълумотларига қараганда, Дунё миқёсида ҳар йили 4,5 миллиондан зиёд киши одам савдоси қурбони бўлади. Ачинарлиси, уларнинг 1,2 миллиондан зиёди болалардир.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларни олдини олиш глобал аҳамият касб этмоқда. Барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақазо

⁹³ <https://lex.uz/docs/111453>

⁹⁴ <https://lex.uz/docs/4953314>

этмоқда. Бу борада одам савдосига қарши курашнинг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг самарали воситаси ҳисобланади.

Ғаниев Шахобиддин Холматович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти Юридик
фналар кафедраси ўқитувчиси, майор

Одам савдоси жинояти содир этилишининг олдини олиш: муаммо ва ечимлар

Бугунги кунда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноятчиликни жиловлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда ҳамда ушбу соҳа бўйича жуда кўп қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг, айниқса ички ишлар органлари тузилмаси тўлиқ янгиланди.

Бунга алоҳида эътибор сифатида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оилалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди”, деб таъкидлаб ўтди⁹⁵.

Содир этилаётган жиноятларнинг бир тури сифатида “одам савдоси” билан боғлиқ жиноятлар ҳам ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси билан ажralиб туради ва ушбу турдаги жиноятлар инсоннинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматига энг хавфли жиноий тажовузлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Йигирманчи аср охирларига келиб одам савдоси бутун инсониятга қарши асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолди. Одамдан эксплуатация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар ошиб бориши тенденцияси бундай ижтимоий хавфли қилмишлар охир-оқибатда жамиятнинг демократик негизларига тажовуз қилиши билан миллий хавфсизликка ҳам таҳдид солади.

Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда мажбурий меҳнатни таг-томири билан йўқотиш бўйича юртимиизда қатор комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, одам савдоси қурбонларини аниқлаш, ҳимоя қилиш ва ижтимоий реабилитация қилиш, шундай жиноятлар қурбонига айланган фуқароларга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш, одам савдосига

⁹⁵ Халқ сўзи газетаси 2018 йил 28 июль.

алоқадор шахсларни тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш, шунингдек, бундай жиноятларни содир этишга имкон берәётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Бироқ, сўнгги йилларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши сезиларли даражада миқиёси кенгаймоқда, мисол учун одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишига қарамай, фоҳишалик учун ёш қиз ва аёлларни сотиш, донорлар сифатида фойдаланиш учун болалар савдоси, текин ишчи кучи сифатида фойдаланиш, террорчилик харакатларида иштирок этиш учун ёш эркакларни жалб қилиниб келиниши сақланиб қолмоқда. Бунинг сабабларидан бири сифатида шуни айтиш лозимки, одам савдоси билан боғлиқ содир этилган жиноятлар бўйича асосан оддий фаол ижроилар жиноий жавобгарликка тортилмоқдалар холос, лекин жиноий гуруҳларнинг ташкилотчи ва раҳбарлари хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таъсир доирасидан ташқарида қолмоқдалар, бунга сабаб кўпинча ушбу тажовуздан омон қолган жабрланувчилар, уларнинг қариндошлари ва яқинлари руҳий тушкунликка тушиб, энг ёмон оқибатлардан қўрқиб, хуқуқни муҳофаза қилиш органларига уларнинг ташкилотчилари ва раҳбарлари ҳақида мурожаат қилмайдилар ёки улар тўғрисида маълумотга эга эмаслиги, бундай жиноятчиларни жазодан озод бўлиб қолишиларига ва яна ўзларининг жиноий фаолиятларини давом эттиришиларига сабаб бўлиб қолмоқда.

Мазкур турдаги жиноятлар бўйича олинган маълумотларнинг таҳлилига кўра, одам савдоси кўпинча ноқонуний тарзда чет мамлакатларга бориб меҳнат фаолияти билан шуғулланиш туфайли юзага келмоқда, бунга асосий сабаб айrim кишиларнинг соддалиги ва ишонувчанлиги, моддий муаммоларни тезда ҳал этиш илинжи, енгил иш топиш, тез бой бўлиш орзуси, етарлича хуқукий билимга эга эмаслиги, лоқайдлик ва нопок кимсаларнинг ғайриқонуний харакатлари, трансмиллий жиноий гуруҳларнинг ихтисослашувига сабаб бўлмоқда.

Албатта, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни олдини олишда дастлабки терговнинг ўрни ҳам катталигини таъкидлаб ўтишимиз керак. Чунки, одам савдоси бўйича қўзғатилган жиноят иши юзасидан ўтказилиши лозим бўлган тергов ҳаракатлари давомида исботланиши керак бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак, ана шунда одам савдоси жиноятини содир этган шахсга нисбатан адолатли жазо берилиши ва жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминлади ва бу билан жиноят содир этган шахсни қонулларга риоя этиш,

хурмат қилиш рухида тарбиялаш вазифаси бажарилади, шунингдек унинг келгусидаги жиноий фаолиятига барҳам берилади ҳамда бошқа шахслар томонидан ҳам шу турдаги жиноятлар содир этилиши олди олинади.

Бош қомусимиз ҳисобланган Конституциямизда ҳам Ўзбекистон Республикасида энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа табиий ҳуқуқлари ҳисобланиб, уларни таъминлаш кафолатланган⁹⁶. Жиноят қонунчилигига ҳам одам савдоси учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги шахс эркинлигининг конституциявий кафолатларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз қонунчилигига ҳам ҳар бир жиноят содир этган шахсга адолатли жазо берилиши шартлиги назарда тутилган ва адолатли жазо берилишининг мақсади ҳам маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши кўрсатиб ўтилган.

Шунинг учун ҳам одам савдоси бўйича қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилаётган ҳар бир терговчи юридик маълумотдан ташқари, одам савдоси билан билан боғлиқ қўшимча маълумотларга ҳам тўлиқ эга бўлишлари талаб этилади, агарда тергов органи ходими бу буйича етарли даражада билимга эга бўлмаса, одам савдосини содир этган шахслар жиноий жазодан осонгина озод бўлиб қолишлирига имконият бўлади ва энг ачинарлиси улар яна ўзларининг жиноий фаолиятларини давом эттиришлирига шароит яратилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида одам савдоси жинояти содир этилганлиги учун Жиноят кодексининг 135-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми диспозицияси мазмунига қўра, одам савдоси деганда, одамни олиш-сотиш ёки одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади.

Шундан келиб чиқиб, ушбу турдаги жиноятлар бўйича қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилишдан олдин терговчи албатта одам савдосини ўзи нима эканлиги ҳақида кенг тушунчага эга бўлиб олиши лозим.

Одам савдоси бу – қуч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2022 йил.

орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади. Бундан ташқари яна бир қатор олимлар одам савдоси тушунчасига турлича ёндашадилар.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрь кунидаги “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорида ҳам одам савдосига оид ишларни тергов қилиш ёки кўришда тергов органлари ва судлар қуидаги тушунчаларни аниқ фарқлашлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган, яъни:

ташиш деганда, шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш, мисол учун транспортда ташишни англатади. Бунда етказиб бериладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мўлжалланганлиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта аҳоли пункти доирасида ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин;

топшириш - одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланади;

яшириш - жабрланувчини ҳокимият вакилларидан, қариндошларидан ёки унинг тақдиридан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфия сақлашда ифодаланади;

қабул қилиш - одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгаликка олишни англатади, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно.

ёллаш - эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор-бир фаолият билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият тушунилади⁹⁷.

Одам савдоси бўйича қўзғатилган жиноят иши юзасидан дастлабки тергов тамомланаётганда, терговчи томонидан ушбу жиноятни содир этилиш сабаблари ва уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитлар аниқланиб, сўнг уларни бартараф этиш юзасидан тегишли жойларга тақдимнома киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади, лекин минг афсуски ханузга қадар тергов органи томонидан киритилган тақдимномага асосан жойларда

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 12-сонли Қарори 2009 йил 24 ноябрь.

ўтказилган жиноятчиликнинг муҳокамаси номигагина ва юзаки равища ўтказилиб келинмоқда. Ана шу муҳокамлар ҳам ўрнатилган тартиб ва талаб даражасида сифатли ўтказилса, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида тарғибот ишлари янада қўпайтирилса, жиноятчилик, шу сингари одам савдоси жиноятининг содир этилишининг асосий сабабларини бартараф этиш имконини берар эди.

Бош Қомусимизда ҳам айтилганидек, инсон шахси дахлсиздир. Унинг шаъни, қадр-қимматини топташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бир сўз билан айтганда, одам савдосига қарши курашиш бўйича мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Аммо, асосий масала шундаки, одам аввало ўзининг ҳуқуқларини тўлиқ англаб етмас экан, бепарво ва лоқайдликдан воз кечмас экан, ҳар қандай кўламдаги чора-тадбирлар етарлича самара бермайди. Шу нуқтаи назардан ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ўзаро эътибор ва дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, ушбу иллатни олдини олиш ҳамда қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларни олдини олиш глобал аҳамият касб этмоқда. Барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақазо этмоқда. Бу борада одам савдосига қарши курашнинг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Якубов Жаҳонгир Махмуджон ўғли
ИИВ Малака ошириш институти
Юридик фанлари кафедраси
ўқитувчиси подполковник

Одам савдоси

Одам савдоси нима?- Бу одамларга нисбатан куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш

эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш.

Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Одам савдоси уюшган жиноятчилик муҳим рол ўйнайдиган энг йирик ҳалқаро бизнесдир. БМТ маълумотларига кўра, аёлларнинг товар сифатида глобал савдоси ҳажми йилига тахминан 12 миллиард АҚШ долларида баҳоланмоқда. Ҳалқаро экспертларнинг фикрига кўра, жиноий синдикатлар томонидан олинган фойда 5-7 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бу асосий истеъмол товарлари жаҳон савдосидан олинган умумий даромадга тўғри келади.

Одам савдосига қарши кураш қандай кетмоқда - бугунги кунда одам савдосига қарши кураш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, унинг учун жаҳон ҳамжамияти барча мавжуд воситалардан фойдаланади. Бунинг учун мамлакатлар ўртасида стратегик ҳамкорлик ўрнатилиб, саъй-ҳаракатлар жадал олиб борилмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш турли шаклларда мавжуд. Кўпгина мамлакатларда одам савдосига қарши курашиш учун махсус бўлинмалар мавжуд. Бундан ташқари, энг самарали чоралардан бири бу ҳукукий тартибга солишидир. 2003 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда кўплаб мамлакатлар қонунчилиги одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ меъёрий хужжатлар билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, амалдаги Қонундан фарқли ўлароқ янги таҳрирдаги Қонунда одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослашувини таъминлаш тартиби ва жабрланганлар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш тартиби ва уларга тақдим этиладиган хавфсизлик чоралари ва бошқа кафолатлари белгиланди.

Ўзбекистонда Одам савдосига қарши курашиш қўйидаги асосий принципларга асосланади, булар қўйидагилар:
-қонунийлик, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ижтимоий ҳамкорликдан иборатdir.

Республикасизда одам савдосига қарши курашиш чора-тадбирлари комплекс хусусиятга эга бўлиб, қўйидаги йўналишларда аниқ тизимга қурилган:
-миллий қонунчиликни такомиллаштириш,

-давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фаолияти ва уларни мувофиқлаштириш;

- кадрлар тайёрлаш;
- халқаро ҳамкорлик;
- халқаро компьютер тармоғи интернетда мавжуд статистика ва ҳисобот.

Маълумки, ҳозирги кунда республикамизда 10 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатса, уларнинг 100 га яқини одам савдосига қарши курашиш борасида иш олиб бормоқда. Қонунда мазкур йўналишга доир фаолиятни амалга ошираётган давлат органларига кўмаклашувчи ташкилотлар қаторида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам белгиланиб, уларнинг ваколат ва вазифалари аниқ очиб берилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти, аввало, инсон манфаатларига -унинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоялаш, турмуш шароитини яхшилаш каби эзгу мақсадларга қаратилган. Хукукий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун, биринчи навбатда, унинг хавфсизлиги таъминланиши, хуқуқлари ва қонуний манфаатлари, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай тажавузлардан ҳимоя қилинган бўлиши шарт.

Республикамизда одам савдосининг олдини олишга қаратилган меъёрий-хукукий асос яратилиб, инсон эркига дахл қилувчи ушбу мудхиш жиноятга қарши кескин курашилмоқда. Бу борада «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган.

Бундан ташқари, миллий қонунчилигимизда илгари бўлмаган одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ва уларни қайта йўналтириш тушунчалари алоҳида бобда белгиланди.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи коллегиал органлиги таъкидланди. Миллий комиссиянинг қарорлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бажарилиши шартлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун эса тавсиявий хусусиятга эга эканлиги белгиланди.

Бутун жаҳон одам савдосига қарши кураш куни ҳар йили 30 июлда нишонланади. Биринчи маротаба ушбу санани халқаро одам савдосига қарши кураш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор 18 декабрь 2013 йилда қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг "Одам савдосига қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида расман мустаҳкамланган.

Резолюция одам савдоси каби холатларга қарши курашишга қаратилган халқаро саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш мақсадида қабул қилинган. Бутун жаҳон одам савдосига қарши кураш кунини ташкил этиш ташаббускорларидан бири Ўзбекистон Республикасидир.

Ушбу ташаббус асосан одам савдоси муаммоси ва унинг оқибатлари, одам савдоси қурбонларининг аҳволи ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратишга қаратилган. Бутунжоҳон куни, шунингдек, миллий ва халқаро миқёсда инсоннинг асосий ҳуқуқларига қатъий риоя қилиш билан ушбу ҳодисага қарши курашда мувофиқлаштирилган ва изчил ҳаракатларнинг аҳамияти ва зарурлигини эслатишга қаратилган.

Одам савдоси хақида билиш керак бўлган 10 та факт

- Одам савдоси-бу фойда олиш мақсадида одамларни эксплуатация қилишdir.

- Коида тариқасида, жабрланувчилар меҳнат, жинсий ёки уй қулликка кириб қоладилар.

- Одам савдоси- энг фаол ривожланаётган жиноий фаолият бўлиб, йиллик даромад 150 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

- Айниқса, бунга қашшоқлик ёки иш етишмаслиги туфайли яхши ҳаёт излаб ўз уйидан чиқиб кетмоқчи бўлган одамлар заифdir.

- Замонавий қулликда 20 миллиондан ортиқ одам мавжуд.

-Аксарият ҳолларда одамлар фирибгарлик ёки мажбуrlаш туфайли одам савдоси қурбонига айланishiади.

- Жиноятчилар одатда қурбонлар яхши биладиган ва уларга ишонадиган одамларdir.

-Одамлар эксплуатация обьектига айланганда, улар кўп соатлаб кетма-кет ишлашга мажбур бўлишади, ёки умуман иши учун ҳақ олмасдан ёки кам иш хақи олганлар. Бундан ташқари, қурбонлар қўпинча жисмоний ёки психологик зўравонликка дучор бўлишлари мумкин: таҳдидлар, зўрлашлар, қотилликлар.

- Кўпинча қурбонларнинг хужжатлари олиб қўйилади ва хаёлий қарзларни тўлашга мажбур қилинадилар.

- Одам савдоси бу бутун жаҳон ходисаси бўлиб, ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатда истисносиз рўй берадиган холатdir.

Ўзбекистон ҳукумати одам савдосини бутунлай бартараф қилишга оид минимал стандартлар талабларига ҳам тўлиқ жавоб бермайди, бироқ бунга эришиш учун тинмай саъй-ҳаракат қилмоқда. Ҳукумат COVID-19 пандемиясининг одам савдосига қарши қурашиб потенциалига таъсирини ҳисобга олиб, ўтган ҳисбот даврига нисбатан саъй-ҳаракатларнинг умумий тарзда ўсганини намойиш этди, шунинг учун Ўзбекистон 2-даражагача кўтарилиди. Ушбу саъй-ҳаракатлар сирасига жабрдийдаларни ҳимоя қилишининг такомиллаштирилган протоколларини ўз ичига олувчи одам савдосига қарши қурашиб тўғрисидаги янги қонун қабул қилиниши; жиноят кодексига мажбурий болалар меҳнатини биринчи жиноят сифатида аниқ жиноят деб белгилаш мақсадида тузатишлиар киритилгани; олдинги йилларга нисбатан кўпроқ жабрдийдалар аниқлангани; олдинги ҳисбот даврига нисбатан анча кўп одамфурушлар иши тергов қилингани, жиноий жавобгарликка тортилгани, судланиб, уларга нисбатан ҳукм чиқарилиб, бу сўнгти олти йилда ҳукуқни қўллаш амалиётининг илк марта миқдори ошгани ҳамда биринчи марта амалдор шахсларнинг паҳти йиғим-терими вақтидаги жиноятларга алоқадорлигига оид потенцил ишлар жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида судга оширилгани киради. Ҳокимият идоралари яна илгари кўпинча одам савдосига тенглаштирилган ҳамда Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий можаролар ҳудудида эксплуатация шароитида яшаган ўзбекистонлик юзлаб аёллар ва болаларни мамлакатга қайтариб олиб келиш ва уларни жамиятга реинтеграция қилиш борасида ишончли ҳимоялаш ва хизматлар кўрсатиш бўйича янги саъй-ҳаракатларни амалга ошириди; пандемия даврида таҳминан ярим миллион ишсиз меҳнат мигрантига ишлаш имкониятларини яратиб бериб, аҳолининг заиф гуруҳлари ўртасидаги юқори хатарларни юмшатди ҳамда давом этаётган механизациялаш ва хусусийлаштириш тадбирлари, меҳнат амалиёти устидан назорат кучайтирилиши, фуқаролик жамияти ва халқаро ташкилотларга мониторинг қилиш имкониятини кенгайтириш ва бошқа омиллар орқали иш кучи миқдори ошганига қарамай, йиллик паҳта йиғим-теримида мажбурий меҳнат ҳолатлари сонини анча-мунча камайтирди. Бироқ ҳукумат бир неча асосий соҳада минимал стандартларни бажармади. Айрим туманлардаги маҳаллий амалдорлар мамлакат даражасидаги тақиққа қарамай, паҳта етиштириш учун

режа белгилашни давом эттириди, мамлакатнинг айрим худудларида давлат хизматчиларини пахта йифим-терими давридаги мажбурий меҳнатга сафарбар қилишни рағбатлантиришни сақлаб қолди. Гарчи ҳукумат амалдорларни меҳнат қонунчилиги талабларини бузгани учун жаримага тортишни давом эттирган бўлса-да, қаторасига тўқиз йил давомида мажбурий меҳнат билан боғлиқ жиноятларда иштирок этганликда гумон қилиб, бирор амалдорни жиноий жавобгарликка тортмади. Мавжуд қонунларга кўра, мажбурий меҳнатга жалб этиш маъмурий ҳукуқбузарлик экани белгилаб қўйилган ва бу ҳол қонунларни самарали қўллашга ҳамон тўсқинлик қилмоқда.

Ҳукумат ҳукуқни қўллаш борасидаги саъй-ҳаракатларини кучайтириди. Жиноят кодексининг 135-моддасида жинсий ва меҳнат мақсадларда одам савдоси билан шуғулланиш жиноят деб белгиланди ҳамда балоғат ёшидаги жабрдийдани бунаقا ишларга жалб қилганлик жинояти учун 3 йилдан 5 йилгача, жабрдийда болаларни жалб қилганлик учун 8 йилдан 12 йилгача қамоқ жазоси бериладиган бўлди ва бу жуда қаттиқ жазо ҳисобланади. Бироқ жинсий эксплуатация мақсадидаги одам савдоси ҳақида шуни қайд этиш лозимки, ушбу жазо турларини қамаш ўрнига уй қамоғига рухсат бериш номусга тегиш сингари оғир жиноятлар учун белгиланган жиноятлар билан солиштириб бўлмайди. 135-моддада одам савдосининг халқаро қонунчиликдаги таърифиға қарма-қарши ўлароқ, куч ишлатиш, қаллоблик ёки мажбурулаш жиноятнинг мавжуд унсурлари эмас, оғирлаштирувчи омиллари сифатида кўрсатилган. Жиноят кодексининг 148 (2)-моддаси “маъмурий тартибдаги мажбурий меҳнат”га тегишлидир. Балоғат ёшидаги кишилар жабр кўрадиган бундай қонунбузарликлар илк марта қилинадиган жиноятлар учун маъмурий ҳукуқбузарлик деб ҳисобланди; такрорий қонунбузарликлар қилганлар жарима тўлайди ёки 2 йилгача озодликдан маҳрум қилинади. 2021 йил февралида 148 (2)-моддага болалар жалб этилган барча “маъмурий тартибдаги мажбурий меҳнат”га оид қонунбузарликлар жиноят деб ҳисобланиб, улар учун жарима тўлаш ёки 3 йилгача қамоқ жазоси белгилаш тўғрисидаги тузатишлар киритилди. Фуқаролик жамияти ва ҳукумат вакиллари қайд этишича, ушбу қоидалар суд идоралари амалдорлари билан олд маррадаги назорат ходимлари ўртасидаги жиноят ҳолатларини аниқлаш имконияти чеклангани билан қўшилиб, Ўзбекистоннинг иш кучи савдогарлари жиноий жавобгарликка тортиш ва судлаш имкониятларини анча-мунча чеклаган.

Ҳукумат олдинги ҳисобот даврларига нисбатан ҳукуқни қўллаш бўйича кўпроқ батафсил маълумотлар тақдим этишни давом эттириди. Айрим ҳолларда бу борадаги тараққиёт йўлида техник имкониятлар этишмаслиги,

амалдаги қонунларни билмаслик, исботларни йиғишда бажариладиган амаллар етарли бўлмагани ҳамда меҳнат инспекциялари билан суд амалдорлари ўртасидаги мувофиқлаштириш ёмонлиги сабаб тўсиқлар пайдо бўлди. Ҳуқуқни қўллаш борасидаги айrim саъй-ҳаракатларга пандемия оқибатида зарар етди, пандемия даврида кузатувчилар болалар савдоси билан боғлиқ ишларнинг устуворлиги одам савдосига қарши курашиш ҳисобига ошди. Айrim ҳуқуқни қўллаш идоралари ходимлари одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишга ботинмади, чунки улар бунаقا ишлар бўйича жиноят иши қўзғатиш жуда қийин бўлади, деб ҳисоблади. Шунга қарамай, олти йил ичида биринчи марта тергов, жиноий иш қўзғатиш, судлаш ва қамаш ҳолатлари ортди. Ҳукумат 566 та тергов ўтказганини, 93 та иш: 51 та жинсий эксплуатация мақсадидаги одам савдоси, 39 та болаларни аниқланмаган ҳолатлар бўйича эксплуатация қилиш ва 3 та мажбурий меҳнат бўйича гумон қилинган 129 кишига қарши жиноий иш қўзғатилганини маълум қилди, бу 2019 йилдаги 66 та тергов ва айбланувчилар сони аниқ айтилмаган 53 та жиноий иш қўзғатилиши билан солиштирганда, анча кўпdir. “16 ёшгача бўлган шахс билан жиноий алоқа қилиш”га боғлиқ ишларни жинсий эксплуатация мақсадида одам савдоси билан шуғулланишга қўшиб юбориш тамойили сабаб эълон қилинган 566 та терговнинг айримлари халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос келмаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ушбу рақамлар икки йил қаторасига Ўзбекистон, Қозогистон ва Тожикистон ҳукуматлари ўртасидаги одам савдосига қарши 3 томонлама ташаббус доирасидаги ҳамкорликда халқаро терговларга оид ишлар сони ошиб бораётганини кўрсатди; 93 та қўзғатилган жиноий ишнинг 28 таси чет элларда содир этилган. Ҳокимият меҳнат мигрантларининг бир киши ўзини ёллагани ва оқибатда маошини тўламагани ҳақидаги хабарларидан сўнг Ўзбекистон фуқаросини мамлакатга қайтариб олиб келиш учун қозогистонлик ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилди. Ҳукумат ҳисоб беришича, 2020 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун 100 нафар айбланувчи, жумладан, 50 киши жинсий эксплуатация, 6 киши мажбурий меҳнат ва 44 киши “балофат ёшига етмаганлар савдоси” билан шуғуллангани учун судланган, бу кўрсаткич 2019 йилда 64 та ҳолат бўйича қайд этилган эди. 100 нафар судланган одамфурушдан 33 нафари қамалган, 35 нафари уй қамоғига ҳукм қилинган, 1 нафари ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилган, 20 кишига эса синов муддати берилган. 2019 йилда эса 18 киши қамалган, 22 киши уй қамоғига ҳукм қилинган ва 2 киши жаримага тортилган. Тўрт нафар судланган одамфуруш эълон қилинмаган қамоқ жазосига ҳукм этилди ва 7

киши афв этилди (2019 йилда 3 киши афв этилган эди). Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати ҳам 2020 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун 102 та жиноий гурухга қарши эълон қилинмаган қонуний чоралар кўрилгани ҳақида хабар қилди. Айрим жабрдийдалар билан баъзи ҳолларда қуий даражадаги ҳуқуқ идоралари ходимлари кўмагида адлия тизимидан ташқарида молиявий ҳисоб-китоб қилинган.

Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) таркибида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш бўйича тергов бўлими мавжуд. Президентнинг 2019 йилда қабул қилинган фармонига кўра, ИИВга ҳуқуқни қўлловчи идораларнинг одам савдоси ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш ваколати берилган эди; ушбу жараён пандемия сабаб кечиктирилди, бироқ ҳокимият идоралари ҳисобот даври охирига бориб, бир чет ташкилот орқали ишни қайта йўлга қўйгани хабар қилинди. Ҳукумат халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда полиция, судьялар ва бошқа ҳокимият идоралари, жумладан, меҳнат инспекциялари вакиллари учун одам савдосига қарши курашишга оид тренинглар ўтказишни давом эттириди. Давлат хизматчилари давлат ҳомийлигидаги тренинглардан ташқари ҳукумат ҳомийлик қилган ҳамда ННТлар, халқаро ташкилотлар ва чет мамлакатлар ҳукуматлари ўтказган семинар ва конференцияларда ҳам иштирок этди.

Меҳнат инспекцияси маҳаллий ҳокимлар ва бошқа амалдорларнинг пахта йигим-теримига одамларни жалб қилишга ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга оид жиноятлардаги иштироки гумон қилингани ҳақида исботлар йифиши давом эттириди ва биринчи марта худди шундай 6 та ҳолат ҳақида тергов қилиши учун Буш прокуратурага ҳужжат киритганини хабар қилди; ҳокимият идоралари ўша ишларнинг аҳволи ҳақида ҳеч қандай маълумот бермади. Ҳукумат 170 нафар амалдор: жумладан, 46 нафар ҳоким, ҳоким ўринбосари ва банк раҳбарини ҳисобот давридаги пахта йигим-терими билан боғлиқ маъмурий жавобгарликка тортди, бу 2019 йил кўрсаткичларидан анча кам, ўша йили бундай жазога 259 амалдор тортилган эди; жами жарималар миқдори 653,2 миллион сўм (\$62 380) бўлди (айни кўрсаткич 2019 йилда 550 миллион сўм ёки \$52520 бўлган эди). Ҳукуқни қўлловчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ муаммолар ва мажбурий меҳнатга жалб қилишни биринчи ҳукуқбузарлик сифатида маъмурий қонунбузарлик деб белгилаган ҳукукий чекловлар шароитида ҳукумат тўққиз йил қаторасига амалдорларга нисбатан одам савдосида жиноятида иштирок этгани учун жиноий айловлар эълон қилмади, уларни жиноий жавобгарликка тортмади. Полиция LGBTQI+ (лесбиан,

гей, бисексуал, трансгендер, квир, интерсекс+) шахсларни гомосексуализмни жиноят деб ҳисобловчи қонунчиликка кўра ўзбошимчалик билан хибсга олишни ва уларга таҳдид қилишни давом эттириди, баъзан пора олиш ёки хабаркашликка ва ёки порнографияга мажбурлаш учун уларга нисбатан таҳдид ва жисмоний зўравонликни қўллади; ҳокимият идоралари айrim LGBTQI+ шахсларга нисбатан фоҳишабозликка қарши курашиш тўғрисидаги қонун бандларига асосан, сохта айбловлар кўйди.

Ҳукумат одамларни ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириди. Ҳокимият 2020 йилда 150 нафар одам савдоси жабрдийдасини аниқлади, бу кўрсаткич 2019 йилда 95 киши бўлган эди; бу жабрдийдаларни аниқлаш йиллик кўрсаткичларининг 2012 йилдан бери илк марта ошиши бўлди. Бироқ ушбу ҳолатларнинг 37 таси болаларни сотиш билан боғлиқ бўлган ва ҳукумат халқаро ҳуқуқقا кўра, бу рақамлар жинсий эксплуатация билан боғлиқ одам савдоси ва мажбурий меҳнат кўрсаткичларини акс эттиргани ёки эттирганини хабар қилмади. 150 нафар жабрдийданинг 138 нафари аёллар ва 12 нафари эркаклар бўлган (2019 йилги кўрсаткич 90 нафар аёл ва 5 нафар эркакдан иборат эди). Жинсий эксплуатация билан шуғулланувчилар жабрдийдаларнинг 89 нафарини, мажбурий меҳнатга жалб қилганлар 12 нафар жабрдийдани ўз хоҳишига қарши эксплуатация қилган (бу кўрсаткич 2019 йилда мос равища 89 ва 6 нафар бўлган); ҳокимият идоралари қолган 49 нафар жабрдийданинг ҳаётий аҳволи ҳақида маълумот бермади. Камида 70 нафар жабрдийда Ўзбекистонда (2019 йилда – 15 киши), қолганлар эса чет элларда эксплуатация қилинган. Ҳукумат яна асли чет эллик бўлган бирор жабрдийдани аниқламади. ННТлар ҳисобот даврида 239 нафар жабрдийдани аниқлаб, ёрдам кўрсатди (2018 йилда – 579 нафар, 2017 йилда – 676 нафар); ҳукумат шуларнинг неча нафари иши кўриб чиқишига берилганини хабар қилмади (2017 йилда – 171 та). ННТлар жардийдалар номидан жиноий иш очиш учун 121 та ариза берди; ҳокимият ўша аризаларнинг нечтаси расмий тергов билан тугагани ҳақида маълумот бермади (2018 йилда – 457 та ариза).

Ҳукумат халқаро шериклар кўмаги билан бир қонунни ишлаб чиқиб, эълон қилди, унда жабрдийдаларни ҳимоя қилиш тартиби ва сиёсатини жиддий тарзда такомиллаштиришга оид бандлар бор. Қонуннинг 27-моддасига кўра, одам савдоси жабрдийдалари мажбурлаш ортидан қилинган ҳаракатлар учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарлиқдан озод этилган. Ҳукумат яна дастлаб 2019 йили қабул қилинган президент фармонида кўзда тутилган ва халқаро шериклар билан ҳамкорликда ташаббус

билан чиқилган жабрдийдаларни аниқлаш ва уларга йўлланма бериш йўриқномасини ишлаб чиқди, бироқ асосий вазирликлар уни амалга ошириш юзасидан 2020 йилда ҳисобот бермади. Халқаро кузатувчилар фикрича, жабрдийдаларни аниқлаш бўйича йўриқнома талаблари етарли даражада бажарилмаслиги, айниқса, тижорат секси билан шуғулланувчи шахслар ва меҳнат мигрантлари ўртасидаги потенциал жабрдийдаларни ҳамон жазолаш хатарига гирифтор қилмоқда. Амалдаги қонунчиликда халқаро чегараларни кесиб ўтгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган трансмиллийекс ва иш кучи савдоси жабрдийдаларини ундан бевосита озод этмайди ва айни ҳол айрим жабрдийдаларни одам савдосидан жабр тортгани ҳақида хабар беришдан қайтараётган бўлиши мумкин. Пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида чегараларнинг ёпилиши ноқонуний миграцияни анча-мунча камайтирди; олдинги йилларда айрим жабрдийдалар чегараларни ноқонуний кесиб ўтгани учун жиноий жазога тортилган эди.

Жабрдийдаларни аниқлаш ва йўлланма беришга оид янги ижро тартиблари жабрдийдаларни бирламчи аниқлаш ва уларни давлат ёрдамини олиш учун тасдиқлаш бўйича вазирликларнинг кенгайтирилган рўйхатини белгилаб берган, шундан сўнг ишлар якуний тасдиқлаш учун маҳаллий одам савдосига қарши қурашиб комиссияларига тақдим этилар эди. Одам савдоси жабрдийдаларини аниқлаш ваколати бор амалдорлар уларни хизмат кўрсатилиши учун ё давлат маблағи эвазига юритилаётган бошпанага ва ёки ННТларга жўнатиши мумкин эди. Фуқаролик жамияти кузатувчилари ушбу икки босқичли жараён етарли даражада тавсифланмагани ёки ННТлар роли ҳисобга олинмаганидан, тегишли қонунчиликда жабрдийдаларга асосий эътибор қаратилиши кераклиги белгилаб қўйилган ҳолда бундай ёндашувлар йўқлигидан ва жараён табиатан ўта бюрократлашгани худудий комиссияларни жабрдийдаларни ўшандай мақом бермай туриб, ННТларга жўнатишига туртки бериши мумкинлигидан хавотир изҳор қилди. Жабрдийдалардан давлат бераётган ҳимоя хизматларидан фойдаланиш учун жиноятдан шикоят қилиб ариза бериш талаб этилмади; ҳукумат бундай шахсларнинг қанчаси кўмак олгани ҳақида маълумот бермади. Маҳаллий амалдорлар жиноят иши очилишини истамаган жабрдийдаларни ёрдам олиш учун ННТлар офицерларига жўнатиб турди. Айрим жабрдийдалар ҳокимият идораларига ишонмагани ҳамда шахсий ва оиласи хавфсизлигидан хавотир олгани учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этиш ёки улар билан ҳамкорлик қилишни истамади. Ўзбекистоннинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари ҳисобот даврида Ўзбекистон фуқаролари бўлган

50 жабрдийдани мамлакатга қайтаришда ёрдам берди (2019 йилда бу кўрсаткич 51 кишидан иборат бўлган эди). Ҳукумат пандемия билан боғлиқ иш жойлари ва чегаралар ёпилиб қолгани сабаб Қозогистон ва Россияда қолиб кетган минглаб ўзбек меҳнат мигрантларини ватанга қайтариш бўйича ҳам иш олиб борди; ҳукумат ушбу гурухларда одам савдоси аломатлари бор-йўқлигини текшириш бўйича кўрилган аниқ чоралар тўғрисида маълумот бермади. Ҳукумат “Мехр” кампанияси доирасида эркак қариндошлари билан Сурия, Ироқ ва Афғонистонга кетиб қолган, кейинчалик лагер – жамлоқларга кўпинча эксплуатация шартлари билан жойлаштирилган Ўзбекистон ватандошлари бўлган аёллар ва болаларни аниқлаб, юрга қайтарди. Гарчи ҳукумат ўша аёллар ёки болаларнинг ҳеч бирини одам савдоси жабрдийдаси сифатида ижобий таърифламаган бўлса-да, бутун ҳисбот даврида уларга беш ҳафта давомида молиявий маблағ ажратди, бошпана билан таъминлади, ўқитди, чекланган руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатди. Айрим ННТ кузатувчилари иддао қилишича, ўша кўмак кўрсатиш муассасаларида руҳий ва ижтимоий ёрдам даражаси паст бўлган. Ҳокимият идоралари яна Марказий Осиё ва Россия ҳукуматларидаги ҳамкасблари билан ушбу жамоатларни реабилитация қилиш ва жамиятга реинтеграция қилиш бўйича энг яхши амалиётлар бўйича тажриба алмашиш учун онлайн семинарлар ўтказди.

Ҳукумат 2020 йилда Тошкентдаги расмий жабрдийда мақомига эга бўлган эркаклар, аёллар ва болаларга мўлжалланган одам савдоси жабрдийдалари марказини ишлатиш учун 2019 йилдагидек 1,2 миллиард сўм (\$114 590) ажратди. Ҳукумат ўша муассасадаги 92 нафар жабрдийдага ёрдам берди, бу кўрсаткич 2019 йилда 220 нафар жабрдийда бўлган эди, бундай пасайиш пандемия сабаб чегаралар ёпилгани ва хизматлардан фойдаланиш чеклангани билан боғлиқ. Ушбу марказ бошпана берди, тиббий ва руҳий ёрдам, ҳуқуқий хизмат, ишга жойлашишда ва йўқолган шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тиклашда кўмак кўрсатди. Марказнинг чет эллик жабрдийдаларни жойлаштириш имкони ҳам бор эди, аммо ҳукумат у 2019 йилда очилгандан бери ҳеч бир чет эллик жабрдийдага хизмат кўрсатмади. Ҳукумат оиласидаги зўравонликка дучор бўлган аёллар, жумладан, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш учун 197 та марказни юритди; ушбу марказларни вилоят ҳокимликлари бошқарди ва маблағ билан таъминлаб турди, айрим марказлар фаолиятини одам савдосига қарши курашувчи маҳаллий ташкилотлар билан мувофиқлаштириб турди. Одам савдосига қарши курашувчи ННТлар ҳукумат билан яхши ҳамкорлик қилаётгани ҳақида хабар беришни давом эттирди. Ҳисбот даврида қабул қилинган президент

қарорида ННТларга қўшимча кўмак бериш ва уларни хуқуқий ҳимоя қилиш, жумладан, чет эллик донорлардан олинадиган йиллик молиялаш миқдорини ошириш, давлатнинг молиявий кўмагини кўпайтириш, марказлар фаолиятига тўсқинлик қиласдиган ҳукумат амалдорлари ёки юридик шахсларга маъмурий жарималар белгиланган. Бироқ фуқаролик жамияти кузатувчилари ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш чўзилиб кетаётгани айрим хизматларини кўрсатиши чеклаётганидан ташвиш изҳор қилди. Ҳукумат маҳаллий ННТларга жабрдийдаларга ёрдам кўрсатиши учун озиқ-овқат ва кийим-кечак сингари товарлар билан ёрдам кўрсатиши давом эттириди ҳамда у сўнгги йилларда илк марта айрим одам савдосига қарши курашаётган ННТларга бевосита молиявий кўмак кўрсатгани ҳақида маълумот берди. Бир неча ННТ ҳам танловда қатнашиб, давлатнинг умумий ёрдам жамғармасидан жами 461 миллион сўмлик (\$44 020) грантлар олди (2019 йилда бу кўрсаткич 817 миллион сўм ёки \$78 020 бўлган эди). Одам савдосига қарши курашиш бўйича янги қонунчиликда жабрдийдаларга оид маълумотлар сир сакланиши ҳақидаги банд кучайтирилди, бироқ бу жабрдийдаларнинг шахси суд жараёнида ошкор қилинишига нисбатан ҳам қўлланишига тегишли экани ёки эмаслиги маълум эмас. Гарчи жабрдийдалар одамфуруушларга қарши фуқаролик даъвоси киритиши мумкин бўлса-да, бундай мисоллар адвокатларни ёллаш нархи қимматлиги сабаб жуда кам бўлди, бундай ёрдамни давлат кўрсатмайди, жабрдийдалар кўпчилигининг эса чўнтағи кўтармайди. Бир ННТ ёрдами билан камида 10 нафар жабрдийда 2020 йилда товон пули олди (бунга оид 2019 йилги маълумот йўқ).

Ҳукумат профилактика чораларини кучайтириди. У Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ишини давом эттириди, унда Сенат раиси миллий маъruzachi ҳисобланади. Комиссия 2 та юқори даражадаги кичик комиссиядан иборат: биттаси одам савдосига қарши курашиш бўйича кичик комиссия бўлиб, унга ички ишлар вазири, яна бири мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича кичик комиссия бўлиб, унга бандлик ва меҳнат муносбатлари вазири раислик қиласди. Комиссия 12 та вилоят ҳамда биттаси автоном республика ва яна бири мустақил шаҳарда (Тошкент) жойлашган минтақавий комиссиялар фаолиятига раҳбарлик қиласди. У ҳар ойда бир марта йиғилиш ўтказиб турди, вилоят комиссиялари пандемия билан боғлиқ муаммоларга қарамай, ҳар 14 қунда бир марта мажлис ўтказди. Ўзбекистоннинг одам савдосига қарши курашувчи фуқаролик жамияти вакиллари миллий ва минтақавий мажлисларда иштирок этиб турди. Айрим халқаро кузатувчилар комиссия таркибида котибият тузилмаси бўлмагани

учун у билан фуқаролик жамиятидаги шериклари ўртасидаги мувоғиқлаштириш ва мuloқот етарли бўлмаганини қайд этди. Ҳукумат комиссия фаолият кўрсатиши учун марказлаштирилган ҳолда маблағ ажратмади, бунинг ўрнига комиссияга аъзо бўлган вазирликлардан маблағ ажратишни талаб қилди; хабарларга кўра, бундай схема ННТлар ва халқаро ёрдамга ҳаддан зиёд қарамликка сабаб бўлди. Ҳукумат 2020 йилда халқаро ҳиссани ҳисобга олган ҳолда миллий ҳаракат режасини янгилади, аммо ушбу янгиланишлар ҳақида маълумот бермади; у яна ННТлар ишлаб чиқсан йўл харитасини ва халқаро ташкилот ўзига ўтган ҳисбот даврида тақдим этган тавсиялар туркумини сақлаб қолди.

Умурзаков Баҳтиёр Боҳодирович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти катта
ўқитувчиси, подполковник

Ички ишлар органлари ўкув муассасаларида кадрларларни тайёрлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан 2022 йил 28 январда қабул қилинган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чукур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгиланди. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги еттига устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди⁹⁸.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони//<http://www.lex.uz>

соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Таракқиёт стратегияси доирасида 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг қуидаги еттига устувор йўналиши белгиланди: инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш; маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш; миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш; мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Мазкур устувор йўналишларнинг тўртинчиси (адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш) доирасида таълим ва фан соҳасини ривожлантириш масалалари назарда тутилган бўлиб, унда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттиришга қаратилган чора-тадбирларнинг олиб борилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларидан келиб чиқсан ҳолда, шунингдек Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида белгиланган кадрлар тайёрлашнинг асосий йўналишлари, шу жумладан давлат хизматчиларига қўйилаётган талаблар ва бу соҳада амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирларга мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган: а) фуқароларнинг ҳуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш; б) қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашдек асосий вазифаларни самарали бажарилишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этишга қаратилган туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш жараёнлари кундан-кунга мураккаблашиб,

янада долзарб вазифага айланмоқда. Ушбу вазифаларни самарали бажариш жараёнлари ички ишлар органларининг кадрлари билан ишлаш фаолиятига бевосита боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан “халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган, ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бу борада ички ишлар органлари ходимларига муҳим талаблар қўйилмоқда. Бундай талаблар ички ишлар органларида кадрлар билан ишлашни доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ички ишлар органларининг кадрлар билан ишлашни ташкил этиш борасидаги вазифалари амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ИИВ ўқув муассасалари зиммасига юклатилган.

Ички ишлар органлари ўқув муассасалари қаторига ИИВ Академияси ва Малака ошириш институти фаолият олиб бормоқда. Уларнинг асосий фаолияти ички ишлар органлари хизматга фуқароларни қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, уларнинг хизматида кўтарилиши ва бошқа лавозимга ўтиши, шунингдек қасбий тайёргарлигини таъминлаш, ходимлар ва уларнинг оиласарига ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам қилиш, хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя этиш ҳамда ташкилий-штат ишлари соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлик⁹⁹.

Албатта, мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши аввало тизимда фаолият олиб борувчи кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ бўлиб, бу эса ушбу соҳадаги оқилона кадрлар сиёсати асосида таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413-сон қарорда назарда тутилган хизматни ташкил этишни такомиллаштиришнинг қуидаги устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси сифатида бўш лавозимларни жамлаш ва кадрлар захирасини, биринчи навбатда, ўз қасбий фазилатлари, ахлоқий кўриниши, хулқ-атвори ва маданият даражаси билан намуна бўлган истиқболли бошқарув таркибини шакллантиришнинг таъсирчан механизмини жорий этиш ҳамда ички ишлар органларининг барқарор профессионал

⁹⁹ Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 616 б.

кадрлар таркибини шакллантириш, кадрлар қўнимсизлигини пасайтириш, ходимларнинг узоқ муддатли хизматини рағбатлантириш, шунингдек шахсий таркибни унинг қасбий малакаси, шахсий фазилатлар ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда лавозимларга оптимал тақсимлаш деб белгиланган.

ИИО учун кадрларни тайёрлаш учун ўқув муассасалар орасида ИИВ Малака ошириш институти алоҳида ўрин эгаллайди. Институтнинг фаолияти асосий йўналишлари сифатида қўйдагилар белгиланди:

1) ИИО соҳавий хизматларининг барча йўналишлари бўйича сержантлар таркиби ходимларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш соҳасида маҳсус қасбий тайёрлаш;

2) ИИОнинг сафдор ва офицерлар таркибидаги лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимларни бошланғич қасбий тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари асосида ўқитиш;

3) ИИОнинг барча тоифадаги ходимларини инновацион ахборот ва педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, шу жумладан турдош йўналищдаги республика олий таълим муассасалари базасида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юклатилган асосий ва замон талаблари асосида қўйилаётган янги вазифаларни самарали бажарилишини таъминлай оладиган, халқаро ҳуқуқ номалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларига, шунинг-дек миллий қонун талаблари асосида давлат хизматчиси, хусусан, ички ишлар органлари ходимларидан юксак маънавий, ахлоқий, қасбий фазилатларга эга бўлган профессионал мутахассис кадрлар бўлишни талаб қилди.

Ички ишлар органлари тизимида кадрлар билан ишлаш фаолияти мураккаб ҳамда серқирра жараён бўлиб, уни ташкил этишнинг асосий вазифалари сифатида қўйидагиларни кўрсатишимиш мумкин:

1) ички ишлар органлари ходимларини танлаш, ўрганиш ва жой-жойига қўйишни, раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлашни ташкил этиш;

2) кадрлар билан ишлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш, уни янада такомиллаштириш ва ички ишлар органларининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш бўйича устувор йўналишларни белгилаш;

3) ходимлар томонидан мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш, коррупция ҳолатлари ва қонунга зид бошқа хатти-ҳаракатлар содир этилишини ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш ва профилак-тикасини амалга ошириш;

- 4) ходимларнинг касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ташкил этиш;
- 5) ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш;
- 6) ички ишлар органлари таълим муассасаларида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлаш;
- 7) ходимлар билан маънавий-тарбиявий ишларни, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортишни ташкил этиш;
- 8) ходимларнинг қонуний фаолиятига аралашиб ҳолатларига барҳам бериш чораларини кўриш;
- 9) ходимларининг соғлигини сақлаш, меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни уйжой билан таъминлаш, хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан ички ишлар ходимлари ёки уларнинг яқин қарин-дошлари мол-мулкига етказилган заарни қоплаш, давлат пенсия таъминоти, давлат суғуртасини, шунингдек ходимлар ва уларнинг оиласига қонунга мувофиқ ижтимоий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;
- 10) ходимларнинг жанговар ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, малакали кадрларни тайёрлаш учун асосийси касбий тайёргарликни ривожлантиришда жанговар, жисмоний ва психологик машқларни танлаш эмас, балки машғулотларни методик жихатдан расмийлаштириш ҳисобланади. Масалан, машғулотларда чукурликка ёки пастликка сакрашни қўллашда дадилликни тарбиялаш вазифаси қўйилиши мумкин, бошқа ҳолатда оёқ пайлари кучли бўлишини таъминлаш мақсади қўйилади. Жисмоний машқлар умумий ва маҳсус психологик тайёргарликлар учун қўлланилади. Умумий кадрларни тайёрлашда жанговар, жисмоний ва психологик тайёргарлик учун қўлланиладиган машқлар, жанговар ва маърифик тайёргарликнинг бошқа бўлимлари метод ва усуллари каби, ходимларнинг касбий шаклланиш босқичи ва фаолият йўналишидан қатъи назар, ҳаракатланиши учун зарур бўлган ахлоқий-иродавий сифатларининг шаклланиши ва такомиллаштиришни таъминлаши керак.

Маҳсус касбий тайёргарлик қўйилган вазифани муваффақиятли бажариш учун қобилият, кўникма ва малакаларнинг мақсадли йўналганлигини фаоллаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ишонч ҳисси, етарлича жисмоний куч, касбий маҳорат захирасини яратишни қамраб олади. Ушбу тайёргарлик касбий йўналиш ҳамда профессионал шаклланиш босқичларига қараб турлича бўлади. Шунинг учун жисмоний машқларни қўллаш

методикаси ҳам махсус касбий тайёргарликнинг мақсад-манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос бўлади.

Курсант ва тингловчилар ёки ходимларнинг профессионал шаклланиши босқичларидан ҳар бирида тегишли машқлар ёрдамида қуидаги масалалар ҳал қилинади:

- ўз мутахассислик йўналиши учун муҳим бўлган руҳий хислатларнинг тез ривожланиши;
- мутахассислик йўналиши бўйича муҳим бўлган жисмоний ва руҳий хислатлар ҳамда амалий кўникмаларни тарбиялаш ва такомиллаштириш;
- организм функционал тизимларининг хизмат фаолияти шароитлари ва ташқи муҳит омилларининг ўзига хос таъсирига мослашуви тайёрлигини яратиш;
- юқори даражада жисмоний шуғулланганлик ҳисобига организмнинг физиологик захираларини ошириш;
- иродавий хислатлар (дадиллик, қатъиятлилик, сабот-матонат, ўз кучига ишонч ва бошқ.)ни тарбиялаш ва такомиллаштириш;
- ўзининг эмоционал ҳолатларини бошқариш, мускулларнинг ортиқча зўриқишини бартараф этиш қобилиятларини пайдо қилиш;
- иш қобилиятининг тез тикланиши, руҳий зўриқганликни бартараф этишни таъминланиши;
- жамоа таркибида ҳаракат қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий сифатларни тарбиялаш;
- алоҳида вазиятларда ҳаракат қилиш вақтида ўз кучига ишончни тарбиялаш ва ҳоказо.

Ушбу масалаларни ҳал этишда таълимнинг барча воситалар билан ички ишлар органлари ходими шахсини шакллантириш, унинг ғоявий чиникқанлигини ошириш, у ҳимоя қилиши ва қўриқлаши лозим бўлган ишнинг, фаолиятнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишини таъминлашни доимий равища ёдда тутиш керак.

Ғоявий тарбия масалалари жисмоний тайёргарликнинг назарий машғулотларида бўлгани каби амалий машғулотлар боришида ҳам олдиндан ўйланган ва аниқ режалаштирилган тадбирлар йўли билан ҳал қилинади.

Психологик тайёргарликни курсантлар ва тингловчилар онгиға яхши сингдириш учун жисмоний машқларнинг жисмоний тайёргарлик дастурида амалда кўзда тутилган бутун комплексини қўллаш мумкин. Бироқ, бунинг учун машғулотлар ўтказиша қуидаги бир қатор талабларга риоя этиш зарур:

- шуғулланувчилар ўзлаштириб бўлинган машқларни бажаришларида ҳал қилиши лозим бўлган ўқув вазифаларини мураккаблаштириш;
- асабий-рухий зўриқиши ҳолатида, ўзини оқладиган таваккал-чилик ҳолатидаги ишларда тажриба эгаллаш;
- ўқув-жанговар фаолиятга хос бўлган (оловли йўллардан ўтиш, портловчи пакетларни қўллаш, тоғли ҳудудларда машғулотлар ўтказиш ва шунга ўхшаш) омиллар таъсирида жисмоний машқларни бажариш;
- алоҳида шароитлар (узоқ давом этадиган яёв маршлар, катта масофаларга сузуб бориш, нотаниш ҳудудларда ҳаракатланиш ва шу кабилар)да ҳаракатланиш кўникмаларини эгаллаш;
- жисмоний шуғулланганликнинг юқори даражасини ўзлаштириш.

Кадрларни тайёрлаш бўйича жанговар, жисмоний, психологик тайёргарлик масалалари кўриб ўтилар экан, шуни доимо ёдда тутиш керакки, бу жисмоний машқлар ёрдамида ҳал қилинадиган қўплаб вазифаларининг фақат биригина, холос. Жисмоний тайёргарлик учун ажратилган ўқув вақтининг чегараланганлиги машғулотларнинг умумий тизимида ҳал қилинадиган барча вазифаларнинг чамбарчас боғлиқлигини талаб қиласди. Жисмоний тайёргар-лик ягона, бир бутун жараён сифатида қаралиши керак, унинг таркибидаги психологик тайёргарлик эса фақатгина илмий билиш усули ҳисобланиб, масалани чуқурроқ ўрганишни таъминлайди.

Шералиев Шокир Эргашевич

ИИВ Малака ошириш институти, Ахборот технологиялари цикли катта ўқитувчиси
Рисқалиев Жахонгир Дадажон ўғли
 ИИВ Малака ошириш институти, Ахборот технологиялари цикли ўқитувчиси

Ахборот технологиялари ёрдамида одам савдосига қарши курашиш имкониятлари

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш XXI асрнинг жиддий муаммолардан биридир. Ривожланиб бораётган ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган жиноятчи гурухларга ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бермоқда.

Бизга маълумки, ҳозирги даврга келиб, дунёда одам савдосига қарши курашиш учун жуда катта самарали ишлар қилинмоқда. Ахборот технологиялари ёрдамида жиноятларни тезкорлик билан иссиқ изидан очиш ва

уни тўхтатиб қолиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Шу жумладан замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этишда ахборот технологиялари орқали тезкор-қидирудини амалга оширилади.

Одам савдосига қарши курашишда оммавий ахборот воситалари иштироқида аҳоли ўртасида тушунтириш-профилактика ишлари мажмуини амалга ошириш ва оммавий ахборот воситалари одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан ахолининг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятини юксалтиришга, одам савдосига нисбатан жамиятда муросасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритиши мумкин.

Одам савдосига қарши самарали курашишни таъминлаш, одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг жиной фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ҳамда тегишли ахборотни тизимлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқа давлат органлари билан биргаликда одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базаси яратилишида катта ишлар амалга оширилмоқдалар.

Маълумотлар базасига Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросидан тезкор алоқа, ишонч телефонлари орқали ва бошқа манбалардан олинган ахборот киритилади. Одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ҳақидаги ва одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар тўғрисидаги ахборот - аёллар ва болалар ҳақидаги ахборот алоҳида ажратилган ҳолда, шунингдек уларга кўрсатилган ёрдам натижалари ҳақидаги, фойдаланиш турлари, жиноят содир этиш усуллари тўғрисидаги ва бошқа ахборотлар маълумотлар базасига киритилиши мухим ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахснинг шахсини тўғридан-тўғри ёки билвосита кўрсатувчи маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этишга, одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсга нисбатан эса ота-онасининг ёки ота-онаси ўрнини босувчи

шахсларнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас.

Мисол қилиб айтадиган бўлсак, мутахассислар BMT News билан баҳам кўришларича “Қоронғу интернетдан фойдаланиш”, одам савдоси орқали одамларни қурбон қилиш ва ундан даромад олиш учун одам савдогарлари тобора даҳшатли тезликда интернетдан фойдаланишлари статистик маълумотлар асосида аниқланган. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, Қўшма Штатларда жинсий савдо қурбонларининг тахминан 40 фоизи онлайн тарзда ёлланади, бу эса интернетда жабрланувчини ёллаш энг кенг тарқалган жойга айлантиради. Шахсларни яшириш ва онлайн анонимликни ошириш, жиноятчилар ва уларнинг шериклари шифрланган иловалар орқали мулоқот қиласидилар ёки уланиш учун даркнетдан фойдаланадилар. Жабрланувчиларни ёллаш соҳта ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилади.

Одам савдогарлари, шунингдек, ота-она ҳимоясисиз жонли чат фирибгарликларидан фойдаланиб, одам савдогарига зудлик билан алоқа қилиш ва мақсадли ёш қурбонлар билан сухбатлашиш имкониятини беради.

Баъзи технологияни яхши биладиган одам савдогарлари, шунингдек, жабрланувчининг жойлашувига кириши мумкин бўлган, шунингдек, видео қўнгироқлар пайтида шахснинг суратларини олиши мумкин бўлган жойлашувни аниқлаш иловаларидан фойдаланади. Бу эса янги мураккаб технологиялар, хусусан, криптовалюталар орқали топилган даромадлар атрофида пайдо бўлади ва бу одам савдогарларига катта микдордаги пулни олиш, яшириш ва кўчиришни осонлаштиради.

Одам савдоси билан шуғулланувчилар ўз қурбонлари устидан назоратни сақлаб қолишади, агар улар талабларини бажармасалар, уларнинг интим фотосуратлари ёки видеоларини оиласлари ва дўстларига тарқатиш билан таҳдид қолишади, қурбонларни эрта ёшда қўлга киритишади ва бу тасвирлардан онлайн бозорларда фойдаланишади.

Кўпчилик интернетни ва жиноятчилар одамларга зарар етказиш учун фойдаланган онлайн технологик ютуқлар сонининг ортиб бораётганини айблашга шошилса-да, баъзи ҳимоячилар худди шу технологиядан, хусусан, сунъий интеллектдан эксплуатацияга қарши курашда фойдаланиш мумкинligини айтишмоқда, шу билан бир қаторда улар интернетдаги одам савдосига халақит берадиган технологияни ишлаб чиқиш орқали жамоат хавфсизлигининг олдинги сафларида бўлишга умид қилмоқда.

Улар ишлаб чиқаётган сунъий интеллект бир вақтнинг ўзида миллионлаб онлайн рекламалар орқали, хусусан, “қайнок нұқта” катталар хизматлари веб-сайтларида ишлайди.

Технологиянинг ривожланиши одам савдоси жиноятига мухим таъсир кўрсатиб, муаммолар ва имкониятларни одамларда тақдим этган ҳолда ундан ижобий фойдаланиш амалиётчиларга одам савдосига қарши курашда ёрдам бериши мумкин, масалан, терговга ёрдам бериш, жиной таъқибларни кучайтириш, хабардорликни ошириш, жабрланувчиларга хизмат кўрсатиш ва бу борада янги ойдинлик киритиш, одам савдоси тармоқларини яратиш ва улардан фойдаланиш. Шуни инобатга оладиган бўлсак, одам савдосига барҳам бериш бўйича келажакдаги муваффақият, унинг кўп кўринишларида, мамлакатлар ва жамиятларнинг қандай тайёрланиши ва жиҳозланишига боғлиқ бўлади.

Хозирги кунда олиб борилаётган тадқиқотлар ва тўғридан-тўғри далиллар шуни кўрсатадики, технология одам савдогарлари томонидан барча босқичларда суистеъмол қилинади, шу жумладан қурбонларни ёллаш, назорат қилиш ва эксплуатация қилишдир.

Одам савдоси бўйича глобал ҳисботидаги ҳолатлар таҳлили жиноятчиларнинг қандайлигини кўрсатади. Потенциал қурбонларни аниқлаш орқали ўз ҳаракатларини кетма-кетлиги ижтимоий тармоқлар, ишончли муносабатларини ўрнатиш ва кейинчалик уларни эксплуатацион вазиятларга жалб қилиш хавфи ўсиб бормоқда.

Ўзбекистонлик меҳнат мигрантларига ёрдам беришга мўлжалланган телеграм-бот ишга туширилганлигини айтиб ўтишимиз мумкин. Унда чет элда ишлаш ва яшаш қоидалари, уларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари, шунингдек, чет элда ишлаётганларни қўллаб-қувватлаш турлари тўғрисида билиб олиш мумкин. Бундан ташқари, ботга одам савдоси тўғрисида маълумот юборилиши мумкин. Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссияси ва USAIDнинг “Марказий Осиёда хавфсиз миграция” лойиҳаси Ўзбекистонликлар учун @salom_migrant_bot ботини яратди. Ушбу бот орқали мигрантлар қонуний меҳнат миграцияси ва хорижда яшаш қоидалари тўғрисида маълумот олибина қолмай, одам савдосининг мавжуд хатарлари тўғрисида ҳам огоҳлантирилади, қайтиб келган ёки ҳозирда хорижда бўлган мигрантларга ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича маслаҳат берилади.

Бундан ташқари, бот орқали одам савдоси билан боғлиқ вазият юзасидан онлайн “долзарб алоқа”га мурожаат қилиш имконияти бор. Бу каби мурожаатлар бевосита тўғридан-тўғри Одам савдосига қарши курашиш

масалалари бўйича кичик комиссиясига ҳам йўналтирилади. Бот томонидан тақдим этилган маслаҳатлар хорижда хавфсиз ишни топишга ёрдам беради ва уйга қайтаётган мигрантларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида маълумот бериб, ёрдам кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда одам савдосига самарали қарши курашишга ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга тўскинлик қилаётган бир қатор салбий омиллар ҳам сақланиб қолинмоқда. Хусусан, ваколатли органларнинг ташаббускорлиги етарли эмаслиги, етарли даражада идоралараро ҳамкорликнинг йўқлиги, мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар тўғрисида холис ва ишонарли ахборотни кенг жамоатчиликка ва халқаро ҳамжамиятга етказиш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирларнинг уйғунлаштирилмаганлиги, қонунчилик базасининг халқаро стандартларига номувофиқлиги, бу эса одам савдосига ва мажбурий меҳнатга дахлдор шахсларни самарали таъқиб қилиш ва жазолашга тўскинлик қилмоқда.

Нурматов Зоиржон Позилович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Андижон академик лицей
директори подполковник

Андижон вилояти Ички ишлар органлари томонидан 2021 йил 9 ойи давомида ҳисобга олинган одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг таҳлили, бу турдаги жиноятларни, фош этиш ва тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш чоралари ҳусусида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ “хар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик хуқуқига эга бўлиб, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиикқа дучор этилиши мумкин эмас”лиги, кўрсатиб ўтилган.

Одам савдосига Жиноят кодекси маҳсус қисмининг 135-моддасида таъриф берилган бўлиб, унга кўра “Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш”дан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 август кунги янги таҳрирда қабул қилинган “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонунда “одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг

бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суюистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг ўзга шаклларини, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эркисзлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олишни англатиши, одам савдосидан жабрланган шахс-одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахс”, эканлиги кўрсатиб ўтилган.

XX аср охирларига келиб одам савдоси бутун инсониятга қарши асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолди. Одамдан эксплуатация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар ошиб бориши тенденцияси бундай ижтимоий хавфли қилмишлар охир-оқибатда жамиятнинг демократик негизларига тажовуз қилиши билан миллий хавфсизликка ҳам таҳдид солади.

Ўзбекистон одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро хужжатларни, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу Конвенциясини тўлдирувчи «Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги Протоколни ратификация қилди, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Конун қабул қилинди ва халқаро ҳукуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тегишли ўзгартиришлар киритди.

Одам савдоси жинояти учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодексининг 135-моддасининг биринчи қисмида “одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ифодаланган қилмишдан иборат бўлиб, бунинг учун уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланаши кўрсатиб ўтилган.

Олди-сотди тариқасидаги одам савдоси одамнинг бир шахс томонидан бошқасига пул, бошқа моддий қимматликлар (мулк), мулкий характердаги хизматлар, мулкий ёки пул шаклидаги қарздан воз кечиш сифатидаги ҳақ

эвазига берилиши тўғрисида ёзма ёки оғзаки битим тузилишини назарда тутади. Бундай кўринишдаги одам савдосида одам қандай мақсадларда сотиб олинганлиги (сотилганлиги) хуқуқий аҳамият касб этмайди.

Шахс одамни унинг эвазига ҳақ олинганидан сўнг топшириш шарти билан сотишга ваъда бериб, бироқ азалдан унинг қасди моддий қимматликларни эгаллашга қаратилган ва унда битим шартларини бажариш нияти бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этади, олувчининг ҳаракатлари эса сотиб олиш тариқасидаги одам савдосига суюқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

Олиш-сотиш тариқасидаги одам савдосидан фарқли равища, Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган бошқа барча ҳоллар яъни, ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилишда жиноий жавобгарлик юзага келишининг зарур шарти одамни эксплуатация қилишга қаратилган мақсад мавжудлиги ҳисобланади.

Одам меҳнати ва хизматларидан меҳнат, фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ масалан, қурилиш ёки майший пудрат, ҳақ эвазига хизмат қўрсатиш, йўловчи ва юк ташиш, транспорт экспедицияси ва бошқа шартномалар бўйича фойдаланилган барча ҳолларда одам эксплуатацияси мавжуд бўлмайди. Бундай хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик билан боғлиқ низолар фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилиши керак бўлади.

Ёллаш деганда, эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор-бир фаолият билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият, яъни эксплуатация обьектини қидириш, тўплаш, у билан музокара юритиш ва бошқалар тушунилади;

Ташиш - шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган, яъни ижро этиладиган, бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб беришни англаатади. Бунда етказиб бериладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мўлжалланганлиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта ахоли пункти доирасида ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин;

топшириш - одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланади;

яшириш - жабрланувчини ҳокимият вакилларидан, қариндошларидан ёки унинг тақдиридан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфия сақлашда ифодаланади;

қабул қилиш - одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгаликка олиш масалан, ҳадя тариқасида, вактинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига ва бошқаларни англатади, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно.

Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисмида одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш каби ҳаракатлар:

- а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- в) ожиз аҳволдалиги айбордога аён бўлган шахсга нисбатан;
- г) айбордога моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;
- д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- е) бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил биритириб;
- ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишида ушлаб турган ҳолда;
- и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;
- к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, - беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолананиши белгиланган.

Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «а» бандида қўрсатилган ўғирлаш деганда, одамни қонунга хилоф равишида, яширин ёки ошкора қўлга киритиш ва унинг эркига хилоф равишида уни олиш-сотиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида бошқа жойга олиб кетиш тушунилиши лозим.

Зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, боғлаш, озодликдан маҳрум этиш, уриш-дўппослаш, ушлаб туришдан бошлаб, жабрланувчининг соғлиғига енгил ёки ўртacha оғир шикаст етказиш, шунингдек, жабрланувчининг соғлиғига зиён етказмаган бўлса-да, бироқ қўлланилган пайтда бундай зиён етказишга реал имконият туғдирган зўрликкача бўлган ҳар қандай мажбурлаш тушунилиши лозим.

Бошқа шаклдаги мажбурлаш деганда, жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларининг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд шикаст

етказиш ёки нобуд қилиш билан таҳдид қилиш, жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари обрўсини тўқадиган маълумотларни ёки уларнинг хуқуқлари ёки қонуний манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни тарқатиш ёхуд жабрланувчини айборнинг у ёки бу кўрсатмаларини бажаришга мажбур этадиган вазиятни вужудга келтирадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тушунилиши керак.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «Г» бандида кўрсатилган моддий қарамлик, жумладан, жабрланувчи айборнинг тўлиқ ёки қисман қарамоғида бўлганлигани, қарздорнинг кредиторга мутелигини ва бошқаларни англаради.

Бошқа жиҳатдан қарамлик деганда, жабрланувчининг айборга ҳар қандай номоддий қарамлигини масалан, оилавий муносабатлар, тобе шахснинг раҳбарига, ўқувчининг ўқитувчига қарамлигини тушуниш зарур.

Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «Ж» бандида кўрсатилган хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда дейилганда, бундай жиноят мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ваколатларидан Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган ҳар қандай қилмишни енгиллатиш мақсадида фойдаланган бошқа шахс томонидан содир этилганлигини билдиради.

Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «З» бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбор жабрланувчини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки унинг ҳудудига Давлат чегараси орқали қонуний ёки қонунга хилоф тарзда ташийди ёки бошқа тарзда ўтказади ёхуд шахсни унинг эркига зид равишда хорижий давлат ҳудудида ушлаб туради.

Жабрланувчини чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиши ёки Ўзбекистон Республикаси дипломатик ёки консуллик муассасалари билан алоқа боғлаш имкониятидан маҳрум қилганида намоён бўлади.

Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисмида эса ҳудди шу юқоридаги ҳаракатлар:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айборга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;
- б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;
- в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса,- саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланаши белгилаб ўтилган.

Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисми «б» банди бўйича жиноий жавобгарлик, фақат одам савдосида объект сифатида иштирок этган шахс ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар эҳтиётсизлик оқибатида етказилган тақдирдагина келиб чиқади.

Бошқа оғир оқибатлар сифатида, жумладан, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши, унга таносил ёки ОИТС касали юқтирилганлиги, руҳий ҳолати бузилиши ва бошқаларни тан олиниши мумкин.

Қонун мазмунига қўра, алдаш йўли билан содир этилган олиш-сотиш, шунингдек, одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиб, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тариқасидаги одам савдоси Жиноят кодексининг

135-моддаси диспозицияси билан қамраб олинади ва Жиноят кодексининг 168-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, Жиноят кодексининг 168-моддаси учинчи қисми «а» банди бундан мустасно.

Одам савдоси жинояти Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисмининг «ж», «з», «и», «к» бандлари, учинчи қисмининг «б» банди билан квалификация қилинганда, қилмишни Жиноят кодексининг мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишга, фақат қонуннинг бошқа нормасида Жиноят кодексининг 135-моддаси тегишли қисми санкциясида белгиланган жазодан оғирроқ жазо белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Агар одам савдосида шахс баданига қасдан оғир шикаст етказилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан қамраб олинмайди. Бундай ҳолларда айборнинг харакатлари Жиноят кодексининг 104-моддаси тегишли қисми билан қўшимча квалификация қилиниши лозим.

Жорий йилнинг 9 ойида вилоят бўйича жами 6 та (*2020 йил 9 ойида 6 та*) одам савдоси жиноятлари ҳисобга олинган.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар Андижон шаҳри, Андижон тумани ва Хўжаобод туманларида 2 тадан содир этилган. Бошқа шаҳар-туманларда одам савдоси жинояти қайд қилинмаган.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида ҳисобга олинган жами 6 та одам савдоси жиноятларнинг 2 тасини Жиноят кодексининг 135-моддаси 1-қисми, 3 тасини 2-қисми, 1 тасини 3-қисми билан содир этилган жиноятлар ташкил қиласди.

Тергов қилинган жиноят ишлари таҳлил қилинганида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар қўйдаги соҳаларда кўп содир этилаётганлиги маълум бўлди.

-Жумладан, чақалоқ савдоси, бунда аксарият беникоҳ түғилган чақалоқларни оналари томонидан сотиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Шаҳвоний эксплуатация, бунда турмушга чиқмаган ёки турмушдан ажраган енгил табиат аёлларни чет элга фохишалик билан шуғилланишлари учун юбориш ҳолатлари кўпроқ кузатилиб, уларни турли хил касалликларга чалинишларига сабаб бўлмоқда.

Мажбурий меҳнат, меҳнат мигрантларини чет элда уларнинг эркига қарши, қулликка сотиб, меҳнатларидан текинга фойдаланиш ҳолатлари мавжуд.

Хусуан, жорий йилда ҳисобга олинган одам савдоси билан боғлиқ қайд этилган жами 6 та жиноятларнинг барчаси Шаҳвоний эксплуатация билан боғлиқ ҳолда содир этилган.

Мисол учун, фуқаролар Д.Тешабоева, С.Камолова ва О.Абдуллаевалар Хўжаобод тумани Бешкарам МФЙ Пок ният кўчасидаги яшаш хонадонларида фохишахона ташкил этишиб, фуқаролар Т.Хусанова ва Х.Шахобиддиновналарни фохишаликка ёллаб, улардан шахвоний мақсадларда фойдаланишган.

Мазкур ҳолат юзасидан Хўжаобод тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят иши бўйича Д.Тешабоева, С.Камолова ва О.Абдуллаеваларга нисбатан Жиноят кодексининг 135-моддаси тегишли қисми билан айблов эълон қилиниб, жиноят иши айблов хулосаси билан суд муҳокамасига юборилган.

2020 йил 12 декабрь куни соат 16.30 ларда ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро Д.Комилова Жалолқудук тумани Бозорбоши МФЙ Ўзбекистон кўчасида жойлашган “Гап” номли ошхонада ўзининг 2020 йил 15 август куни тугилган, вояга етмаган фарзанди М.Хасановни холис харидор Ф.Матмусаевага 5.200 АҚШ доллари микдоридаги пуллар эвазига сотган вақтида ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жалақудук тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, Д.Комилловага нисбатан Жиноят кодексининг 135-моддаси З-қисми “а” банди билан айблов эълон қилиниб, жиноят иши айблов хулосаси билан суд муҳокамасига юборилган.

Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ҳисботларига кўра Ички ишлар органларининг Тергов бўлинмалари томонидан 2021 йил 9 ойи давомида тергов қилинган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларининг 5 таси 8 нафар шахсларга нисбатан айблов хулосаси билан суд муҳокамасига юборилган.

Одам савдоси билан боғлиқ тергов қилинган жиноят ишлари таҳлил қилинганида, асосан яқин танишлар ўртасида, уларни алдаш, мўмайгина

пулларни ваъда қилиш орқали амалга оширилаётганлиги, бугунги кунда одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг аксариятини ёшлар, хусусан қизлар ва аёллар ташкил қилаётганлиги, энг ачинарлиси, улар орасида вояга этмаган шахсларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлмоқда.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда, ишга алоқадор бўлган шахсларнинг кўрсатувлари, айборнинг шахси, айбор ва жабрланувчи ўртасида бўлган сўзлашувлар ёзиб олинган аудиоёзувлар, видеотасвирлар, олди-сотди ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ олинган пул маблағлари, бошқа ашёвий далиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу ҳолатлар шахснинг жиноий қилмишларини исботлашда муҳим далиллар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги Қонунинг 11-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари қуидагилардан иборатdir.

- одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;
- одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади;
- одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди, шу жумладан замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этади ҳамда амалга оширади, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди;
- одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гурухлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликни амалга оширади;
- одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гурухлар ва жиноий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот тақдим этади;
- оммавий ахборот воситалари иштирокида аҳоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш бўйича тушунтириш-профилактика ишлари мажмуини амалга оширади;

- одам савдосига қарши курашиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган тадбирларни амалга оширади;

- одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қиласди.

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Мазкур қонунинг 18-моддасида “одам савдосининг олдини олиш” йўналишлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра:

- фуқароларнинг одам савдосидан жабрланишининг олдини олишга, уларнинг ҳимоясиз ва хавф остида қолишига сабаб бўлган ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни;

- одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва ушбу муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида мазкур соҳадаги фаолиятнинг доимий мониторингини амалга оширишни;

- одам савдосидан жабрланганлар тушиб қолиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар ҳақида, давлат ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар томонидан тақдим этиладиган ҳимоя чоралари тўғрисида, одам савдосига қарши курашиш учун давлат томонидан қўрилаётган жиноий ва маъмурий таъсир чоралари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини оширишни;

- туристик фаолиятни, шунингдек аҳолини иш билан таъминлашга оид фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятига доир талабларни белгилашни;

- Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим муассасаларида ва нодавлат таълим ташкилотларида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги таълим дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишни;

- одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ходимларини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чораларини кўришни.

- одам савдосининг олдини олиш қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Тергов бўлинмалари томонидан одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш мақсадида, корхона, муассаса ва ташкилотларда,

таълим даргоҳларида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тарғибот учрашувлари ўтказилиб, одамлар гавжум бўлган жойларда огоҳлик буклетлари тарқатилинмоқда.

Буриев Баҳтиёр Вахобовиҷ
ИИВ Сурхондарё академик
лицеи директори, подполковник

Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим жабҳалари

Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги мавжуд қонунчилик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, давлатимизда мазкур соҳага оид қонунчилик асоси яратилиб, ривожлантирилиб борилаётган бўлса-да, ҳамон соҳада айрим камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Бу эса амалдаги қонунчиликка ва унга амал қилишда қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Жумладан, 2020 йил 17 август кунидаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги қонунининг қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февраль кунидаги “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг ишлаб чиқилиши бу соҳадаги олиб борилаётган ишлар изчиллик билан давом эттирилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Бироқ, мавжуд қонунчиликдаги айрим нормалар соҳада фаолият олиб борувчи субъектларда бир қанча тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Хусусан, 2020 йил 17 август кунида қабул қилинган янги таҳрирдаги қонунининг 3-моддасида:

“Одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг ўзга шаклларини, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд **инсон**

аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олишни англатади;”- деб, белгилаб қўйилган.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддаси 2-қисми “к” бандида **киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса**, — бу ҳаракат одам савдоси жинояти деб топилиши ва маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг Қасддан одам ўлдириш тўғрисидаги 97-моддаси 2-қисми “н” банди ҳамда Қасддан баданга оғир шикаст етказиш тўғрисидаги 104-моддаси 2-қисми “и” бандида **“киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида содир этилган бўлса”**, - бу ҳаракатлар жиноят деб топилиши белгилаб қўйилган.

Ўз ўрнида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 май кунидаги “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, давлатимизда инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантациясига расман рухсат берилди.

Чунончи, мазкур қонуннинг асосий тушинчалар акс этган 3-моддасида:

“Трансплантация — реципиентда мавжуд бўлмаган ёхуд шикастланган, ўзининг муҳим ҳаётий вазифаларини бажаришга қодир бўлмаган аъзоларни ва (ёки) тўқималарни тирик донордан ёки инсон мурдасидан олинган аъзоларга ва (ёки) тўқималарга жарроҳлик амалиёти ёки муолажа ўтказиш йўли билан алмаштириш” эканлиги белгиланиб, унга хукукий таъриф берилди.

Энди ўз ўзидан бир савол туғилиши табиий. Хўш, Ўзбекистонда трансплантация жиноятми ёки йўқ?.

Тўғри, гарчи мазкур қонунда Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантациясига реципиентнинг розилиги олиниши шартлиги ва бу ҳаракатга мажбурлаш таъқиқлаб қўйилган бўлса-да, амалдаги Жиноят кодексида Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси ихтиёрий ёки мажбурийлиги белгиланмаганлиги бу ҳаракатни жиноий эканлигини тақозо этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 4-моддаси, яъни қонунийлик принципига асосан “Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа хукукий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши” эътироф этилган.

Таъкидлаш керакки, клиник фан сифатида тўхтаб қолган трансплантологиянинг ривожлантириш, касалликларга чалинган кўп сонли

беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имкониятини яратиш, уларнинг қиммат бўлса-да, чет эл тиббиёт муассасаларида трансплантация билан боғлиқ амалиётларни ўтказиш учун бориб, турли машаққат чекишлирини олдини олиш мақсадида Германия, Польша, Россия, Беларусь, Украина, Молдова ва АҚШ каби давлатларнинг трансплантацияга тааллуқли қонунчилиги тажрибалари асосида яратилган “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги қонуни айни вақтидалиги билан жуда аҳамиятли. Лекин, мазкур қонуннинг қабул қилиниши асносида амалдаги қонунларга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, хорижий давлатлар қонунчилигига ҳам Ноқонуний трансплантация учун алоҳида жавобгарлик белгиланган бўлиб, жумладан Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 120-моддасида **“Трансплантация учун инсон органларини ёки тўқималарини олишга мажбурлаш”** ҳаракати жиноят сифатида белгиланган бўлиб, унда:

“Куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилиш орқали инсон аъзоларини ёки тўқималарини трансплантация қилиш мақсадида олишга мажбурлаш ҳаракати биринчи қисмни, ожиз ахволдаги айборга аён бўлган шахсга ва (ёки) айборга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилганлиги иккинчи оғирлаштирувчи қисм”ни тақозо этиши белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагилар таклиф этилади:

1. 2020 йил 17 август кунидаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунининг 3-моддаси:

“**Одам савдоси** — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиётни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишилигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг ўзга шаклларини, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд **инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ғайриқонуний равишда ажратиб олишни англатади;**”- деб ўзгартирилиши;

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси:

8-бўлими “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”да ҳам “**Одамлардан фойдаланиш** – бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шахвоний фойдаланишининг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксиз ҳолат ёхуд **инсон аъзолари ёки тўқималарини ғайриқонуний равишида ажратиб олиш**” –деб ўзгартирилиши;

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси:

135-моддаси 2-қисми “к” бандида “**киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса**” сўзлари чиқариб ташланиб, Жиноят Кодексига 115¹-моддаси билан тўлдирилиши ва у қуйидаги тартибда баён этилиши:

“**Ноқонуний трансплантация** – яъни ғайриқонуний равишида тирик донорнинг ёзма розилиги ёки мурданинг тириклик чоғидаги нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилигисиз инсон аъзолари ва тўқималарини ажратиб олиш, сотиш, реципиентнинг розилигисиз унга трансплантация қилиш”, - деган норма киритилиб, тегишли жазо чоралари белгиланиши;

Маълумки, Одам савдоси жиноятларининг **бевосита объекти** - “шахснинг озодлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар” ҳисобланади. Умумий объекти сифатида эса, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр қиммати ҳисобланади.

“Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги қонунининг кучга кириши натижасида бу турдаги содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг умумий объекти сифатида “инсоннинг ҳаёти ва соғлиги”ни кўришимиз мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 8-бўлими - “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”да ва 2022 йил 11 май кунидаги “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида ноқонуний трансплантацияга ҳуқуқий таъриф берилиши ва у қуйидагича баён этилиши:

“**Ноқонуний трансплантация** – яъни куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан ёхуд шахснинг моддий жиҳатдан қарам

бўлганлигидан фойдаланган ҳолда инсон аъзолари ва тўқималарини ажратиб олиш, сотиш ва Республика худудидан олиб чиқиш”.

Бобоқулов

Рустамович

Тошкент

директори

Зафарбек

ИИВ

2-сонли

Академик

лицей

Одам савдоси – аср муаммоси

Бугунги қунда асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда. Ҳозирга қадар жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий характерга эга ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

“Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфуруушликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция (1949), “Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида”ги қўшимча Конвенция (1956), “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида”ги Конвенцияни тўлдирувчи “Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиши, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида”ги баённома (2000) бу борада дастурий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Одам савдосига қарши курашиш юзасидан давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида, 2005 йили МДХ доирасида “Одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида”ги келишув, 2006 йилда саккиз аъзо мамлакат доирасида “Одам савдосига қарши курашнинг 2007–2010 йилларга мўлжалланган дастури” қабул қилинган эди.

Афсуски, дунё бўйлаб шунча кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар “замонавий қуллик”, яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарли. Ушбу жиноятнинг ривожланишига туртки бўлаётган асосий омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Ачинарлиси, ўзга давлат, бегона бир муҳитга тушиб қолганлар мумай даромад илинжида оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда, аёллар эса тубан ва фаҳш ишларга мажбур этилмоқда.

БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланади. Халқаро эксперталарнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад микдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ташишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизи аёл ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600–800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англаради.

Ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури "мерос" бўлиб ўтди. Уларнинг биринчиси – халқаро терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик руҳи, куч ишлатиш, яъни экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик хуружлар, иккинчиси – наркобизнес ёки нарко-траффик билан шуғулланаётган жиноий уюшмалар, учинчиси – одам савдоси билан шуғулланувчи йирик-йирик жиноятчи ташкилотларнинг йилдан-йилга кучаяётганидир.

Санаб ўтилган трансмиллий жиноятчилик, яъни худуд ёки чегара танламаётган жиноятларнинг қайси бир турини таҳлил қилмайлик, уларнинг барчаси инсоният цивилизациясига очиқдан-очиқ тўсиқ экани, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдириши маълум бўлади.

Бу жиноятларнинг асосий сабаби маънавий қашшоқлик, очкўзлик, дунёга ҳаддан ташқари ҳирс қўйиш ва нафсига қул бўлишdir. Бугунги кунда инсонлар қул қилиб сатаётган баъзи кимсалар инсонларни хур қилиб яратган Аллоҳ таоло билан Худоликни талашмоқда. Ислом дини кўрсатмаларида ҳам инсоннинг жонзотлар ичida энг мукаррами экани таъкидланиб, қулликка қарши қатъий чоралар белгилаб қўйилган.

Аллоҳ таоло ўзининг сўнгти дини Исломни юзага чиқарганда қулдорлик тузуми мавжуд бир воқеълик эди. Ислом дини инсонни хур яратилганлигини таъкидлаб, уни тугатиш чораларини кўрди. Қул озод қилишни савоб

даражасига кўтарди, бунинг устига тез-тез такрорланувчи турли хил хато ва гуноҳ ишларнинг каффоратига қул озод қилишни буюрди. Масалан, қасамни бузиш, фарз рўзасини билиб туриб бузиш кабилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Ким бир мўмин қулни озод қилса, Аллоҳ таоло унинг ҳар бир аъзоси учун бунинг аъзоларини дўзахдан озод қиласи”, деб марҳамат қилдилар. Бу ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) қул озод қилишнинг фазилатини баён қилдилар чунки бу амал билан дўзахдан қутилиш ва жаннатга кириш мумкин экан.

Энг ташвишли ҳолатларданг бири, чет элга ноқонуний тарзда ишга чиқаётган шахсларнинг кўпчилиги юқорида таъкидланган йигирма биринчи асрнинг трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг учта энг хавфли туридан бири – халқаро терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик рухи, куч ишлатиш, яъни экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик хурожлар вакилларининг тузогига тушиб қолмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар натижасида фуқароларимизнинг турмуш шароити узлуксиз юксалиб бормоқда, ҳуқуқ ҳамда эркинликлари тўла рўёбга чиқарилиши учун қулай ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар юзага келмоқда.

Буларнинг барчаси шахс эрки, унинг ҳаёти, саломатлиги ва шахсий ҳукуқлари кафолатларини янада кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқий муҳофазаси самарадорлигини ошириш, шахс-давлат муносабатларида шахс манфаатлари устуворлиги тамойилига оғишмасдан амал қилиш эҳтиёжини янада кучайтироқда.

Шахс эрки ва қонуний манфаатларини таъминлаш ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган тадбирлар орқали амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳукуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Ўзбекистон инсонпарвар демократик давлат сифатида умумэътироф этилган халқаро норма ва қоидаларни ўз миллий ҳуқуқ тизимиға кенг жорий қилиш йўлини тутмоқда. Хусусан, юқоридаги халқаро нормалар асосида Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 2008 йил 17 апрелда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ҳамда унинг асосидаги қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Одам савдосига қарши курашга қаратилган халқаро қонунчиликда ҳам, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига ҳам одам савдоси

жабрдийдалари хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий реабилитацияси ва ҳимоясини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Жумладан, БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси 25-моддасига кўра: “Ушбу Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар бир давлат ўзининг имкониятлари даражасида одам савдосидан жабр кўрган фуқароларга ёрдам кўрсатиш, айниқса, қасд олиш билан қўрқитишдан ҳимоялашга қаратилган ёрдамни бериш мажбуриятини олади. Ҳар бир иштирокчи давлат одам савдосидан зиён кўрганларга товоң ундирилиши ва улар кўрган бошқа шаклдаги зарар ўрнини қоплаш юзасидан керакли тартиб-қоидаларни жорий этади”.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ва ўзаро ҳамкорликка асослансанагина яхши самара бериши мумкин. Зоро, одам савдоси, унинг инсоний хуқуқ ва эркинликларини ғайриқонуний ва ғайри ахлоқий равища айнан инсон томонидан камситилиши, йўққа чиқарилиши – албатта бу жиноят учун жазо муқаррарлиги таъминланиши лозим!.

Бурханов Олимжон Рустамович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Андижон академик лицей
директорининг ўринбосари
подполковник

Одам савдосига қарши курашишнинг хуқуқий-психологик омиллари

Ўзбекистонда мустақил ва кучли давлат қуришидан асосий максад инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган ва ҳурмат килинадиган адолатли жамият барпо этишидир. Айни вактда мусулмон олами ва жаҳон ҳамжамиятидаги муносаб ўрнимизни янада мустаҳкамлашидир.

Ш.М.Мирзиёев

Мамлакатимизда инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги, фаровон ҳаёт кечириши учун йилдан йилга ижтимоий-сиёсий, маданий соҳаларда талайгина сиёсий-хуқуқий ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлсада, лекин, халқаро терроризм, наркотраффик ва одам савдоси сингари трансмиллий жиноятларнинг инсон ҳавфсизлигига хуруж

қилаётгани боис улардан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда. Худуд ва чегара билмайдиган бу жиноятларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдирмоқда. Улар орасида айниқса, одам савдосидек оғир жиноят инсон ҳёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч қўринишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

БМТнинг эксперtlари таҳлилига кўра, келгуси 15 йилда ҳозирги халқаро мигрантларнинг 232 миллионга яна 30 миллион киши қўшилади. Охирги 25 йилда жаҳон аҳолисининг сони 2 миллиард кишига ортди – 1990 йилдаги 5,3 миллиарддан 2015 йилда 7,3 миллиардга етди. Жаҳон аҳолиси сонининг ўсиш суръати пасайгани билан ҳали ҳам йилига 81 миллион кишига ортиб бормоқда. 2030 йилга бориб 2015 йилдан кейинги ривожланиш соҳасидаги дастурни амалга оширишни якунлаш кўзда тутилган пайтда Жаҳон иқтисодиёти тахминан 8,4 миллиард кишининг кун кечириш учун керакли воситалар билан таъминлашига тўғри келади. Европа бундан мустасно. У ерда 2030 йилга борганда аҳолиниг умумий сони 1% дан камроқ пасайиши тахмин қилинмоқда, бошқа барча минтақаларда яқин 15 йилда аҳоли сонининг камида 10% ўсиши кутилмоқда. Узоқ давр мобайнида энг қашшоқ ва энг кам ривожланган қитъа бўлмиш Африка ҳиссасига аҳоли мутлақ ўсишининг энг юқори даражаси бўлган 40 % дан ортиғи тўғри келади. 2030 йилга бориб, ушбу қитъада Ер юзи аҳолисининг деярли 1/5 қисми истиқомат қиласи. 2015-2030 йилларда бутун дунёда 2,1 миллиард бола туғилади, бу олдинги 15 йилда туғилган болалар умумий сонидан икки фоиз кўпдир. Ушбу болаларнинг тахминан ярми Осиёда туғилади.

Шуни алоҳида айтиш мумкинки, 2018 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг 208 нафар қурбонини аниқлади. Бу кўрсаткич 2017 йилда 440 тани, 2016 йилда 714 тани, 2015 йилда эса 924 тани ташкил этган эди. 208 нафар қурбоннинг 125 нафари аёллар, 83 таси эркаклардан иборат бўлиб, одам савдоси билан шуғулланувчилар 100 кишини фоҳишабозлик қилишига ва 100 нафарини мажбурий меҳнат билан шуғулланишига сабаб бўлганлар.

Одамлар савдоси жабрланувчиларининг инсон ҳуқуқларини хурмат қилишга асосланган одамлар савдосига қарши курашиш бўйича комплекс сиёsatнинг амалга оширилишини қонун устуворлиги тамойилига асосланган демократик ва ошкора бошқарув элементи сифатида кўриб чиқиш лозим.

Одамлар савдосига қарши курашишдаги самарали чораларнинг муҳим кафолати фуқароларимизга одам савдоси қурбони бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлиши, қонунчилик нормаларини мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда

давлат органларининг бу соҳада олиб бораётган чора-табирларнинг янада замонавий ва қулай мөханизмларини ишлаб чиқиши мақсадида ушбу услубий қўлланмани бир манба сифатида тақдим этмоқдамиз.

Ўйлаймизки, ушбу услубий қўлланма юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш йўлида ўзининг бор куч ва гайрати, илму салоҳияти билан ҳизмат қилаётган ходимларимизга ва ёшларимизга манзур бўлади .

Одам савдоси –энг жирканч иллатлардан бири. Ҳозирги вақтда республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш, давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ҳамкорликдаги фаолият ўзининг муайян самарасини бермоқда.

Тарихдан бизга маълумки, қадим замонлардан буён инсоният ўз эрки ва озодлиги учун курашган, озод ва хур яшашга ҳаракат қилган. Ҳозирда эса инсон эркидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги дунё ҳамжамияти томонидан тасдиқланган бир қатор ҳалқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қатъий белгилаб қўйилди.

Бироқ бугунги кунда дунё бўйлаб одам савдосидай ўта хавфли иллатнинг кенг тарқалиши инсон шахси, шаъни, қадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таҳдид туғдирмоқда. Бу билан боғлиқ жиноятлар жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвиш ва хавотирга solaётгани айни ҳақиқат. Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда.

Одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиётни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишлигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг ўзга шаклларини, мажбурий мөҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) ҳужайраларини ажратиб олишни англатадиган жиноят туридир.

Дунёнинг кўпчилик социолог ва тарихчи олимлари томонидан бугунги одам савдосига қарши курашиш қонунчилиги тарихи XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг Европада и Америка ва Шимолий Африка қитъаларига кенг кўламли миграцияси ҳамда аёлларни Европага сотиш ҳодисасидан бошланишини эътироф этилди. Бу ҳодисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита конференция ўтказилиб, "Оқ қуллар савдосига қарши кураш" номли бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган. Кейинроқ ушбу конвенция "Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш" ва "Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш" номли бутунжаҳон Конвенциялари билан тўлдирилган. Одам савдоси муаммосига қарши курашишнинг ҳалқаро хукукий нормаларини қабул қилинишнинг кейинги тарихий жараёнлари 1948 йилда "Инсон хукуqlari" умумжаҳон Декларацияси қабул қилишнинг билан изоҳланади.. Шундан сўнг "Инсон хукуқларининг Европа Конвенцияси", "Куллик хусусида"ги Конвенция, "Кулликни йўқотиш амалиёти тўғрисида"ги қўшимча Конвенция, "Бола хукуқлари тўғрисида"ги Конвенция, "Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциялар қабул қилиниб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланила бошланди.

Айни пайтда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу турдаги жиноят дунё миқёсида кенг тарқалмоқда. БМТ ва Миграция бўйича ҳалқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хulosаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларни ташкил қилмоқда.

Одам савдоси муаммосининг долзарблиги мамлакатимизда ушбу жиноятга қарши курашиш борасида қабул қилинган норматив-хукукий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар етарлича амалга оширилмаслиги, ушбу муаммони кўламишнинг кенгайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ташвишланарлиси шуки, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил қилмоқда, одам савдосига қарши кураш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб берга олмаяпти.

Давлат идоралари аксарият ҳолларда одам савдосига қарши курашиш ва уни олдини олиш билан боғлиқ профилактикасини фақатгина хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратилмаган.

Шуни айтиш лозимки, ушбу турдаги жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқмагунимизгача самарали натижаларга эришиб бўлмайди.

Манфаатдор давлат идоралари, вазирликлар ва муассасаларнинг ташаббускорлиги етарли даражада эмаслиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг этишмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 марта ПҚ-2833-сонли Қарори қабул қилинди.

Қарорда одам савдоси билан боғлиқ ва бошқа турдаги жиноятчиликнинг профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек, хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси эканлиги қайд этилди.

Одам савдоси инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири эканлиги хеч кимга сир эмас.

Бу жиноят чегара танламаслиги ҳамда домига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмокда.

Таъкидлаш лозимки, бундай ҳолатлар республикамиизда ҳам мавжуд, фуқароларимиз турли алдов ва фирибгарликлар таъсири остида одам савдоси қурбонига айланмоқдалар.

Таҳлилларга кўра, фуқароларимизни мажбурий ишлатиш учун **Қозогистон** ва **Россияга**, фоҳиша сифатида фойдаланиш учун асосан **Бирлашган Араб Амирликлари**, **Қозогистон**, **Туркия**, **Тайланд**, **Малайзия**, **Хиндистон** ва **Жанубий Корея** каби давлатларига олиб чиқиб кетилмоқда.

Ўтган йиллар давомида, мамлакатимизда одам савдоси жиноятини олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, яхши натижаларга эришилди.

Яхши натижалар билан бирга ханузгача ечимини кутаётган масалалар ва муаммолар ҳам мавжуд.

Ваколатли органларда идоралараро ҳамкорликнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги, одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан яхшилашни талаб этади.

Бугунги кунда ҳудудий идоралараро комиссиялар таркиби тасдиқланиб, уларнинг вазифалар белгиланган бўлсада, комиссиялар ўз фаолиятини етарли даражада ташкил эта олмаслиги мамлакат ичкарисидаги бошқа муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Мисол учун, жойларда тиббиёт бирлашмалари ва ички ишлар бўлимлари ўртасида одам савдосидан жабрланганлар тўғрисида маълумот алмашинуви талаб даражасини йўлга қўйилиши суст ташкил этилган. Шу алоҳида такидлаш керакки, пандемия шароитида бу жараёнга каттиқ эътибор қаратиш лозим. Чунки карантин муассасаларидан ўзининг яшаш жойларига(қишлоқ ва маҳаллаларга) жўнатилган шахслар томонидан бошқа юқумли касалликларнинг (ОИТС, ОИВ) аҳоли орасида кўпайиши ҳавфини кучайишига сабаб бўлади.

Шу сабабли тиббиёт муассасалари жойлардаги хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиб, ҳар бир хорижий давлатдан қайтган фуқароларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказишлари, фуқароларимиз орасида ҳар хил юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишлари лозим бўлади.

Республика «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан етарли ҳамкорлик ўрнатилмаганлиги оқибатида уларнинг фаолияти ҳам камчиликлардан холи эмас.

Мазкур йўналишда, энг аввало ҳамкорликдаги фаолиятни янада кучайтириш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш, муқаддам белгиланган чора-тадбирларни ижрога қаратилиши ишнинг олдинга силжишида мухим роль ўйнайди.

Одам савдосига имкон яратадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этишга доир ишларнинг самарадорлигини ошириб, одам савдоси асоратларидан жамиятга етказилиши мумкин бўлган салбий оқибатларни кескин камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Норматов Абдураҳмон Омонович
ИИВ Жиззах академик лицейи
директорининг ўринбосари,
подполковник

Одам савдоси – жирканч иллат. унга қарши курашиш ва олдини олиш барчамизнинг долзарб вазифамиздир

Инсон инсонни сотиши нақадар аянчли ва жирканж ҳолат эканлигини ҳаммамиз биламиз. Аммо, минг афсуски орамизда шундай қабих ишларни қиласиган нобакор инсонлар ҳам мавжуд.

Одам савдоси ўзи нима?

Одам савдоси - куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг ўзга шаклларини, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик холатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) ҳужайраларини ажратиб олишни англаради.

Йилдан-йилга бу иллатдан жабр чекаётганлар, унинг қурбони бўлаётганлар сони ортиб бормоқда. Ҳудуд ва чегара билмайдиган бу жиноятнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдирмоқда. Одам савдосидек оғир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч қўринишга эга.

Айтиш лозимки, бугунги кунга келиб одам савдосининг авж олишига, яъни инсонни қандайдир бир буюм сифатида, таъбир жоиз бўлса инсонни олди-сотдининг обьекти сифатида фойдаланилиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига қўйидагилар сабаб бўлмоқда:

одам савдоси каби ноқонуний фаолият тури бир ёки бир неча аъзолардан иборат гурухларнинг сердаромад манбасига айланиб бораётгани, яъни уларнинг ҳеч қандай оғир ва машаққатли меҳнатларсиз мўмай даромад олишга уринаётганлиги;

одам савдосининг қурбонига айлананаётган шахсларнинг соддалиги, ўзининг, яқинларининг тақдирига ва келажагига бефарқлиги, лоқайдлигига.

Яъни энг олий неъмат ҳисобланмиш эркин ҳаёт тушунчасига нисбатан энгил ва бепарволик билан қарашлари оқибатида ушбу одам савдосини амалга оширувчи жиноятчиларнинг ўлжасига, аниқроғи уларнинг осон даромад манбаига айланиб қолмоқдалар;

одам савдосини амалга оширувчи жиноятчи шахслар ўзларининг танишлари, яқин қариндошларига нисбатан, яъни уларнинг ишончига кириб олиб, уларнинг одам савдосини қурбонига айланиб қолишига сабабчи бўлаётганлигида;

одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг ор-номус қилиб, кўрган хўрликлари, уларга нисбатан ишлатилган турли хилдаги жисмоний ёки руҳий тазииклар ҳақида ёхуд ўзининг ноқонуний равишда чегарани бузиб чиқиб, чет давлатда ҳеч қандай давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний меҳнат фаолиятини амалга оширганлигидан қўрқиб булар ҳақида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги.

Инсоният тарихида одам савдосига қарши курашиш XIX аср охири ва XX аср бошларида хотин-қизларнинг европадан Америка ва Шимолий Африка қитъаларига кенг кўламли миграцияси ҳамда аёлларни европага сотиш ҳодисаси кузатилган. Бу ҳодисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита конференция ўтказилиб, “Оқ қуллар савдосига қарши кураш” номли бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган.

Кейинроқ ушбу конвенция “Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш” ва “вояга этган аёллар савдосини йўқотиш” номли бутунжаҳон Конвенциялари билан тўлдирилган. Одам савдоси муаммосига қарши курашишнинг кейинги тарихий жараёнлари секин-аста ривожланиб, 1948 йилда “Инсон ҳукуқлари умумжаҳон Декларацияси” қабул қилинган.

Шундан сўнг “Инсон ҳукуқларининг эвропа Конвенцияси”, “Қуллик хусусида”ги Конвенция, “Қулликни йўқотиш амалиёти тўғрисида”ги қўшимча Конвенция, “Бола ҳукуқлари тўғрисида”ги Конвенция, “Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциялар қабул қилиниб, дунёning кўплаб мамлакатларида қўлланила бошланди.

2013 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан “30 июл – Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни” деб эълон қилинган. Айни пайтда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу турдаги жиноят дунё миқёсида кенг тарқалмоқда. БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хulosаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларини ташкил этади.

Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил қилмоқда.

Одам савдоси фақатгина Ўзбекистон Республикасининг муаммоси сифатида қарашимиз нотўғри бўлади, чунки ҳозирги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб бутун дунё ҳамжамиятини хавотирга солмоқда. энг ачинарлиси, одам савдоси боғлиқ жиноятчиликнинг кенг қулоч ёзишига: аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари - ишсиз юрган фуқаролар, турмуш ҳаётида қўп қийинчиликка учраган аёллар ва ота – онасининг эътибори ва қарамоғидан четда қолган вояга этмаган шахсларнинг гўёки уларнинг муаммоларини ҳал қилган каби кўриниб, ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланаётганлигидадир.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши қурашиш борасида Ўзбекистон Республикасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга, одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам ратификация қилинди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосининг хавфли кўринишларига қарши кураш ҳақида бир қатор шартнома ва келишувлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун янада такомиллаштириш ва ҳозирги замон талабларига мослаштириш мақсадида унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 2020 йил 17 августда қабул қилинди.

Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиши зарурати бугунги кунда одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш масалаларига доир аниқ қоидалар тартибга солинмаганлиги ҳамда вояга етмаганларнинг савдосига қарши курашишни ўзига хос хусусиятлари, шу

жумладан, идентификация қилиш, ёрдам бериш ва ҳимоя қилишнинг хукуқий мақоми аниқ белгилаш билан изоҳланади.

Янги таҳрирдаги Қонунда ана шу жиҳатлар эътиборга олинган. Жумладан, соҳага оид асосий тушунчалар ва тамойиллар, уни давлат томонидан тартибга солишга оид нормалар, ваколатли давлат органлари, Миллий комиссия, худудий комиссиялар ва Миллий маърузачига оид меъёрлар аниқ белгиланган.

Маълумки, ҳозирги кунда республикамиизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсаца, уларнинг 100 га яқини одам савдосига қарши курашиш борасида иш олиб бормоқда. Қонунда мазкур йўналишга доир фаолиятни амалга ошираётган давлат органларига кўмаклашувчи ташкилотлар қаторида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам белгиланиб, уларнинг ваколат ва вазифалари аниқ очиб берилди.

Шу билан бирга, амалдаги Қонундан фарқли ўлароқ янги таҳрирдаги Қонунда одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослашувини таъминлаш тартиби ва жабрланганлар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш тартиби ва уларга тақдим этиладиган хавфсизлик чоралари ва бошқа кафолатлари белгиланди.

Бундан ташқари, миллий қонунчилигимизда илгари бўлмаган одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ва уларни қайта йўналтириш тушунчалари алоҳида бобда белгиланди.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи коллегиал органлиги таъкидланди. Миллий комиссиянинг қарорлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бажарилиши шартлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун эса тавсиявий хусусиятга эга эканлиги белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди.

Миллий комиссиянинг соҳадаги асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

давлат органлари ва худудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини, яқин ҳамкорлиги ва баҳамжихат ишлашларини таъминлаш мақсадида уларнинг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

миллий қонунчилликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш;

одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, олдини олиш ва уларга чек қўйиш амалиётини ўрганиш;

одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида самарали ҳалқаро ҳамкорлик ва баҳамжихат ҳаракатни ташкил этиш, шунингдек, мазкур соҳада ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва маърузалар тайёрлаш.

Айтиш лозимки, бугунги кунга келиб одам савдосининг авж олишига, яъни инсонни қандайдир бир буюм сифатида, таъбир жоиз бўлса инсонни олди-сотдининг обьекти сифатида фойдаланилиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига нималар сабаб бўлмоқда?

— одам савдоси каби ноқонуний фаолият тури бир ёки бир неча аъзолардан иборат гурухларнинг сердаромад манбасига айланиб бораётгани, яъни уларнинг ҳеч қандай оғир ва мاشаққатли меҳнатларсиз мўмай даромад олишга уринаётганлиги;

— одам савдосининг қурбонига айлананаётган шахсларнинг соддалиги, ўзининг, яқинларининг тақдирига ва келажагига бефарқлиги, лоқайдлигида. Яъни энг олий неъмат ҳисобланмиш эркин ҳаёт тушунчасига нисбатан енгил ва бепарволик билан қарашлари оқибатида ушбу одам савдосини амалга оширувчи жиноятчиларнинг ўлжасига, аниқроғи уларнинг осон даромад манбаига айланиб қолмоқдалар;

— одам савдосини амалга оширувчи жиноятчи шахслар ўзларининг танишлари, яқин қариндошларига нисбатан, яъни уларнинг ишончига кириб олиб, уларнинг одам савдосини қурбонига айланиб қолишига сабабчи бўлаётганлигида;

— одам савдосининг қурбонига айлананаётган шахсларнинг ор-номус қилиб, кўрган хўрликлари, уларга нисбатан ишлатилган турли хилдаги жисмоний ёки рухий тазийклар ҳақида ёхуд ўзининг ноқонуний равища

чегарани бузиб чиқиб, чет давлатда ҳеч қандай давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний меҳнат фаолиятини амалга оширганлигидан қўрқиб булар ҳақида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги.

Одам савдоси фақатгина Ўзбекистон Республикасининг муаммоси сифатида қарашимиз нотўғри бўлади, чунки ҳозирги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб бутун дунё ҳамжамиятини ҳавотирга солмоқда. Энг ачинарлиси, одам савдоси боғлиқ жиноятчиликнинг кенг қулоч ёзишига: аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтоҷ қатламлари - ишсиз юрган фукаролар, турмуш ҳаётида қўп қийинчиликка учраган аёллар ва ота – онасининг эътибори ва қарамоғидан четда қолган вояга етмаган шахсларнинг гўёки уларнинг муоммоларини ҳал қилган каби кўриниб, ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланаётганлиги.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, одам савдосига қарши кураш борасида аҳолининг турли қатламлари, айниқса, аёллар ва вояга етмаган шахсларга одам савдоси каби иллатнинг фаровон турмуш-ҳаётимизга соладиган хавфи ва салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, яъни, аҳолининг гавжум жойларида, маҳаллаларда, турли хил таълим муассасаларида, давлат идоралари, корхона, муассаса, ташкилотларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш, уларда ҳукуқий онг ва ҳукуқий маданиятини ошириш асосий вазифалардан биридир.

Зохиров Рамиз Турдимуродович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Қашқадарё Академик лицейи
ўқитувчиси, фалсафа фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Одам савдосига қарши кураш – давр талаби!

XXI асрнинг дастлабки йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олганлиги, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлмоқда.

Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда миңтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал қилиш алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бунинг натижасида мамлакатлараро миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгайди. Ижлбий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам кузатилмоқда. Одам савдоси ҳам ана шундай жиноятлардан биридир.

Одам саавдоси-инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трасмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда бу мудхиш иллат ноқонуний қурол савдоси, гиёҳвандлик воситаларининг гайриқонуний муаммоли каби жиноятлар қаторида оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

“Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар” (1-модда). Ушбу қоида БМТ Бош Ассамблеясининг 217 А (III) резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” да, шунингдек, бир қатор халқаро ҳуқуқий хужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Одам савдоси эса, инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказади, уни турли хўрлик ва каситишларга дучор этади. Одам савдоси деб аталмиш ушбу жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишига мажбурлаш каби қабиҳ қилмишлар туради.

Дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, бу тадбирга давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўкув муассасалари, оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилмоқда.

Дунёда одам савдоси билан боғлиқ вазият таҳлили бу борадаги ахволнинг ҳамон жиддийлигича қолаётганлигини қўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тадбиркорлик, хусусий бизнесга кенг йўл очилди. Хорижий давлатлар билан

иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилди. Юртимиз фуқароларининг хорижий мамлакатларга бемалол чиқишлари учун имконият ва етарли шарт-шароитлар яратилди.

Афсуски, айрим шахслар бундай шарт-шароит ва имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, фуқароларимизни турли алдов ва фирибгарлик билан хорижга олиб чиқиб кетишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатида юртимиз фуқаролари ҳам одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Таҳлиллар мамлакатимиз фуқароларининг фоҳишишалик билан шуғуллантириш учун асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Қозогистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Истроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика давлатларига, мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун эса Қозогистон ва Россияга олиб чиқиб кетилаётгандигини кўрсатмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра жаҳон миқёсида ҳар йили 700 мингдан 4 000 000 нафаргача одам сотилмоқда, сотиб олинмоқда ёки зўрлик билан ушлаб турилибди. Одам савдоси, мана, бир неча ўн йилдирки, жиноятчилар учун сердаромад манбалардан бири бўлиб қолаяпти. Германияда чоп этиладиган “Der Spiegel” нашрининг хабар беришича, биргина Европа қитъасида одам савдоси билан шуғулланувчи 3600 та халқаро уюшган жиноий групҳа фаолият юритмоқда, бу групҳар йилига 25 миллард евро даромад кўрайпти.

Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларига кўра 21 миллиондан 35 миллион нафаргача киши қулликнинг замонавий шаклларидан азият чекмоқда. Мазкур бизнес билан шуғулланувчиларнинг йиллик даромади 32 миллард АҚШ долларига teng. Одам савдоси жабрланувчиларининг 44% мигрантлар бўлиб, ўртача ҳисобда ҳар йили 45 000 киши мазкур жиноят қурбони бўлади. Халқаро Миграция Ташкилоти (ХМТ) ташкил этилгандан буён 11 000 000 дан ортиқ одам ташкилотнинг саъй-ҳаракати билан мазкур соҳдан, дўзахдан қутқарилди.

Афсус билан таъкидлаш керакки, дунёда одам савдоси бозори ва унга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу боис, жиноий тузилмалар ушбу ноқонуний фаолият билан шуғулланишнинг турли йўлларини қидириш, мақсадини амалга оширишни енгиллаштириш халқаро жиноий уюшмалар ташкил этиш, давлат хизматчиларининг ўзларига оғдириш пайида бўладилар. Бу эса трансмиллий уюшган жиноятчилик, коррупция каби хавфли иллатларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлади.

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўз “кирдикорлари”ни яшириш мақсадида бундай савдонинг қурбонига айланадиган шахсларни имкон қадар

эътибордан четга тутишга ҳаракат қиласидар. Аввало, бунинг учун одамларни хорижга ноқонуний йўллар билан олиб чиқишига, паспорт ва шахсий ҳужжатларини қалбакилаштиришга уринадилар.

Бу ҳолат ноқонуний миграция салмоғининг ортишига, муайян давлат ҳудудига ноқонуний кириб келганлар сонини ортиб, иқтисодий, демографик ва криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатишга, шунингдек, хорижга чиқиши ва муайян давлат ҳудудига бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келади.

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратида ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида уларнинг шахсига оид ҳужжатларни ноқонуний эгаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланишига, ўз давлатининг тегишли ваколатхоналарига мурожаат этишига тўсқинлик қиласидар. Оқибатда бундай шахслар ўзини хуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўз хусусиятига кўра латент характерга эга. Чунки, одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тайзиқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар. Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади.

Ўзбекистон Республкаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Хуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун, биринчи навбатда, унинг хавфсизлиги таъминланиши, хуқуқлари ва қонуний манфаатлари, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай тажоввуздан ҳимоя қилинган бўлиши шарт”.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чукур анлаган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида республикамиизда бундай жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало, бу даврда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-хуқуқий базаси шакллантирилди.

2008 йил 17 апрелда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Давлатимиз одамларнинг яширин трафигига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий Халқаро ҳужжатларга қўшилди. Унга асосан одам савдосига қарши курашиш-одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг

оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият эканлиги белгилаб кўйилган.

Албатта кўрилаётган чора-тадбирлар одам савдосидан жабрланганларни нормал турмушга қайтариш, уларнинг жамиятнинг teng хукуқли аъзоси эканлигини ҳис этиб яшашига эришишда муҳим восита бўлмоқда.

Одам савдосининг тўлиқ олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг хукуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини кучайтириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдосидай глобал муаммога глобал миқёсда кураш олиб бориш керак. Ҳудуд-у чегарани ҳам, давлат-у миллатни ҳам танламайдиган бу иллатга барҳам беришда давлатлараро ҳамкорлик, кенг миқёсдаги чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Шодиев Маъруфжон Мирсалимович
ИИВ Навои академик лицейи
директорининг. ўринbosари,
подполковник

Одам савдоси жиноятига қарши курашишда ёшларнинг хуқуқий маданиятини ошириш

Хозирги дунёда инсон хукуqlari етакчи ўринни эгаллаши умум эътироф этилган ҳақиқатдир. Инсон хукуqlari масаласининг ҳар қандай цивилизациялашган, адолатли фуқаролик жамиятини қуришдаги ролини камайтириб бўлмайди. Демократик хуқуқий давлат қуришнинг бош шарти асосий хуқуқ ва эркинликларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда ҳар бир инсоннинг хукуqlarini кафолатлашнинг хуқуқий тизимини яратиш ҳисобланади.

Айни дамда одам савдоси инсон хукуqlarini поймол қилувчи иллатдир.

Одам савдоси ёки бошқача қилиб айтганда қуллик қадим тарихга эгадир. Биз биламизки, XVI асрнинг охири XVII асрнинг бошларида ривожланаётган давлатлар томонидан Африка давлатларига хужум қилиб, колониялаштирилган ва ушбу ҳудудларда яшаб келаётган қора танли аҳолини қўл сифатида ишлатиб келган, кейинчалик эса хукмдор шахслар томонидан

даромад топиш мақсадида қўл остида бўлган қулларни ўша замонда мавжуд бўлган қул бозорларга олиб чиқиб, сотиб юбориш ҳолатлари авжга кирган.

Йиллар ўтиб, дунё ривожланиш жараёнига келиб, Қадимги Греция, Италия ва бошқа айрим давлатларда қулларни сотиб олиб, жангларга тайёрлаб, Колицейларда омма олдига чиқариб, жанг қилдирган. Жангларда тирик қолиб, ярадор бўлган ёки жангларда пассив қатнашган гладиаторларни буюм сифатида сотиб юборилган. Қадимги Греция ва Италиядаги Гладиатор жанглари бунга мисол бўла олади.

Қора танли қулларни сотиш орқа яхши дароматга эга бўлганлиги сабабли, одамларни сотиш оқ танли одамлар ўртасида ҳам пайдо бўла бошлаган. Натижада “қул” деган сўз йўқолиб, “одам савдоси” деган атама пайдо бўлган.

Одам савдоси, XXI асрда терроризм, наркотрафик каби глобал муаммога айланиб, бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган жиноятлардан бирига айланиб борди ва шу сабабли бу жиноят миллий қонунчилик доирасидан аллақачон четга чиқиб, ҳалқаро ҳукуқнинг долзарб масалалари ичидан ўрин олди.

Бугунги кунда бутун дунёда инсонларни камситиш, уларнинг ҳукуқларини тан олмаслик, одам савдоси каби жиноятлар кўпайиб бораётганлиги барчамизни ташвишга солиши керак.

Инсон ҳукуқларини таҳқирловчи хатти-харакатлар, шу жумладан, фуқароларни ёки ёшларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳалқаро ҳамжамият томонидан қабиҳ ишлар қаторида эътироф этилиб, уларни тақиқлашга оид бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Кейинчалик “одам сотиш” одам савдоси билан боғлиқ жиноят деб эътироф этила бошлаган ва бир неча асрлардан буён ер юзидағи кўпгина давлатларни ташвишга солиб келган.

Ана шундай жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида XX асрнинг бошларида аниқроғи 1904 йил 18 майда Франциянинг Версал шаҳрида “Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида” ҳамда 1910 йилнинг 4 май куни “Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида” протоколлар, 1921 йил 30 сентябрда “Аёллар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисида” ва 1933 йил 11 октябрда эса ўша даврда эндиғина ташкил этилган Миллатлар Лигаси томонидан “Балоғатга етган аёллар савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Ҳалқаро Конвенцияларнинг имзоланганлиги одам савдоси билан боғлиқ трансмиллий жиноятларга қарши курашишнинг дастлабки ҳаракатларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Биз биламизки, иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг, инсоният қадрини биринчи ўринга чиқариш мақсадида 1945 йил 24 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилиб, ҳозирги кунда ушбу ташкилотга 193 та давлатлар аъзо бўлишган. Шу қаторида Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, 1992 йил 2 марта тенг ҳуқуқли, мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлган.

БМТ томонидан 1949 йил 21 марта “Одамлар савдоси ва фохишликтининг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциянинг қабул қилиниши БМТга аъзо бўлган давлатлар зиммасига жуда масъулият юклатилган.

Мазкур ҳужжатни ратификация қилган давлат томонидан ушбу ҳалқаро ҳужжат талаблари ўша даврда бажарилиши бўйича ҳаракатлар бўлган. Лекин бу ҳаракатлар Европа давлатларида фақатгина оқ танли шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. XXI асрга келиб, бу муаммо бутун ер юзидағи давлатларда глобал муаммога айланган.

Шуларни инобатта олган ҳолда бошқа давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция ва мазкур Конвенцияга қўшимча “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги протоколни ратификация қилди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция ва протоколлар ратификация қилинганидан сўнг, ушбу йўналишда содир этилаётган ҳаракатлар хавфлилик даражаси юқори деб ҳисобланиб, “одам савдоси” жиноят деб эътироф этилган ва 1994-йил 22-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ЖҚДа алоҳида модда ажратилган.

Ўзбекистон Республикасиги “Одам савдоси” жинояти 2005-2007 йилларда кириб келган бўлиб, узоқ муддатга ишлаш мақсадида РФ, Қозогистон Республикасига чиқиб кетиб, қайтиб келган шахслар орасида дастлаб ушбу жиноят ўз кўринишини намойиш этди. Яъни ишлашга бориб, иш хаққини олаолмасдан келиши, маълум бир пул эвазига ишчилар бир бирини сотиб кетиш ҳолатлари, шунингдек хорижий давлатларга ишлаш мақсадида чиқиб кетган аёллар ва қизларни хорижда фохишлиқ қилишга мажбурлаш ҳолатлари қўпайган ва аҳолининг жиддий эътиrozларига сабаб бўлган.

Мазкур аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2020 йил 17 августдаги ЎРҚ-633-сонли Қонунига мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда бундай трансмиллий жиноятга қарши кураш борасида хуқуқни муҳофаза қилиш органларига, хусусан ички ишлар органлари зиммасига жуда катта маъсулият юклади.

Айни пайтда ушбу иллат чегара танламаслиги ҳамда гирдобига, асосан ёшларни тортаётганлиги билан дунё ҳамжамиятида катта ташвиш ва хавотир уйғотяпти.

Айтиш жоизки, одам савдоси жиноятининг содир этилишига имкон берәётган шарт-шароитларидан бири ёшларнинг хуқуқий маданиятининг етишмаслигидадир.

Одам савдоси жиноятининг қурбонига асосан ёшлар айланиб қолмоқда, бунга сабаб, ёшларнинг хуқуқий маданияти етарли эмаслиги, таъсир қилувчи салбий омиллар, бўлган давлатидаги қонунчиликларни билмаслиги, ўша давлатнинг қонунларини ҳурмат қилмаслиги, менталитетимиздаги қусурлар, сиёсий бефарқлик, ақидапарастлик, тайинли бир машғулотга эга бўлмаслиги ёки салбий таъсирларга, шу жумладан «коммавий маданият» ва ёт ғоялар таъсирига берилувчилигига ифодаланмоқда.

Бу хилдаги салбий ҳолатларнинг пайдо бўлишида маълум бир тўдаларнинг ёки бўлмаса ёшларнинг хуқуқий билимларининг етишмаслиги натижасида, одам савдоси билан шуғулланувчи гуруҳларнинг аниқ мақсадларини амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратиб берәётган объектив субъектив сабабларга эътибор қаратилса, енгил иш топиб бериш, тезда бойиб кетишини кафолатлаш орқали ўзларига оғдириб олишга ҳаракат қилишидир.

Миллий хукуқ тизимида ёшларга оид сиёsat алоҳида ўрин тутади. Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида халқаро хуқуқий ҳужжат – БМТнинг “Ёшлар хуқуқлари” тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишини таклиф этди.

Бугунги кунда ер юзи ёшлари орасида тарқалган “Эгоцентризм” ғояси уларни турли кўринишлардаги оқим, гурух, уюшмаларга бирлашиши учун ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида Интернетга мурожаат қилиш орқали амалга оширишга эришилмоқда.

Ижтимоий гуруҳлар доирасида мазкур омиллар бир хил намоён бўлмайди, шунинг учун ҳам ёшлар уларга турлича амал қиласидилар, яъни бирон-бир масалага ёшлар ўта жиддий ёндашишлари мумкин бўлса-да, бошқа бир масалани ҳал қилишда ёш болаларга ўхшаб фикрлайдилар.

Ёшлар онгининг бекарор ва зиддиятли характеристи уларнинг хулқи ва фаолиятига, албатта, таъсир этади. Яратувчилик тенденциялари билан бирга

ёшларда динга қизиқиши уни амалларини ўрганиш фикри ҳам қамраб олмоқда, улар диний илм ва дунёқарашни интернет сайтларидан олмоқда, натижада “Фанатизм” ғояси қамраб олмоқда.

Назаримизда, бунинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, ҳозирги кунда ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёни анча мураккаблашди, шунинг учун ҳам уларнинг ижтимоий балоғатга этиш омиллари анча ўзгарган. Мазкур омиллар нафақат ёшларнинг мустақил меҳнат қилишлари, балки таълим олишларини тутатиш, касбга эга бўлиш, катталардан моддий жиҳатдан бутунлай мустақил бўлиш кабилар билан тавсифланади.

Натижада, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириб юрган ёшларимиз билиб-билмай одам савдосининг қурбони бўлиб қолмоқда.

Албатта, одам савдосига қарши курашишда аҳоли ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, бу борадаги ишлар таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, фуқароларни айниқса ёшларни бу борадаги вазиятдан огоҳ этиш, ҳозирги кунда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун профилактика ишларини янгича тарзда ташкил этиш ва самарали олиб бориш талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ёшларнинг мафкуравий ва ҳуқуқий иммунитети қанчалик ривожланиб борса, беғараз рақобат муҳити ва соғлом авлод шаклланади. Биз бугун мана шундай ёш авлодни тарбиялаш учун бор куч-ғайратимизни сарфламоқдамиз.

2022 йилни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилиниши инсон қадри, унинг манфаати ҳамиша юқори ўринда туришини, ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олишда ёшларимизни тўғри йўлга чорлашимиз керак.

Маҳаллаларда, одам савдосига қарши курашишда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, фуқароларни бу борадаги вазиятдан огоҳ этиш ҳамда хабардорлигини таъминлаш, тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиш жуда муҳим.

XXI аср одам-одамга қул бўлиб яшайдиган давр эмас. Биринчи президентимиз таъбири билан айтганда, “Ислоҳат ислоҳат учун эмас, энг аввало инсон учун хизмат қилиши керак”. Тараққиёт энг юқори чўққига чиқаётган даврда, инсониятни ҳам мана шу тараққиётга мос равишда тарбиялаш жуда муҳими.

Энг аввало ҳар бир инсонни айниқса ёшларни ҳуқуқий онги, маданияти ва савияси замон талаблари даражасида тарбияланган бўлиши керак.

Зоро, бу фуқаролик жамиятининг биринчи босқичидир.

Сайдоқулов Исломбек Хакимжонович

ИИВ Наманган академик лицейи
директорининг ходимларни малакасини
ошириш бўйича ўринбосари

Кучли ижтимоий, ҳуқуқий сиёсат – одам савдосига қарши курашнинг самарали воситаси сифатида

Бугунги кунга келиб глобаллашув жараёнларининг моҳияти, тенденциялари ва сабабларини, шунингдек, улар таъсирида юзага келаётган глобал муаммоларнинг вужудга келишига бутун дунё халқлари бирдек гувоҳ бўлиб келмоқда. Бу каби глобал муаммоларнинг энг хавфи юқори бўлгани – “Одам савдоси” сингари трансмиллий жиноятлардир. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, йилдан-йилга бу иллатдан жабр чекаётган инсонларнинг, қурбони бўлаётган кишиларнинг сони тобора ортиб бормоқда ва бу албатта, бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солиши ўринли ҳолатдир.

Ҳеч қандай худуд ва чегара билмайдиган, миллат ва халқ танламайдиган бу жиноятнинг ҳар қандай кўриниши давлат ва жамият тараққиёти ҳамда ривожига жиддий хавф-хатар туғдириб келмоқда. Одам савдоси каби энг оғир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини барбод қилиб, унинг тақдири ва келажагига раҳна соладиган нақадар жирканч жиноий иллат эканлигини ҳамда инсоният тамаддунига тўғридан-тўғри тўсиқ бўлиши, жамият тараққиёти ва мамлакатлар тараққиётига жиддий хавф туғдириши аён бўлмоқда.

Бу муаммони алоҳида таъкидлаб, унга бутун жамият эътиборини қаратиб, одам савдоси нима, унга қарши қандай курашиш, бу ҳодисанинг олдини олиш, жабрланганларга қандай ёрдам бериш ҳақида ўйлаш зарур.

Ноқонуний миграция, бой ва камбағал давлатлар ўртасидаги тафовутнинг кенгайиши, глобал иқтисодиётнинг қайта тузилиши, мамлакатлар ичидаги иқтисодий муаммолар, бир томондан ишлизик, иккинчи томондан, демографик муаммолар ва хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида ишчи кучига талабнинг ўсиши, шунингдек трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг кенг миқёсда тарқалиши, ахборот технологияларида тараққиёт ва транспортнинг ривожланиши – буларнинг барчаси дунё мамлакатларининг одам савдосига боғлиқ жиноятларга қарши жиддий аҳамият бериш кераклигини тақозо қилмоқда.

Хозирги вақтга келиб, одам савдоси дунёning барча мамлакатларида мавжуд бўлган глобал муаммога айланди ва ундан йилига 7 миллиард доллардан келадиган даромад жиноий синдикатларга олиб келади. Мутахассисларнинг фикрича, дунёда 2 миллиондан 4 миллионгача бўлган инсонлар одам савдоси қурбонига айланишмоқда[1].

Одам савдоси қулликнинг замонавий шакли бўлиб, инсон хукуқларининг энг оғир бузилиши билан бирга унинг ҳаётига ҳам зомин бўладиган жирканч маънавий-жиноий иллатdir. Ушбу жиноят натижасида шахс шахсдан манипуляция объектига сотиладиган ва сотиб олинадиган буюмга айланади. Дарҳақиқат, одам савдоси тушунчаси деганда нимани тушунамиз, унинг моҳияти ва мазмуни нимадан иборат, қайси даврга келиб бу масалага халқаро миқёсда эътибор берила бошланди. Шу каби тушунчаларни ўзлаштирибгина муаммонинг асл моҳиятини очиб бера олиш мумкин.

Одам савдоси, энг аввало, инсон ҳаёти, эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига жиддий раҳна солади, уни турли хил хўрлик ва камситишларга дучор қиласи. Бу жиноятнинг келиб чиқиши аслида мажбурий меҳнат, қуллик ва фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш каби энг разил иллатлар натижасида юзага келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун дунёда йилига 2 миллион 700 мингга яқин киши одам савдосининг қурбони бўлмоқда. Бу рақамлар ушбу маънавий-хукуқий жиноятнинг бутун инсоният тақдирига нечоғлик ташвиш келтираётганини яққол кўрсатиб турибди.

Хозирги кунга келиб барча мамлакатларнинг глобал муаммосига айланиб улгурган одам савдосига қарши курашда миллий-минтақавий ва халқаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишини талаб этмоқда.

Олимларнинг фикрича, одам савдоси қўйидаги квалификация белгиларига эга:

1. Жабрланувчи ўз давлати чегараларидан ташқарига қонуний ёки ноқонуний равишда кўчиб ўтган. Истисно ҳолларда одам савдоси маълум бир давлат чегарасида ҳам содир бўлиши мумкин.
2. Одам савдоси бошқа жиноятлар – одам ўғирлаш, зўрлаш, юқумли касалликларни юқтириш, гиёҳванд моддаларни истемол қилишга мажбурлаш ва бошқалар билан боғлиқ.
3. Жабрланувчилар ҳар иккала жинс вакиллари бўлиши мумкин, гарчи улар одатда аёллар ва болалардир.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноят феномени доимо мавжуд бўлган, аммо вақт ўтиши билан сезиларли даражада ўзгариб турган ҳодисадир. XIX аср охири ва XX аср бошларигача Европадан Америка ва Шимолий Африка

қитъаларига инсонларнинг кўчиши, шунингдек, аёлларни Европага сотиш кенг миқёсда ташкил этилган. “Оқ қуллик” номи билан машхур бўлган бу ҳодисага чек қўйиш учун 1902 ва 1910 йилларда Парижда иккита анжуман ўтказилди. Уларнинг фаолиятининг энг юқори ютуғи Оқ қуллар савдоси тўғрисидаги халқаро конвенциянинг имзоланиши (Париж, 1910 йил 4 май), кейинчалик у Аёллар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенсия (1921 йил 30 сентябр) билан тўлдирилди) ва Балоғатга етган аёллар савдосига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (Женева, 1933 йил 11 октябр). Одам савдоси ва фоҳишаликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1949-йил 2-декабр) каби хужжатлар имзоланди.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 2000 йилдаги 55-сессиясида Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенция (Палермо конвенция)си қабул қилинди.

Бугунги кунда одам савдоси эксплуатациясининг энг кенг тарқалган шакллари қўйидагилардан иборат.

Булар: меҳнатга ва жинсий алоқа ёки бошқа хизматларга мажбурлаш, маошсиз ёки тўлашнинг ноаниқ истиқболлари билан ишлашга мажбурлаш, шахсни ҳаракат эркинлигидан маҳрум қилиш ва унинг иш натижаларини тасарруф этиш, алдаш, меҳнат шартномасисиз ишлашга мажбурлаш, иш вақтини узайтириш, ортиб бораётган интенсивлик ва бошқалар билан, ишлаган пулни тўламаслик, ишдан бўшатишни ноқонуний тақиқлаш (ходимни ушлаб туриш), ходимларни манипуляция қилиш, ходимнинг розилигисиз бошқа иш берувчига ўтказиш, бошқа (асосий ишдан ташқари) иш учун фойдаланиш ходимнинг розилигисиз кабиларни ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, бу борада Республикаизда ҳам мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий база яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни Президентимизнинг 2020 йил 17 августда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ – 633 сонли қонуни қабул қилинган. Ушбу қонун трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, давлатимизда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр – қиммати ва бошқа ажralmas ҳуқук ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади[2]. Ўзбекистон Республикаси конституциясида ҳам инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати қонунан мустаҳкамланган.

Жумладан, Конституциямизнинг 18-моддасида шундай дейилган. “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга булиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принциплариға мос бўлиши шарт”.

19-моддасида эса, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган хуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган хукук ва эркинликлари даҳлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас[3].

Афсус билан шуни айтишимиз мүмкінки, одам савдоси ва құллик балоси бугунғи ХХІ асрда ҳам кенг миқёсда ёйилиб бормоқда. Миллионлаб инсонлар қулликка, тиланчиликка, зұравонлик билан фохишабозликка ва бошқа ишларга мажбурланмоқда. Яна бир ачинарлы жиҳати, одамлар муайян бир давлатнинг ичидә ҳам, унинг ташқарисида ҳам эксплуатация қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Республикаизда бугунги глобаллашув даврининг энг долзарб ва ечимини кечикириб бўлмайдиган муаммоларидан бири одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш масалаларига устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда. Ҳудудларда фаолият юритиб келаётган одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича худудий кичик комиссиялар томонидан олиб борилаётган амалий ислоҳотлар ҳам бунинг яққол исботидир.

Одам савдосига қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

• одам савдосига қарши курашиш — одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият;

• одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни сустеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эркиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади;

• одам савдоси билан шуғулланувчи шахс — мустақил равища ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курамайдиган мансабдор шахс. Одам савдосига қарши курашиш қуйидаги асосий принципларга асосланади:

• қонунийлик;

• одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги;

• одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

• ижтимоий ҳамкорлик.

Одам савдоси кўпинча ноқонуний тарзда чет мамлакатларга бориб меҳнат фаолияти билан шуғулланиш туфайли юзага келмоқда. Нолегал меҳнат миграцияси натижасида давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, божхона ва солик қонунчилигини қўпол тарзда бузиш каби нохуш ҳолатлар юз бермоқда. Жиноятчилар, уюшган жиноий гуруҳлар ўз ватандошларининг соддаликлари, ишонувчанликлари ва етарли ахборотга эга эмасликлардан фойдаланиб, уларни қулликка маҳкум этмоқдалар. Натижада, алданган фуқароларимиз ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоб-уқубатларга дучор бўляпти. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 26-моддасига кўра,

ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиикқа дучор этилиши мумкин эмас.

Одам савдоси инсоният цивилизациясига, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдиради. Шу сабабли уюшган жиноятчилик, хусусан, халқаро терроризм, наркобизнес, қурол-яроғларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши кураш бугун жаҳон афкор оммаси учун долзарб муаммо бўлиб турибди. Айрим кишиларнинг соддалиги ва ишонувчанлиги сабабли моддий муаммоларни тезда ҳал этиш илинжи, енгил иш топиш, тез бой бўлиш орзуси, етарли хуқуқий билимга эга эмаслиги, лоқайдлик ва нопок кимсаларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари, трансмиллий жиноий гурухларнинг ихтисослашувига сабаб бўлмоқда.

Қул — қул эмас, қуллигини англамаган — қул, деган эди файласуфлардан бири. Қулликни англаш эса, Ал'берт Камю айтганидек, албатта исён билан тугайди. Таассуфки, эркини, тенглигини, шахсий дахлсизлигини арзимас баҳога сотаётган ва ёки ихтиёrsиз равиша қуллик домига тушиб қолаётганлар йўқ эмас. «Қулдорлик тузуми» деб аталган бутун бошли ижтимоий формацияни босиб ўтган инсоният учун бу тушунча янгилик эмас. Куллар, қул бозорлари ҳақида тарих китобларидан ўқиган, бадиий фильмларда кўрган XXI аср авлоди «Одам савдоси» деган янги иборага тўқнаш келди. Ибора сифатида янги аммо ижтимоий воқелик сифатида жуда эски бу иллат бутун инсониятда ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Одам савдоси МДҲ мамлакатларида чуқур илдиз отаётир. Матбуот саҳифалари ва интернет сайкларига ёки телевизор экранларига кўз ташлаш кифоя — қайсиdir МДҲ мамлакатида рўй берган ушбу мудҳиш жиноят билан боғлиқ ҳолатга дуч келасиз. «Оммавий миграция», «инсон аъзолари савдоси», «аёллар трафики» каби жумлаларни журналистлар ўйлаб топмаётганини, бу муаммо бугун биз яшаётган жамиятда юзага келганини ҳар бир онгли киши англаб етади. У инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, бугуни ва эртасига таҳдид солаётган ушбу жиноятчилик чегара билмаслигини, асосан аёллар ва болаларни ўз домига тортаётганини яхши билади. Бу иллатга қарши туради.

Трафик. Юртдошларимиз сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларида тез-тез кўзга ташланаётган бу сўз моҳиятини тушуниб етишди. Маълумки, ҳар бир ривожланган мамлакат ўз меҳнат бозорини ташқи ишчи

кучидан ҳимоялаш чораларини кўради. Муайян давлатнинг ҳуқуқий асосларига бўйсунмасдан ўша давлатга кириб келган ишчи кучи ноқонуний мигрантлар деб аталади. Ҳақ-хуқуқлари ҳимоя қилинмайдиган бундай кишилар осонгина жиноий гурухлар чангалига тушади. Ноқонуний миграция соясида одам савдоси деб аталган мудхиш жиноятчилик авж олади. Унинг ортида эса, мажбурий меҳнат, қуллик, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабиҳликлар ётибди.

Терроризм, гиёҳвандлик, қурол-яроғ савдоси инсониятни жиддий ташвишга солаётгани бор гап. Лекин жиноий гурухлар йирик даромад илинжида бу жиноятлар билан кифояланиб қолмасдан одам савдоси билан ҳам шуғулланмоқда. Оқибатда шу куннинг оғрикли муаммоси, инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари поймол этилишининг энг мудхиш кўриниши сифатида намоён бўлаётган одам савдоси сайёрамизда сўнгги йилларда кескин ошаётган халқаро жиноят тусини олди.

БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 2,7 миллион киши, жумладан, 600 — 800 минг атрофида аёллар ва болалар одам савдоси қурбонлари бўлмоқда. Ушбу қабиҳ жиноят туфайли дунё бўйича йилига 7 миллиард АҚШ доллари атрофида пул ноқонуний айланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти, аввало, инсон манфаатларига — унинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоялаш, турмуш шароитини яхшилаш каби эзгу мақсадларга қаратилган. Ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун, биринчи навбатда, унинг хавфсизлиги та’минланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, кадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиги ҳар қандай тажавузлардан ҳимоя қилинган бўлиши шарт. Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий асос яратилиб, инсон эркига дахл қилувчи ушбу мудхиш жиноятга карши кескин курашилмоқда. Бу борада «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги, «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида» ги қонунлар қабул қилинди.

Амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар мазкур жиноятнинг олдини олиш ва оқибатларини камайтиришда, унинг ҳар қандай кўринишлиаридан фуқароларимизни муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллий ҳокимликлар

томонидан ноқонуний миграциянинг оқибатларига доир тушунтириш ишларининг олиб борилаётгани, оммавий ахборот воситаларида хуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларига кенг ўрин ажратилаётгани дикқатга сазовор. Натижада фуқароларимиз, ёшларимиз одам савдоси, бу жиноятнинг моҳияти ва оқибатлари, шунингдек, ўқиш ва ишлаш ёки дам олиш учун хорижга қонуний ё’ллар билан чиқиши имкониятлари ҳақида тушунчаларини бойитмоқда.

Бугунги кунда БМТ томонидан молиялаштирилган Mira Med, Winroc International, Global Survival Network сингари халқаро ташкилотлар умумжаҳон миқёсидаги мазкур муаммога қарши курашишга, унинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Маълумотларга кўра жуда кўплаб мамлакатларда трафикка дахлдор қонунчилик асослари деярли шакллантирилмаган. Айrim мамлакатларда эса, бундай қонун умуман йўқ. Ҳаттоқи ривожланган давлатларда ҳам одам савдоси билан боғлиқ муаммолар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Мазкур халқаро ташкилотлар одам савдосининг олдини олиш учун аҳоли, айниқса, молиявий жиҳатдан ота-онага қарам ёшлар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини қучайтириш лозимлигини таъкидлайди. Мамлакатимиз фуқароларининг чет элга ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чиқиши юзасидан маслаҳат ва хуқуқий ёрдам беришга йўналтирилган хуқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам равища ташкил этилмоқда.

Одам савдосига оид ноқонуний ҳаракатларга қарсҳи тадбирлар, давлат ва жамоат органлари томонидан бажариладиган энг муҳим вазифалар белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори фуқаролармиз ҳаёти ва саломатлиги, шаъни, қадр-қимматини жиноятчиларнинг тажовузларидан ҳимоялаб, инсон ва унинг хуқуқлари, манфаатлари энг олий қадрият, деган улуғ ғояни рўёбга чиқаришга қаратилгани билан дикқатга сазовордир. Одам савдоси қурбонларига айланган шахсларни хуқуқий ҳимоялаш, уларни ижтимоий, иқтисодий ва тиббий-руҳий жиҳатдан реабилитация қилиш давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон инсонпарвар демократик давлат сифатида умуме’тироф етилган халқаро норма ва қоидаларни ўз миллий хуқуқ тизимиға кенг жорий қилиш йўлини тутмоқда.

Бош Қомусимизда айтилганидек, инсон шахси дахлсиздир. Унинг шаъни, қадр-қимматини топташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бир сўз билан айтганда, одам савдосига қарши курашиш бўйича мамлакатимизда мустаҳкам хуқуқий асос яратилган. Аммо, асосий масала шундаки, одам аввало ўзининг хуқуқларини тўлиқ

англааб етмас экан, ҳар қандай қўламдаги чора-тадбирлар етарлича самара бермайди. Шу нуқтаи назардан ҳар бир фуқаронинг хуқуқий маданиятини юксалтириш ушбу иллатга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга.

Кличев Феруз Тургумбаевич
ИИВ Сурхондарё академик
лицейи директорининг.
ўринбосари, подполковник

**Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб
тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайta йўналтириш
тизимида ички ишлар органларининг ваколатлари**

*Иложисиз ҳолда ўз юртини ташлаб
кетаётган кишилар ва қочқинлар сони тобора
ортиб бораётгани, таълим ва тиббий ёрдамдан
фойдаланиши имконияти йўқлиги, одам савдоси ва
мажбурий меҳнат, аёллар ва эркаклар учун тенг
хуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, қашиоқлик
ва очликка барҳам бериши зарурати билан боғлиқ
муаммолар мураккаблашиб бораётганига биз
четдан томошабин бўлиб қараб туролмаймиз.*

Шавкат Мирзиёев

БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савdosининг қурбонига айланмоқда. Халқаро эксперталарнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад микдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ташишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизи аёл ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600–800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Мазкур жиноятлардан жабрланган шахсларга ёрдам бериш ва келгусида қайta жабрланиб қолишидан сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8-феврал 2021 йилдаги “Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайta йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ти 60-сон қарори қабул қилинди.

Қарор билан қўйидагилар тасдиқланди:

- Одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификатсия қилиш ва қайta йўналтириш тартиби тўғрисидаги низом;

- Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитатсия ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низом.

Ушбу қарор билан тасдиқланган биринчи низомда одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолияти давлат органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификатсия қилиш ва қайта йўналтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат органларига қўмаклашади.

Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш ва идентификатсия қилиш мазкур шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик тамойилига асосланади.

Қўйидагилар дастлабки идентификатсияни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг тизимидағи ташкилотлар;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳисобланади.

Якуний идентификатсия Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссия томонидан коллегиал тарзда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

- одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва хуқуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қиласи, рўйхатга олади ҳамда уларнинг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни, шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия

тўғрисидаги қонун хужжатлари ва бошқа қонунларга мувофиқ кўриб чиқилишини тъминлайди;

- келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификатсия қиласди ҳамда қайта йўналтиради;

- ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳқумлар орасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган шахслар ҳақида маълумот тўплайди, таҳлил қиласди ва уларни идентификатсия қилишни ташкил этади;

- ахборот-коммуникация технологиялари ва ижтимоий медиа соҳасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган шахслар ҳақида маълумот тўплайди, таҳлил қиласди ва уларни идентификатсия қилишни ташкил этади;

- одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни дастлабки идентификатсия қилиш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширади;

- одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирав фаолиятини, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш даврида одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни дастлабки идентификация қилиш ва қайta йўналтиришни амалга оширади;

- одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификатсия қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширади;

- идентификация қилиш ва қайta йўналтириш жараёнларида қатнашаётган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мутахассисларининг одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни аниқлаш ва идентификатсия қилиш усуллари ва мезонлари бўйича малака даражасини ошириш мақсадида ҳар йили камида бир маротаба ўқув семинар-тренинглар ташкил этади. Ўз ходимларининг малака даражасини ошириш истагини

билдирган мазкур орган ва ташкилотларнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти ва унинг ҳудудий филиалларида ўқитиш ташкил этилади;

- одам савдоси жиноятлари содир этилган хорижий давлатлар ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари учун ҳар йили одам савдосининг муаммоси тўғрисида хабардорликни ошириш ва бошқа мамлакатда аниқланган одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни қайта йўналтириш бўйича кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўқув семинар-тренингларини масофавий видеолоқа каналлари орқали ташкил этади.

- Идентификация қилиш ва қайта йўналтириш жараёнларида қатнашаётган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мутахассисларининг одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни аниқлаш ва идентификатсия қилиш усуллари ва мезонлари бўйича малака даражасини ошириш мақсадида ҳар йили камида бир маротаба ўқув семинар-тренинглар ташкил этади;

Дастлабки идентификатсия қилиш жараёни ушбу фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг маҳсус жиҳозланган хонасида, ҳар бир шахс билан алоҳида, хавфсиз муҳитда, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг асосий эҳтиёжлари (озиқ-овқат ва сув, мос кийим, биринчи зарур тиббий ёрдам) қондирилгандан сўнг амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуни айишими жоизки, одам савдосида жабрланган ёки одам савдосида жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимида Ички ишлар органлари ходимлари ўз ваколатларини сидқи дилдан бажарса, ушбу турдаги жиноятдан жабр кўрганларни ўз вақтида аниқлаб уларни қайта йўналтириш жараёнида одам савдоси жиноятларининг келиб чиқиши шарт-шароитларини ўрганиши, содир этилган жиноятларнинг тез фурсатда иссиқ изларидан очилиши ҳамда келгусидаги ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилишининг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида тарвиқот ташвиқот ишларини олиб борилса, мамлакатимизда ушбу турдаги жиноятларнинг сезиларли даражада пасайиши ҳамда бутқул барҳам топишига эришилади.

Суяров

Обиджон
Шамсутдинович

ИИВ Сирдарё

академик лицейи директорининг
ўринбосари, майор

Одам савдоси жиноятлари ва унга қарши курашишда ички ишлар органларининг фаолияти

ХХ аср охирларига келиб одам савдоси бутун инсониятга қарши асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолди. Одамдан эксплуатация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар ошиб бориши тенденцияси бундай ижтимоий хавфли қилмишлар охир-оқибатда жамиятнинг демократик негизларига тажовуз қилиши билан миллий хавфсизликка ҳам таҳдид солади.

Энг ачинарлиси, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам муддаолари енгил йўл билан даромад топиш истагида жиноят содир этиш-икки тоифадаги одамларни ҳам ҳалокат домига тортмоқда.

Мамлакатимизда ушбу жиноят одамни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш каби кўринишларда намоён бўлади. Унга қарши курашиш, илдизига болта уриш учун тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Муаммонинг асл сабабларидан бири шуки, кўпчилик атрофдаги воқеаларга бепарво ёки одам савдосининг кўринишлари билан боғлиқ маълумотларга ҳали тўлиқ эга эмас. Орамизда алдовлар ва мўмай даромад ҳақидаги пуч ваъдаларга ишониб, хориждан иш топаман деб ўз ҳаётини хавф остига қўяётганлар ҳамон учраб турибди.

Одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурган. БМТ экспертларининг фикрича, ҳозирга келиб бу жиноят дунё миқёсида шундай кенг тарқалганки, ундан жабрланганлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бундан келадиган даромад эса наркотик моддалар ва курол савдосидан тушадиган маблағдан ҳам кўп. Ҳисоб-китобларга кўра сўнгги пайтларда унинг йиллик айланмаси 19 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, ҳозир дунёning 127 та мамлакатида одам савдоси билан шуғулланилмоқда, 98 та давлат транзит вазифасини ўтамоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг маълумотларида қайд этилишича, минтақа мамлакатлари чегарасидан иш топиш баҳонасида йилига 200-500 минг атрофида мигрант ўтмоқда. Уларнинг 60 фоизи сотиб юборилган аёл ва болалар бўлиб, аксарияти танфуруушликка, тиланчиликка мажбур этилмоқда.

Ўзбекистон одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро хужжатларни, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу Конвенциясини тўлдирувчи «Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги Протоколни ратификация қилди, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Конун (2020 йил 17 август куни янги таҳрирда) қабул қилинди ва халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тегишли ўзгартиришлар киритди.

Одам савдосига оид қонунчиликни қўллашда масалалар юзага келаётганлиги муносабати билан ҳамда бу тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрь кунги қарори қабул қилинди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссиянинг кенг фаолият юритиши, жиноятчиларни фош этиш ва жиноят қурбонларини ҳимоялаш ва уларга ёрдам қўрсатиш масалаларини янада такомиллаштириб, уни амалиётга кенг тадбиқ этган ҳолда, халқаро миқёсда амалга оширасак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Сирдарё вилояти ички ишлар органлари томонидан «Одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш» йўналиши бўйича вилоят ҳудудидаги шаҳар-туман ички ишлар органлари, жазони ижро этиш муассасалари ҳамда бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳамкорлигига

2021 йил давомида вилоят ҳудудида оператив вазиятни яхшилаш, ижтимоий-сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, жиноятчиликни олдини олиш, содир этилган жиноятларини иссиқ изидан фош этиш борасида бир қатор амалий ва ташкилий тадбирлар амалга оширилган.

Жумладан, 2021 йилнинг 12 ойи давомида жами бўлиб **29 та** йўналиш бўйича **ариза ва мурожаатлар** келиб тушган бўлиб, шундан **13 та ҳолатда** жиноят иш қўзғатилган, **16 та ҳолатда** эса жиноят аломатлари бўлмаганлиги боис, жиноят иши қўзғатиш рад этилган.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларда жабрланувчилар сони **15 нафарни** ташкил этиб, уларнинг **1 нафари** ўғил бола (*вояга етмаган*) ва **14 нафарини** аёллар ташкил этади, шундан чақалоқ савдоси жабланувчиси **3 нафарни**, шахвоний экспулатация жабланувчиси **12 нафарни** ташкил этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2008 йилдан шу даврга қадар одам савдоси жиноятидан жабр кўрган Сирдарё вилоят фуқаролар сони жами бўлиб **622 нафарни** ташкил қиласди. Шундан 2021 йил давомида одам савдоси жиноятидан жабр кўрган фуқаролар сони **15 нафарни** ташкил қиласди.

Таклифлар

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, одам савдоси жиноятларини олдини олиш мақсадида, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда моддий жиҳатдан қийин аҳволда бўлган, одам савдоси жиноятига қўл уриши мумкин бўлган оилаларнинг аниқ рўйхатини шакллантириш ва уларнинг жиноят содир этишга йўл қўймасликлари учун манзилли профилактик ишларни ташкил этиш, чақалоқ савдосини олдини олишда маҳалла ва хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасидаги ҳамкорликни янада ошириш, маҳаллаларда маҳалла фаоллари ва Диний қўмита уламолари иштироқида профилактик сухбатлар ўтказиш, маҳаллаларда кам таъминланган, пулга муҳтоҷ бўлган оилаларни ва чақалоқ савдосига мойил бўлган шахсларни алоҳида назоратга олиш ҳамда улар билан кенг жамоатчиликни (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, маҳалла маслаҳатчилари, масжид Имом-хатиблари, ИИБ профилактика инспекторлари) жалб этган ҳолда мунтазам равишда профилактик сухбатлар ўтказиш, одам савдосининг (чақалоқ савдоси) мудхиш оқибатлари юзасидан режали маърузалар тайёрланган ҳолда мактаб ўқувчилари онгига (бошланғич ва юқори синф) ўқитувчилар томонидан сингдириб борилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, ҳозирги вақтда чақалоқ савдоси жиноятлари асосан турмушга чиқмаган енгил табиатли қизлар ва турмушидан ажрашган аёллар ҳамда ижтимоий аҳволи оғир бўлган оилалар томонидан содир этилаётганлигини инобатга олиб, Халқ таълими қошидаги васийлик ва ҳомийлик кенгашини алоҳида давлат ташкилоти сифатида шакллантириб, уларга тегишли ваколат берилган ҳолда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда турмушга чиқмаган енгил табиатли қизлар ва турмушидан ажрашган аёллар ҳамда ижтимоий аҳволи оғир бўлган оилалардаги вояга етмаган фарзандлари юзасидан марказлаштирилган базани яратиш, уларни доимий равишда назоратини олиб бориш ва тафтишдан ўтказиш, ушбу жараёнда фарзандларини тарбиясига бепарво бўлиб, уларни сотишга мойиллиги юзага келган турмушга чиқмаган енгил табиатли қизлар ва турмушидан ажрашган аёллар ҳамда ижтимоий аҳволи оғир бўлган

оилалардан болаларни олиб қўйиш ва болалар уйига топшириш ёки бефарзанд оилаларга бериш вазифаси юклатилиши юзасидан қонунчиликка ўзгартириш масаласини ўрганиб чиқиш зарур.

Хозирги кунда кўп ҳолларда ота-оналар фарзандларини қариндошлари ёки бошқа шахсларга ташлаб кетиб, ҳорижий давлатларга чиқиб кетишишмоқда. Шунда ота-онанинг қаровисиз қолган бола одам савдоси жиноятининг қурбонига айланмоқда ёки бошқа салбий оқибатлар келтирувчи йўлларга кириб кетишишмоқда. Бундай холатларни олдини олиш мақсадида қонунчиликда васийлик органларининг вазифалари кенгайтирилиб, қайтадан кўриб чиқилиши ва ҳуқуқий хужжатларда акс эттирилиши керак.

Сирдарё вилояти ИИОларига келиб тушаётган аризалар таҳлил қилинганида, аризаларнинг асосий қисмида фуқароларга Россия ва Қозоғистон давлатларида иш таклиф қилиб, у ерга ишга олиб кетган фуқаролар ёки иш берувчилар томонидан ойлик иш ҳақи тўлиқ ёки қисман берилмаганлиги оқибатида ўз уйларига қайтиб келиб, ишга олиб кетган шахсларнинг устидан пулларини ундириб беришни сўраб мурожаат қилишган. Бундай салбий ҳолатлар фуқароларни қийин ахволга солиши билан биргаликда, уларга моддий ва маънавий заарар етказилишини инобатга олган ҳолда фуқароларни ҳорижий давлатларга ишлашга таклиф қилган ёки биргаликда ишлашга олиб бориб, қийин ахволда (пулсиз, хужжатсиз ва ҳоказо) ўзга юртда қолишига сабабчи бўлган шахсларнинг жавобгарлиги масаласи қонунчилик нормаларида акс эттирилиши зарур.

Жойларда фохишалик ва қўшмачилик билан шуғулланувчи шахсларни, улар томонидан ташкил этилган фохишахоналарни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 131-моддасини 1 ва 2-қисмларини санкцияси оғирлаштирилиб, санкцияси “фохишалик билан шуғулланиш учун шароит яратилган ёки фохишахона сақланган обьект, яъни бино, уй ёки хона давлат фойдасига мусодара қилинсин” деган жумла билан тўлдирилиши лозимдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 190-моддасини санкцияси оғирлаштирилиб, санкциясида жазо тариқасида “маъмурий қамок” қўлланилиши лозимдир.

Уринов Нуғмонжон Илхомович
ИИВ Фарғона Академик лицейи
директор ўринбосари
подполковник

Одам савдоси-қуллик балоси

Сайёрамизда бир қатор глобал муаммолар борки, булар сирасига бевосита одам савдоси сингари трансмиллий жиноятларни ҳам киритиш мүмкин. Йилдан йилга бу иллатдан жабр чекаётганлар, унинг қурбони ва нишони бўлаётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ҳудуд ва чегара, ёш ва қари, эркак ва аёл деб ажратмайдиган бу жиноятнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф ва хатар туғдирмоқда. Одам савдосидек оғир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч кўринишига эга.

Одам савдоси - бу одамларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш, уларни қул сифатида эксплуатация қилиш, ҳарбий тўқнашувларга жалб этиш, аёлларни уларнинг ҳоҳиши-иродасига қарши равишда фоҳишабозлик билан шуғулланишига мажбур қилиш, норасида гўдакларни турли мақсадларда, жумладан, уларнинг аъзолари ва тўқималарини олиш мақсадида ўзга давлатларга олиб кетиб сотиш каби кўринишиларда намоён бўлмоқда.

Инсоният тарихида одам савдосига қарши курашиш XIX аср охири ва XX аср бошларида бошланиб, шу даврда хотин-қизларни Европа, Америка ва шимолий Африка қитъаларига кенг кўламли миграцияси ҳамда аёлларни Европага сотиш ҳодисаси кузатилган. Бу ҳодисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита конференция ўтказилиб, ”Оқ қуллар савдосига қарши курашиш” номли бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган. Кейинроқ ушбу Конвенция “Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш” ва “Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш” номли бутунжаҳон Конвенциялари билан тўлдирилган. Одам савдосига қарши курашишнинг кейинги тарихий жараёнлари секин-аста ривожланиб, 1948 йилда БМТ томонидан халқаро миқёсдаги инсон ҳуқуқларига дахлдор биринчи тарихий хужжат “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” қабул қилинган. Шундан сўнг, ”Инсон ҳуқуқларининг Европа Конвенцияси, ”Қуллик хусусида”ги конвенция, ”Қулликни йўқотиш амалиёти тўғрисида”ги конвенция, ”Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, ”Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишиларига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциялар қабул қилиниб, дунёning қўплаб мамлакатларида қўлланила бошланди.

2013 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 30 июль “Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни” деб эълон қилинган. Айни пайтда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу турдаги жиноят дунё миқёсида кенг тарқалмоқда. БМТ ва

Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хulosаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бугунги кунга келиб 6 миллионга яқин. Ташибланарлиси шуки, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил қилмоқда.

Одам савдосига фақатгина Ўзбекистон Республикасининг муаммоси сифатида қарашимиз нотўғри бўлади, чунки ҳозирги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар деярли дунёнинг ҳар бир давлатида кенг тарқалиб, дунё ҳамжамиятини асосли хавотирга солмоқда. Энг ачинарлиси, одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг кенг тарқалишига: аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламлари: ишсиз юрган фуқаролар, кундалик турмуш шароитларида қийинчиликка учраган аёллар ва ота-онасининг эътибори ва назоратидан четда қолган вояга етмаган шахсларнинг гўёки уларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилгандек кўриниб, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланганликлари ҳам кишини янада хушёрликка чорлайди.

Бугунги кунда ҳаётимизнинг долзарб масаларидан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши қурашиш борасида Ўзбекистон Республикасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу билан бирга, одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара билмаётган жиноят эканлигини ҳисобга олиб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши қураш тўғрисида”ги конвенциясига қўшилди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосининг хавфли кўринишларига қарши қураш ҳақида бир қатор шартнома келишувлар имзоланди. Айнан шу келишувлар натижаси ўлароқ бугунги кунга келиб одам савдосига қарши қурашища халқаро ҳамкорлик мухим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган “Одам савдосига қарши қурашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу Қонунни янада такомиллаштириш ва ҳозирги замон талабларига мослашитириш, “Янги Ўзбекистон!”нинг халқаро миқёсида ушбу йўналишдаги имиджини ошириш мақсадида унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 2020 йил 17 августда қабул қилинди. Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиши зарурати бугунги кунда одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш масалаларига доир аниқ қоидалар тартибга солинмаганлиги ҳамда вояга етмаганларнинг одам

савдосига қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан, индефикация қилиш, ёрдам бериш ва ҳимоя қилишнинг ҳукукий мақомини аниқ белгилаш билан изоҳланади. Янги таҳрирдаги Қонунда ана шу жиҳатлар алоҳида эътиборга олинган. Қонуннинг янгидан қабул қилиниши одам савдосидан жабрланган фуқароларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қиласди.

Бундан ташқари одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасида мамлакатимизни ҳалқаро майдондаги имиджини олға суришда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сонли Фармонига асосан ”Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси” ташкил этилди.

Афсуски, юртимизда одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш юзасидан ислоҳотлар олиб борилишига қарамасдан, бундай ҳолатлар мавжуд бўлиб, фуқароларимиз турли алдов ва фирибгарликлар таъсири остида одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Бунга яққол мисол сифатида шуни келтириш мумкинки, 2022 йил 26 апрель куни Фарғона вилояти ИИБ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси ҳамда Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир давомида, Қува туманида рўйхатда туриб, Фарғона шаҳрида яшовчи аёл ҳозирда Туркияда бўлган опаси билан олдиндан жинойи тил бириктириб, Фарғона шаҳрида яшовчи бошқа бир аёлни Туркия давлатига фоҳишалик билан шуғулланиш учун юбормоқчи бўлганлиги аниқланди. Аёлни гўёки Туркияда қисқа муддат давомида мўмай даромад топиш мумкинлиги билан қизиқтириб, барча ҳаражатларни ўзи қоплаши эвазига эса Туркияга боргандан сўнг, ишлаб беришини маълум қилиб, Фарғона ҳалқаро аэропорти орқали жўнатиб юбораётган пайтда ходимлар томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида қўлга олинди ҳамда ушбу шахсларга нисбатан Фарғона шаҳар ИИО ФМБ Тергов бўлими томонидан дастлабки тергов харакатлари олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, барчамиз айрим фуқароларимизнинг одам савдоси қурбонларига айланиб, ачинарли ҳолатларга тушиб қолаётганликлари, бунинг оқибатида эса ҳаттоқи фожиали ҳодисалар юз бераётгани ҳақида эшитиб, кўриб, билиб юрибмиз.

Шундай экан огоҳ бўлайлик! Ушбу мудҳиш ҳолатларнинг олдини олиш барчамизнинг: Ватан, маҳалла ва азият чеккан оилалар олдидағи бурчимиз эканлигини унутмайлик. Биз фақат биргаликда, ҳамжиҳатлик ва хуқуқий саводҳонлигимиз билан одам савдосига қарши самарали тарзда курашиш, ушбу долзарб муаммони бартараф этишга қодирмиз.

Матякубов Азамат Алимбаевич
ИИВнинг Хоразм академик лицейи
директорининг ўринbosари

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берадиган шарт шароитлар

Биз яшаётган XXI аср умумбашариятга юқори технологиялар асри бўлиб кириб келди. У ўзи билан биргаликда ҳалқаро терроризм, одам савдоси, қурол-яроғ савдоси, гиёҳванд моддалар савдоси, ахборот манипуляциялари ва бошқа бир қатор жиддий муаммоларни вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида “Биз глобаллашув ҳар томонлама авж олаётган, шиддатли ўзгаришлар содир бўлаётган мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳисобланади” деб таъкидлаган эдилар.

Миллий қонунчилигимизда “Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар” турқумига кирувчи одам савдоси жинояти ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб, бутун дунё ҳамжамиятини ҳавотирга солмоқда.

Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг «Замонавий қулликнинг глобал натижалари: мажбурий меҳнат ва мажбурий никоҳ» деб номланадиган маъruzасида келтирилган маълумотларга кўра, жаҳонда 40 миллион киши замонавий қулликнинг, яъни одам савдосининг қурбони бўлишган. Уларнинг 71 фоизини аёллар ва ёш болалар ташкил этади.

Охирги беш йилда эса 89 миллион одам бир неча кундан беш йилгacha бўлган муддатда юқоридаги каби замонавий қулликнинг мудҳиш таъсирини ўз бошларидан кечиришган.

Бутун дунёда содир этилаётган одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан келаётган йиллик фойда тахминан 50 млрд.долларни ташкил этади.

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-154-сон Қонунининг 3-моддасида “одам савдоси-куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг ўзга шаклларини, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олишни англатади”⁵ деб белгилаб қўйилган.

Одам савдоси юқори даромадлилиги туфайли, жиноий бизнес соҳасида жуда кенг тарқалган. Бундан ташқари, ушбу жиноятнинг хавфлилиги унинг латентлиги туфайли янада ортади.

Ҳозирги вақтда одам савдоси халқаро жиноятчиликнинг энг мудҳиш шаклларидан биридир. У шахснинг қадр-қиммати, ўз тақдирини ўзи белгилаши ва дахлсизлигига тажовуз қиласи - инсон "савдо учун товар" даражасига туширилади. Одам савдоси "ишга қабул қилиш ва фоҳишаликка олиб келиш" каби турли шаклларда намоён бўлиб келмоқда.

Афсуски, айрим қўштироқ ичидаги юртдошларимиз бойлик орттириш мақсадида ўз қавмини, қариндош-уруғларини, маҳалла-куйда яшаб турган маҳалладошларини турлича алдовлар билан Россия, Туркия, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея каби хорижий давлатларда яхши ҳақ тўланадиган ишларга жойлаб қўйишни ваъда қилиб, ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетиб, сотиб юбораётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ҳисботларга назар соладиган бўлсак, ўтган 2021 йилнинг ўтган 12 ойида Хоразм вилоятида меҳнат мигранти сифатида 119.941 нафар шахс чет давлатларда чиққан бўлсалар, бу кўрсатгич вилоятимиз аҳолисининг 7,3 %ни ташкил қиласи.

Чет давлатлардаги мигрантларимизнинг 88.730 нафари эркаклар, 31.211 нафари аёллар ва 5.218 нафари вояга етмаганлардир.

Ушбу даврда 72.223 нафар фуқаролар яшаш жойларидан турли сабабларга кўра МДҲ ва бошқа чет давлатларига чиқиб кетган ҳамда мазкур даврда 79.302 нафар фуқаролар яшаш жойларига қайтиб келишган.

2021 йилнинг ўтган 12 ойи давомида Хоразм вилояти ички ишлар идоралари томонидан одам савдоси билан боғлиқ жами 17 та жиноят иши қўзғатилган.

Жиноятлар 21 нафар шахслар (15 нафар аёл ва 6 нафар эркак) томонидан содир қилинган бўлиб, мазкур жиноятларда 19 нафар шахс жабрланувчи деб топилган.

Мамлакатимизда одам савдосини олдини олиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Ички ишлар органлари тегишли ҳамкор идоралари билан биргалиқда «Одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари», «Одам савдосидан огоҳ бўлинг!», «Одам савдосига қарши курашиш» мавзусида аҳоли ўртасида маҳалла, мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда одам савдоси ҳамда унинг олдини олишга қаратилган давра сухбатлари, семинарлар олиб борилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали кўрсатувлар, радиоэшиттириш ва мақолалар газеталарда чоп этилмоқда.

Ишонч телефонлари орқали аҳоли ўзи учун керакли бўлган маълумотлардан хабардор бўлиб келмоқда. ИИВ томонидан ишлаб чиқилган «Фирибгарнинг тузоғига илинманг», «Боши берк кўчага кириб қолманг» деган мавзудаги варажда, буклет ва плакатлар аҳолига тарқатилиши давом этмоқда. Хорижий давлатларга бориб, оғир мусибатларни бошидан ўтказиб қайтаётган инсонларни Республика реабилитация марказида соғлом ҳаёт тарзига қайтариш борасида психологик, ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатилиши давлатимиз томонидан назоратга олинган.

Шу жумладан, одамлар савдоси қаби жирканч жиноятларни содир этган шахслар жиноий таъкиб этилиб, уларга жазонинг мукаррарлиги таъминланмоқда.

Одам савдоси жиноятлари асосан қуйидаги сабабларга кўра келиб чиқиши мумкин деб ҳисоблаймиз:

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтоҷ қатламлари - ишсиз юрган фуқаролар, турмуш ҳаётида кўп қийинчиликка учраган аёллар ва ота – онасининг эътибори ва қарамоғидан четда қолган вояга етмаган шахсларнинг ҳолатидан фойдаланиб, айрим ҳолларда эса шундай **аҳволдаги** шахсларни одам савдоси билан шуғулланаётганлар томонидан излаб топиш орқали гўёки

уларнинг муоммоларини ҳал қилган каби кўриниб, ғаразли мақсадлари учун фойдаланаётганлиги;

- одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг соддалиги ва ишонувчанлиги, тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжи, енгил иш топиш орзуси, ҳуқуқий билимларга эга бўлмасликлари, ўз тақдирига бефарқлиги ва лоқайдлиги оқибатида одам савдоси билан шуғулланувчи жиноятчиларнинг осон даромад манбаига айланиб қолишлари;

- одам савдосини амалга оширувчи жиноятчи шахслар ўзларининг танишлари, яқин қариндошларига нисбатан, уларнинг ишончига кириб олиб, уларнинг одам савдосини қурбонига айланиб қолишига сабабчи бўлаётганлиги;

- одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг ор-номус қилиб, уларга нисбатан ишлатилган жисмоний ёки руҳий тазииклар ҳақида ёхуд ўзининг ноқонуний равища чегарани бузиб чиқиб, чет давлатда ҳеч қандай давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний меҳнат фаолиятини амалга оширганлигидан кўркиб, булар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги;

- шахснинг одам савдоси каби жиноятларни амалга оширувчиларга моддий ёки маънавий жиҳатдан қараб бўлиб қолганлиги, ушбу йўналишдаги профилактик тарғибот-ташвиқот ишларини уларгача етиб бормаганлиги ва шунга ўхшаш бошқа сабаблар.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш учун қўйидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- мигрант сифатида чет давлатларга чиқувчи фуқароларимизга масъул ходимлар томонидан ҳар бир давлатда бўлиш қоидаларини тушунтириш ишларини олиб бориш;

- аэропорт, вокзал, чегара-постларда борилаётган давлатларни қонун-қоидаси, ҳуқуқлари бузилган тақдирда шу давлатдаги мурожаат қилиши лозим бўлган элчихона, консуллик ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини куну-тун ишлайдиган телефонлари, электрон манзилларини кўрсатиб ўтган ҳолда баннерлар ташкил қилиб, ватандошларимизга қисқа ва лўнда тушунарли тарзда ёритиб бериш ишларини давом қилдириш;

- юртдошларимизни яшаш жойларида бандлигини таъминлаш мақсадида доимий равища тегишли мутасадди идора-ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаларини ўтказиб бориш, ўтказиладиган меҳнат ярмаркаларида аҳолини ўзларига мос иш билан таъминлаш;

- жамоатчиликни одам савдоси билан шуғулланишнинг оғир оқибатлари ҳақида огоҳ этувчи сифатида кенг жалб этиш;

- одам савдоси жабрдийдалари бўлиш хавфи юқори бўлган муайян гуруҳдаги кишиларнинг турмуш тарзи сифатини қўтаришга, иқтисодий

имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган кенг қамровли Давлат дастурларни ишлаб чиқиши татбиқ этиши;

- аҳолининг турли қатламлари, айниқса, аёллар ва вояга етмаган шахсларга одам савдоси каби жиноятларнинг фаровон турмуш-ҳаётимизга соладиган хавфи ва салбий оқибатлари бўйича виктимологик профилактикани янада кучайтириш, аҳолининг гавжум жойларида, маҳаллаларда, турли хил таълим муассасаларида, давлат идоралари, корхона, муассаса, ташкилотларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш орқали, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш асосий вазифалардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро даражада жиддий ёндашув ва ўзаро доимий ҳамкорликка асослансанагина ижобий самара беради.

Бинобарин, одам савдоси, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ номаларига зид равишда, айнан яна бир инсон томонидан камситилиши, йўққа чиқарилиши – кечириб бўлмас жиноят, фожеадир.

МУНДАРИЖА

КИРИШ СЎЗИ.....	3
Саттаров А.Я. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбланган шахсларни реабилитация қилишда жиноят процессида юзага келиши мумкин бўлган айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	7
Ходжабаева Н.И. Одам савдоси жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	14
Абдилхамедов А. А. Одам савдосига қарши кураш ва уни олдини олиш.....	21
Кулмуродов У.И. Муассасалар фуқаролик-хуқуқий муносабатлар субекти сифатида.....	27
Матчанов А.А. Одам савдосига қарши курашнинг халқаро-хуқуқий асослари.....	32
Джураев Н. А. Террорчилик ҳаракатларига одам савдоси орқали ишти-рокчиларни жалб қилишда қўлланиладиган замонавий ёллаш усуллари.....	37
Жўрабоев Х. Одам савдоси – таназзулга элтувчи иллат.....	41
Хатамов Ф.Ф. Инсон ҳуқуқлари – янги ўзбекистоннинг асосий маънавий таъянчи.....	48
Умаров З.Р. Одам савдоси жиноятларига қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг муҳим жихатлари.....	54
Вахидов А.С. Одам савдосига қарши курашиш — давр муаммоси.....	58
Тураев М.А. Одам савдосида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари.....	66
Тошқулов Ф.Э. Одам савдоси жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	70
Ғозибеков Т.Ҳ. Оилада, ёшлар, бола ва унинг тарбияси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳамда турли зўравонликларнинг олдини олишда кенг жамоатчиликнинг фаолияти.....	75
Равшанов Ж.Р. Борьба с торговлей людьми: действия международной организации труда.....	82
Ачилов М.Х. Одам савдоси давр вабоси.....	89
Очилов М.М. Одам савдоси жиноятларидаги жинсий эксплуатациянинг халқаро ва миллий қонунчилик тизими.....	97
Боймуродов Б.С. Аёллар савдоси жиноятчилиги тушунчаси ва уни тадқиқ этишга оид ёндашувлар.....	103
Кенжаев Ж.О. Одам савдоси жиноятларини олдини олиш чоралари.....	111
Кабиров А.А. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар юзасидан ҳодиса жойини кўздан кечириш.....	115
Нуфтуллаев С.Г. Одам савдосидан жабрланганларнинг идентификация-си ҳамда уларни ижтимоий қўллаб қувватлашнинг долзарб жихатлари.....	119

Ганиев Б.М Одам савдоси жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	124
Хидиров Ф.Ш. Одам савдосига қарши курашишда миллий қонунчиликнинг такомиллаштириш - давр талаби.....	131
Суванкулов М.И. Одам савдосига қарши жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашишда ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги.....	136
Субанов О.С. Одам савдоси жиноятининг жиноий-хуқуқий тавсифи	144
Абдибоситов А.А. Одам савдосига қарши курашнинг хуқуқий асослари.....	154
Ғаниев Ш.Х. Одам савдоси жинояти содир этилишининг олдини олиш: муаммо ва ёчимлар.....	158
Якубов Ж.М.. Одам савдоси.....	162
Умурзаков Б.Б. Ички ишлар органлари ўқув муассасаларида кадрларларни тайёрлаш тўғрисида.....	174
Шералиев Ш.Э., Рисқалиев Ж.Д. Ахборот технологиялари ёрдамида одам савдосига қарши курашиш имкониятлари.....	180
Нурматов З.П Андижон вилояти ИИО томонидан 2021 йил 9 ойи давомида ҳисобга олинган одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг таҳлили, фош этиш ва тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари хусусида.....	184
Буриев Б.В. Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим жабҳалари.....	192
Бобоқулов З.Р. Одам савдоси – аср муаммоси.....	194
Бурханов О.Р. Одам савдосига қарши курашишнинг хуқуқий-психологик омиллари.....	199
Норматов А.О. Одам савдоси – жирканч иллат. унга қарши курашиш ва олдини олиш барчамизнинг долзарб вазифамиздир.....	205
Зоҳиров Р.Т. Одам савдосига қарши кураш – давр талаби.....	211
Шодиев М.М. Одам савдоси жиноятига қарши курашишда ёшларнинг хуқуқий маданиятини ошириш	214
Сайдоқулов И.Х. Кучли ижтимоий, хуқуқий сиёsat – одам савдосига қарши курашнинг самарали воситаси сифатида.....	219
Хомедов А.П. Одам савдосига қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти.....	222
Кличев Ф.Т. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўнал-тириш тизимида ички ишлар органларининг ваколатлари.....	227
Суяров О.Ш. Одам савдоси жиноятлари ва унга қарши курашишда ички ишлар органларининг фаолияти.....	230
Уринов Н.И. Одам савдоси-қуллик балоси.....	234
Матякубов А.А. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берадиган шарт шароитлар.....	237

**ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИНГ СОДИР ЭТИЛИШ САБАЛЛАРИ
ВА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ. МАЗКУР
ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ВА ҚАРШИ КУРАШИШДА
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ**
*Республика илмий-амалий конференция материаллари
(2022йил 2 июнь)*

Муҳаррир Ф.Б.Матякубова

Босишига рухсат этилди 00.00.2022 й. Нашриёт-хисоб табоғи 00.0
Адади 00 нусха. Буюртма № 000. Нархи шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100077, Тошкент ш., Хусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй